


Алишер НАВОИЙ




ФАРҲОД ВА ШИРИН

# Алишер НАВОИЙ

## ФАРҲОД ВА ШИРИН

(насрий баёни)



## VI



*Қалам васфида бир неча сўз ва назм мамлакатининг ўлкаларини яққалам қилган ва «Беш ганж» варақлари\*га сўз гавҳарларини сочган рақамкаш таърифиди ва унинг ёзганини рақам-барақам билган, балки унинг қаламига эргашган ёзувчи бобида.*

Қалам шундай бир чопқир отки, унинг жойи азалдан фалакнинг устидадир. Лекин бу учқур қора от подшоҳ Хусравнинг Шабдиз исмли тўриқ оти даражасида ҳар қандай одамни қўрқувга сола оладиган бўлса-да, унинг устига инсоннинг бармоғи чавандоз бўлиб миниб олган. Бармоқдаги бўғинлар гўё унинг белбоғи, тирноқлар эса унинг юзидир. У чопар экан, ўз қуйруғини байроқ қилади. Унинг бошидан оёғи худди қулогидек тилинган.

Йўқ, уни Шабдиз деб атама. У бамисоли бир хушовоз қуш. Қанотсиз бўла туриб, ҳар томонга парвоз қила олади. Унинг тумшугидан доим қора каҳрабо томиб туради. Лекин бу каҳрабодан инсонларга гавҳарлар сочилади.

Қўй, уни қуш ҳам дема. Ундаги жисм қушда йўқ. Санъатлар ҳақими уни ҳеч бир тенги йўқ тилим қилиб яратган. Умрида хасталик кўрмаган бўлса ҳам, унда заифлик голиб бўлиб, орасидаги бўшчиликда\*\* юзлаб маънолар хазинаси яширинган.

Унинг бу хазиналаридан ҳеч ким Ганжада яшаган хазина сочувчи Низомий Ганжавий каби фойдаланиб, орзуларига етган эмас. Гарчи оромгоҳи Ганжада бўлса ҳам доим ўша ганж:

\* Низомий Ганжавий «Хамса»си кўзда тутилади. (Изоҳларни муҳаррир тузган).

\*\* Қамиш қалам назарда тутилади.

дан муродим ҳосил қилди. У ўз кўнглини маънолар хазина-сига айлантирган, оғзининг эшиклари эса овоздан холидир. Чунки у ўзининг кўнгли хазинасига эшикларни икки лабидан очган бўлиб, у хазинага ҳар ким ҳам йўл топа олмайди.

Аммо, унинг ҳикмат ясовчи меъмори уни хазинадоргина эмас, азалдан тош отувчи қилиб ҳам яратди. Кимки унинг хазинасига ўғирлиқ қилиш ниятида яқинлашар экан, шунинг учун ҳам унинг бошига фалак тошотаридан тошлар ёғилади. Бу ҳар томонга ошкора ёғилган тошлардан дўстлар гавҳар топса, душманлар чақиртошга дуч келадилар. Унинг ўзи чақиртошларни отайину хазина оғзини очмай қўя қолайин, дейди. Лекин уни очиб қолганда, ундан не-не гавҳарлар сочилмаган! Бу гавҳарлар бутун жаҳонни худди осмонни юлдуз босгандай босган. Улар тупроққа қўшилиб кетадиган, оёқ остида қолса синадиган гавҳарлар бўлмай, шундай гавҳарларки, жилва қилганда улардан одамларнинг қулоғи зийнат топади. Бу гавҳарлар қулоққа тақиладиган оддий зийнатлар ҳам эмас, қулоқдан оламан деса, қайтиб оладиган зийнатлар ҳам эмас. Қулоққа кириб жойлашиб олган бу дурлар қалбга ҳам кириб, уни хазинага айлантиради. Улар қалбнигина лаб-лаб тўлдириб қўя қолмай, дарёга солса, дарёни ҳам лаб-лаб қилиб тўлдиришга қодир.

Бу дурлардан одамлар тинмасдан олиб турса ҳам, юз йилда мингдан бири кам бўлмайди. Ҳеч ким шакар сочувчи ҳиндузода — Хусрав Деҳлавийдек гавҳар улашувчи бўла олмаган. У ҳинду эмас, балки ширин сўз тўти; тўти ҳам эмас, йўқ, уни булбули шўрида ҳол деб ата. Ёзганлари тўтиникидек бутун оламни тутган, фигони булбулникидек осмонга етган. Эгнига назм яшил ипакдан тўқилган тўн ёлган бўлиб, уни бу ҳолда тўти эмас, Хизр пайғамбар деса тўғри бўлади. Унинг зулмати ҳам, ахир, Ҳиндистон, равон сўзлари ҳам, ахир, ҳаёт булоғининг ўзгинаси-ку!

Агар уни булбул десанг, Ҳиндистон — тун. Бу тунни эса қсра зулмат деб эмас, анбар ҳидларини сочиб турадиган муанбар тун деб аташ жойиздир. У шундай бир тунда ухламайдиган, қоронғи кечага сурон солувчи булбулдир. Уни булбул деб эмас, асда бечора Қақнус\* деб аташ ўринлироқдир. Унинг куйидан аса Қақнуснинг ўзи ҳам оромини йўқотиб изгироб чекади. Агар Қақнус жон ўртайдиган нола чекса, унга барчаси дил тешувчи минг нола ўқи бўлиб қадалади.

Уларни ўқ ҳам дема, балки уларнинг ҳар бирини бир оқ

\* Қақнуснинг энг яхши тасвири шоирнинг «Лисонут-тайр» достонида келтирилган.



яшени деб билки, бир чақнаганининг ўзида кўкдан ергача ҳамма ёқни куйдириб юборади. Бу ўтлар шоирнинг жонига, йўқ, унинг жонигагина эмас, бутун ер юзига ҳар нафасда юз бор ўт солади. Унинг нафасларидан маъно денгизларида тўлқинлар юзага келиб, тўққиз осмон шу тўлқинлар остида ҳатто кўмилиб кетади.

Бу шоир ўз шеърларидан сўз ипига дурлар тизар экан, фалак денгизи шу дурлар билан фахрланади. Яратган назмининг қораламаси унга кўклам булутини эслатади; бу булут халқ бошига дурру-гавҳарлар сочади. У булутнинг ўзи ҳам бошдан-оёқ гавҳарлар орасида бўлиб, баҳор булутини сингари қорадир.

Қўй, уни қора ҳам дема, мушкин бир булут деб атай қол. Ундан томган ҳар бир қатра энг тоза дурга айланади. Бу дурнинг васфи сўзга сиғмайди, нафислигидан эса уни ҳеч бир кўз билан кўриб бўлмайди. Аввало ўзи покиза гавҳар бўлгани учун тили доим инжу сочади. Мамлакат хирожини эса бу гавҳарнинг қиммати олдида бир увоқ гавҳарга тенг, холос.

Ҳа, у гавҳар эмас, балки илму фазлнинг кони, уни кон ҳам дема. Уни маънолар тоғи деб аташ, балки тўғрироқ бўлар. Агар у тоғ бўлмаса, нега шиддат билан қора булутларни ялаб, яшиндан осмонга ҳар дамда бир тиг кўтаради?!

Бу майдон ичра тура билиш, Низомий панжасига панжа уриш осон эмас. Шу пайтгача ким унинг чангалига панжа урган бўлса, у ўз чангалини майиб қилди, холос\*. Шернинг қаршисида шерларча жанг қилиш керак. Шер бўла олмаган тақдирда лоақал бир палангча бўлиш зарур. Бўлмаса, йўлбарслардан юзтаси йиғилса ҳам улардан фойда йўқ, уларнинг юзига пуф дейиш керак, холос\*\*.

Унча-мунча елдан денгиз кўрқмайди. Бироқ қаттиқ шамол кўтарилса, денгизнинг кўкси минг чок бўлиб кетади. Дарё қўзғалганда шамолга ҳам таъсир қилади, аммо эсан ҳар қандай ел уни чайқата олмайди, Низомий шундай улуг пил\*\*\* эдики, у гавҳарнинг энг катта хазинасини яратди. Гал борки, пил билан олишиб, хартумига хартум солиш учун пил бўлиш керак. Гарчи оддий пашшада ҳам ўзига яраша хартум бўлса-да, одамларга озор бериш учун шум найзаси ҳам бўлса-да, лекин пил ўз хартумини ўзига бир уриб олганда, унинг битта ярасига юз минг пашша малҳам бўлади.

\* Бунда «Хамса» типидagi асарни яратиш қийинлиги ҳақида гап бормоқда.

\*\* Бу ерда «юз» икки маънода (сон ва бет) берилиб, сўз ўйини ишлатилмоқда.


\*\*\* п и л — фил, титан.

Бугунги кунда ўша пил шу ҳинду (Хусрав Деҳлавий) эканлигини билиб ол; кичикроқ бўлса-да, бир пил. Кишиларнинг наздида у кичик ҳуринаётган бўлса-да, ҳар ҳолда, Ҳиндистон ўрмонининг пилидир.

Баҳор булутларининг зиндапили ўз ёпинғичини токи осмон рангида ясашиб турар экан, огоҳ бўл! Бу икки пилни худо ёрлақаб, иккаласини ҳам раҳмат майидан маст қилсин. Навойга ҳам шу икки пилнинг шавкатини, шу икки пилнинг қувватини етказ. Токи Навой ҳам ўз замонининг шу икки пилидай, замон пилигина эмас, балки маст пилидай бўлсин. У ҳам маст бўлиш ҳунарини эгаллаб, сўз ўрмонини ўз тасаруфига олсин.

Вужудимда қон қайнамоқда. Кел, эй соқий, ҳар икки шорининг ҳурмати учун бир қўш пиёла май узат. Мен уларнинг ишқиде икки қадаҳ май ичиб, сўнг Жомий шаробининг мадҳига киришай\*.

## VII



*Ҳазрати шайхул-ислом мавлоно Нуриддин Абдураҳмон Жомий мадҳидаки, унинг ҳиммати майхонасининг сувчилари ҳайрат водийсининг бу лабташнаси учун маъно бодасининг жомини дам-бадам тўлдириб турдилар*

Хусрав билан Низомий икки пил бўлса, Жомий бир ўзи юз пил чоғлиқ бор. Муҳаббат жомини охиригача сипқарган ва ўша катта пиллардан орамизда тирик юрган кимсан — Зинда Пили Аҳмади Жом\*\* ҳам шудир. Уни ваҳдат майидан

\* Гафур Гулом нашрида Жомий мадҳига бағишланган боб тушириб қолдирилган (А. Х.).

\*\* Зинда Пили Аҳмади Жом — Жомдан чиққан машҳур мутасаввуф форс шоирининг лақаби (XI—XII асрлар). Жомий ҳам Жомдан чиққан бўлгани учун Навой уни ўз ҳамшаҳари билан таққосламоқда.

гоят маст бўлган ҳолда кўриб, унга ана шу «Зинда Пил» лақабини берганлар. У шу хилда май қуйқаларидан завқ билан кайф қилгани учун сафо аҳллари ундан қолган ичимликнинг томчисини қўймай ичиб юрадилар. У ҳақиқат майини ичар экан, қадаҳи осмондай катта бўлса-да, бир қатрасини қўймай симиради.

Жомий тимсолида биз фано тимсолини кўрамыз. Унинг танасидаги бир холнинг ўзи олам-олам маънога эга. Фанолик унинг вужудини шу қадар йўқотганки, натижада йўқ нарса-нинг ўрнида бор нарса пайдо бўлган. Фано даштида у ўзини бунчалик йўқотиши сабабли маъҳум сўқмоқларда катта йўлда сайр қилгандек сайр эта бошлади. Бу маъҳум чизилган йўлларда, у маъҳум қилиб чизган чизиқларда бирор нуқта қўйилмаган бўлиб, ақл олдидаги йўқлик нуқтаси бундан мустаснодир. Бошқача қилиб айтганда, фано мулкида у ўз борлигини шу даражада йўқ қилганки, уни узоқдан кўринган бир катта қоралик деб тушуниш мумкин. Жаҳонни қандай қилиб қўрқувга солиш мумкинки, унинг ўзи айтиб ўтганимиз — маъҳум бир нуқта ичида йўқ бўлиб кетса!

Ҳа, сен Жомийни чексиз бир жаҳон деб, унинг камолотини эса ўзига ўхшаган яна бир дунё деб бил. У ўзида жаҳон ичида жаҳондек куч-қудрат пайдо қилиб, икки дунё, яъни, у дунё ва бу дунё кишиларини ҳам ҳайратга солди.

Йўқ, уни «жаҳон» ҳам дема, «энг улуг олам» деб ата, жаҳонда энг олис, етиб бўлмас мақсад деб ата. Чунки кичкина оламда\* ниманки мавжуд бўлса, уларнинг ҳаммасини бу «улуг олам»\*\* ўзида мужассам этган. Унинг боши ҳамма нарсани тарк этиш тожидан баҳраманд бўлиб, бутун бир олам унинг шу тожига қадалган бир тугмадекдир. Унинг устидаги фақирлик либоси юз жаҳондан ҳам кенг, жаҳон ипининг учи эса унинг қўлидадир. Дили пишқириб турган маъно денгизининг энг чуқур жойини эслатади. Сўзлари эса энг йирик маъно гавҳарлари сингаридир.

Ҳа, унинг ўзи денгиз бўлса, сўзлари шу денгиздаги дурлар бўлиб, маънодорликда эса ҳар бир дурнинг ичида яна бир денгиз бордай. Унинг денгизлиги насабидан бўлса, гавҳарлиги ўзининг қобилияти ва шарафидандир. Шунинг учун ҳам унинг ишлари бири биридан таажжубланарлидир.

Қизиқки, унинг денгиздай кенг кафтида турган қамиш қалам бамисоли денгизда ўсиб турган қамишни эслатади. Қамишдан шакар тўкилиб турса, бунинг ажабланадиган ери

\* Кичкина олам — бу дунёни сўфийлар шундай деб атаганлар.

\*\* Улуг олам — инсонни, инсоннинг қалбини сўфийлар шундай деб таърифлаганлар ва атаганлар.

Йўқ\*. Лекин унинг тутган қамиш қалами эса гавҳар сочишни одат қилибди. Тўғрироғи, бу қаламнинг учидан оламга гавҳарлар сочилади, ичидан эса шакар дўкони очилгандай. Бу қалам бошдан-оёқ гўё гавҳардир. Йўқ, хато қилдим, гавҳар ҳам эмас, ичи шакар билан тўлатилган найшакардир. Шунинг учун ҳам унинг шакардан оғизларимиз тўла лаззат, гавҳаридан эса қулоқларимизда зийнат. Бу гавҳардан қулоғимиз яранмайди, тирналмайди. Шакарларидан эса оғзимиз сира кирланмайди. Идрок тилак тилаб, бу хилда шакарни топмаган. Гавҳарнинг эса бу хилда равшан ва поки ҳеч учрамаган.

Қулоқ солинг, токим бу гавҳар доим сероб бўлсин! Шакарининг шираси эса энг ширин шарбатникидек бўлсин! Унинг сўзларини маъно конининг гавҳари ҳисобида тут. Оддий шакарфурушлардан эса уни доим фарқ қил.

Навий унинг муриди ҳам қули бўлиб, ният учун йўлида ётганлардандир. Ўша гавҳар билан, эй худо, унинг кўнглини ёрит ва ўша шакар билан унинг оғзига маза бергин; сўзларини ўша гавҳардек рангин этиб, гапларини ўша шакардек ширин қилгин.

Эй соқий, ўша саховатли жомни келтир, уни риндларнинг бошлиғи Жомий менга тутсин. Агар майхона пири менга май узатар экан, пиёласи осмон бўлса ҳам, ичиб юборганим бўлсин.

## VIII



*Бу дostonни езишга нималар сабаб  
бўганини айгиб ўтмак*

Бу найрангбоз фалак ичидаги ҳар бир сеҳргар ҳам бирон нишонга, нақш чизмоқчи бўлса, хоҳ у нишоннинг вужуди чиройли бўлсин, хоҳ хунук, хоҳ макруҳ бўлсин, хоҳ ёқимли

\* Бунда шакарқамиш кўзда тутилади.

бўлсин, бундан қатъи назар, аввало сабру чидам кўрсатишга, кўнгил варақларидан бу ҳақдаги хаёлини бир ўтказиб олишга ҳаракат қилади, бусиз унинг иш бошлаши мумкин эмас. Ақл олдида бу сўзлар яширин эмас.

Яна бири шуки, ҳеч кимга ҳеч бир иш, ўша ишга биров сабаб бўлмаса, юз бермайди. Мен бу дostonни ёзишни орау қилиб қолдим, шунинг шавқи кўнглимни боғлаб олди. Шу орзу дурру гавҳарларни қўлга киритиш хаёлини кўнгилга солиб, мени ўшандай бепоён дурру гавҳарлар денгизига отди. Шу орзу менга ўргимчак ипининг тугунларини ечиб, кўк буржигга тўғаноқ солишни буюрди. Бунинг учун Бало тоғига зўрлик кўрсатмоқ, чимчалок учи билан қаттиқ тошларда зовур қазмоқ зарур эди.

Ҳа, насрин гулининг баргига қалам сурмоқ Фарҳод ила Ширин дostonни ёзмоқ демакдир. Бу ишга эса жуда катта ақл зарур, яъни бир тиксидан юз туман гул чиқариш лозим.

Ундан ташқари, дostonнинг илгариги шаклига бир оз ўзгариш киритиш зарур эди, токи бу саҳифалар тасвири яна ҳам дилкаш бўлсин.

Дostonни ёзишга яна бир сабаб менга бало бўлиб ёпишган севги бўлиб, бу севгининг ўти жонимга зўрлик қилиб қийнар эди. Тилим у севгини таъриф қилишдан лол. Шундай экан, мен ўз аҳволим шарҳини қалам тили билан бера қолай.

Ўксик жонимга бир бало ёпишган бўлиб, бу ишқ гавғолари мени ҳар дам ҳавойи қилиб қўйган эди. Бир маҳбубанинг ишқидан жоним қайғу аламда бўлиб, елкамга тоғ-тоғ машаққат тошлари ортилгандай эди. Унинг зулми оловидан жоним хаста ва у ўтнинг тутунидан хонумоним қорайган эди. У бегона бўлса ҳам майли эди. Йўқ, у қотил, пари юзли, девзулм, ҳурзод ўзимнинг гўзалим эди. Кўзининг куфридан юз жонга, ҳатто минг мамлакат имонига туман офат ёғилар эди. У зулм қўшини билан зўр бериб, жаҳон мулкига горат солиш пайдидан эди. Унинг кўзлари кўнгил хазинасига безовталиқ солгач, киприклари сабру ақлни суғуриб ташлаш учун сузиларди. Унинг гавғоси оламнинг ҳар томонига ёйилди, вовайлоси дунёнинг ҳамма мамлакатларини эгаллади. Фаранг аҳли унинг зулмидан фиғон тортиб, хитою чинликлар ҳам унинг жабридан қўзғолон кўтарардилар.

Унинг ичкиси келса шафақ рангли майга қўл узатади, қултумлаб ичиб, қуёш пиёласини синдиради. У гўзал келиб эл қатлига мойил бўлса, ажал ҳам унга ёрдам қилиб, тиг ва кафан боғичини унинг елкаси ва қўлтиғидан ўтказа бошлайди. Агар у елқадам отининг жавлонига бел боғласа, фалам варақларини ел дарҳол ҳар томонга совура бошлайди. Унинг

жунуни тутгач, ақлини йўқотади, ҳатто ўта майхўрликна берилади, ўзи парнюз бўла туриб, айна вақтда девонага ҳам ўхшайди.

Чақмоқдай тез югурувчи ишқ мен бечорани шундай бир офат ўтига гирифтор этди. Фалак мен мубталога зулмлар қилиб, шундай бир балога гирифтор қилиб қўйди. Ичимни қайғу шу даражада ўксинтирдикки, Мажнун ҳам бу қадар ўксимаган. Кўнглим қайғу қушларининг ҳужумидан вайрона, маломат тошлари кўксимга ёғилгани ёғилган. Телбалик кўнглимни қайғу саҳросига ташлаб, ҳар нафас мени бошқа бир оламга олиб кетади. На бу қайғули хотиримга унинг висоли кўринади, на ҳижронининг ўти бир нафас куйдиришдан тўхтайд.

Дардим ўлдирадиган даражада, ишқим бевош бўлишига қарамай, севгилим булардан ҳам тунд ва эгчил эди. Унга вафосиз, таъсиз, ноаҳиллар ҳуш кўринар, у вафоли, таъбли одамларни севмас, ёқтирмас эди. Унинг учун тўккан кўз ёшларимга малаклар рашк қилгани ҳолда у парининг ўзи ҳар қандай дев учун кўз ёши тўкар эди. Кўз ёшларим унинг ишида гавҳардай тизилган ҳолда, у гўзал ярамас кишилар томонига мойил. Шунча безаклари, зебу зийнатлари билан тову с наҳса қолган бойқушлар билан дўсту ҳамнишин бўлса нетайин!

Ҳа, менинг бошимга шунча дарду ғамни солган у ой ўзи жаҳонни кезади, ҳар ерда бўлиб, кечалари ухламай саёқлик қилади. Менга ғаму азоб-уқубатларни мунис қилиб, ўзи ҳар уйда мажлисларнинг шамъи бўлиб юради. Юлдузлар каби сабру қароримни ўғирлаб, ҳаётимни кечадай қоронғи этади.

Оқибатда, у менинг бошимга шунча кўп қийинчилик устига қийинчиликларни солди. Агар тезда донишмандлик қилиб, бирер фойдали фикрга келинмаса жондан умид йўқлиги кўришиб қолди. Ишқ аҳлига кўнглини минг пора қилиб улашмоқ яхши. Бироқ севиловчи ноаҳиллик қилса, бунинг чорасини топиш ҳам ёмон эмас.

Бу ғам туфайли менда ҳеч қандай ақл-ҳуш қолмагандан кейин, қулоғимга ғойибдан ногоҳ шундай бир нидо эшитилди:

— «Эй, сиқилиб, бир бурчакда ёлғизланиб қолган киши, кўнглинг суйгани қайғу ва бало бўлиб қолибди. Сен, ахир, бундан бурун қаламингни ўткирлаштириб, суман гулнинг прогини сунбулникига ўхшатиб қўйган эдинг. Сен худди Хиврга ўхшаб қоронғи зулматда тириклик сувини халққа тинҳона сочган эдинг. Бошқача қилиб айтганда, олтинлар-ла безалган бир қасрнинг режасини тузиб, «Ҳайратул-аброр»дек

бир асар яратдинг. Бу билан сен халойиққа қимматбаҳо инжулар сочиб, фаришталардан ҳам офаринлар эшитган эдинг. Сен гарчи уни ёзишда ранж тортган бўлсанг ҳам, қара, нақадар қимматбаҳо хазина топдинг! Киши бир неча кун қийналса ҳам, бироқ шундай хазинани қўлга кирита олса, у хазинада порлаб турган инжулар, лаъли бадахшонлар бўлса, бу хазинада олтинлар кўплигидан зирнихча\* қадрланмаса, кумуш қора тупроқча ҳам кўзга илинмаса, сен ойлар давомида бундай ўз-ўзидан ёруғ бериб турадиган нақдина шоҳона хазинани қўйиб, бир парча қалбаки кумушдан ясалган санамга топинмоқдасан. Ахир, унинг учун инжу билан тош ўртасида тафовут йўқ-ку! Баъзида уни кумуш танли гўзалим деб атаб, баъзида ой юзли қўғирчоғим деб атаб, ҳақдан уялмай, уни ўзингга қиблагоҳ қилиб, унинг ишқида тортган оҳларинг эса фалаклардан ўтди. У гўзал бўлса сени бу дунёда хор-зор қилса-да, қиёматда оёқ-қўлингни боғлаб берса-ю, жаҳлат туфайли бу дунёдан ҳам, у дунёдан ҳам ажралиб қолсанг!

Кел, энди жоҳиллик қилмай, бу хил жаҳолатдан воз кеч. Ўша бутни синдириб, имон ганжини топил, жаҳлингни йиғиштириб, илму ирфон хазинасига эриш. Бут синиб, кофирлигингни шамол учирса, кофир бўлиб турган одам мусулмон бўласан-қоласан. Яхшиси, энди сен вайроналарда телбалик қилишни қўй, яна бир хазинага қўл ургин. Яна бир конни қазиш учун кириш, қазиб, қўлга киритган бойликларингни эса, дўстларга улаш.

Кимки бу конни қазишни ўзига ҳунар қилиб олган бўлса, қўлида қаттиқ тошларни ҳам кеса оладиган тешаси бўлиши керак. Агар сен теша уришлик ишига толиб бўлсанг, Фарҳод билан ҳамсуҳбат бўлганинг яхши. Бу коннинг ишқида тешани тош йўнадирган қил, уни Фарҳоднинг қайроқ тошида қайраб сл. Тез туриб, Фарҳод билан бир сафга тур ва ўткир метин билан қаттиқ тошлар бағрини ёр. Бу ишда бир нафас ҳам тинма, таянма, метин кетидан метин тушира бер. Бундай қийинчиликларни тортиб-тортиб Фарҳод ўлиб кетган бўлса ҳам, лекин тангри сенга ўлмасингдан бурун хазиналар беради. Бу хил хазинадан баҳра олиб, ўша қийинчиликлардан халос бўласан. Маҳзун Фарҳоднинг машғулотини ширин қилиб қўйсанг, ўзинг шундай бир севгилига учрайсанки, агар бу севгилинг Ширинга бир дам ёндошса, ширинлиги унинг ширинлигидан кам келмайди. Бу ганжсуратлик сенинг кўнглингни овлаб,

маънолар хазинасидан сенга насибалар ҳам атайди. Сен шундай ганжнинг бешдан бирини\* қўлга киргизган эдинг, холос. Энди иккинчисини ҳам олишнинг тадбирини қил. Сендан талаб бўлса, биз йўл кўрсатувчи бўламиз, сен гадо бўлиб тилансанг, биз тилаган тилагингни берамиз».

Ғойибдан келган овоздан бу хушxabарни эшитиб, умидим ўзидан ўзи ўзгариб кетди. Бўлмагур хаёлларни бир чеккага йиғиштириб, кўзимда ёш билан пир Жомий даргоҳига етиб бордим. Йиғи ва уят ичида тупроққа йиқилдим. Кўзим эса у тупроқдан нур топди. Буюк осмон қаршисида бир сиқим тупроқдек ёки жаннат дарахти атрофидаги бир тутам хашакдек унинг олдида турарканман, унинг савлати жисмимга титроқ солар, аҳволимни арз қилишга уялар эдим. Жаҳонни порлатган ул қуёш менинг тупроқда симобдай титраб турганимни кўриб, менга тонг қуёшидай кулиб боқди ва ғамим шомини субҳга айлантирди. У менга:

— Ҳолинг қандай? Қани, бир-бир гапириб бер!— деб қайта-қайта сўради. Мен эса жавоб бердим.

У менинг барча аҳволимни тушунди ва менга у гўё ғойибдан овоз берган иккинчи хотифдай\*\* бўлди. Биринчи овозда нима ҳукм бўлган бўлса, иккинчи овоз бергувчи ҳам худди шуни буюрди. Унинг сўзларига ҳурмат қулоғини тутиб, айтганларини қабул қилдим ва дарров дуо қилмоғини илтимос этдим. У ўзининг ўликни ҳам тирилтирадиган ширин сўзини бошлаб, мени дуо қилди, фаришталар эса «Омин!»— дедилар.

Бу дуо эмас, орзуга етишнинг нишонаси, тилак билан бирга туғилган эгизак ният эди. Менга бундай бахтнинг нишони етишгач, ҳар тарафдан маъно эшиклари ҳам очилиб кетди. Менингдек бир қора тупроқ узра ёмғир булути шундайин кўп инжулар сочдики, у инжуларнинг даражаси дарё ва конлардан, дарё ва конлар эмас, ҳатто кўкдан ҳам ошиб кетди. Мен эса тупроқ эдим, ердан кўкка етдим, сўнг ер ўпдимда, ўз ҳужрамга қараб жўнадим. Унинг эшигини ёпиш учун қўлимни узатиб, у эшикни ёпишим билан, ҳақ менинг олдимда юз эшикни очиб юборди.

Эй соқий, бир нафас хилватда бизга бир пиёла май бер, май келтиргину эшикни маҳкамлаб ёп. Жомийдан бизга шундай истак-орзу етишган экан, сен унинг ёди билан бизга бир қадаҳ май тут!

\* «Хамса» дан бир дoston кўзда тутилади.

\*\* Ҳ о т и ф — оқ фотиҳа берувчи, йўлловчи.





*Бу иқбол варақларини таққосламоқ, бу саодат тарҳлари режасини тузмоқ, хаёл денгизида мағнолар туҳфасини харид қилмоқ учун йўл босиб, ҳар бир афсона мажмуасини ва тарих тўпламини варақма-варақ ахтариб, хатоликларини рад қилмоқ, мағно нафосатлари матоғини ғайбдан келган савдогарлардан ҳаётим нақдини бериб, латофат уйининг келинчаклари учун сотиб олмоқ ва жон ипи ва киприк игнаси билан найиш ва оро либосини тикиб, бу бокиралар қадларига солиб жилвалантирмоқ*

Юлдуздек кулиб турган толеим бу «Хамса»чиликдек юксак манзил устидан менга ўрин тайёрлади. Энг аввал фаришта келиб, у жойни патлари билан супурди, осмон юлдузлардан иборат кўз ёшлари билан сув сепди. Шифт ўрнида олий бинонинг гумбази кўринар, уй жиҳозлари ўрнида осмон атлас ёйган эди. Манқалга тун Қумор шаҳридан келтирилган ўзининг хушбўй удини солар, унинг ўти гўё қуёшу ундан сачраган учқунлар эса юлдузлар эди.

Мен шу покиза жойдан ўзимга оромгоҳ танладим. Йўлимнинг тупроғига осмон ўз манглайини қўйган эди. Тонг менинг саҳифаларимдан сафо ва шом қаламим нукидан ранг оларди. Мен ёзиш учун қаламимнинг учини йўниб чиқарган эдим, Уторид\* келиб, сочилган тарошларни йиғиб олди. Қала-

мим ёзишга бошлагани ҳам йўқ эдики, эшикдан иқбол ва саодат кириб келди. Улар юзлари билан жаҳонни шод қилиб, мени муборакбод қила бошладилар:

— Тангри ҳар на истагинг бўлса етқирсин, нимани истаганг олдинга келтирсин. Осмон сингари буюк ҳиммат дегани мана шу бўлади. Қуёш каби тоза ният ҳам шу бўлади. Осмон сенинг ҳимматингга пешанасини суртиб, қуёш эса сенинг ниятингга офаринлар ўқимоқда. Сабаби — сен шундай юксак айвонга кўзингни солдинг, шундай буюк тепанинг тупроғини ола бошладинг. Агар тупроқ олсанг олтин бўлсин, бир қатра тер тўксанг, ҳар қатра теринг қиммат баҳо дурга айлансин. Ҳар бим ҳиммат базмида пиёла кўтарса, ўша пиёладан ўз мақсадига тўла эришади. Қайси қушнинг қаноти ҳимматдан бўлса, у пастдаги уяларга назар солиб ўлтирмайди, юқоридаги ошёнларни мўлжаллайди. Энг баландда учадиган қуш — «Насри тойир»\* ҳиммат қанотини очгани учун осмоннинг оқшомги ишратгоҳида сайр қилиб айланиб юради. Кимнинг иши ҳиммат қўли билан юришган бўлса, унга яна нима керак! У ҳамма муродига етган ҳисобланади.

Ҳа, буюклик ҳимматнинг нишонаси бўлиб, ким ҳимматсизлик кўрсатган бўлса замон уни пастлаштирди. Пашша теэлик билан ҳавога кўтарилгани учун ерда қолган фил унга жазо беришдан ожиздир. Беқарор мушк иси осмон сари юз қўйгани учун унинг қора шомини неча-неча юлдузлар ёритди. Ер қазувчи тупроқ қазишни ўзига ҳунар қилиб олгани учун доим тириклай гўрга киргандайдир.

Сен ҳам шундай ҳимматни намойиш қилдинг. Сўз йўқки, кўзлаган мақсадингга етгайсен. Бироқ, тангрига таваккал қилиб, иш бошланиши олдидан шундай бир чидам кўрсат ва бу уйга атаб шундай бир мато тўқигинки, у жуда гўзал, бу уйнинг тузилиши, кўриниши ҳам ниҳоятда чиройли бўлсин. Сенинг дилкаш назмларингни одамлар тинглар экан, у назмда берилган афсоналар ҳам кўнгилга ёқадирган бўлиши керак. Энг аввал ўз олдинга қаердан бўлса ҳам, қанча бўлса ҳам тарихга доир китобларни тўпла ва ёзмоқчи бўлган асарингга оид тарихни у китоблардан қидир. Шояд сен улардан бу ҳақда ёзиб ўтган кишиларнинг кўзи тушмаган бир неча сўзларни топиб олсанг! Сен шундай бир нарсани назм қилгинки, унинг режаси тамоман янги бўлсин, ўқиган одамларнинг ҳам унга рағбати чексиз орта борсин.

Ахир бошқалар назм қилганини такрорлаш сенга яраш-

\* Н а с р и т с й и р — қушга ўхшаб жойлашган бир туркум юлдузнинг номи.

майди. Эрдан орқада қолиб от чоптириш ҳам, одамлар босиб ўтиб кетган йўлдан югуриб юриш ҳам сенга эп эмас. Бир одам бир чаманда айланиб юриб, очилган гулларнинг ҳам-масини териб олган бўлса, ўша жойдан яна гул қидириш яхши эмас. Бу бўстон саҳнида гул ҳам кўп, чаман ҳам кўп.

Ўйлаб-ўйлаб, бу сўзларнинг ҳаммасини кўнглимдан ўтказганимда, улардаги барча мазмун менинг дилимга ёқиб тушди. Кўнглимни бу андеша ўзига боғлаб олиб, ҳар тарафдан тарихга доир китобларни йиға бошладим. Уларнинг ҳам-масини бошдан-оёқ кўриб чиқдим. Бутун воқеа кўз олдимда зоҳир бўлди. Ўша мен мақсад қилган гаплар топилди, пиёламга истаганимча май қуйилди. Мен энди у дурларни назм ипига чизар эканман, яхши қулоқ солган одамга шу нарса маълум бўладики, мендан олдин бу поёни йўқ тубсиз назм денгизига шўнғиган кишилар атайи бир неча дурнигина қўлга киритишга муяссар бўлган эканлар. Бироқ не-не қимматли дурлар эса ҳали у ерда қолиб ётган экан. Мен бир ожиз, қўлида сармоясини бўлмаган одам унинг тубига етдим ва ўша қолган дурларни териб олиб, бу дилрабо асаримга\* безак қилдим.

Чин нақшларининг рашкини келтиратурган бу гулшаннинг шабадаси ҳам, гули ҳам олов рангидадир\*\*. Чунки дунё бўстонида мавжуд бўлишдан мақсад қуймак ва дард чекмакдан бошқа нарса эмас. Бу қуйиш туфайли ишқ аҳли ҳақида бир дoston юзага келади. Бу дoston эса муҳаббат аҳлидан қолган бир нишона бўлади.

Аммо бу пиёладан май ичганлар\*\*\* бошдан-оёқ Хисравга маддоҳлик қилдилар. Улар:

— Хисравнинг мамлакати ундоғу ундаги расм-русмлар мундоғ, қўшинлари андоғу унда мавжуд имкониятлар мундоғ!— деб, баъзан оламни айланиб чиққан Шабдиз исмли отини мақтасалар, баъзан шамол учириб олиб келган хази-насидан сўзладилар. Улар тасвирида ишрат базмида дастурхонлар ясалган дастурхонларгина эмас, бутун бир қасрлар, айвонлар яратилган. Хисрав гоҳ Борбад қўшиқлари остида май ичса, гоҳ Шопурдан\*\*\*\* кетма-кет дostonлар тинглар эди. Вазири Бузург Умид\*\*\*\* унинг олдида донишмандликлар қилар, донишмандлик эмас, тўғрироғи хушомадгўйликлар қилар эди. У эса гоҳ Марямнинг\*\*\*\* қучоғида ором олар, гоҳ

\* Ушбу «Фарҳод ва Ширин» дostonи кўзда тутилади.

\*\* Фарҳод ва Ширин мавзудидаги ишқий дoston ва унинг таъсирчанлигига ишора қилинмоқда.

\*\*\* Шу мавзуда дoston ёзганлар демоқчи шоир.

\*\*\*\* Навоий салафлари дostonларининг қаҳрамонлари номлари.

Шакарнинг ҳалвосини тоғиб мақсадини ҳосил этарди. Гоҳо Ширинга шоҳона ишқ изҳор қилиб, Ширин эса унга гоҳ севики, гоҳ чўри эди. Бутун эркалик билан ўсган бу шоҳ гўё севги йўриғи бўлмиш дарду балолар, изтироблар нималигини билмас эди.

Улар асарларида гап орасида бир-икки дoston айтиб, Фарҳоднинг хусусиятларидан ҳам сўзлаб ўтадилар. Уларча, Фарҳод умрини тоғларда ўтказган бир тошчақар бўлиб, Шириннинг ишқи ғамида беқарор эди. Бир неча кун у ёрга етишув йўлида елиб-югурган. Охир-оқибатда Хисрав уни ҳам тоғу гош орасида ўлдирган. Гарчи уларнинг қаламлари нақшлар билан шундай тасвирларни яратган эсаларда, умуман уларнинг дostonларининг бориши шу хилда эди.

Лекин бу моҳир устодларнинг ҳар бири ҳам ўз назмига шундай қимматли жавоҳирларни қадаганки, у гавҳарларнинг баҳосини билишдан ҳар қандай одамнинг андешаси ва ҳикматни ҳунар қилиб эгаллаб олган одамнинг ҳисси ҳам, ақли ҳам ҳайрон. Мен бечора уларнинг назмлари олдида тадай қийинликлар кўришимни илгаридан билиб, фаҳмлаб олдим.

Мен ўзгача бир режа билан бу меҳнатнома шаҳрига киришмоғим зарур. Гарчи менинг назмларимда инжулик даъвоси бўлмаса ҳам, булар тош бўлганда ҳам чақмоқ тошларидир. Лаъл тоши қанча ўтлик бўлиб ёниб кўринса ҳам у қачон чақмоқ тошидай учқун бера олган?! Уни чақмоқтош ҳам дема, балки бало тоғидир. Унда ғам ва қайғулар тоғ-тоғ бўлиб ётади. Бу қайғу тоғидаги дард ва машаққатлар орасида ўша тоғ қазувчидан нега ҳам қочай, ҳазар қилай?

Бу тўғрида ёзишда Хусрав Низомийга пайравлик қилди. Бунда Хусрав — хисрав яъни оддий ҳукмдору Низомий бир шоҳ қатори эди. Бу икки ягона шоирларнинг ҳар иккиси ҳам нуқул Хисрав ҳақида афсона сўйладилар. Мен ўксикка севги ўз кучини кўрсатиб, мени қайғу тоғидаги Фарҳоддай қилиб қўйди. Иш шундай экан, мен наво тортиб, бечора Фарҳод тўғрисида дoston айтсам муносибдир. Фарҳод ва Ширин ҳикояларидан сўйлаб, жон китобининг икки оятини битсам, тимдаланган кўксим билан фиғон тортиб, шу ўтқир фиғоним згови билан Фарҳоднинг тешасини чархлаб берсам дейман!

Ганжада тарбия топган биринчи сўз устаси Низомий бу дардли афсонани қаламга олар экан, шундай дейди:

Фарҳод битта тошчақар бўлса ҳам ўз ҳунарида моҳир устоз эди. Ширин эса қаттиқ тошлар орасидан ажойиб бир ариқ чиқармоқ орзусида юрарди. Ул ҳур бу ишнинг бирор устасини истарди. Шопур келиб, ғамли Фарҳоднинг таъри-

фини Ширинга етказди. У пари эса Фарҳодни топиб келтиришга буюрди. Шопур ҳам тезлик билан бориб уни топиб келди. У ой бир неча қават парда орқасида туриб, Фарҳодга сўз билан иш буюрар эди. Унинг овозини эшитган шўрлик Фарҳод унга ошиқ бўлиб қолиб, оҳу фарёд торта бошлади. Унинг сабру қарори йитиб, ҳушидан кетди; охири иш шу ерга бориб етдики, ўзи ҳам бу дунёдан ўтди.

Бироқ, Ҳиндистон сеҳрғари Хусрав Деҳлавий бу малолат достонини ёзар экан, унинг қалами таҳрирга шошиб, унга талай ўзгартиш киритди. Бирорта сўзни мувофиқроқ айтар экан, бурунги номага\* татбиқ қилиб кўрди. Уша асл нусхага, ундаги гавҳарларга қараб қалам тебратди; шу хилдаги инжулар билан безатилган дoston яратди. Унингча, Фарҳод насабига кўра султонлардан бўлиб, Хитой мамлакатигадаги хонлардан эди. Фарҳоднинг гап-сўзларида уста ҳунармандлик нишонлари, манглайда эса тождорлик шукуҳи кўриниб турарди. Аммо кишилик одати ва одамлик хосияти шундай-дирки, табиат бирор ишга майл қилиб қолса, шу майлдан ўзини тутиб қолиши қийин. Агар ҳавас найзасини ўқталиб зўр келса, энг аввал ақл кўзларини кўр қилади. Ҳавасга берилган киши албатта мағлуб бўлади. Бу мағлублик сен султону, сен гадо деб турмайди. Фарҳоднинг табиатига ҳавас эгалик қилиб, бир талай номуносиб ҳунарларни унга муносиб қилди. Хоқон ўз фарзандини шу хилда кўриб, уни бу ишлардан баъзан лутф билан, баъзан жабр билан қайтармоқчи бўлди. Қарадики, у одатни тарк қилиши қийин. Ахир, бахтли бўлиш ёки бахтсиз бўлиш кишининг ўз зотидандир. Бу тўғрида жуда кўп ўйлаб кўрди; подшолик ва салтанат шаънига бу ор туюлди. Ноилож қолиб, заруратдан ўз жони пайвандини узиб, «Майли, доно фарзандга сафарга чиқиши учун рухсат!» деди. Ўғли бутун оламни сайр этиш учун қадам қўйгач, маълум ишлар унинг бошига тўла-тўкис тушгандан тушди.

Шоир Ашраф ҳам бу хил дostonни ёзиш майдонига от сурганлардандир. У ҳам бу ҳақдаги сўзларга бошқача тартиб берганлардандир.

Бу учовдан ташқари ушбу дoston бошқалар тарафидан ҳам ёзилган деб қулоғимизга чалинган бўлса-да, аммо ёзган кишиси маълум бўлмади. Ҳар уч шоир бу пиёлани соф кўтардилар; улар яратган дostonлар давомида кўзга ташланган ихтилофлар шулардан иборатдир.

Шоир Хусрав бу ранго-ранг афсонани ҳикоя қилар экан, ўзидан аввалги Низомийни сўз аввалида эслаб ўтади. Менга


\* Бурунги номага — Низомийнинг «Хусрав ва Ширин» дostonига демоқчи шоир.

ҳам бу жуда маъқул тушди. Ҷазимдан илгари Фарҳод достонини ёзганлар тўғрисида киришда бир-икки оғиз гапириб ўтишни лозим топдим. Ахир, бир сўзнинг бошини билмаганларга охири миғ яхшилаб айтган билан масалани тушунтира олмайсан. «Имон» элга раҳматдан нишона бўлса-да, алифидан ажраса «ямон» бўлиб қолади\*. Гарчи «шамс» (қуёш)ни олтин деб ҳис қилинса ҳам, бироқ «шамс» сўзидан «шин» кетса «мис» бўлиб қолади. Меҳнат кечаларига шамъ ёруғлиқ беради, бироқ шуъласи ўчиши билан қоронғилиқ чўқади. Менга қайғу оқшоми шундай ниҳоний куйишни раво кўрган экан, мен жон ўртагувчи бу шамъни ёқмоқчи бўламан; шамънинг бошида олтин тожи бўлмаса, кечага қандай ёруғлиқ беради?!

Умидим шуки, бу гўзал шамъ жоним уйига жилва бериши билан чекланмасдан, қуёш каби кўк айвонини ҳам ёритсин, унинг шуълалари бутун оламни тутсин!

Эй соқий, сен менга порлоқ бир шамъ келтир, порлоқ шамъ эмас, балки оламни ёритган қуёшни келтир. Ул қуёш ўзининг нурларини тоғ устида кўрсата бошлагач, мен ҳам ўша тоғ устига Фарҳод сингари кўтарилай!

## XII



*Хоқони Чин таърифиди, унинг бўстонидидаги дарахтлар фарзанд мевасидан бебаҳра эканини айтмоқ ва шаҳзода Фарҳоднинг йўқлик шабистонидан борлиқ гулшанига келганини қалам булбули тилидан сайрамоқ*

Чиний ипак матоларга зийнат берувчи санъаткор унинг юз тарафига қуйидаги тартибда нақшлар чизди:

\* «Имон», «ямон» сўзларининг арабча ҳарфлар билан ёзилишига ишора қилинаётир.

Чин мамлакати ўша чинлик наққошлар чизган расмларнинг ҳам рашкини келтирадирган даражада гўзал бўлиб, ҳатто жаннат боғлари ҳам унга ҳасад билан боқади. Ана шу Чин мулкининг шоҳи шундай улуг хон эдики, уни хон эмас, хоқон деб атаса ҳам бўлаверар эди. Мулкининг кенглиги икки оламча, тахтининг юксаклиги эса етти осмонча эди. Қўшини ер юзидаги қумлардан, балки осмондаги юлдузлардан ҳам кўп эди. Унинг бойлиги-чи, Эрон шоҳи Фаридуннинг давлатидан, казиналари Қоруннинг казиналаридан юз минг марта кўп эди. Унинг олий қасри осмон мисоли, балки ундан ҳам юксак эди. Мўғул хонлари унинг олдида қуллар каби турар, бошқа ўлкаларни босиб олиб юривчи шоҳлар унга ўлка бериб кун кўрар эдилар. Кафтининг сахийликдаги кенглиги денгиздан ҳам кенг, гавҳарлар сочиб инъом бериши эса, ҳар қандай кондан зиёда. Тўғрироғи, унинг саховати кондан эмас, имкондан ортиқ, буни нимага таққос қилманг, ҳаммасидан ҳам устун эди.

Шундай қилиб, замона уни дунёда якка-ягона қилиб, барча хонлар орасида эса бемисл қилиб яратган эди. Қадимдан буён тинмай айланиб тургувчи дунё уни шунчалик ёлғиз яратган эдики, ҳатто фарзанди ҳам йўқ эди. Шунинг учун ҳам унинг тожи қуёш инжуси билан безалган бўлса-да, унинг бошқа бир дурга эҳтиёжи кучли эди. Унинг мурод боғи юз гулдан баҳраманд бўлса ҳам, бироқ хон бошқа бир гулга орзуманд эди. Унинг юзидан ҳар икки дунё нур олса ҳам, аммо унинг кўзи бир кўз қорачуғига учиб турар эди.

Хон ўзига-ўзи дер эди: «Жаҳоннинг бақоси йўқ. Фаолиятимиз қасрининг асоси ҳам мустаҳкам эмас. Дунё эса турли ҳодисалардан холи эмас. Агар киши минг йил подшоҳлик қилиб, бутун ер юзига хўжайинлик қилганда ҳам, барибир, охир-оқибатда йўқлиқ жомидан май ичади ва бу дунёдан кетар олдидагина унинг бир нафаслик эканини тушуниб етади. Шунда тахти мартабасининг улуглиги кўкка етган шоҳ ҳам, бир тахта кигизни бошпана қилган гадо ҳам борлиқ тупроғидан қўл силкиб кетар экан, уларнинг иккаласи ҳам тенг экани, бир-биридан фарқ қилмаслиги маълум бўлади. Шундай экан, ўзидан сўнг бир инжу — бир фарзанд ёдгир қолдирмаган тождор қандай қилиб бошини юқори кўтариб юра олади?! Бола инжу бўлса, ота ўша инжунини қўйнида сақловчи садаф. Ўяни ота — садафу бола ундан дунёга келган зурётдир. Денгизда на садаф ва на инжу бўлмаса, у қандай қилиб денгиз деб аталади? У чегарасиз бир аччиқ сув бўлиб қолади, холос. Аччиқ сув бўлганда ҳам шундайки, маст одамга ўхшаб оғзидан кўниклар сачратиб, юзини мавждан

ажинлар босиб, турли ваҳшийликларни қилади. Чамандаги сарв дарахти кўп гўзал дарахт, лекин унинг меваси бўлмагани учун ундан наф йўқ. Гўзалликдан бошқа хусусияти бўлмаган дарахт, меваси бўлмаса, ўтин ўрнидадир. Агар булут ўз ёмғири билан фойда етказмаса, у ҳавода учиб юрган қалин тутун билан баробардир. Чақин чаққанда ёруғлиғигина кўринади; ўчдими, асари ҳам қолмайди. Ўт ўчса, қайгурмаса ҳам бўлади, чунки ўрнида қолган чўғ билан яна ўт ёқиш осон. Мен ўша гавҳари йўқ денгиз ёки чўғи йўқ ўтман. Янада тўғрироғи, мен денгиз ҳам эмас, ваҳшат билан қопланган кўлман, яшин тушиб аланга олган ўтман. Бағримдаги доғлар шу ўтдан қолган. Давр ўчоғимдаги ўтни бутунлай ўчирмасин деб, бағримдаги чўғга ўхшаган доғларни асраб юраман. Қандай аянчки, мен йиллар давомида қон ютиб, Чин ва Хитой мамлакатада хоқонлик қилган бўлсам-да, бу фоний дунёдан кетганимдан сўнг бир бегона одам келиб жойимни эгалласа! У менинг кўрпа-тўшагимга, ётоғимга оёқ босиб, қўшинимга, юртимга қўл чўзса, тунги истироҳатгоҳимда ором олса, бу ҳол замона менинг мусаффо тонгимни шом қилгани эмасми?! Мен бу хазина ва бойликларни қанча меҳнат-машаққатлар билан йиққан бўлсам, унинг иши бу хазина ва бойликларни сочиш бўлади. Душманларимнинг таъна ва афсус едиришларини айтмайсизми! Эрик шаънимга бўладиган номус-орни айтмайсизми! Менинг бу азобларим ҳаммаси ўғилсизлик туфайли бўлди. Қани энди худо ўзи бу дард-аламларимни бартараф этиб, бу қийин ҳолатда қўлимдан тутиб, ўрнимни эгаллайдиган бир фарзанд берса-да, кўзим чарақлаб очилса!»

Хоннинг муттасил гапирадиган гап-сўзи, худойимдан тилаган тилаги бир ўғил эди. Йиғлаганда кўзидан тўкилган ёшлар ҳар тарафга гавҳар бўлиб сочилар, кўз олдида шу гавҳардек бир ёш гўдакнинг пайдо бўлишини истарди. Шу мақсадда у кўп пуллар сочиб, кўп назрлар қилиб, савоватлар кўрсатарди. Ўғилсизларнинг кўнглини овларди, отасизларга оталик қиларди. Буларнинг ҳаммасидан унинг мақсад ва муддаоси битта: бир ўғилга ота бўлиш! Хон тақдир қалами ёзган нарсани ўзгартиш мумкин эмаслигидан ғофил эди.

Киши ҳар бир муддаодан бир манфаатни кўзлайди. Ажаб эмаски шу йўл билан одам ўз муддаосига эришиб қолса ҳам! Кўпгина гавҳарларнинг ранги кўзга лаълга ўхшаб қизил бўлиб кўринди, қўлга олганда эса чўғ бўлиб чиқди. Замона кўп сариғ ранглари яратди, улардан олтин япроқлар бўлиб кўрингани эса ўт алангасининг тили бўлиб чиқди. Инсон кўзлаган мақсаддан келадиган фойда ҳали маълум эмас экан, энг яхшиси қисматдан текканига рози бўлишдир.



Хоқоннинг ягона муддаоси шу фарзанд эди, охир-оқибатда бу дуоси ижобат бўлди. Унинг тунги оромгоҳида янги бир ой туғилди. Ой эмас, балки оламни безагувчи бир қуёш туғилди. Боғида эса бир оташин қизил гул очилгандай бўлди. Йўқ, гул эмас, балки дард шуъласи юз очди. Бошқача қилиб айтганда даврон унинг бармоғига шундай бир узук тақдики, бу узукнинг кўзида оташин лаъл парчаси ёниб тургандек эди. Бу узукнинг уст томонига севги сирлари ёзилган, ичида эса ишқ дардининг тумори ўйиб жойлаштирилган эди.

Йўқ, у узук ҳам эмас, лаъл ҳам эмас, кечаларни ёритувчи дур, дур ҳам эмас, жаҳонни куйдирувчи ажойиб бир гавҳар эди. Унинг жон иплари вафо тоби билан эшилган, бағри қазонинг ўймакори томонидан тешилган. Кўзида ёш селидан асарлар, нафасида оқ тутунидан хабарлар билиниб турарди. Манглайида севгининг нури кўзга ташланиб турган бўлса, чеҳрасида вафо тамғаси пайдо бўлган эди. Осмон уни дардлиларнинг шоҳи деб атаган, фаришта дард ўтидан хабардор деб тошган бир ўғил эди.

У туғилиши билан ишқ аҳли орасида саросима бошланди. Гўё Сиёвуш ўт ичида сайр қилиб юриб бунга туққандай эди\*. Вафо аҳли севинчдан, бир-бирини муборақбод қилишдан ғавро кўтарган эдилар.

Ота бу инжуга қараб тураркан, кулгидан оғзи садафдек ёйилиб кетди. Севинганидан эса у дунёга талайгина гавҳарлар сочди. Бу ҳадялардан ҳатто денгизлар, конлар ғамга ботдилар. Мамлакатни одатга кўра бошдан-оёқ ясатдилар. Бу безакларнинг ҳаммаси Чин элининг совғаларидан иборат эди. Жарчи эса ҳаммага оид шундай бир ҳукми эълон қилди: «Чин мамлакатида қанча девор бўлса, барчаси нафис ва гўзал матолар билан ясатилсин! Уларнинг ҳаммаси ипакдан тўқилган бўлсин! Бугина эмас, ҳамма ёқ тошга ишланган, кўнгилни тортадиган чиний суратлар билан нақшланган бўлсин!»

Шу хилда безаклар билан расм-русумлар ўтказилар экан, бутун Чин ўлкаси гўё бир суратхонага айланиб кетди. Халқ нима иш қилса уни тергаш йўқ, ким нима иш қилса уни ёмон дейиш ҳам йўқ эди.

Шундай бир катта зиёфат берилдики, бундай зиёфатни бу кўҳна дунё ҳеч бир даврда кўрмаган эди. Эрон шоҳларидан Каёнийларнинг базмлари бу зиёфат олдида унинг юздан би-

рита ҳам тўғри келмас эди. Дастурхоннинг ўзи ҳам осмондек бўлиб, ҳаддан ташқари катта эди. Дастурхондаги ҳар бири қуёш чамбаридек нонларнинг сон-саноғи йўқ эди. Бунда бутун мамлакат халқининг эҳтиёжи ҳисобга олинган ва бунга мамлакатнинг уч йиллик хирожи бағишланган эди. Халойиқ хурсандчилик қилишдан бир дам ҳам тинмас, лекин ўйин-кулгида чегарадан чиқиб ҳам кетмас эди.

Бу мамлакатда хурсандчилик ва шодлик шовқинини эшитиб, қайғу-машаққат карвони ўз юкини орқалаб жўнаб қолди. Халқ устидаги талон-торож йўқолиб, унинг ўрнида айш доимийликка ўрин олди. Ҳеч кимнинг юзида ажиндан нишона қолмади. Дала-даштдагиларнинг юзи ҳам шаҳарликларникидек эди. Май эл ичидан қайғуни маҳв этиб, қизил сув қора қайғуни бартараф қилди.

Кел, эй соқий, биз учун қўшиқ айтиб, менга ҳам тўйдан улуш бер, тулгун қадаҳ тут! Мени Чин халқидай майпараст этиб, чинни косаларда тўла май бер-да, маст қил!

## ХНН



*Шаҳзода Фарҳоднинг шавқ гулшанида гунча жанида гулдек кўйлаги чок, балки булбулдек кўнгли ғамнок бўлгани, дард муаллими мактабида ишқ китобларини сўзма-сўз, балки муҳаббат варақларини ҳарфма-ҳарф ўқигани, диловарлик майдонида йигитлик машқларини шижоат билан ўргангани*

Бу гўзал базмда завқ билан қўшиқ айтган киши ўз сўзлари билан шундай дostonчилик қилади:

Хоқонга тангри фарзанд бергач, у ҳадыдан ғоятда шоду-хурсанд бўлди. Унинг жамоли билан кўнглини хуш қилди.

Унга от қўйинг учун тараддуд бошлади. Унинг юзида шоҳлик ёғдуси (фар) кўзга тавланиб тургани сабабли, бу нурдан еру кўз ёришиб турарди. Ҳиммат, иқболу давлат бирдан ўзининг юзини кўрсатиб, булар ҳам унинг юзидаги ёғдудан зийнат топдилар. Бу айтилган уч нарса асосга олиниб, барини бир-бирига қўшганларида «Фарҳод» сўзи келиб чиқди. Ушбу иқбол ёғдусига бахт йўлбошчилик қилиб, шаҳзодага тездан Фарҳод деб от қўйдилар.

Гўдакни юпқа ва нозик ипак матодан қилинган йўрғакларга ўраб, безатилган бешикка солиб, маҳкам боғлаб қўйдилар.

Йўқ, унинг отини отаси қўймади, балки унинг зотининг покизалигини кўриб, унга «доно Фарҳод» исми қўйилди. Бу исмнинг ҳарфлари келиб чиқиши ҳам беш қисмга бўлинди. Беш сўзнинг бошида биттадан ҳарфни ажратганда, «фироқ» дан «ф»ни, «рашк»дан, «р»ни, «ҳажр»дан «ҳ»ни, «оҳ»дан «о»ни ва ниҳоят «дард»дан «д»ни севги устози бир-бирига бириктирганда «Фарҳод» исми тартиб топди\*.

У бечорани зериктирадиган бешикка белаб, бешикнинг ипларига уни гирифторман этдилар. Хуллас, давлат қушига қафас бўлганидай, унга бешик макон бўлди. Фалак келини доялар сингари тун-кун унинг ҳол-аҳволидан хабардор эди. Бешик атрофида чинликлар ва хитойликлар йиғилишиб, лабларини юз хил оҳангга солиб алла айтишарди. Боланинг кўзидаги ноз бошқаларнинг кўзидан уйқусини қочирар, улар Фарҳоднинг уйқусини келтириш учун алла айтганлари айтган эди. Унинг сифати эса бошқа ёш болаларникидек бўлмай, кўзига ҳеч уйқу келмас эди.

Доя унинг гавдаси куч-қувватга тўлсин деб оғзига сут соғарди. У эса бетоб одам бодом ширасини ёқтирмагани янглиғ сут ичишни истамас эди. Ишқ дояси унга ичирган ҳар қатра сут унинг юрагига севгининг бир гавҳар сармояси бўлиб йиғилар эди. Ҳар қатра сут бир инжудан нишона берар, лекин бу инжуларнинг ҳаммаси маънолар инжуси эди.

У сут билан ўсар экан, чумолидан ҳам кам овқатланишига қарамай, кун сайин худди арслон боласидай қувват олиб борар эди. Ўз овқатини севгидан топган киши сут ичса инжу, қон ичса ёқут бўлади.

Шундай қилиб, унинг ёши бирга тўлди. Боши шараф дури билан безалди. Оёққа туриб, бешикни тарк этди. Эмаклашни ҳам қўйиб, биратўласига юришга уннаб қолди. Фалакнинг

айланиб туриши уни уч ёшга етказганда, унинг дурдай пок сўзлар билан тили чиқа бошлади. Лекин унинг ҳамма сўзлари ишқ афсоналарига оид бўлиб, юрадиган жойи ҳам, турадиган жойи ҳам шу ишқ кошонаси эди. Таажжуби шуки, уч ёшга кирган бу бола кўринишда ўн яшар боланинг дидини берар эди. Бу ишга ҳамма ҳайрон, дунё ҳам, қуёш ҳам унинг бошида саргардон эди.

Отаси ўглини бу хилда кўргач, унга илм касб этишни муносиб деб тушунди. Ўз билимининг кенглиги билан жаҳон ичида ўзи бир жаҳон бўлган билимдон бир донишмандни келтирдилар. Унинг фикри олдида фалак жумбоқлари осонгина ечилар, унинг ғоят нозик мулоҳаза юритишидан фалакнинг ўзи мушкул бир аҳволга тушиб қолар эди. Унинг ёруғ ўй-фикрлари қуёшдай равшан, лекин унинг кўнгли бундан ҳам порлоқ эди. Дунёда бор энг махфий илмлар ҳам унинг олдида энг маълум бўлган илмлар бўлиб чиқарди. Агар унинг фикр оти осмон илми томон юрса, кўкдаги ҳар бир заррача ҳаммаси унга дарҳол бошдан-оёқ маълум бўлиб қўя қоларди. Агар ҳикмат юзасидан райи жисмларнинг тақсиротига тушиб кетса, ҳар қандай улуг жисм ҳам унинг кўз олдида йўқлиқ нуқтасидай бўлиб қоларди. Табиий фанлар дейсизми, риёзат ёки илоҳиёт дейсизми — ҳаммаси унинг олдида «алиф», «бе», «те» ҳарфларидек аён эди. Бу ҳикматларнинг ҳаммасини у Юнонда тўплаган бўлиб, Арасту унинг кичик бир шогирдича эди.

Шоҳ базмини бу олам билимдони ёритгач, олам ҳукмдори — Хоқон шаҳзодани чақирди. Муаллимга таъкидлаб, унга таълим беришни топширди. Унинг олдида шаҳзода кўк қўйнидаги қуёшдай ўрин тутди. Устоз «алиф», «бе» деб бошлаганда, Фарҳод «алам»дан «алиф»ни, балодан «бе»ни чиқарди. Биринчи кундаёқ бу сарвақад ва гулзели шаҳзода отасига абжад ҳисобини ўрганганлигини совға қилди. Учинчи ойга келиб саводи шаррос чиқди. Биринчи йили қуръонни ёд олди.

У ҳар бир сабоқни бир марта кўрса, ўша варақни бошқа очиб ўлтирмас эди. Нима сўзни ўқиса кўнглига, фақат кўнглига эмас, ҳатто жон лавҳасига нақшланиб қолар эди. У ўзига ўқиб ўтиш билан бирга ўқиб ўтишни ҳам шиор қилиб олган, ўқиганлари ҳаммаси саҳифама-саҳифа ёдига ўрнашиб борар эди.

Айниқса, у ишқ ва ошиқлик ҳақида ёзилган гапларни кўрганда ҳазин кўнгли безовта ҳолга тушар эди. Ўша сўзларни шарҳлаб такрор-такрор ўқир, ўқиганда ҳам нола ва зор билан ўқирди. Ошиқларнинг қайғуси ҳақида сўз кетганда маъюсла-

нар, ошиқларнинг ёқа йиртишини ўқиганда ўзи ҳам ёқасини чок қилар эди. Бирон киши ўз дардидан озгина бўлса ҳам ривоят бошласа, унга бу жуда қаттиқ таъсир этарди. Одамзод кўнглини билиб, у эзилиб йиғлар, бирон кўзда ёш кўрса қўшилишиб кўз ёши тўкар эди.

Муаллим бу аҳволни кўриб, нима қилишни билмас, ундан қайта-қайта бунинг сабабини сўрар эди. Отаси бунга гоҳо ҳайрон бўлиб қолар, онаси эса, кўп ўйлаш натижасида кўзи ожиз бўлиб қолган эди. Биров:— Ҳамма болалар ҳам шу хилда бўлади!— деса, бошқа биров бошқа болаларни кўрмаб-мизми?!— дер эди. Уларнинг ҳар бири ундаги ҳолни ўзлари-ча таъбир қилар, лекин ҳеч ким унинг тақдирида нималар берлигини билмас эди. Унинг бу хил ишлари эл орасида ҳаммага ёйилиб кетди.

Фарҳод умрининг ўн ёшини яшади. Бу вақтга келиб дунёда у эгалламаган, ўрганиб тагига ета олмаган бирон илм қолмади. Унинг ёши атиги ўн ёшга борган бўлса ҳам, унинг гавдаси, қадди-қомати, куч-қуввати йигирма ёш йигитларникидай эди.

Унинг учун билим китоблари бир-бир ёпилгач, у энди жанговарлик яроғларини эгаллашга майл қилди. Бу ишларга оз фурсатгина муҳаббат билан киришганига қарамай, нимага майл қилган бўлса ўшанинг моҳир устаси бўлиб чиқди. У осмон камалагига ўхшаган ёйини куч билан отиб, Шарқда туриб Ғарбни ура оладиган бўлди. Қоронғи кечада кўзга зўрға кўринадиган Хулкар тўпидаги хира Суҳо юлдузини нишонга олса, у тақдир ўқига нишон бўлгандай бўлар эди. У ўқ отганда кўкнинг жанговар юлдузи — Миррих ўзининг қўрқув тугунларини ечиб юборар ва офаринлар айтар эди. Қиличининг зарбаси олдида ҳар қандай ер ёрилиб, сув ювганда ҳосил бўлган чуқурликларга ўхшаб қоларди. Фақат ер эмас, ўзига қаттиқ тошларни кийим-бош қилиб олган тоғларнинг кийимида дарзлар пайдо бўлар эди. Агар Эльбрус тоғига ҳамла қилиб, бир гурзи урса, у гард-гард бўлиб осмонга чиқиб кетарди. У найзасини боши устида фалакдай айлантирганда айланиб турган осмон унга қалқон вазифасини ўтарди. Этигининг пошнасидаги мих билан ер тагидаги балиқни санчар, ўқининг учи билан эса фалакнинг гардишини тешиб чиқарди.

У бирон майдонга йўл олиб, от соладиган бўлса, Ғарбдан Шарққача бўлган масофа отининг туёғи остида бир нафасда харобага айланар эди. Унинг минган саман оти осмон отидан ҳам тез чопар, огдан туриб ташланган арқон эса нақ кўкдаги жанговар қиёфада турган Миррих юлдузининг бўйнига ўра-

ларди. Унинг олти қиррали гурзиси — шашпаридан етти осмонга офат ёғилар, ҳанжарининг зарбидан Хут\* (балиқ)нинг бағри сувга айланар эди. Панжаси билан Асад (арслон)\*\* бўйинни уза олар, ҳар қандай арслон у бир панжа солса мағлуб бўлмай иложи йўқ эди. Баданига ўқ-яроғ кор қилмайдиган шоҳ Асфандиёр ҳам унинг панжасига панжасини урса, майиб бўлмай қолмасди.

Лекин шундай баланд овозалик билими, шундай чексиз куч-қудрати билан у ўзини абжад ўқийдиган боладан ҳам кам тутар, бу камтарлик фақат билимда эмас, ўз кучини намойиш қилишда ҳам кўзга ташланиб турарди. Шоҳлар унинг эшигининг гадоий бўлган ҳолда, у гадоликни подшоҳликдан афзал кўрарди.

Мен унинг фақат кўнгли поку кўзи пок, — демайман, балки унинг тили ҳам пок, сўзи ҳам пок, ўзи ҳам. Унинг бундай покиза хулқ-табиатига муносиб равишда барча халқ унинг дуосини қилар эди. Агар Фарҳод томонга ногоҳ бирор совуқ шамол эсиб қолса, Чин мамлакатининг ҳамма халқи унга тегмаса эди! — деб совуғ оқ тортарди. Хуллас, эл ўзининг хонумонини унга фидо қилгудай, хонумонинигина эмас, жонини ҳам бағишлагудай эди.

Отаси унга ҳеч дард, алам юзланмасин, деб ҳар куни унинг боши учун бир гавҳар садақа қилар эди. Борди-ю, унга заррача қайғу юзланса, уни бундан халос этиш учун гавҳарлар баҳосини берар эди. Аммо унинг ичу таши дард билан тўла эди. Шу аҳволда у ўн тўрт ёшга кирди.

Эй соқий, сен бизга қайғулар етиштирган шаробдан келтир. Чунки бизнинг кўнглимиз парваришни қайғулардан олган. Бошимга қайғу ўз тиғини тортмасдан бурун бу нафасда подлик базмини қизитиб юбор.

\* Хут — ўн иккинчи офтоб буржи.

\*\* Асад — бешинчи бурж.



*Фарҳоднинг йигитлик гулшанида се-  
винч гуллари очиладиган вақтда қайғу  
тиканлари юз кўргизгани ва унинг бул-  
булдек фиғон тортгани, Хоқон бу ишдан  
дилтанг бўлиб, унинг чораси учун тўрт  
боғ режасини чизгани*

Бу қасрни обод қилган муҳандис унинг режасига қуйида-  
гича тартиб берди:

Хоқон мурод-мақсадига етгач, ўйин-кулги базмида ором  
олди. Чунки унинг кечки истироҳатгоҳи фарзанд шамъи билан  
равшан бўлиб, базмида очилган гуллардан янги гулшан  
юзга келди.

У шамъ қанчалик кўнгилни ёриштирадиган бўлса ҳам,  
аммо унинг шуъласи унинг ўз жонини кўп куйдирар, қийнар  
эди. Бу ўт гоҳи аланга чиқарса, гоҳи юзида дона-дона ёшлар  
кўринишига сабабчи бўларди. Ишқ эса ҳар дақиқада шаҳзо-  
данинг юзига пинҳона: «Барибир мен бу гулни заъфарон қи-  
лажакман!» — дерди. Ғам юклари унинг қадди-қомати билан  
сирлашиб: «Барибир, мен бу алифни долдек эгаман!» — дер-  
ди. Кўзига эса қайғу ўз афсоналарини сўзлаб: «Қачон бўлма-  
син мен бу икки кўздан уйқуни ўғирлайман!» — дерди. Дард-  
чи, унинг кўнглига қарар ва: «Қачон бўлса ҳам бу уйдан,  
албатта, чанг чиқараман!» — деб таҳдид солар эди.

Бошимизда айланувчи осмон бир ишни юзага чиқармоқчи  
бўлса, энг аввалданоқ унинг нишонларини кўрсатади. Бу,  
иситманинг баданда аланга кўргизмасдан олдин иссиқлик  
чиқаргани кабилдир. Куз шамоли яфроғларни тўкишдан олдин  
уларнинг рангини сарғайтиради. Кимга бўлмасин тақдир бир  
балони етказмоқчи бўлса, ўша одамнинг аҳволида илгаридан  
бир ўзгариш кўрсата бошлайди.

Фарҳоднинг пешанасида кўп қайғу ва қийинчиликлар ёзилгани учун у ҳозирги шундай севинчи кунларида ҳам ғамгин эди. Базм аҳли айшу ишратни бошлаб, бир вақт гул рангли қадаҳларни кўтаришга бошлар эканлар, улар айна пайтда ҳар томондан ўзларича ялла ҳам бошлар, хурсандчиликдан ўйин-кулгини кўтаргандан кўтарардилар. Базм иштирокчиларининг севинчига сабаб бўлган ҳар бир нағма Фарҳод севинчини дард ва қайғуга айлантирар эди. Айтилаётган ҳар бир қўшиқ ёки афсонада Мажнун оти зикр этилса, унинг кўнгли, албатта, маҳзун бўлиб қоларди. Қайси яллада бирор қайғудан ривоят қилинса, бу қайғудан унинг ғами ошгандан ошиб кетар эди. Ишқ ва ошиқлик ҳикояларини эшитар-эшитмас икки кўзидан икки ариқ кўз ёшини ҳеч тия олмас эди.

Хоқон унинг бундай ҳолидан хабардор бўлиб қолгандан кейин, доим ундан огоҳ бўлиб, ҳар дамда бир совуғ оҳлар тортиб, фикр қилар эди:

Нима учун у доим шод бўлиб юрмас экан-а? Нимага ҳамisha ғамдан фориғ бўлишни ўйламас экан? Унинг бунчалик оҳу фиғон тортишига боис нима экан? Қандай ташвиш унинг бунчалик кўз ёши тўкишига сабабчи бўлди экан?!

Сўнгра Хоқон Хитой мамлакатида бўлган, бошқа мамлакатларда бўлиши ҳеч мумкин бўлмаган ажойиб ва ғаройиб кишиларни йиғдирди. Тўпланган суманбарларнинг ҳаммаси бири-биридан гўзал ва нозик эди. Фалакдай бевафо масхарабозлар эса ўйнайдиган ўз соққаларини ҳеч билдирмай кўкнинг тосидан ўғирлаган эдилар. Булар найранг кўрсата бошлар экан, фалак уларнинг қўлидан ҳар лаҳзада ўн бор панд ер эди. Улар тунни ёритиб, кундузни қоронғилатар, сувдан ўт ёндириб, ўтдан сув чиқариб сепар эдилар. Шуълали ўтдан яна исирик кўкартириб, ўргимчакнинг ипи билан темирчиларнинг сандонини осиб қўя олар эдилар.

Отаси макр ва кўзбўямачиликда булардан ҳам ўтиб кетган яна бир қанча, санаб ҳисобига етиб бўлмайдиган кишиларни йиғди. Булар ҳар куни шаҳзода Фарҳоднинг базмида ҳозир бўлиб, ўзларининг макр ва найранглари намоёниш қилар эдилар. Шаҳзода бу ҳунарларнинг ҳар қайсисини чуқур ўйлаб, уларнинг қандай амалга оширилиш сирларини текшириб, билиб олар эди. Бу ишлар билан юз берган бир нафаслик хурсандчилик тугар-туғамас, бундан ҳосил бўлган ажабланиш ҳам тугар эди. Улар кўрсатган қизиқчиликларнинг ҳар қандай кўриниш ва шакллари ҳам кўз олдидан ўтиб кетгандан кейин, унинг кайфияти яна илгариги ҳолига қайтарди.



Дунёни эгаллаган Хоқон бу ишлар билан ҳам Фарҳоднинг дардига илож қилолмади. Бечора, кўп ўйлашлардан сўнг тағин бир ишни амалга оширмоқчи бўлди. Фарҳод учун шундай тўрт олий қаср қурилсаки, бундаги ҳар бир қаср йилнинг бир фаслига мос бўлиб, Фарҳод унда турса. Ҳар қасрда айшу ишратларнинг керак яроғи тайёрланиб, Фарҳод у ерда фароғат қилиб, тоза майларни ичса. Ҳар қасрнинг теварак-атрофида боғлар ясалиб, ундаги гулларнинг ҳар бири кеча чирогидай порлаб турса. Ҳунармандлар ҳам ҳар қасрни бир фасл рангига мувофиқ қилиб қурсалар. Чунончи, баҳор қасрининг пойдевори қўйилгач, унинг жамолини гулларга қиёс қилинса, гулчеҳра санамдек безаб, унга ўша гўзаллар юзидаги рангни берсалар.

Яна бир қаср ёзлик бўлиб, бунда ноз-неъматлар бўстони юзага келтирилса. Бу фаслда кўкатлар, барглар кўкаргани сабабли, бу қасрни шунга муносиб равишда яшил рангда қурсалар.

Яна бир қаср кузги бўлиб, буниси шу фасл, ранг — хазон рангига ўхшаш сариқ бўлса. Бу қасрни ўша ранг билан безар эканлар, зар билан унга турли нақшлар ишласалар.

Яна бир қаср қишники бўлиб, уни кофурдай оқ ва хушбўй хитойи матолар билан қопласалар. Ундаги ҳар бир нарса қор билан музга ўхшаса, ранги эса кофур монанд бўлиб турса. Ўзида йилнинг тўрт фаслини намоён қилиб турадиган, қилиги осмоннинг қилиғига ўхшаган ана шундай тўрт қаср яасалар-да, уларни чиний нашқлар билан безасалар, ҳар бир боғнинг майдони жаннат боғларидай кенг бўлса. Бу гўзал бинолар жаннатдаги уйларга монанд қилиб қуриб бўлингач, уларда яшаш учун жаннатдаги ҳур ва гилмонлар ҳам керак. Шунинг учун Хитой ва Чинда бор нозанинларни, жаннат одамларига монанд йигитларни ҳам танлаб келинса. Улар бу боғларда худди жаннатда юргандек юриб сайр қилсалар. Ҳеч шак йўқки, шаҳзода буларнинг ҳаммасидан баҳраманд бўлиб, кўнгли очилса.

Бунинг учун аввал усталар бу қурилишнинг лойиҳасини туза бошлаган вақтдан бу истироҳатгоҳлар тамом битадиган муддатга қадар кўпгина ҳунармандлар тўпланса. Улар ўз ҳунарларини кўрсатсалар. Тошйўнарлар, наққошлар ҳам чақирилса. Бирини юз хил тошларни тинмай йўниб, ҳовузнинг қирғоқларини, йўлларни тузатса. Бошқа биттаси юз хил нақшлар чизиб, ҳар бир қасрни нақшлаб чиқса. Бу корхона тамоман битиб, битишининг белгилари кўриниб қолгандан кейин, албатта, кўп ажойиб-ғаройиб нарсалар юзага келади. Унда талай шакллар пайдо бўлади. Ушанда кўзга ҳар дамда

бир янги шакл кўринади-ю, кўз олиб бошқасига қаралса яна ўзга бир шакл пайдо бўлиб қолади.

Ана шундай юзлаб шакллар ва унга қўшимча юз хилдаги тимсоллар жилва бериб турса. Бу қасрларни ясаш вақтида ҳар санъаткор ўз санъати билан астойдил шуғулланса. Қасрлар битгандан сўнг бу ерларда Фарҳод айш-ишратга машғул бўлса. Фарҳоднинг табиати шуларга берилиб, шубҳасиз, бошқа хаёллардан қутулиб кетади.

Хоқон бу тadbирни ўйлаб топиб, уни амалга оширишга қўл ургандан кейин ичига ҳам хурсандчилик югургандай бўлди. Унинг олдида бахти чопган вазири бор эди. Унинг саъю ҳаракати туфайли мамлакат обод ва маъмур эди. Мамлакат ундай оройиш ва зийнат олар, шунинг учун эл ичида у Мулкоро номи билан шуҳрат топган эди. У айтмаган ишга шоҳ майл кўрсатмас, унинг раъйдан ташқари ҳеч бир ишни қилмас эди. Ана шу одам Фарҳодга отабек бўлиб, Фарҳод ҳам уни ўз отасидай кўрар эди.

Мулкоро Фарҳоднинг паришон аҳволидан худди хазинаси таланган хазина эгасидек хафа эди. Шоҳ ҳалиги фикрга келгандан кейин, бировга билдирмай Мулкорони бир хилватга чақирди. Унга қасрлар қуриб, у ерга ҳурларни жойлаштириш билан боғлиқ режаларини, хаёлларини тушунтириб берди:

— Шоҳим, ҳеч бир иш сенинг раъйингдан яшириниб қолмаган. Энди бу ишга тезлик билан киришмоқ керак.

Шоҳ бу ишни бошлаб юборишни Мулкоронинг ўзига топширди. Мулкоро бу буйруқни эшитиши билан дарров ўрнидан турди ва мамлакат шоҳи олдида ер ўпди. Шоҳ ҳузуридан чиқиб, хурсанд бўлиб, керакли асбоб-ускуналарни ҳозирлашга киришди.

Эй соқий, менга энди сен бир қадаҳ тиниқ шароб келтир. Бу соатда шодлик асбоб-анжомлари муҳайё этилган. Ёдингда бўлсинки, фалакнинг етти қасри вафосиз, жаҳоннинг тўрт фасли эса ўткинчидир.



*Мулкоронинг Эрам боғига монанд  
тўрт боғ билан кўкка туташган тўрт  
қаср қурилишига саркор ва меъмор та-  
йинлаб, ишни бошлагани, Фарҳоднинг  
келиб, ҳунармандлар санъатини томо-  
ша қилгани*

Бу улкан бинони қурган уста унинг тузилишидан қуйида-  
гича нишона берди:

Шоҳ мамлакат бўйлаб обод бинолар қуриш ҳақида Мулко-  
рога буйруқ бергандан кейин, ўзи амалдорлар билан хушҳол  
йўлга тушди. Унинг манглайида иқбол барқ уриб турар эди.  
Унинг ёнида донишмандлар, муҳандис усталар ҳисобсиз дара-  
жада кўп эди. Улар йўл-йўлакай севинч билан қадаҳлар кў-  
тариб, Чин теварагини кездилар ва куш табиат тўрт мавзуни  
танладилар. Уларнинг ҳар бири жаннатнинг майдонларини  
эслатар, майдони билан бирга сув, ҳавоси ҳам гўзал эди. Бу  
майдонлар йилнинг ҳар фаслига ҳам мос бўлиб, шаҳзода исти-  
роҳат қилса, арзирли ерлар эди.

Вазир аввал пойдевор жойини аниқлаб, ҳар мавзенинг ат-  
рофига тўрт чизиқ олишга буюрди. Ҳар ёғоч узунлигидаги  
ерга биттадан белги қўйиб борилди. Ёғоч оралари ҳам чизиқ  
устига чизиқлар билан тўлган эди. Тўрт қасрнинг ўринлари  
тайинланиб, боғларнинг режаси ҳам гўзал қилиб чизилди.  
Подшоҳнинг буйруқлари бажарилиб, энди иш навбати Мулко-  
рога етишди.

Чин мамлакатида икки ҳунарманд уста бор эди. Ҳар ик-  
киси гўё эгизак туғилгандай эдилар. Бирининг лақаби Бо-  
ний, бошқа бириники эса Моний эди. Уларни кўрган одамлар  
бир-бири билан адаштириб ҳам юрар эдилар. Хитой мамлака-

тида Бонийдай меъмор, Монийдай наққош топилмас, улар шу билан танилгандилар. Бонийнинг ўз ишидаги маҳорати шунчалик ўткир эдики, буни шарҳ этишга сўз топилмасди. Усталар оддий деворнинг лойиҳасини қандай осон чизишса, бу кўкўпар бир қасрнинг лойиҳасини шундай осонлик билан чизарди. Сувнинг ўртасига кўк гумбазидай олий бир иморат қуриш унга сув устида кўпик ясаш ҳисобидаги бир нарса эди. У қурган ҳар бир бино осмон қошонасидек қулаш нималигини билмас, у ишлатган туфроғ қаттиқ тошдай маҳкам, у ишлатган оҳак ҳам темирдай мустаҳкам бўларди.

Бироқ, Моний ҳам нақш солишда шундай уста эдики, унинг нақшлари учун кўк гумбази нақшин паранд\* бўларди. У энг мураккаб тўғарак нақшларни ҳам паргор билан оддий тўғри чизиқ чизгандай ясар эди. Агар жонсиз суратга безак бера бошласа, у тасвир тирик одамдай бўлиб кетарди. Унинг қалами кўланкасида пайдо бўлган ҳар бир нақшни бошқа юзта қалам зебу-зийнат бериб ўринлай олмасди. Бирор кишига у агар тушда ҳунар ўргатса, туш кўрган одам уйқусидан моҳир уста бўлиб уйғона берар эди.

Бу иккаласидан ташқари яна бир тезкор уста бор эди. Унинг санъати ҳам жуда назик эди. У қаттиқ тошлар сафи билан жанг олиб борувчининг лақаби тошкесар Қоран эди. У ўз метинининг учини тошни чопадиган даражага олиб борган бўлиб, қаттиқ тошлар бағридан дарчалар оча оларди. Унинг қалами ҳам назикликни ўзига касб қилиб, бир умр шу иш устида тебраниб келарди.

Булардан ташқари ҳар хил ҳунарда якка-ягона ҳисобланган бошқа усталар ҳам бўлиб, ўз соҳасининг бундай усталарини замон кўрмаган эди. Донишманд вазир Мулкоро уларнинг ҳаммасини олдига чақириб, олдида турган иш юзасидан сўз очди:

— Шоҳ томонидан шундай бир буйруқ содир бўлдиким, бунга шаҳзода ҳақидаги ғамхўрлик сабаб бўлган. Жаннатга ўхшаш шундай тўртта боғ яратиш керакки, ичида зийнатлар берилган тўрт гўзал қаср ҳам бўлсин. Шаҳзода эса йилнинг тўрт фаслида шу ерда истироҳат қилиб, кўнглининг қуши бу жаннатларга боғланиб қолсин.

У ҳар бир бинонинг рангини, тузилишини шарҳлаб, уларнинг лойиҳалари ундоқ бўладими ёки мундоқ бўладими — тушунтириб берди. Сўз бу ерга етгандан сўнг, ўйлаб ўлтирмасдан тошу тупроқдан ҳам кўп танга пулларни усталарнинг олдига тўкиб қўйди.

\* П а р а н д — ипакдан тўқилган юлқа мато.

Усталар ҳам ўз билимларини ишга чоғлаб, ўринларидан даст турдилар, унинг қўлларини ўпиб, кўзларига суртдилар. Мулкоро шу хилда уларнинг кўнгилларини хушлаб, иморатга керакли нарсаларни жамъ этишга тушиб кетди. Энг аввал бу ишга тўртта ишбоши тайин қилди. Булар иморатга нима лозим бўлса олдиндан тайёрлаб турадиган бўлдилар. Ҳар ишнинг бошига юз нафар кордон (ишбилармон одам)ларни қўйди. Ҳар бир кордонга мингтадан ишчи боғлади. Тош, гишт ва хари ташийдиган аравалар Чин мамлақатидаги обод ерларни ҳам, хароба ерларни ҳам босиб кетди. Уларнинг гилдираклари тоғу даштларгача афғон тортиб, бундай оғир юклардан осмон ҳам фиғон чекди.

Ҳар бир тоғ устига юзлаб тош қўпоровчилар чиқишди. Минглаб тошга пардоз берувчилар ҳам ўз ишларини бошлаб юбордилар. Бу тошларнинг оғирлиги остида арава эмас, балки чанбарак осмон айланар, шафақ чўкишидан тонг ёригунга қадар ишдан бош тўлғамай, оқу қизил тошларни ташир эди. Сувоқчиларнинг ҳар бири денгиздай жўшиб, тўлқин каби ҳар бориб келганда тўрт қиррали янги бир денгиз ясагандай бўларди. Улар ясаган денгизнинг зўрлигидан нишона ҳар тарафга кетаётган кемалар эди.

Уд ва сандал ёғочлари шунчалик кўп келтирилган эдики, дурадгор бу ёғочлар орасида мол тўла дўконга кирган савдогардай кўринмас эди. Арралари тортила бериб қизиб кетган, сандал ёғочининг қипиқлари эса қишда қор ёққандай тўкилиб турарди.

Ҳар бир пахсачи осмон билан тугашиб кетгандай, бел урғувчи эса пастда лойга кириб кетган эди. Белини урар экан, фиғон тортиб ерча келадиган бўлак лойни нақ осмонга улоқтирар эди.

Бинокор уста буюк гумбаз устида туриб, қуйидан гишт олишни истаб қолса, юз минг ой ўз сайрида кенглик топар, лекин қолган юлдузлар билан Зуҳал ўртасида тўқнашув юз беради\*.

Иш буюрувчи кетма-кет «Ҳа бўл!» деб қистар, одамлар ҳам тинмай ишлаб турардилар. Одам болаларининг тўдасига безовталиқ тушган, одам болалари оламга гўлгула солган пайт эди. Тўрт ишбоши иш устида шундай айланардиларки, бу етти кўкнинг саргардон бўлиб айланишини эслатарди. Усталардан ишга қониш нияти кетган, бир нафас тинмас ва таянмас эдилар.

---

\* Шоир устага узатиладиган гиштларни юлдузга, устани Зуҳалга ўхшатмоқда.

Қурилишда ишлар шу хил режа билан борар экан, бу-нинг ҳаммасини келиб шаҳзодага гапириб бердилар:

— Осмон сингари шундай тўрт қаср қуриладики, бамисо-ли тўрт жаннат юз кўрсатгандай. Дунёнинг тўрт сокин қитъа-си ҳалигача бу биноларнинг тоқига барабар келадиган бирор гумбазни кўргани йўқ.

Биноларни ҳаддан зиёда таъриф қилишди. Шаҳзода ҳам Сориб кўришни ҳавас қилиб қолди. Ой кўк отини мингандай шаҳзода отига миниб, саҳро томон йўл олди. Унинг ёнида худди ой атрофидаги юлдузлар сингари юзта ой юзли ҳам у билан бирга от сурди. У от чоптириб ўша томонга етиб келди. Қараса, чинакам қиёмат юз берибди. У бир дунё одамга тўғри келиб қолди. Улар иш билан қайнашар, ҳаммалари ҳатто уйқу ва овқатни ҳам эсларидан чиқариб қўйган эдилар. Тўрт-та бино осмонга шундай бош кўтарган эдики, дунё осмонга ҳар лаҳза «Офарин!»— деб тургандай эди.

Ҳавозаларни кўк тоқига теккундай қилиб боғлашган эди. Ҳавоза устидаги уста эса худди Зуҳал юлдузига ўхшарди. Ҳар бионинг юксак равоқини қўйишда гўё кўк тоқининг ўзини қолип қилгандай эдилар.

Бу ердаги ҳар бир уста гўё бошқа ишлардан тамоман озоддай, ўз ишига берилиб, кўмилиб кетган эди. Шаҳзода бундай қизиқ аҳволни кўриб, ҳайрат бармоғини тишлаб, ҳанг-манг бўлиб қолди. Қайси бир ҳунарни диққат билан кўриб, ўйлаб чиқса, ҳайрон қолади-ю, таҳсин қилишдан бошқа чора тополмайди.

Фарҳод ҳунармандларнинг ишини кузатиб юрар экан, бир неча эпчил теша ургувчиларни кўрди. Улар тошларни жой-жойига уюб, чарчамасдан уларни майдалар эдилар. Уларнинг ўтकिр тешалари олдида ҳар қандай қора тош гўё пичоқ олди-даги сариғ ёгдай юмшоқ эди. Биттасининг қўлида тош мумдай эриб, ундан шернинг оғзига ўхшатиб сув қувири ясарди. Яна биттаси қаттиқ тошларни юмшоқ ёғочдай кесиб, пардозлаб, қаср устунига фил оёғи шаклида зина ишларди.

Буларнинг орасида бир нақш солувчи уста ҳам бор эди. Лекин унинг ҳамма ишлари ҳийлага ўхшар, кўриниши муҳан-диснамою, иши ҳайкал ясаш эди. Унинг темир қалами тош устида худди туфроққа чизгандай ҳар томонга юриб, ҳар хил чизиқлар чизарди. Шу қалами билан у юз хил шаклларни яратар, унинг санъатидан Моний\* ҳам ҳайратда қолар эди. Баъзан ўзининг чизмакашлиги билан, гоҳи кучи билан шун-

\* Моний (216—276)— монувийлик дини асосчиси, уста рассом ва нақ-қош кўзда тутилмоқда.

дай санъатлар ижод этардики, бу санъатлардан дунёга гавго тушар эди.

Шаҳзода бу хилдаги ишбиларманни кўриб, уни томоша қилгиси келиб қолди. Отидан тушди. Дарров бир тош устига жой солишди. Бу билан гўё шоҳ ўлтириши учун тош устига тахт ясалгандай бўлди. Шаҳзода бу ерда хурсанд бўлиб бир оз ором олгандан кейин устага қараб:

— Эй ишбиларман санъаткор!— деди.— Бизга бу санъатингдан бир шингил гапириб бер. Биз ҳам сенинг бу ҳунарларингнинг тагига етиб, ундан хабардор бўлайлик. Ҳунаринг билан бир қаторда отингни ҳам айт. Қандай қилиб тешанг бу қаттиқ тошларни мумдек йўна олишини тушунтириб бер. Нима учундир биз шу вақтга қадар бу хилдаги ишни ҳеч кўрмаган эдик. Тушунчамиз бунни идрок этишдан ожизлик қилмоқда. Агар ёғоч бир оз қаттиқроқ бўлса, унга пичоқ урилса, пичоқ арра бўлиб қолади. Сенинг тешанг эса тош йўниш билан ҳам ҳеч зарарланаётгани йўқ. Унга сен қандай сув бергансан? Шу билан бирга тошни ўйиб, унга гул ясаётган қаламингнинг тузилишини ҳам айтиб берсанг.

Нақшлар солувчи ишбиларман уста аввал ер ўпди, сўнг дуолар билан сўз бошлади:

— Агар ҳодисалар йиғиндиси Қоф тоғидай бўлганида ҳам унга елдирим чақилиб, кўксини ёрсин. Бошинг ҳодисалар тошидан омон бўлсин. Сен отган тош дарду ғамларнинг бошини мажақласин. Ашаддий душманларнинг насибаси қаттиқ тошлар бўлсину, у машаққат тоғида овораю сарсон бўлсин. Сен аввал менинг қандай исм билан шуҳрат таратганимни сўрадинг, қолаберса санъатимнинг қандай хоссаларга эга эканини билмоқчисан. Отим Қоран. Ишим бўлса ўзи кўзга кўриниб турибди. Қўлимда тешаю олдимда қаттиқ тошлар. Сени ушбу метин билан тешанинг нима учун синмасдан ва ҳеч тинмасдан тош йўниши қизиқтирмоқда. Бу асбобларни ясаётганда уларга сув беришнинг ўзининг бир йўли бор. Бу сирни эса ҳеч кимга билдирмаймиз. Ҳар қандай уста ўз асбобларига бизнинг усул билан сув берса, ўша асбоб билан юз йил тош эмас, пўлат йўнса ҳам теша чопгувчи ўз асбобининг си- нишидан беҳавотир бўлади. Бу асбоблар ишлатила бериб, сийқаланиб, ейилиб ишдан чиқиши мумкин холос. Бу хил санъат билан иш тутувчи Чин одамлари бундай ҳунарда дунёдаги бошқа халқлардан ажралиб туради. Бироқ бу элдаги усталарнинг ўзи ҳам мен билганини билмайди. Бу даъвога далилим шуки, улар мен қилган ишни қила олмайдилар.

У доно уста ўзининг маънодор пок сўзларини шу хилда баён этди. Шаҳзода бу сирни билишга жуда қизиқиб қолди.

— Қани, менинг олдимда ўз касбингга машғул бўл. Бу санъат менинг кўнглимга ёқиб қолди. Сен гоҳо тош йўн, гоҳо тошга нақш ишла. Мен эса ўлтириб, бирма-бир кузатаман,— деди шаҳзода.

Хунарманд устанинг боши кўкка етиб, асбобу ускуна ва жеракли тошларни тайёрлади. Шаҳзоданинг кўнгли бу ишларга боғланиб қолганини кўриб, у астойдил тош йўнишга ва нақш ўйишга тушиб кетди. Уста қайси тешасини тошга солса, шаҳзода унга таҳсин айтар ва ҳайрон қолар эди. Шу равишда у қуёш юзини тош пардалар орасига яширгунча бу иш билан банд бўлди.

Шаҳзода томошага тўймай, тош устидан турди ва тош тўқли отининг устига минди. Фалакни кезгувчи қуёш тоғлар орасида яширингандай, шаҳзода ҳам тоғ-тошларни ўтиб шаҳарнинг қораси томон йўл олди.

Соқий, сен менга бир рангин қадаҳ келтир, чунки кўнглимга жуда қаттиқ қайғу тоши чўккан. У шароб сел бўлиб, ғам тиканларини супурсин. Иложи бўлса, ғам тиканинигина эмас, ғам тошларини ҳам суриб кетсин.

## XVI



*Фарҳоднинг бинолар қурилаётган жойга томошага келгани, Қорандан тош-йўнарлик, Монийдан наққошликни ўрганиб, жамъи ҳунар ва санъатларнинг нозиклигини қўлга киритгани*

Бу қаттиқ тош устида ўз қаламини чархлаб олган уста ўша тош устига қуйидаги гапларни ўйиб нақш қилди:

Шаҳзода ўша оқшом уйига келиб тушар экан, кўнглида бир нафас ҳам ором йўқ эди. Чунки уни тошларнинг томошаси ўзига бутунлай банд қилиб олган, ҳавас ҳар нафасда



кўнглига тўлқин соларди. Чунки ақл мўйсафиди қанчалик билимдон бўлмасин, барибир ҳаваскор ёшлик қўлида мағлубдир.

Зилзила вақтида тоғлар остин-устун бўлгандай, туннинг қора тоғи ҳам чаппа бўлди. Қуёшнинг лаъли тоғ устига ўзининг тахтини ўрнатди. Тонг эса осмонни мармар рангга бўяди. Кун тоғ чўққисига мингач, Фарҳод Жамшиддай томоша қилиш мақсадида йўлга отланди. Отини чоптириб, у бинолар қурилаётган ерга яқинлашди. Ҳунармандлар орасида эса гўё қиёмат кўтарилгандай бўлди. Ҳунармандларнинг тўдаларига у бир-бир назар солиб, бирон ерда тўхтамай олдинга ўтиб борарди. Ҳар кимнинг ишига бир боқиб, ўша иш билан боғлиқ бир гап айтиб, ўтиб кетар эди. Ҳунармандлар эса бундан хурсанд бўлиб, айна муддаосини топгандек ўз ишларида бундан ҳам кўп ҳиммат ва ғайрат кўрсатар эдилар. Ҳунармандларнинг ҳар бир тўдаси унинг сўзидан баҳраманд бўлди. У эса тезлик билан тошйўнар Қоран тарафига борарди.

Фарҳод келиб яна ўша тош устига ўлтирди. Қоран эса қаттиқ тошларни йўнишда давом этарди. Шаҳзода темирчи устани чақириб, пўлатдан битта теша ва битта метин ясашни буюрди. Темир эритувчи уста эса темир панжалари билан шаҳзода буюрган ишга киришди. Темир ўтда эриб, худди Бадахшон лаълидай бўлди. У ўт ичида уфққа кўмилган порлоқ қуёшга ўхшарди. Хилма-хил ёқимли асбоблар ясаларди. Лекин уларнинг ҳаммасига Қоран сув берарди. Асбобга сув бериб бўлгач, тезда у билан тош йўниб кўрардилар. Йўнилган тошлардан берилган сув оташ сочадиган бўлиб кетган эди.

Шаҳзода қайси ишга пинҳоний кўз солса, уни ўзича ҳам, ошкора ҳам тез англаб оларди. Бу ишларга у яна кўп қўшимча ҳаражатлар ҳам қилиши натижасида ҳар ишнинг равнақи даражаси бирдан мингга кўтарилди.

Шаҳзоданинг ўзи ҳам тош йўнишни шунчалик одат қилиб, ўрганиб олдики, юз Қоран унга шогирд тушадиган бўлди. Элдан андиша қилиб, гоҳо у қўлига тешасини яширинча оларди. Бир нафасда киши билмас шунча кўп иш қилардики, буни бошқалар бир ойда ҳам қила олмас эдилар. Бу ҳунарни мукаммал ўрганиб олгунга қадар шаҳзоданинг ҳар кунги машғулотини шу эди.

Фалак айлана-айлана орадан тўрт йил ўтди. Тўрт боғ ва тўрт қаср ҳам қурилиб битди. Ҳар бир қасрнинг ташқарисида Қоран санъат кўрсатиб, ичкарасида Моний нақшлар боғлаб, бинолар ранг-баранг товланадиган бўлди. Ҳар уй нақш ва расмлар билан тўла эди. Чизмакашлик рассомнинг доимий

ҳунаридир. Лекин ёнидаги иш буюрувчи ҳам чизмакаш бўлиб қолди. Қайси бир суратни Моний чизиб гавдалантирса, Фарҳод дарҳол ўша суратнинг чеҳрасини очди. Бу ишларнинг ҳаммасини жуда оз фурсатда ўрганди. Аммо уларни ўзига керакли миқдорда билиб олди.

Бу уйларнинг ичу-таши битгунча шаҳзода Фарҳод ҳам шу тарзда тошйўнар ва рассом бўлиб олди. Фақат Қораннинг эмас, бошқа ҳунармандларнинг ҳам, улар бирор санъат кўрсатадиган бўлсалар, ҳунарларини ўрганиб, шу ишларнинг ҳаммасига у майл қўйди ва тез муддатда ўша ишларнинг ҳаммасида моҳир уста бўлиб қолди.

Шу равишда ҳамма қасрлар ҳам битди, жаннатдай боғлар ҳам тайёр бўлди. «Баҳорий» деб номланган қасрнинг безаклари битгач, унинг ичу ташини гул ранги билан қопладилар. Унда тасвирланган гўзалларнинг юзлари ҳам гулранг бўлиб, гулзорда айшу ишрат қилиб юргандек эдилар. Унинг ичига чиройли бир гул ранг гилам ҳам тўшалди. Зардеворларга ҳам гуллик ипак матолар тортилди. Бутун даричалар, туйнуклар, эшик ва остоналаргача гул рангида эди.

Кишининг руҳига озиқ берадиган бир ҳовуз ҳам ясалди. Унинг атрофига лаъл-ёқутдан майда тошлар ётқизилган эди. Ҳовуз ичи гулрангли май билан тўлатилган, ариқларда ҳам шу май лиммо-лим бўлиб оқар эди. Ҳар ерда бир гулзор бўлиб, ҳар тарафда уюм-уюм гул очилиб ётарди. Гулзоли гўзаллар ўзларининг келишган қоматларини бошдан-оёқ гулранг ипакларга буркаб, у ерда айланиб юрар эдилар.

Яна бир қаср ёз услубида эди. Бу қаср яшил ранг билан кўнгилни овларди. У ям-яшил ранглар билан безалган, унинг рангига ҳатто кўм-кўк осмон ҳам маҳдиё бўлиб, саргаштаю сарсон эди. Ерлари бошдан-оёқ янги кўкатлар билан тўшалган, чаманларида сарв ва санубарлар ўтқазилган эди. Бу қасрнинг қушлари тўти, бироқ сайраш учунгина сақланган тўтилар эмас, балки ҳаммалари фариштадай яшил уст-бош кийган тўтилар эди. Ҳар тарафда кўк ипакка бурканган маҳбубалар қўлларида кўк рангли пиёлаларда май тутиб юришарди. Бу ердаги ҳовузларнинг тошлари ҳам кўкимтир, тева-рак-атрофига ётқизилган тошлар ҳам зумраддай эди. Ушбу яшил қасрнинг ташқариси осмон каби кўм-кўк, тоқининг тепаси ҳам кўк рангли тош билан қоплангандай эди. Ундаги деворларнинг яшил тош ва ғишлардан бўлгани каби пастки қисмлари ҳам яшил чинни билан пардозланган эди. Бундаги сарв дарахтларигина эмас, ҳар бир кўкат ҳам айшу ишратга йўл кўрсатар эди.

Яна бир қаср хазон рангида бўлиб, еб-ичиб, хурсанд бўлиш учун унга заъфароний ранг берилган эди. Базмларга оро берувчи тоқи олтин билан безалган, осмонга ҳамранг шифтларига ҳам тилла сув берилганди. Ҳунармандликнинг қалами жуда кўп санъаткорлик кўрсатиб, бинонинг ичи ҳам, таши ҳам бир хилда олтинланди. Ичидаги сурағларнинг гўё жонни бордай, пештоқларга ишланган нақшлар равшан қуёшдай эди. Ҳовуз атрофидаги олтин гишт ва тошлар жаннатнинг гишт ва тошларини эслатарди. Ҳовуз ичидаги сап-сариқ майнинг устига хазон сариқ гулнинг япроқларидай тўкилар эди. У ердаги санамлар осмон қуёшидай жилвагар, кийим-бошлари эса бошдан-оёқ қаҳрабо рангида эди. Уларнинг ҳаммалари ҳам замонага безовталиқ солувчи маъшуқалар, кийган кийимлари ҳам бари ошиқона эди.

Яна бир қаср бошидан охиригача нур рангида эди. Гўё бино оқлик ичидаги кофурни эслатарди. Қасрнинг ичи-таши мрамрдан бўлиб, мрамрлар оддий мрамр эмас, ҳаммаси қимматбаҳо ақиқ тошидан эди. Ҳовузи сафобахшликда тиниқ кумушга, суви эса худди симобга ўхшаб кетарди. Кумуш равоқлари ганжланган, уларни худди қош остидаги кўзнинг оқи деса бўларди. Равоқларга оқ ипак мато тортилган, деворлар эса оқ чиннидан эди. Бу уйларнинг ҳар бири кумуш баданли бир Хитой гўзали билан ёришиб турар, улар кийган кийим эса суман гулининг баргидан эди. Садаф сингари тиниқ ҳовуз ичида ҳар тарафга сувлар оқар, сувдан сачраган қатралар бамисоли инжу эди.

Шундай қилиб, Чин мамлакатининг тўрт суратхонаси, жаннат сингари тўрт қаср тайёр бўлди. Бундаги қасрларнинг ҳар бири кўк айвонидай кенг, уларни суратхона эмас, қуёшнинг соябони деса бўларди. Эрам боғидан, ҳатто боғи Эрам эмас, байтулҳарамдан ҳам гўзал боғлар битди. Мулкдорнинг жадал киришуви, хатти-ҳаракати билан бу ишлар охирига етди. Мулкоро Хоқон олдига келиб, бундай тўрт мушкул ишнинг тугалланганини бир-бир айтиб берди. У ҳамма ишнинг ва ҳамма кишиларнинг аҳволини яхши биларди. Хоқон томшасига бормоқчи бўлиб қолди.

Подшоҳнинг сўл ёнида мамлакатнинг қоронғи ишларини ўз раъйи-ихтиёри билан мунаввар қилувчи, бахти чопган вазир, ўнг томонида эса шаҳзода Фарҳод борар эдилар. Шоҳ ҳам, шаҳзода ҳам ғоят хурсанд эдилар. Шоҳу, шаҳзодаю вазир биргаликда бошлаб биринчи қасрга бордилар. Бир чеккадан томоша қила бошладилар. Жаннатни кўраман десанг, у мана шунга ўхшаган бўлади-да! Боғида юз турли ажойиботларни, қасрида эса минг хил ғаройибликларни кўздан кечиришди.

Иккинчи қаср жаннатдан ҳам ажиб, учинчи қаср ундан ҳам таажжубланарли, тўртинчиси эса ниҳоятда латофатли, учаласидан ҳам ортиқ даражада гаройиб эди. Буниси ундан, униси бундан яхшигина эмас, балки бири биридан дилкаш ва ёқимли эди.

Бу ердаги санъатларни идрок этишда ақл ҳам, жон ҳам ожиз, кўп нарсаларни тушунтишга қодир фаҳм ҳам ўз ожизлигига иқрордир. Бунисининг раънолигини кўргандан кейин тезда унисининг гўзаллиги ёддан чиқарди. Буниси ҳақида диққат билан фикр юритган одам бошқасини кўриш билан уни буткул унутарди.

Хоқон усталарга талай инъомлар берди. Улар инъомларни мўлжалларидан ҳам юз ҳисса ортиқ олишди. У Мулкоронинг даражасини яна юқорироқ кўтарди, ҳурматини илгаригидан юз мартаба оширди. Бу ердаги бор нарсаларни, ҳурларни, қасрларни, боғларни — ҳаммасини шаҳзоданинг ихтиёрига ўтказди. Бир йиллик айш-ишрат, базмнинг шундай режасини туздиларки, бунини шарҳ этишга тил ожиз. Яна Хоқон Мулкорога:— Ҳар бир ишни кечикиб қилишда офат хавфи бор. Шунинг учун тезлик билан ҳар қайси қасрнинг қайси фаслга мослигига қараб, ҳар бирида уч ойлик айшу ишратга керакли нарсаларни тайёрла. Ушбу қасрларнинг ҳавоси талаб қилган даражада уч ойлик озиқ-овқат ҳозирла!— деди.

Донишманд вазир Хоқоннинг буйруғини эшитгач, буюрилган ишни бажариш учун ҳаракатга тушиб қолди. Хазиналарга ҳар тарафдан эшиклар очиб, бир йилга етгудай тирикчилик захирасини тайёрлади. Ҳар бир қасрда уч ойдан тўй бўладирган бўлди. Ҳар куни юзта оту мингта қўй сўйилиши мўлжалланди. Яна шуларга лойиқ кўпдан-кўп егуликлар, бир-биридан яхши ичкиликлар тайёрланди. Сочиқлар сочилиши билан бирга турли куйлар куйланиб, ранг-баранг мусиқий асбоблар чалинди. У ердаги пойандозлар эса хитой матоларидан эди. Маишатни орттирувчи мевалар ҳисобсиз, ёзилган хитой дастурхонлари ниҳоятсиз эди.

Эй соқий, сен менга чинликлар қоидасича шароб бер. Чунки бир Чин гўзали менинг жонимга қасд қилди — Чин подшоси ичкилик базмига йўл олган экан, биз ҳам майга етишиш учун базм ясашимиз керак.

## XVII



*Хоқон ила Фарҳод кўклам тимсоли гулнори қасрда гулгун май ичиб, чаман гуллардан холи бўлганда ёзлик қасрға кўчиб, райҳон рангли шароблар сипқариб, дарахт яшил тўнин зағфарон атласига айирбош қилганда кузга ўхшаш қасрда олтин пиёлаларга сариқ бодалар қуйиб, энг сўнг қиш монанд қасрда биллур косаларда оқ кофурий мизож майлар кўтариб базм қурганлари; ҳар қасрда уч ойдан бир йил айш-ишрат сурсалар ҳам Фарҳоднинг кўнгли очилмагани, Хоқон унга илож қила олмагани*

Гулчеҳра қуёш ҳамал буржига ўтганда замон у қуёшни кўриб юз хил гул очади. Яратувчининг пардозчиси бу вақтда дунё келинининг ҳуснига очиқдан-очиқ оро бера бошлайди. Унга тундан соч, кундан яноқ ясаб, бўйини эса сочи билан тенг қилади\*. Ёгингарчиликдан ҳар томонда рутубат пайдо бўлиб, ёгин қатраларидан гулларнинг димоғи ҳўлланади. Булутлардан шунчалик кўп ёмғир қуйиладики, ундан ҳуркиб наргис гули бошини қуйи солади. Наргис гулидан бундай қизиқ уйқуни кўриб, ғунчаларнинг кула-кула кулгидан юзлари қизариб кетади. Ғунчалар ўзларининг шакар кулгиларини намойиш қилмоқчи бўладилару, лекин бунинг ўрнига гул-гул очилишга эриша оладилар, холос.

---

\* Бунда кундузи билан кечаси тенг келадиган наврўз байрами кунларига ишора қилинмоқда.

Булут гунча устига гоҳо дўллари отади. Гунчанинг эса хула бериб юрак-бағри қотади. Гунча кулгисидан шунчалик тинмас экан, буни, албатта, наргис уйқусидан дейиш керак эмас. Наргис ўзининг заъфарон рангли пиёлалари оғзини шундай очадики, унинг заъфаронлигидан гунча кулиб юборади. Агар гунча шу заъфароний майдан ичмаган бўлса, нима учун унинг оғзи заъфарон рангда?!

Бордию гунчанинг оғзи заъфарон бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда унинг оғзида сариқ заррачаларни яширган. У шу хил майда заррачаларни тўплаш пайига тушгани учун дунё уни шу хилда юраги тор қилиб яратган. У ўз йиққан заррачаларини тўкиш учун эгилган экан, белида ҳосил бўлган тугунлар шундандир.

Бу вақтда булбул боғ ичида шундай фиғон билан сайрайдики, унинг фиғони гулнинг бағрини қон қилади. Янада тўғриси, гул булбулнинг вужудини ўзида кўрсата бошлайди, гулнинг ҳар бир қизил япроғи булбулнинг ўтли бир пати бўлиб қолади. Булбулнинг вужуди гулга маъқул тушгани ва уни ўзида кўрсатгани сабабли уни одамлар оташин гул деб аташади.

Қачон бўлса ҳам шамол эсиб, гулнинг баргларини парча-парча қилса, у гуё олов учқунларига ўхшаш ҳар тарафга учеди. Гулшан саҳни эса бошдан-оёқ гулга кўмилади, ҳар бир гул ўз латофати билан бир гулшаннинг ўрнига ўтадиган бўлади. Тонг ели боғ саҳнини ҳам гуллар билан тўлдиради. Боғ оташин гуллар туфайли гулвор рангига бўялади. Бу ўт ёнига қўниб, жойлашиб олган булбул эса қанотини силкитиб, гул ўтини янада ёлқинлантиради.

Агар гул шохлари ўзида гул очилишини истаб, шунга киришиб қолса, гулшаннинг юзи гуллар билан гулранг бўлиб кетади. Бу фаслда бутун олам гул рангига киради. Осмон кўзгусида ҳам унинг шафақ ранг аксини кўриш мумкин.

Кўклам келиб, ҳар гул ўзида шу хилда бир гўзал феъл-атвор кўрсата бошлагач, шоҳ гул рангидаги қасрга боришга майл билдирди. Нозу неъматлар шунчалик кўп тайёрландики, гулшан буларнинг орқасида кўринмай кетди. Қаср ичига юзлаб гулранг ипак палослар тўшадилар. Шундай бир тахт ўрнатилдики, баландлиги осмонча эди. Шоҳ тахтга чиқди. Ёнига шаҳзода ўлтирди. Майдан уларнинг юзлари гулдай қизара бошлади. Тахт олдида гул рангли бир курси қўйилди. Унга эса Мулкоро келиб ўлтирди. Базмда Чиннинг юзлаб гулчеҳра гўзаллари бор эди. Ҳаммасининг эғнида гулранг ва гулдор ипак кийимлар.

Гулюзли соқийлар гулранг шароблардан тутар, одамлар

ҳам ундан бир қатра қолдирмасдан ичар эдилар. Муғаннийлар ҳам гул фаслидаги булбулдай тинмасдан нағмаларини чалар эдилар. Янги кўкарган ҳар бир сарвнинг шохларидан гуллар ҳам очилиб, қасрнинг тешик туйнуқларидан ичкарига гуллар сочилар эди. Базм аҳли бошларига гулга кўмилиб кетган, гўё қуёш шафақ денгизига гарқ бўлгандай эди.

Шаҳзода Фарҳод гулранг шароблардан олиб турар, унинг гул-гул ёнган рухсорини кўриб Хоқон хурсанд эди. Унинг юзига боққанда ўзини йўқотар даражада севиниб, кўзидан севинч ёшларини тўкарди. Қуёш эса бошларга баъзан гул, баъзан жавҳарлар сочиб, ҳар лаҳза ўз саховатини ошира борарди. Шаҳзодага фақат шу базм аҳлигина шайдо бўлиб қолмасдан, бутун Хитой ва Чин халқи ҳам унинг ҳасратида эди.

Шундай қилиб, кўкни кезиб юрувчи юлдузлар фасл ҳисоби билан уч ойни ўтказдилар. Базм аҳли эса қаср ичида гул сочиш билан овора, лаъл рангидаги шароблардан бош кўтармас эдилар.

Шу вақт гулшандаги шамол қаттиқроқ бир эсди-ю, чамани барча гуллардан ҳоли қилди-қўйди. Гулларнинг япроқлари тупроқ ичига яшириниб, дарахтларнинг ўзлари эса кўм-кўк япроқлар билан кўмилди. Чаман худди осмон рангидаги либосларга, йўқ, осмон рангидаги либосларга эмас, балки ям-яшил либосларга ўралди. Чаманларда қатор-қатор тик ўсган сарв дарахтларининг қоматини Фарҳод қаддидан тушган тўғри соя деса бўларди. Сарву санубарларни қўя тур, бу ердаги ҳар бир ёш кўчат ҳам сарву санубардан қолишмасди. Бундаги ҳар бир япроқ тўтининг патини эслатар, дарахтларнинг ўзи эса жаннатда юрган товусларни кўз олдинга келтирар эди. Унисининг майда патлари энг ингичка томирлардан сув шимса, бунисининг шоҳлик тожини нақ Хизрга ўхшаганлардан олган. Бу боғнинг товуси агар дарахтга ўхшамаса, унда нега дарахтнинг оёғи товусникига ўхшаб кетади? Дарахт ҳам уйқу пайтида товусга ўхшаб бир оёғини патларининг ичига яшириб олган-да!

Норанж\* дарахти ўзида олтиндан хазина яратиб, баргидан сариқ либос ясаган. Печак гулнинг уятдан барглари ўралиб, ҳар шохнинг устига бир эмас юзтаси чиқиб чирмашиб ётарди. Чамандаги майсазорлар яшил саҳифаларни, ундаги ариқлар эса қумуш чизиқларни эслатарди. Сув ҳавзалари ойна рангидай тиниқ, ўт-ўланлар эса сув кўзгусида пайдо бўлган қорадай эди.

Йўқ, у сувларни сен боғнинг юзи деб, ариқлар бўйидаги кўкатларни эса ўша юздаги майин туклар деб англа!

Оламнинг зебу зийнати бўлган, ҳамма ёқ сабзалар билан, хурсандчилик билан тўлган шундай бир фаслда Хоқон бу кўм-кўк гулшан томон борди ва ям-яшил гул-раънолар устида базм тузди. Фалак сингари кенг яшил қаср ичида улар шароб ичиб, айланиб турган кўм-кўк оламни ҳам унутдилар. Чин тахтининг эгаси Фарҳод билан Хоқон Чиннинг ипак кийимларига ўралиб олдилар. Яшил тўн кийган кумуш танли гўзаллар ҳар томонда яшил баргларга бурканган дарахтларга ўхшаб кўринарди. Яшил чинни пиёлалардаги қип-қизил майлар сабза ичидаги лолаларни эслатарди. Чинни пиёладаги гулранг майлар эса кўк осмон ичидаги шафақнинг худди ўзи эди. Яшил кийимли, ширин сўзли бир гўзал аччиқ шароб қуйилган пиёлаларни кўтариб, ҳар тарафда соқийлик қиларди. Май ширасидан бадани қизиб кетганлар ўз ўтларининг тафтини босиш учун кашничли кулчалардан тановул этар эдилар. Таомлар билан боғлиқ такаллуфлар ҳам, қоидалар ҳам юқорида айтиб ўтганимиздай бўлди. Хуллас, кўк қаср ичида ҳам уч ой хурсандчилик, айш ва ичкилик билан ўтди.

Осмон қуёши ҳамма ёқни қаҳрабо тошидай сарғайтириб, дарахтлардаги барглар ҳам қаҳрабо рангига кирди. Энди навбат қаҳрабо рангли қасрга етиб, бу қасрнинг боғи очилди. Дарахтларнинг япроқлари қаҳрабодеккина эмас, балки худди осмон қуёшидек бўлди. Елнинг йўли ўт томон тушиб, юқоридан ҳар томонга чинорнинг барглари гул каби тўкила бошлади. Гўё чинорнинг ичига ўт тушгану у ўтнинг шуълалари япроқларидан кўриниб тургандай эди. Тонг ели сув устига зарлар сочиб, сув тигига олтин сувини югуртирарди. Япроқдаги олов каби қизилликдан гўё учқунлар, сачрагандай бўлар, барглар худди йиртиб ташланган зарварақлардай учшар эди. Сариқ япроқлар орасида ўлтирган зоғ худди сариқ лоланинг доғидай кўринарди. Терак зор-муҳтож одамлардек юзи сарғайган, гўё сариқ касали билан оғриган беморлардек эди.

Чаманнинг ҳар бир дарахти сариқ бир қушдай турар, гўё у туллаш учун ўлтиргандай эди. У учиб учун япроқлардан пар ёзиб, шамолларда силкинар, патларини тўкар эди. Ҳар кеча шабада тонггача тинмай эсиб дарахт япроқларини сомон рангли субҳ рангига киритар эди. Бу худди ошиқнинг совуқ оҳ тортиб, баъзан шу оҳи юзига уриб, уни сарғайтирганига ўхшарди. Шу дарахт, унинг япроқларини қуюн ҳар томонга учириб олиб кетгандан кейин, ўзини у ёқдан-бу ёққа уриб, яланғоч қолган телбага айланади. Хазон наққоши боғ



сахнини олтин билан қоплаш учун боғдаги дарахтларнинг баргларини зарга айлангирар экан, бу ишида ҳеч хатога йўл қўймас, олтин устига олтин ёйгандай, япроқ устига япроқ тушар эди.

Олтин қаср қуёшдек товланиб, хазон япроқлари унинг айланасида юлдузларга ўхшаб кўринарди. Шундай ажойиб бир фасл жаҳонга юз кўрсатиб, бир куннинг ўзида қуёш ҳам жилва қилди, юлдуз ҳам. Ана шундай бир фаслда шахзода билан шоҳ устларига заъфарон тўнларни кийиб бу жойни кўнгили ёзиш учун танлаганларида икки осмон бир қуёш ичига яширингандай бўлди. Олтин суви берилган май хонтахталари устидаги олтин суроҳий\*лар ичида олтин рангидаги шароб. Уй ҳам олтин, унинг ичидаги тўшамаси (поли) ҳам олтиндан, том ҳам олтиндан, олтин ранг май идиши ҳам, май жоми ҳам олтиндан. Қаср ичида ҳар томонга ёйиб қўйилган зарҳал ипак матоларга юлдузлар монанд гавҳарлар қадалган эди. Бу матоларнинг ҳаммаси кўзга нурли кўринар, гўё уларнинг ўриш-арқоғи қуёшнинг олтин ипидан тўқилгандай. Муғаннийлар дилкаш куйлар чалар, бу заркор қаср ичида куй садолари янграр эди. Базмда мевалар лимон ва апельсинлардан иборат бўлиб, беҳи уларнинг олдида ўзини паст тутмас, ранжимасди. Уйин-кулги одатдагидан кўп, одатдагидан эмас, миқдоридан ҳам ортиқ эди. Улар бу қасрда ҳам уч ой шодлик базмини тузиб, ашулабозлик ва ичкилик билан айш қилдилар.

Совуқ шамол эсиб, дарахт баргларини совурди. Қиш изғирини сувнинг симобини мрамарга айлангирди. Ҳаво булутдан кул ранг пўстин кийиб олди. Шу булутдан ҳавога симоб сочила бошлади. Қаҳратон қишнинг Чин зарғарларидай устаси тиниқ сув болаларига кумуш лавҳалар тайёрлаб берди. Булутдан томган ҳар қатра сув совуқнинг зўридан оламга инжу бўлиб ёғилар эди. Ариғнинг сув олинадиган жойи ҳалқумдай бўлиб, совуқ унинг оғзидан чиққан сўлакайни ханжарга айлангирди. Осмон кечанинг қоронғисидан кўмир тайёрлаб, ҳар шом унда шафақдан гулханлар ёқди. Унинг ёққан ўтини тонг еллари билан пуфлар ва исиниш учун қаддини букар эди.

Ойнинг булоғи ҳар кеча музлаб, тўнгиб чиқар, музлаган нур қатраларидан унинг атрофида юлдузлар ҳосил бўларди. Муз ер юзини ойнабанд этган, тўғрироғи, Чин ойнасига ўхшашиб қўйган. Совуқ ўтнинг ҳароратини камайғириб, алангалардан эса учқунни учмайдиган қилган. Ўт ўрнида қолган

қизиқ қўрнинг синжобчалик\* ҳам иссиғи йўқ, ёниб турган шуъла эса олтойича\*\* ҳам илитмайди. Қизил чўғ совуқдан муздай қизил ақиқ тошига ёки бўлмасам ҳали нами қочмаган қизил гулга ўхшарди. Қизил ўт худди шу қизил гулдай совуқ, дуди эса гул устидаги сунбулдай эди.

Ўта совуқдан қор шундай ёққан эдики, сувнинг ипак ҳарири тахта тош бўлиб қотиб қолганди. Камбағал, юпун бечоралар кафтларини нафаслари билан иситиб, икки тиззаларини кўксиларига ёпиштириб, қўлларини эса қўлтиқларига беркитиб, икки елкаси қулоқларидан ҳам ошиб, ўзларини ўз тан ҳароратлари билан иситар эдилар.

Одатда қизиб турадиган қуёш ўз мижозидан айниб, оламга нур ўрнига кофурдек қор ёғдирарди. Дунё ҳам қор билан кофур қонига ўхшаб, ҳаво ҳам музлаш натижасида биллурга айланиб кетган эди. Совуқ, вужудга келтирган шунча кофур ва биллурлар бутун ер юзини мажбуран оппоқ оқартирган эди. Гарчи ҳамма ёқда оқ ипак матолар бўлса-да, лекин одамларнинг устида оппоқ пўстинлар. Улар шу билангина исиниб жон сақлар эдилар.

Базм асбоблари юлдузлардай порлаб, яна ўтириш бошланди. Жамоат эса ҳулкар юлдузининг тўдасидай жамъ бўлди. Бир чинлик гўзал, минг ноз-карашма билан май идишини кўтариб ҳар тарафга юрарди. Бу идиш аслида «хитой чиниси» деб аталса-да, ранги кофурга ўхшаб оппоқ эди.

Биз айтганимиздан ҳам юз ҳисса ортиқ меҳмондорчиликлар бўлди. Меҳмондорчиликнинг қонун-қоидаси бажарилишида таассуф этадиган жойи бўлмади. Ўйин-кулги ҳам айтилганича, балки биз айтгандан ҳам юз баробар зиёда бўлди. Шу хилда ишрат билан бу ерда ҳам уч ой ўтди. Ҳар тўрт қасрда роппа-роса уч ойдан мажлис қурилди.

Бу ишларнинг ҳаммасига сабаб ва ундан мақсад — шаҳзода шу жойларда айш-ишрат билан банд бўлиб май ичса, май унинг хурсандчилигини ошириб, ўйин-кулгилар уни қувонтира. Лекин булардан унинг авзоида ҳеч қандай ўзгариш юз бермасди. Ахир, тақдирнинг чизган чизигини ўзгартириб бўладими?!

Яна ўша куйик дард билан оҳи, яна ўжарликдан ўша жонни қийнайдиган азобли ноласи давом этар эди. Агар биров хафа бўлиб йиғласа, у ҳам қўшилишиб йиғларди. Халқ озор топса, унинг кўнгли бу аҳволдан баттар озор топарди. Биров-

\* Синжоб — суловсин, мўйи ўсиқ кул ранг олмахон терисидан бўлган пўстин.

\*\* Олтойи — қизил Олгой тулкиси терисидан ишланган пўстин.


нинг бир нарсадан куйиб сўзлаган сўзи унинг бошидан дуд чиқарар, бировнинг совуқ оҳи унинг оҳини алангага айлантларар эди. Эл қайғусидан унинг ҳам кўнгли ғамнок бўлар, бировнинг ёқа чок этганини кўрса, у ҳам ўз кўксини чок қилар эди.

Биров севгидан сўйласа, у шу ҳикоятни такрор-такрор эштитишни истар, ундан бу севгининг белгиларини суриштириб билар ва билганларини юрагининг ичида яширин сақлар эди. Ҳикоялар орасида ёрга етишувдан сўз кетса, унинг ҳам кўнгли севинар, хотири аламлардан халос бўларди. Агар сўз айрилиқ ҳақида борса, зор-зор йиғлар ва икки кўзидан қонли ёшлар оқизар эди.

Хоқон ўз қилган ишларини бир кўздан ўтказиб, нима чора қилган бўлса, ҳаммасининг хато эканини тушунди. Бу ишда уни ҳайронлик енгиб, оворай сарсонликдан боши айланиб қолди.

Эй соқий, қадаҳсиз мен ҳам жуда ҳайрон бўлиб қолдим. Пиёлани айлантир. Ғоят саргардонликка тушдим. Кўнглига ишқ ўти ўз учқунларини солар экан, уни ўчиришнинг май сувидан бошқа чораси йўқ.

## XVIII



*Хоқоннинг хонлик тожин ўз ўғли  
бошига қўймоқчи бўлгани, Фарҳоднинг  
тож соясидан бош қочиргани*

Бу мамлакат устида шоҳлик ноғорасини чалган зот сўз сипоҳига қуйидагича тартиб берди:

Хоқон ўғлининг аҳволини яхшилаш бўйича қанча чораларни кўрмасин, барибир, тақдир олдида чорасизлигини билди. Фарҳод тоғининг учи жуда қаттиқ, Хоқон истагининг тиғи

эса унга ўтмас эди. Хоқон бу билан ҳам ноумид бўлмай, яна бир яхшилаб ўйлаб кўрди ва яна бир чорани кўрмоқчи бўлди. Шоҳ ўрта ёшдан ўтиб, умри кексалик меҳробига юз қўя бошлаган эди. Хоқон ўзига ўзи деди:

«Фарҳод ақлли, тадбирли, паҳлавон бир йигит бўлиб қолди. У энди фақат Чин хоқонлигига эмас, балки бутун олам султонлигига ҳам лойиқ. Шоҳлик ишини олиб бориш учун нима муносиб бўлса ва нима шарт бўлса тангри ҳаммасини Фарҳоднинг зотида яратган. Ундаги ғам-ташвиш ғуборларини ошкор этишнинг кераги йўқ. Барча ҳунарлар бобида у камолга эришган, зоти ҳар қандай айблардан холи. Йиғи, нола, фиғон чекишдан бошқа унинг ҳеч бир айби йўқ. Бир одам шоҳлик мансабини эгалласа-ю, сиёсат қилишни билмаса, унинг иши юришмайди. Фарҳоднинг кўнгли юмшоқликка мойил бўлиб, унинг табиатида шиддаткорлик аломатлари кўринмайди. Салтанат ишига бу зид. Подшоҳликка бунчалик таъби тозаликнинг кераги йўқ. Биров оламга шоҳ бўлар экан, у халқнинг бошидаги тангрининг сояси деган гап. Уша соя бўлган одам ўз шахсида қандай мартабага эга бўлса, унинг соясидан бу ҳолат кўриниб турмоғи керак. Шундай дўзах ва жаннатни яратган худо раҳмдил бўлиши билан бирга қаҳрли ҳамдир. Кимгаки шоҳлик оинаси берилган экан, у зоти илоҳийга эришган бўлади, унинг зотига эришганлар сифатларини ҳам ўзларига олишлари зарур. Сифатларидан бирортаси ҳар кимда кам бўлса, у шоҳ бўлолмайди. Лекин у худонинг жамоли сиррига эришгани учун унинг зоти ҳар қандай улуғлик даражасидан ҳам устундир. Бирон душман унинг жонига қасд қилса-ю, бу ўз жонини душманига қурбон қилмоқчи бўлса, ёки ҳодисалар камонидан юзта ўқ отиладиган бўлса, бу ўша ўқларнинг ҳаммасини душманига эмас, ўзига раво кўрса, бу иш дарвешликда яхши хусусият ҳисобланади. Аммо шоҳлик соҳасида бу ярамас хосиятдир. Агар шоҳ ўз сиёсат тигини ўткир қилмаса, халқ ўртасида юзлаб тиглар қон тўкиб, қон оқиза бошлайди. Агар савдогарнинг кийим-бошида қароқчининг қонидан доғлар бўлса, бу доғ гул ўрнида бўлиб, савдогарга тоғни боғ қилишга ёрдам беради. Агар зolimни шоҳ қўрқитиб турмаса, бундан зolim хурсанд бўлади, мазлумнинг эса ғамдан боши чиқмайди. Агар етим ичиб, кўчаларда тўпалон қилиб юрса, бундан мактаб болаларига ҳеч ташвиш юз бермайди, деб бўлмайди. Бу гапларнинг ҳеч биттасини Фарҳод билмайди деб бўлмайди. Билади-ю, лекин билиб туриб қилмайди. Менинг бошимга жуда қийин бир иш тушиб қолди. Чунки бу бечора ўғлим жуда юраксиз, қўрқоқ. Паишанинг нишини ҳам синдира олмаган ва синдиришни

истамаган филнинг «зўрлиги» қаёққа борарди! Оёғининг кучи билан чумолини ҳам босиб ўлдира олмаган шернинг «кучи» дан нима фойда! Билимининг катталиги билан ўз замонида ягона бўлса-ю, лекин жоҳиллар уни писанд қилмасдан ўзича юра берса, бундан қанақа наф? Булар ҳаммаси шаҳзоданинг ўзбошимчалигидан эмас, балки дунёнинг ишларига бепарво қараб келаётганидандир. Бу ишни жуда кўп ўйлаб, фикр қилиб кўрдим. Ҳеч давосини топа олмадим. Энди биттагина иш қолди. Фарҳодга подшоликни топширсам, ноиложликдан ўзининг бу сифатларини тарк этишга мажбур бўлади. Қачон одамнинг бошига бир иш тушса, бутун қийинчиликларни, шубҳасиз, ўзи тортади. Олам аҳлининг масъулиятини киши ўз устига олгандан кейин, у ёмон одамларга зарба бериб туриши шарт бўлиб қолади. Сиёсат қилишни ўзига асосий омил қилиб олгандан кейин кишининг табиати секин-аста ўзгара бошлайди ва бунга кўникади. Бу ишлардан лаззат тошгандан сўнг ўзи ҳам ўша сиёсатни қилишга аҳамият берадиган бўлади».

Хоқон ўзининг бу фикрларидан хурсанд бўлиб, наздида унинг бутун истақлари амалга ошгандай эди. Бундан кейин қилинадиган ишлар бўйича шундай тахминга келгандан кейин у тезлик билан махсус шоҳона мажлис чақирди. Ҳамма давлат арбобларини, саройдаги барча катта ва кичик амалдорларни йиғди. Шаҳзодага ўз ёнидан ўрин кўрсатиб, қийин масала бўйича осонлик билан шундай сўз бошлайди:

— Тангри ўзининг йўлбошчилигини кўрсатиб, менга дунёга подшоҳлик қилишни иноят этган эди. Хитой ва Чин мамлакатлари устидан ҳукм юргизиб, қайси мамлакатга юзланмай, уни олмасдан қўймадим. Мен қўлга киритган бойликларнинг ҳад-ҳисоби йўқ. Уларни ҳатто тасаввурга сиғдириш мумкин эмас. Қайси орзуни хаёлга келтирмай, қандай бир айш-ишрат ақлимга келмасин, ҳаммасидан кўнглимни тўла баҳраманд этди. Фарзанддан ташқари бутун тилакларим ўринланди. Мамлакатимга мenden сўнг қоладирган валиаҳдим йўқлигидан қанд есам заҳар мазасини берарди. Бу қайғудан доим эзилиб, ҳаётим боғидан хурсанд эмас эдим. Кўп маротаба йиғлаб, юзимни ерга суртдим. Ниҳоят тангри сен билан кўзимни ёритди. Худога шукурлар бўлсинки, нимани истасам ҳаммасини бахтимда муҳайё ҳолда кўрдим. Бугунги кунда яна юз бор шукур-ки, сен мен ўйлагандан ҳам минг марта яхши бўлиб етишдинг. Ҳақ сенинг вужудингни маъноларнинг қони қилди. Халойиқ эса сени мақтагани мақтаган. Шоҳ бўлиш учун нима талаб қилинса, бугун сенда уларнинг ҳаммаси топилади. Кўк пили агар саҳарда хартумини чўзса, у сенга пашша хартумидай туюлиши аниқ. Одамларнинг ҳисобига қа-

раганда, сенинг билимларинг денгизи олдида Уторид юлдузи сувнинг кўпиги шаклидаги бир нарсадир. Сенинг ички дунёнгни мақтаб ўлтириш ҳожат эмас. Чунки қуёшни равшан дейиш яхши эмас-ку! Сени доно ёхуд ақлли дейиш майни аччиқ, қандни чучук дегани каби оддий ҳақиқатдир. Мана, бугун худонинг иродаси билан ўрта ёш ила қариликнинг орасиданман. Ёшим элликнинг чегарасини босиб ўтди, эликдан олтимишга етиб келиб қолдим. Аҳволимга дам-бадам ақл югуртиб қарасам, аҳволим кундан-кун орқага томон кетаётганини кўрмоқдаман. Қариликнинг айбини яшириб бўлмайди. Кетадирган вақт ҳам келиб қолди. Қараб туриш мумкин эмас. Агар қариликдан мияси айнаб, одам йигит бўлиб қолишни орзу қилса, хижолатли ишдир. Табиатнинг ўзи мушк устига кофур сепгандан кейин яна ўша кофур қора мушкка айланишга қодир эмас. Соқолнинг оқи ўлимнинг элчисидир. У тириклик сабзаси устига тушган қировдир. Йигит бўламан деган ташвиш билан соқол оқини юлиш ўз мотами учун соқол юлиш билан баробардир. Икки-учта оқни юлиб, юзини ярадор қилган одам беш-олти кундан сўнг унинг ўрнида ўн-ўн бештасини топади. Агар биров ўз соқолини бўяш пайига тушса, бир неча кун ўтгандан сўнг соқолида бир неча рангни кўради. Бу ранго-ранг бўёқларни кўриб, ҳатто тароқ ҳам тишини иржайтириб кула бошлайди. Тароқнинг кулгани ҳам ҳеч гап эмас. Чидаса бўлади. Лекин болалар ҳам кула бошласа, бундай лаҳзада бало юз бергани. Хуллас, одам қаригандан кейин қанча макру ҳийла ишлатмасин, йигитлик кўчасига қайтиб кира олмайди. Йигитликда хурсандчилик қанча кўп бўлса, қариганда азоб-уқубат шунча кўп бўлади. Менинг бошимга шундай қийинчилик тушиб, ишларим қийинчилик палласига яқинлашиб бормоқда. Гарчи умрдан шикоят қилаётган эсам-да, лекин шикоят билан бирга шукур қиладирган жойим ҳам кўп. Мени ҳар йўлга бошлаган тангрининг ўзи бўлди. У менга бениҳоя кўп тўғри йўлларни кўрсатди. Менга йигитликни ҳада қилар экан, Хитой ва Чин элига хон қилди. Умрим қарилик кўчасига қадам қўйганда эса, сендек ўғилни менинг ўринбосарим этди. Ҳа, оламнинг қора тунида бир ой кам бўлса ҳам, лекин иккинчи томондан қуёш чиқа бошласа, бунга нега қайғуриш керак?! Агар боққа чинор камроқ соя сола бошлаган бўлса, бундан хафа бўлишнинг ҳожати йўқ. Ахир, боши кўкка етадиган сарв кўкаришга бошлаган бўлса бўлди-да. Чангалзордан арслон кетиб, ўрнига ҳайқирувчи шер келса, нима бўлибди?! Сендай фарзанди бўлган отанинг — ҳаётининг кўчати пайванд қилинган отанинг ўлим вақти етишса ҳам ойиши, ўлишга тўғри келганда эса «Вой, ўлдим!» дейиши

муносибми? Умр масаласига ишончи қолмаган киши нима учун ўлимни ўзига яқин кўрмасин?! Йигит одам қариликдан бир яхшилик, хушжабар кутиши мумкин. Бироқ қари одамга қайтадан йигит бўлиш умиди йўқ. Қариликнинг дарди бедармон бўлгани сабабли бир гап кўнглимда доим қаттиқ армон бўлиб келади. Ўлмасимдан бурун кўзимни очиб, ўзимни тахт устида йигит кўришни истардим. Яъни тожу, тахту салтанат, қўшин, мол, мулк, мамлакат — барисини сенга топширсам. Буларнинг ҳаммаси сен билан зийнат топиб, сени ўз ўрнимга муқаррар қилсам. Подшоликни сенга бўйсундирсам, сен эса халойиқ теппасида туриб, мамлакатни бошқарсанг. Сен шоҳ бўла туриб менга қуллуқ қилсанг, ҳам оталик қилсанг, ҳам ўғиллик қилсанг. Элнинг манфаати нимани тақозо этса, ўша ишни қилсанг. Менинг тутган йўлим шундай, буни сен ҳам энди билиб қўйсанг.

Шаҳзода кўрдик, отаси бу базмда унга жуда аччиқ бир майни тутди. У шундай бир ўтли оҳ тортиди, унинг оҳидан кўк гумбазигача ҳам тутун етиб борди. Шоҳнинг бу сўзларидан у озор чекиб, ўзини ерга отиб йиғлай бошлади. У кўксидан осмонга еткудай бир дардли уҳ тортиб, отасига деди:

— Шаҳаншоҳ кўп йиллар омон бўлсин. Кўк тахти унинг эгаллаган мартабасига мос тахт бўлиб, қўшини юлдузлар қўшинидан ҳам орта борсин. Ўйин-кулги, севинчининг боғи кун сайин кўкариб, авж олиб, айшининг гуллари бемонанд бўлсин. Қўлидан каёнийларнинг\* тиниқ ҳаёт майи тўла қадаҳи тушмасин. Шоҳ менга мурожаат этиб, бу сўзларни айтар экан, мен нима дейишимни, нима жавоб қилишимни билмайман. Туриб, узр айтишга ҳам сўз топа олмаяпман. Тузукроқ жавоб беришга ҳам ўз ҳаддимни билмайман. Менинг кичкинагина жисмим тупроқ билан баробар бўлса ҳам, бир-икки сўз айтишга журъат этмоқчиман. Аввало шуки, умрга ҳеч ишонч йўқ. Йигитдур, қаридур — ҳаммасига унинг зулми ҳам, инсофи ҳам бир хилда, тенг. Лекин оламда нима мавжуд бўлса, унинг доимийлиги ўзига яраша бўлади. Базмларни ёритиб, музайян қилган гулхан бунинг мисолидир. Гулхандан юз минглаб учқун учиб, тез йўқ бўлиб кета беради, бироқ шуъланинг ўзи равшан бўлиб қола беради. Бўстондаги юз минглаб кўкатлар барбод бўлиб кетади, аммо бир сарв дарахти юз йиллаб яшайди. Сел ёққан пайтда чўлдаги юзлаб тепачалар ювилиб кетади, бироқ, Эльбрус тоғи ўз ўрнида тура беради. Умрнинг асоси кичикларга кичикроқ, улуғларга эса улуғроқ ўлчовдадир. Яна бири шуки, папша юз йил умр кўргани

билан пил тортган юкни торта олмайди. Бир бургут билан бир куйканакни\* бойлаб қўйиб, ўргатсалар, бургут қилган овни куйканак ҳеч қачон қилолмайди. Агар шахмат тахтаси мутлақо бўш турган бўлса, унда шоҳ ўрнини пиёда эгаллай олармиди? Қуёш агар юзини ғарб томонга яширса, минг-мингларча заррадан унинг ўрнини боса оладиган бир ёритқич пайдо бўлармиди?

Шаҳзода ўзининг бу сўзлари билан отасининг шавқини зиёда қилиб юборди. Хоқон деди:

— Эй менинг ёруғ шамъим! Ёруғ шамъгина эмас. Йўқ. Эй кўзимнинг равшан нури! Сўзларингнинг латофати юз минг жондан ортиқ. Йўқ, жон эмас, ҳаёт булоғидан ҳам ортиқ. Сен бу сўзларинг билан гавҳарлар сандиғини очдинг. Бу сандиқдан эса оламга ўша дурлардан олиб сочдинг. Қулоқлар сендан қимматбаҳо дурлар тақди. Бироқ мен заиф ва бечора сендан бу хилдаги сўзларни кутмаган эдим. Бу хилда жавоб беришингни ҳам ўйламаган эдим. Агар сен менинг сендан хурсанд бўлишимни истасанг, яшашдан кузатган мақсадимнинг ҳосил бўлишини хоҳласанг, сўзларимга эътибор бериб эшит. Илтимосимни эса қабул этмоғинг зарур.

Шаҳзода аҳволнинг бу суратда эканини кўриб, илтимосни қабул қилиши керак бўлиб қолди. Отасининг ҳазин кўнглини шод этиб, ерни ўпди ва деди:

— Шоҳ ҳар қандай узрни манъ этиб қўйгандан кейин, менинг галга солишга қандай ҳаққим бор! Лекин мен ҳали жуда ёшман, вазифа эса улуғ. Мен олдиндан бу арзни айтиб қўйишим керак. Мен шу вақтга қадар гофил эдим. Бу вазифанинг менга таклиф этилишини ҳам кутмаган эдим. Менинг ишим доим базмлар қуриш, айшу ишрат суриш бўлиб, фароғатда юргандим. Бошқа ишлардан бепарво бўлиб келдим. Эндиликда шоҳ менга марҳамат қилсалар, бир-икки йил бу ишни ўргансам. Доим шоҳнинг қошида ҳозир бўлиб, ишларнинг бориш аҳволини назорат этиб борсам. Ишларнинг ривожини ҳам, касодини ҳам тушунадиган, яхшисини ҳам, ёмонини ҳам ажратадиган бўлсам. Бунинг учун менга олдин кичикроқ бир хизмат тайин қилинса. Бирор хатога йўл қўйган вақтида эса ўргатиб турилса. Бирор ишни бажаришга яхшироқ киришсам, уни яна ҳам яхшироқ бориши учун кўмак берилса. Дунёда ҳар кимнинг бир иши бор экан, ўша кишининг ўз ишида маълум тажрибаси, кўникмаси ҳам бўлади. Тажрибасиз бир ишни қилиш қийин. Тажриба, кўникма бўлганда иш осон

\* К у й к а н а к — илвасин овлайдиган қушларнинг бир хили, кўканак.



боради. Менинг ҳам бу соҳада тажрибам ортгач, нима буюрсалар, бўйин товламай бажаргусидурман.

Шаҳзода бу хилда дилкаш сўзларни сўзлагандан кейин, отаси эшитиб севинди, кўнгли кўтарилди.

Эй соқий, менга шоҳлар ичадиган қадаҳда май келтир. Бу май менга ғам қўшинидан паноҳ бўлсин. Менинг кўзимга бир қадаҳ шароб шоҳликдан ортиқ. Мен ичай-да, элга зулм қилгунча ўзимга зулм қилай.

## XIX



*Хоқоннинг ўз ўғлини хазиналар томошасига келтиргани, Фарҳоднинг у ердаги қимматбаҳо тошларни назарга илмагани, унинг кўзи Исқандар онасига тушиб, кўзгу тилсимида ажиб су-ратлар юз кўрсатгани*

Номага оро бериб сўзлагувчи гапга чечан зот бу ҳангомага қуйидагича зийнат берди:

Хоқон Фарҳоднинг сўзларини тинглар экан, жавоб унинг истаганидай бўлди. Айшу ишрат асбобларини йиғиштирмасданоқ у севинчдан Чин мулкига сиғмасдан шаҳзодага шундай ҳурматлар кўрсатдики, ақл бунинг чек ва чегарасини топа олмас эди. Унинг учун жаҳонни садақа қилишни, жаҳонни эмас, жонини фидо этишни истарди. Хоқон шунчалик айш ва завқ билан баробар унинг рўбарўсида туриб, юз хил фикрларга ҳам борди: Конлар денгизидан шаҳзоданинг бошига нималар сочсам бўлар эканки, бундан у хурсанд бўлса. Жаноби меҳмон шу қадар олий табиатлики, унинг олдида гавҳар тош ҳисобидадир.

Фарҳоднинг ўзини бу хил тутишидан мезбонга ожизлик голиб келиб, меҳмоннинг кўнгли нимани истаса ўшани то-

пишни истаб қолди. Хоқон хазинасида ғаройиб нарсалар жуда кўп бўлгани учун унинг қўлидан ушлаб хазиналар ичига олиб кирди. Булар хазина эмас, юзлаб денгиз ва конлар эдики, бу ерда қимматбаҳо нарсалар тўлиб-тошиб ётар эди. Саноқсиз уйларда ганж устига хазина қалашиб кетган, ақл хазинабони ҳисобига ета олмай аламда эди.

Энг аввалги қирқ уй олтинлар турадирган ер бўлиб, ҳар уйдаги қирқ шоҳона хумда олтин тўлатилган эди. Бу хазинадаги ғаройиботлардан шу нарса маълум эдики, ундаги бир хумда мумдай юмшоқ олтин сақланар эди. Ундан мумни олгандек олиб, исталган нарсани яшаш мумкин эди.

Яна қирқта уйда турли-туман зебо кийимликлар бўлиб, ҳар уйда қирқ ўрамдан ҳарир ва ҳашамли ипак кийимликлар бор эди. Ажойиб нарсалар бу жойда ҳисобсиз даражада кўп бўлиб, бундаги ажиб санъаткорлик ашёларининг ҳисоби йўқ эди. Юз минг рангда чиний ва хитойи нарсалар бор эдики, булардан бирортаси ҳалигача кўз ипига илинмаган эди. Кийимликларнинг устига юз хил ипаклар билан суратлар тортилган, уларнинг бирортасини ҳали фалак шунча айланиб кўрмаган эди. Ҳар бир суратда юзлаб гўзалларнинг юзини кўриш мумкин бўлиб, ақл ўзининг бор етуклиги билан уларнинг ҳуснига шайдо эди. Тикиғлиқ тўнларнинг ҳисобини ҳеч ким билмасди. Тўнга ажратилган матоларнинг ичиди ҳеч бир бичилмаган ва тикилмаганлари ҳам бор эди. Уларнинг ҳаммасини ҳунарманд тўқувчиларнинг бари йиғилишиб, мукамал корхоналарда тўқишган. Нафис ипак ҳарирларнинг ҳам таги мўл, улар шу даража кўп эдики, ҳисоблаб чиқишнинг имкони йўқ эди. Хазиначи шундай ипакли матолар келтирдик, ҳар қандай гўзал улардан ўн қават қилиб кийинганда ҳам бадани, баданидаги насрин гулининг оқ ранги билиниб турарди.

Уйиб қўйилган хушбўй нофадан бойлам-бойламлари бор эди. Тўкилиб-сочилиб ётган мушқларнинг ўзи омбор-омбор эди.

Гавҳарлар шунча кўп эдики, фикр ҳисобдони мингидан бирининг саногига етолмасди. Лаъл тошлари кўздан оққан кўз ёшларидай мусаффо, бундаги ҳар бир тоза дур жон нақдини олгундай эди. Биллур ва яшил тусли тошнинг бир-биридан ажойиб юз минг хили бўлиб, ҳар биттасида бир мамлакатнинг хирожи мужассам эди.

Хазиначи шоҳга ва шаҳзодага кўрсатиш учун бундай нарсалардан юзлаб келтирар эди. Уларни кўздан кечирган сари ҳайронлик ошиб, икковлари гоҳ қулимсирар, гоҳ бош чайқаб қўяр эдилар.

Томоша қилиш охирига етай деганда шаҳзоданинг кўзи ажойиб бир нарсага тушиб қолди. Тиниқ биллурдан ясалган у нарса сандиқ шаклида бўлиб, кўрган киши буни одамзод ясамаган деб ўйлаши турган гап эди. Равшанлик хулқи кўнглидан кўриниб тургандай, ичида ажойиб бир буюм борлиги ҳам билиниб турарди. Бироқ бу ажойиб буюм мубҳам бир сирдай, сандиқ безакдор қулф билан маҳкам қулфлаб қўйилган эди. Уни сандиқ деб эмас, юз балонинг қалъаси дейиш керак. Унинг қўриқчиси эшикларини маҳкам қулфлаб қўйган эди. Ҳа, офату бало қалъасининг маҳкамроқ беркитилгани, ундаги сирларнинг ҳам мубҳам бўлиб тургани яхши.

Бу сандиқнинг таажжуб сандиқ эканини кўриб, шаҳзода уни билишга қизиқиб қолди.

— Санъаткорлик билан ишланган бу нарса жуда ажойиб экан,— деди шаҳзода.— Айтингчи, унинг ичида қандай сир бор? Калити қаерда бўлса, топиб келтиринг. Қулфини очиб, сирларини маълум қилинг.

Хоқон йўлига муомала қилиб, ўзини у ёқ-бу ёққа ташлаб, шоша-пиша узор айта бошлади:

— Бу сандиқнинг сирини ҳеч ким билмайди. Калити йўқ. Қулфи очилмайди. Буни кўрдинг бўлди. Сирини билиш фикридан кеч. Бизлар ҳам кўрганмиз. Аммо сирини ҳеч билолмаганмиз.

Шаҳзода шоҳнинг бу узрини эшитгач, ҳавас ундаги савдо-ни яна ҳам ортириб юборди. У деди:

— Одамзод қандай бир ишни қилган бўлса, ҳаммасини одамзод ўзининг тафаккури билан билиб қилган. Мен илмларнинг ичига кира олган эканман, мен ҳал қила олмаган бирор-та мушкул иш топилмайди. Бунинг ҳам таги-тугини билмагунча, ўриш-арқоғини аниқламагунимча кўнглим тинчланиши мумкин эмас. Билганимдан сўнггина кўнглим тасалли топади.

Шоҳ қанча кўп узор айтса, шаҳзоданинг ҳаваси шунча кўп тезлаб борарди. Шоҳ бу сирни айтмаслик учун қанча матонат кўрсатса, шаҳзода шунча кўп бетоқат бўларди. Шоҳ бу аҳволга анча қараб турди-да, ростини айтишдан бошқа чора топа олмади. Буйруқ берди. Тезлик билан қулфни очишди. Сандиқ ичидан порлаб турган бир кўзгу чиқди. Сафобахшликда бу кўзгу Шарқ қуёшидай, аслида эса Искандарнинг оинаси — Оинаи Искандарий эди. Юзига садаф қопланган, порлоқ дурлар ёпиштирилган, унинг ичидаги нарса эса осмон ичидаги қуёшга ўхшарди. Уни безаклар билан ясаган донишманд орқасига унинг бутун махфий сирларини ёзиб қўйган эди:

«Бу кўзгу дунёни кўрсатувчи кўзгудир. Бунинг нури ва мусаффолиги қуёшчадир. Бу Искандари Румий замонида дунёдаги одамларга ёдгорлик бўлсин деб гўзал қилиб ясалган. Бу кўзгуни ясаш учун ҳар бири Афлотунга тенг келадиган тўрт юз билимдон ҳаракат қилган. Улар осмондаги ишларнинг аҳволидан яхши хабардор, ер юзидagi ҳаёт жумбоқларини ҳам маҳорат билан ҳал эта олувчи файласуфлар эдилар. Улар юлдузларнинг, осмонларнинг хусусиятларини аниқ ўрганиб, сўнг бу кўзгунинг санъатига уриндилар. Неча йиллар узлуксиз қийинчиликлар тортиб, бундаги суратларнинг нақшларини ясай олдилар. Дунёнинг ҳикматида иборат бўлган бу кўзгуда ажойиб бир тилсим яширинган. Ҳар ким буни очишга интилиб, унинг ҳаракати билан бу тилсим очилса, келиб, кўзгуни тезлик билан ердан олса, ўзининг тоза юзига боқса, шу боққан одамнинг умрида бўладирган турли ишлар — бу иш болдай тотли ёки тикандай заҳарли бўлса ҳам, тангри унга буларни кўришликни, қаза эса бошига келтиришни насиб этган бўлса, ҳаммаси кўзгуда жиља беради ва яширин сирларини унинг ўзига ошкор этади. Бироқ уни очиш жуда қийин, гавдага оғирлик, дилга ранж-алам келтириш деган гапдир. Кимнинг бошига буни очиш азоби тушадиган бўлса, бу муаммони ечиш ҳисоби қўйидагичадир:

Юнон мамлакати гоят қутлуқ ўлка бўлиб, илму ҳикмат билан зебу зийнат топган. Бирон донишманд агар бу мамлакатнинг тупроғидан бир ҳовучини қўлга киритган бўлса, у бутун осмонларнинг мушкулликларини ҳал қила олар эди. Бу ўлканинг ҳар бир тоши эса ҳикмат аҳли тожанинг дурри, бу ердаги ҳар бир кўкат дунёда бор касалликларга дорудир. Унинг шимол чегарасида улуг бир тоғ бор. Осмон тифи бу тоққа тегиш билан ўтмаслашиб қолган. Кўзгу сирини биланман деган одам шу Юнон тарафига бориши керак. Отининг тизгинини ўша тоғ томонга бурмоғи зарур. Ўша тоққа етиш йўлида уч манзиллик йўл қолганда, ҳар манзилда уч офатга дуч келади. Аввалги манзилда шундай бир аждаҳо борки, гўё уни тангри ўз қаҳридан бир бало қилиб яратган. Иккинчи манзилда бир Аҳраман деган дев бор бўлиб, одамларга бедодлик, офат етказиш унинг учун одат ва ҳунардир. Учинчи манзилда ажойиб қилиб қурилган бир тилсим бор. Бу ердаги сирлар олдин икки манзилда учраган сирлардан анча мушкулдир. Ўз юкларини бу уч манзилдан ўтқара олган кишига тўртинчи манзил юқорида айтилган тоғ бўлади. Бу тоғ ичида айланиб юрган одам айрилиқ оқшомидек қоронғи бир ғорга учрайди. Ғорнинг ичида дунёда тенги йўқ Сукрот ҳақим бор. Уни Сукрот дегмасдан замонасининг Букроти деса ҳам бўлади.

У шундай ақлли, шундай билимдонки, ўлмаган бўлса, олдига борган одамнинг ҳар қандай қийинчилигидаги тугунларни ечиб бера олади. Агар у тирик бўлмаса, борган киши нимаики илтимос қилмоқчи бўлса, унинг руҳига сиғинса, умид ишидаги тугунлар, албатта, ечилади».

Шаҳзода кўзгу орқасидаги бу қиссани тамом ўқиганидан сўнг бу мушкул ишни ҳал этишни ҳавас қилиб қолди. Безовталиги шунчалик ғолиб келиб кетдики, ўйлай бериб ейишдан, ухлашдан қолди.

Хоқон шаҳзоданинг муддаосини тушунди-да, бу ишдан уни қайтариш можаросини чўзиб юборди. Шоҳ мумкин қадар бу ишни тўхтатишга уринса, шаҳзода баттар қизиқар, ҳаваси баттар ошиб борар эди. Ўғли қандай мушкул бир аҳволда бўлса, отаси ундан ҳам қийинроқ аҳволда эди. Ўғлига шундай қийинчилик юзланган, отаси эса ундан ортиқроқ уқубатга дуч келган эди.

Эй соқий, сен менга ўзни унутдирадирган шаробдан бер. Чунки замона мени шундай қаттиқ бир ишга рўпара қилди. Тақдирнинг жафоси қанчалик қийин бўлса, ўз-ўзини унуттиш бунинг давоси бўлади.

## XX



*Хоқон билан Мулқоро кўп кенгаши-  
ганларидан сўнг Фарҳодни олиб, Юнон  
ўлкасига қўшин тортишга қарор қил-  
ганлари*

Бу азоб-уқубатларнинг шарҳини ёзмоқчи бўлган одам ўз афсонасини қуйидагича тuzди:

57 Замон ҳодисаларининг жабру жафоси натижасида шаҳзо-  
данинг бошига шундай мушкул иш тушгандан кейин, ундаги

чидам ва тўзим бутунлай йўқолиб, қўлидан ихтиёри ҳам кетди. У девона бўлиб қолмасам эди, ақлдан бегоналик ҳолига тушмасам эди!— деб ўзидан ўзи хавфсиранар эди. Бошига тушган бу савдони яширин тута олмай, Мулкорони ҳеч кимга билдирмай бир хилватга чақиртирди. Унга ўз бошидаги можароларни, ҳавас орқасида кўнглига тушган балоларни айтиб берди. У деди:

— Киши хоҳ гадо бўлсин, хоҳ шоҳ, хоҳ ғофил бўлсин, хоҳ огоҳ, хоҳ неъматларга кўмилган бўлсин, хоҳ меҳнат-машаққатларга гирифтор бўлган бўлсин—бундан қатъи назар, азалдан пешанасига ёзилган ҳар қандай яхшилик ва ёмонликни кўрмасдан илож йўқ. Бу ақл олдида яширин эмас. Одамзод шоҳ бўлса ҳам, гадо бўлса ҳам барибир, унинг бўйни қазо ҳукмининг тузоғидан озод эмас. Азалда ёзилганни ўзгартаман демаклик сув устига хат ёзиш билан баробар. Қаза қалами бирор хатни ёзган экан, уни ўзгартиш ҳеч қачон мумкин эмас. Замоннинг ҳар қандай ишда билимдон бўлган кишилари ҳам бу маккор фалакнинг найранглари туфайли оёқ оетидирлар. Бир одамнинг ҳукми бутун ер юзига ўтган тақдирда ҳам унга қазойи осмоний етса нима ҳам қила олади? Мен тақдирнинг кучи олдида одамларнинг ожизлиги ҳақида гапиряпману, лекин мен ҳам ўша нотавон, ожизларнинг бириман. Тақдир қалами манглайимга нимани ёзган бўлса, уни ўзгартиш чорасини кўришга ожизман. Тангрининг истаги азалдан шу экан, менинг олдимда шундай ишларга мубтало бўлиш бор. Кўнгли ақл нури билан порлаган ҳар бир киши мени бу ишда маъзур тутиши керак. Менинг бу ниятимни халқ гарчи ўзига оғир олаётган эса-да, лекин пешанамда ёзилган ҳолда менинг ҳеч ихтиёрим йўқ. Чунки бу кирдикор азалдан битиб қўйилган. Биламан, бу ишлар жуда мушкул ишлар. Бироқ мен қаза ўтини ўчира олмайман. Менинг олдимга тақдир қўйган бу ишларни Хоқонга тушунтириб берсанг. Орамизда унинг оталик ҳаққи бўлгани учун можароларга сабаб бўлган бу ишда унинг ижозатини сўрайман. Менинг бу йўлим масаласида ўзининг ҳимматини кўрсатиб, гоҳо-гоҳо дуоларида ёд ҳам этиб турсин. Агар у менинг бу ишимга ҳиммат кўрсатса, дуо қилиб турса, ҳеч шак йўқки, ишларим юришиб, мақсад қўлга киради. Агар ижозат бермаса, тангри гувоҳ, ҳақ олдида сирларим яширин эмас. Чорасизликдан адашиб бўлса ҳам, овораликлардан қўрқмай, бу ер обод экан, бу ер эса чўл экан демай, бошимни олиб кетаман ва мақсад сари йўл тутаман. Йўлимда девлар, аждаҳолар учрайдими ёки тилсимлар ичида юз минг балолар учрайдими, ҳеч биридан чекинмай, қўрқмасдан ўша офатларга ўзимни

ураман. Менинг ишларим мени ундан қайтарадиган даражада эмас. Бинобарин, шоҳнинг ижозат бергани маъқулроқдир.

Шаҳзода бу таҳликали гапларни айтиб бўлиб, орқасидан бундан ҳам таҳликалироқ қасам ичиб юборди:

— Менинг бу мақсадимга ҳеч қандай ўзгариш йўл топа олмаяжак! Шундай экан, сен энди рухсат олиш ишида ҳеч бир қусурга йўл қўйма!

Мулкоро бу сўзларни эшитиб, ич-ичидан ўзини йўқотиш даражасида оҳ тортди. Шаҳзодани уришиб, насихат қилай деса, кўрдик, шаҳзода насихат эшигини ёпиб қўйди. Бирор сўз билан қўлидан тутмоқчи бўлса, шаҳзода ўша хилдаги сўзнинг ҳам олдини олиб қўйган. У шаҳзодадаги аҳволни тушуниб, бир нарса дейишдан ожиз ва лол бўлиб қолди. Бу алангадан вужуди ўртаниб, оҳидан тутун кўк гумбазига чиққудай бўлди. Кўзи бу дуднинг аччиқлигидан ёшланиб, ўрнидан турди-да, йиғлаганича шоҳнинг олдига борди. Бир ерни холи топиб, у Хоқоннинг олдига кирди. Кўзидан оққан ёшга даво топа олмас, шаҳзодадан эшитган гапларини шоҳга айтиб беришга эса ниҳоятда қийналар эди.

Шоҳ унинг нима можаро билан келганини дарҳол тушуниб, ўз кўксига ўзи уриб, ёқасини йирта бошлади. Икковлари ҳам бу беҳад оғир юк остида қайғу-ҳасрат билан роса йиғлашди. Бу замон шоҳи куйиб-куйиб, шикоятлар қилса, мислсиз вазири тупроқни ўпиб шоҳнинг дардига чора топишга ҳаракат этиб, унга секин-аста насихатлар қила бошлади:

— Эй шоҳим,— деди вазир,— тақдирдан келган ишга ризо бўлишдан бошқа чора йўқ. Бугун шоҳимиз замоннинг энг ақлли кишиси, унинг порлоқ кўнгли давлатнинг чироғидир. Бошга иш тушганда куйиш-пишишдан кўра, чора қидириб топиш яхши эканини айтиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Агар ишга ақл чора қидирувчи бўлса, ақлли одам ўз кўрган чорасидан бир натижа топмай қолмайди. Агар бу чораларга тақдир монелик қиладиган бўлса, унда қазонинг ҳукмига қаноат қилиш керак бўлади.

Шоҳ деди:

— Эй раъйинг саодат шамъи бўлган, кўнгиларни очгувчи сўзинг қалбларга ором бағишловчи инсон! Одам, ахир, ўз жонидан тўйиши мумкинми? Ёки уни шу аҳволда қолдириб бўладими? Насихат кўнгилининг дардига даводир. Унга қўлдан келганча аввал насихат қилиб кўрайлик. Агар у шу насихатлар билан тинчланса, бу — бизнинг бахтимиз, айни кўнгилдаги муддао, жонимизнинг роҳати. Насихатлар таъсир қилмагудек бўлса, у вақтда тангридан нима келса шунга хурсанд бўлайлик.

Шу хил сўзлардан кейин Хоқон билан вазир чексиз, имкондан ортиқ даражада тайёргарлик кўра бошладилар. Талай тадбирларни қўллаб кўрдилар, улар фойда бермагач, бошқа чораларга тутиндилар. Шаҳзода ўз айтганида қаттиқ турар, насихатгўйлар эса буни қабул қила олмас эдилар. Насихатгўйлар гапни қанча чўса, шаҳзоданинг хоҳишлари шунча ошиб, кўпайиб борарди.

Хоқон ўз тадбирларидан ҳеч иш чиқара олмай, маъюсланди-да, шаҳзодани қамаб қўйишни хаёл қила бошлади. Қамаб қўйиш ҳам унинг ўзига маъқул келмай, бошқа чораларни хаёлидан ўтказма кетди:

— «Шаҳзоданинг кўнглини хафа қилмасдан, тириклик гулшанини сўлдирмасдан, Чин ва Хитой мамлакатининг қўшинларини йиғиб, Юнон ерига аскар сурсам. Уғлимга ҳамроҳ бўлиб, унинг яхши-ёмонидан хабардор бўлсам. Бормоқчи бўлган ерига то етиб боргунча орада маълум бир вақт ўтади. Шу муддат ичида унинг хаёллари тарқаб, ўйлаганлари кўнглидан чиқиб кетса ажаб эмас. Агар ўшанда ҳам менинг айтганим муяссар бўлмаса, унда тангридан нима келса кўрарман».

Бу фикр унинг кўнглига маъқул тушгандан кейин Мулкорога қараб:

— Қани, тезлик билан ўрнингдан тур!— деди.

Вазир туриб, Фарҳоднинг олдига борди. Шоҳнинг айтган гапларини унга маълум қилди. Шаҳзода ўз истаги юзага чиққанини ва бу ишга отаси ризо бўлганини кўриб, агар у: «Ўзим ёлғиз бораман! Бу ишни ўз бошимча бошқараман!»— деса, бу гап мурувватдан бўлмаслигини, отаси хафачиликдан адою тамом бўлиши мумкинлигини тушунди. Бундан фақат отаси эмас, балки бутун ўлкага, ҳатто кўм-кўк осмонга ҳам галаён солиши мумкинлигини фаҳмлади.

Шаҳзода бу маслаҳатга ўз розилигини билдириб:

— Тез бўл!— деди Мулкорога.— Шундай иш қилки, ўша тарафга йўл тутаёлик.

Муддаоси ҳосил бўлган вазир ўрнидан туриб, Хоқоннинг олдига келди. Уни ҳам севинтирди. Қўшин тўпланадиган вақт ва жойни тайинлаб, жарчилар бу хабарни ҳар тарафга етказдилар.

Кел, эй соқий, айшу ишрат вақти ўтди, менга энди отланиш пиёласини туг. Бир пиёла шароб билан димоғимдан ҳушимни олиб, мени девларни банд қилувчига, аждаҳоларни ўлдирувчига айлантир!





*Хоқоннинг Фарҳод туфайли Юнон  
ўлкасига қўшин торгани ва у ўлка ҳу-  
куматлари билан биргаликда Суҳайло  
ҳаким ғорига борганлари*

Маънонинг катта йўлига чиқиб олган киши сўзлар қўшини қуйидагича сафга тизди:

Хоқон жангу жадални ғанимат билиб, Юнон ўлкасига юриш қилиш учун дарҳол сафар ноғораларини чалди. Қўшин йиғиш учун эса тезлик билан чопарлар юборилди. Қўшин аввал оз бўлса ҳам энди мамлакатнинг ҳар тарафидан тўда-тўда бўлиб йиғила бошлади. Шунча кўп қўшин йиғилдики, бу кўҳна дунё шунча айланиб бунча қўшинни ҳеч кўрмаган эди.

Қўшин дарёсига тўлқин тушиб кетди. Унинг мавжи эса кўк денгизига бориб туташарди. Аскарлар тўпланган ерга ипу ипак, атласу ҳарирлардан шундай бир боргоҳлар тикилдики, уларнинг кўплигидан бўзча қадри йўқ эди.

Ҳар тикилган оқ уй кўк ишхонасидай, ундаги ҳар қабулхона ҳам осмонча кенг ва юксак эди. Феруза ранг осмондай, қўш чўққили бу чодирнинг иккита нони қуёш билан ой эди. Чодир ва боргоҳларни мустаҳкамлаш учун қоқилган олтин, кумуш қозиқлар кўкда порлаган юлдузларга ўхшарди. Ниҳоятда узун чодир ва ундан ҳам узун катта пардалар тортилди. Ўн икки поялик юксак бир тахт қуришди. Унинг ўн икки буржи худди осмоннинг ўн икки буржини эслатар эди. Бироқ бу кўкдай юксак буржларнинг ҳар бирини шимол юлдузи уч минг йил айланганда ҳам босиб ўта олмас эди. Ҳар пояда тортилган олтин таноблар кўк сатҳини кезувчи учар юлдузлар чизигига ўхшар эди. Ундаги ҳар боргоҳ Жамшид айво-нидай бўлиб, у боргоҳдаги олтинланган гуллардан қуёш рашк қиларди. Бу ерда тикилган боргоҳлар юлдузлардан ҳам кўп,

бунда уймалашган қўшин эса чумоли ва чигирткадан ҳам мўл эди. Ер ҳам кўтара олмайдиган шунча қўшин, бутун оламни селдай тутган шунча аскарлари билан Юнон ўлкасига қараб йўл олдилар. Бу қўшинни жон мулкига ёпирилган ишқ сипоҳига таққосласа ҳам бўларди.

Қўшин бош-оёқ бараварига қўзғаладиган бўлиб, тўда орқасидан тўда юриши муқаррар қилинди. Тўхташ бирон ерда ҳам икки кундан ошмас эди. Манзил-баманзил юриб бориларди. Уларнинг келаётганидан қаерга овоза борса, эшитган элнинг эси кетар эди. Ҳар мамлакатнинг фатҳ этилиши тўғрисида хушxabар етиши билан ҳар бир қалъа қулфининг калити ҳам етиб келар эди.

Манзил сайин бир ўлка фатҳ бўлиб борар, ўлкагина эмас, бутун суву қуруқлик фатҳ бўлиб борар эди. Бир неча ой чўлу водийлар кезгандан сўнг Юнон мамлакатининг қораси кўринди. У мамлакатдагилар Хоқон қўшини шу тарафга келаётганидан хабардор бўлиб, каттаю кичик ҳар ким қудрати етганча ҳадялар кўтариб, Хоқонга пешвоз чиқдилар.

Бу мамлакатдаги донишмандларга жон кирди. Хоқоннинг бу томонга келиши гўё шараф буржига Уторид юлдузи етгандай эди. Улар Хоқонни гўё бахт ва давлат рамзи сифатида қарши олдилар ва унга келиб қўшилдилар.

Бунинг устига у ўлканинг яхшию ёмон — ҳаммаси Хоқонни голиб ҳисоблаб, унга ўз ихтиёрлари билан тўлов тўлашга қарор қилдилар. Кўк қадар юксак остонага келиб, улар юзларини суриб, ўлка олувчига ўлкаларини бердилар. Шоҳ эса ҳаммага луфту иноят кўрсатиб, ҳар гуруҳга кучига, қувватига қараб рия қилди. Хусусан илму ҳикмат аҳлининг ҳурматини жойига қўйиб, уларнинг ҳар бирининг даража ва ўрнини тайин этди. Уларга ўз қўлини ўпдириб, бошларини юқори кўтарди. Улар ҳам шоҳни дуо ва мадҳ эта бошладилар.

Алқисса, ҳикмат аҳллари тинчландилар. Илму ҳикмат билан иш тутувчи шоҳ шундай гап бошлади:

— Ҳар хил истақларга раъй билдириб турувчи фалак бизни бу ўлка томон йўллаб, дашту чўлларни кездирди. Бизнинг келишимиздан мақсад ўлкаларни фатҳ этиш эмас, балки бир таҳликанинг олдини олишдир. Бизнинг хотири олийимизга шу нарса маълум бўлдики, бу ўлкада шундай бир кенг ер бор экан. У ерда эса бир тоғ бўларкан. Бошдан оёғигача битта тош бўлиб кўринган бу тоғда, тошлар ичида айрилиқ шомининг қоронғилигига ўхшаш бир қоп-қоронғи гор бўларкан. У қоронғилик эса қоронғи шом Муштари юлдузидан ёриган каби Суқрот ҳақимнинг юзидаги нурдан ёриб тураркан. У ерга етгунча уч манзилда биттадан қийинчилик учрар экан.

Шоҳ шу хилда ўз сўзларини баён этиб бўлгач, улардан ўша жойларнинг белгисини сўраб билишни истади:

— Билганингизни биёга айтиб беринг. Биз ўз мақсадимизга қайси томондан борсак эришамиз? Узоқлиги қанча? Қайси йўл билан борилади?

У билимдон, донишмандлар тўдаси ер ўпиб, қуйидагича жавоб бердилар:

— Шоҳ ўз истакларига эришишга қодир бўлсин! Шоҳ биздан нишонасини сўраётган одам бу мамлакатда тенги бўлмаган бир ҳақимдир. Ёши беш юздан ошиб кетган. Одамлар орасида у Суҳайло ҳақим номи билан машҳур. У бизнинг Юнонда Суқротга ўхшаб кетади. У ҳам Суқротдек ғорда яшириниб яшайди. Унинг иши ўзини хилватга тортиш. Биз ҳаммамиз ўз ҳунаримизда унинг шогирдларимиз. Ҳикмат аҳлининг паноҳи бўлган мана шу ҳақим шоҳ айтган ишларнинг аҳволидан бус-бутун хабардор. Бизлар эса буни эшитганмиз, холос. Шоҳ сўрагани учунгина бу ҳақда бир неча сўз айтдик. Бироқ бу гапларнинг маъносидан чуқур хабардор эмасмиз. Шунинг учун кўп сўзнинг фойдаси ҳам йўқ. Айниқса давлат кишилари бир нарсани сўраганда ҳикмат аҳли билмаганини қандай қилиб «биламан!»— деб айта олади? Бу мушкул саволни ўшагина ҳал этади. Агар буюрсанг олдига бошлаб бормиз.

Шоҳ кўзлаганидан нишона топгач, шаҳзоданинг кўнгли хурсанд бўлиб кетди. Мироҳўрлар тезлик билан отларни тайёрладилар. Ота билан ўғил дарров йўлга отландилар. Бутун илму ҳикмат аҳли уларга ҳамроҳ бўлдилар. Шаҳзода билан шоҳ уларни йўл-йўлакай гапга солиб кетар эдилар.

Дашт ўртасида бир тоғ чўққиси кўринди. Унда эса Суҳайло ҳақим яширинган ғор бор эди. Ҳаммалари отларидан тушиб, ғор томонга яёв қадам ташладилар. Ҳалиги аҳли ҳикматлардан бириси, бошқалардан ажралиб, ғорга кирди ва Суҳайлони одамларнинг келишидан хабардор қилди. Шоҳ ва шаҳзоданинг бахтлари кулиб, ишлари ўнгидан келиб, ғорга яқинлашдилар. Бу ҳол гўё Уторид юлдузи билан Ою Қуёш тўқнашгандай эди. Суҳайло бу гапни эшитиб, уларни ўз ҳузурига ишора билан таклиф этди.

Шоҳ билан шаҳзода одоб билан унинг олдига кирдилар. Зийрак донишманд ҳам ўрнидан турди. Ҳар иккиси билан у кулиб, хурсанд бўлиб кўришди. Ота ва бола севиниб, унинг қўлини ўпишди. Уларнинг ҳар икковини у аввал ўлтирғизиб, сўнг улар айтган мушкул масалани ҳал этишга киришди. Шоҳ ва шаҳзодадан бир-бир йўл қийинчиликларини, бу келишдан уларнинг мақсади нима эканлигини сўради:

— Бунчалик узун йўлни босиб келишдан мақсадингиз нима? Менга тушунтириб берсангиз.

Шоҳ ва шаҳзода аҳволни бошдан охиригача айтиб беришди. Кўзгуни томоша қилгандан кейин каллага келган хаёлларни ҳам.

Донишманд ҳақим аҳволнинг нима эканини билгандан кейин ҳам севибди, ҳам хафа бўлиб кетди. Дарҳол шаҳзодани қучоқлаб, кўнглини кўтарди.

— Ҳа, ҳа, сен ўша Фарҳод исмли йигит эмасмисан? — деди у. Суҳайло унинг отини топиб, тўғри айтганини кўриб, у нима деса Фарҳод ҳам тасдиқ этди. У донишманд, Фарҳоднинг манглайдан ўлиб, унга сажда қилди ва сўзлашга бошлаб, деди:

— Тангрига мақтовлар бўлсинким, бу гап элтувчи дунё мени ўлмасимдан бурун истақларимга етказиб, бошимни юқори кўтарди. Мен бир неча юз йиллардан буён ғор ичида, юз хил қийинчилик ва касалликлар тортиб ётибман. Жомосбининг\* ўлиmidан сўнг унинг гапларини жамлаган ҳақимларнинг мактубидан менга қуйидагилар маълум: «Мендан сўнг бу тез айланувчи осмон минг йил Ер атрофида кезгандан кейин Чин ўлкасидан бир шаҳзода чиқиб, бахт-иқбол уларга йўл кўрсатиб, улар Юнонга келадилар. Ҳар бир билимда моҳир бўлган бу йигитнинг исми Фарҳод бўлиб, унинг юзида саодатнинг шон-шавкати кўриниб туради. У ўз жону жисмини машаққатларга ташлаб, Искандари Румийнинг тилсимини очади. Аммо тилсимгача бўлган икки манзилни босиб ўтиш унга анча мушкул бўлади. Чунки бу манзилнинг биттасида аждаҳо жонга човут солиб, нафасидан оловлар пуркаса, иккинчисида Аҳраман исмли дев зулм кўрсатиб, осмондан бошига тошлар ёғдиради. Илму ҳикмат қоидаси билан кўк юлдузлари расадини боғлаган Суҳайло мендан сўнг менинг ўрнимда фарзандимдай бўлиб қолади. Суҳайло менинг дуо ва саломимни қабул қилсин ва қуйидаги топширигимни фаҳм қилсин: Агар Фарҳод бу мақсадлар сари йўл олса, унинг мақсади йўлида Суҳайло ёрдам кўрсатсин. Бу тилсимларни очиш учун кўп подшоҳлар уриниб кўрсалар ҳам, бу иш Фарҳод томонидан бажарилади. Суҳайло бу маҳфий сирни билсин. Агар ёрдам кўрсатмоқчи бўлса, Фарҳодгагина кўрсатсин. Фарҳод аждарни ўлдирганда шунчалик кўп хазина чиқадики, ундан олам эли шод бўлади. Девни ўлдиргандан сўнг эса у Сулаймон пайғамбарнинг узугини топади. Тилсимни очган

\* Жомосб — қадимги дунёнинг афсонавий донишмандларидан бирининг номи. Келажак ишлардан хабар берувчи афсонавий «Жомосб-нома» деган китоб унга нисбат берилади.

куни эса Жамшиднинг\* жомини қўлга киритади. Унга бахту иқбол юз ўгириб, бу нарсаларни қўлга киритгач, уларнинг ҳаммасини Хоқонга тошшириши керак. Фарҳоднинг ўзига эса Суқрот ҳақимни кўриш ва Искандар оинасини қўлга киритишнинг ўзи кифоядир. Суқротдан бу ишга йўлланмалар олиб, у Чиндаги кўзгуни кўришга отланади. Уша кўзгуга қараб туриб, у нимани кўрса, ўшани даврон унинг бошига солади. Донишманд Жомосб шу ерда сўзини тўхтатиб, охирида: «Яна қолганини тангри билади!»— деб қўйган. Мен у донишманднинг менга қолдирган бу салом ва хабаридан фахрланаман. Неча юз йиллардирки, мен сени кутмоқдаман. Сенинг олдинга келадирган барча мушкулликларнинг чорасини топиб қўйганман,— деди-да, у ўрнидан туриб, ғорнинг эшиги томон борди ва у ердан бир идишни кўтариб келди.

— Мана бу идишга,— деди у,— Самандарнинг\*\* ёғи тўлатилган. Эсингда сақла. Мен бу қадар ёғни жам қилгунча, талай ўтхоналарда ўтларда куйиб, доғ босдим. Аждар билан курашган пайтингда сен ундан осмонга гардлар чиқариб юборасан. Бу ёғдан баданингга ҳамда самандар ҳамлалик, тош қазувчи қўлларингга суркаб олсанг, аждар билан курашаётган вақтингда бу ёғ сени ўтдан омон сақлайди. Аждар сенинг қўлингга азоб билан ўлади. Бу қийинчиликдан сенга эса жуда кўп хазиналар насиб бўлади. Буларнинг ҳисоби йўлдузлардан ҳам кўп бўлади. Бу, албатта, сенинг тортган риёзатларингнинг бадали бўлади. У хазинадан аллақанча ғаройиботлар ҳам топасан. Шу билан бирга Аҳраман дев ҳам кўп мусибатлар тортади. Фалак у девга мотам тутаетган вақтда Сулаймон узуги унинг қўлидан сенинг бармоғингга тақилади. Тилсимни қандай очиш тўғрисидаги гаплар, ўша ҳақиқий азиз сўзлар бир кумуш тахта устига ёзилган бўлиб, у тахта девнинг бўйнида осигʻлиқ бўлади. Шу тахтадаги гапларни ўқиб, тилсимни очишга борасан. У ердан эса Жамшиднинг жомини топасан. У жомнинг айланасида ёзувлар бўлиб, бу ёзувларни Искандари Румий нақшлаб кетган. Сен у ёзилган сўзларнинг маъносини ўрганиб, Суқрот ҳақим ким эканини биласан. Суқротнинг кўзгудай порлоқ юзини кўргач, у сенга сен излаган кўзгунинг ҳолидан хабар беради. Кўзгунинг сирларини англаб олгандан сўнг унга боқиш учун югуриб қоласан. Кўзгуда эса умрингда нималар юз беришини кўрасан. Менга бу ҳақда

---

\* Ж а м ш и д — қадим Эроннинг мифик подшоҳларидан бирининг номи.

\* С а м а н д а р — каламушга ўхшаш жонивор. Афсонага кўра, у ўтда пайдо бўлиб, ўт ичнда яшар эмиш.

бундан ортиқчасини сўйлашга, сирлар пардасини бундан ортиқ очишга руҳсат йўқ! — деди-да, у ҳалиги ёғ солинган идиш-ни тезлик билан Фарҳодга топширди.

— Қани, вақтни ўтказмай ишга кириш,— деб у бориладиган ернинг белгиларини бир-бир тушунтирди.— Тез бўл, ўша томонга бор. Умид қиламанки, ишларинг тездан ҳал бўлади. Мен сенга бир йўла «Йўлинг хайрли бўлсин!» — дейман.

Шу хил гаплар билан Фарҳодга билмаганларини ўргатиб, Суҳайло жонини тангрига топширди. Булар кўз ёшларининг суви билан унинг танини ювиб, ўша ернинг ўзида кўмдилар. Ҳикмат аҳллари билан биргаликда ҳар икки давлатнинг одамлари йўлга тушинди.

Манзил-баманзил чўлларни босиб, ҳалиги Суҳайло айтган ерга етидилар. Улар бахтлари ёр бўлиб, шу ерга етиб келдилару, лекин бундан у ёғи аждаҳо ётган жой эди. Оқшомгача тиниб, чарчоқни босдилар, тинчликни ғанимат билдилар. Кечанинг аждаҳоси тутун буруқситиб, олам фазоси тутунлар ичига яширинди. Қуёш ганжи тупроққа беркингач, бу буюк вайронанинг шифти қорайди. Бу одамлар эса ўйин-кулгининг кечаларни ёритувчи инжу чирогини ёқиб, ишрат пиёласини айлантира бошладилар.

Кел, эй соқий, ичиш учун йўлга чиқайлик. Тирикликнинг ҳатто қаро шомини ҳам ғанимат билайлик. Умр аждаҳоси бизга қараб нафас урмасдан бурун ишрат асосини тузиб, бир дам май ичмоқ керак.



*Фарҳоднинг аждаҳосимон отга минаиб, аждаҳо водисига боргани, аждар билан учрашиб, уни ўлдиргани ва аждар ғоридан Афридун хазинасини топиб, уни отаси билан қўшинига совға қилгани*

Тонг шамоли туннинг қора тутунини суриб ташлагач, тоғ хазинасидан қуйидаги кумуш тахтани олиб чиқиб осди:

Кеча ғоридан қуёш аждар оғзидан ўтлик аланга чиққан-ай чиқди. Ғамгин Фарҳод кўзидан умид ёшларини тўкиб, бу ш суви билан ўзини чўмилтириб, тозалаб, дошизманд Суҳайло нимани ўргатган бўлса, ўшаларни тезлик билан бажаришга киришиб кетди. У тунроққа юзини қўйиб, йиғлаб, тангридан зафар тилади. У отасининг ҳам оёғига бош қўйиб, кўздан ёшини оқизиб, дуо қилишни сўради. Отаси ёқасини йиртиб йиғлар, бутун атрофдагилар эса унга қўшилиб қайғуришар ва йиғлашар эдилар.

Фарҳод отаси бўлмиш шоҳ ва бутун қўшинлар тўдаси билан рози-ризалик тилашиб, йўлга равона бўлар экан, шоҳ ҳам, сипоҳ ҳам фиғон тортиб, само бўйлаб қиёмат солдилар. У худди юлдузларнинг шоҳи сингари осмонга ўхшаган, аждаҳо суратли отга миниб олган эди. Унинг эгни яроғ-аслаҳаларга шунчалик кўмилиб жетган эдики, уларнинг ярақлаши туфайли уни қуёшдан фарқлаш қийин эди. У ўзининг шу ақволида тангридан кўмак истаб, аждаҳо томон отини жадаллаштирди.

Отаси ўғлининг бу хил ақволини кўргач, унинг орқасидан қўшин тортиб бера бошлади. Фарҳод ҳам отини у томонга суриб кета берди. Охири аждарнинг аломатлари кўрина бошлади. Унинг олдида бир қурум босган дашт чиқиб қолди.

Фарҳод эса ўзини тунда кебаётгандай ҳис этди. У даштнинг қоралиғи айрилиқ кунларига ўхшар, этаги эса ажал оқшоми билан уланиб кетган эди. У ернинг ранги айрилиқ олаמידан хабар берар, дашт аждаҳо нафасидан қорайган эди.

Фарҳоднинг оти чопиб борар экан, кулга булганган, унинг тўриқ ранги қорага айланган эди. Шу пайт бир сассиқ шамол келди. Бу шамолнинг ҳиди жаннатни дўзахга айлантириб лоборгундай эди. Бир неча одам у ҳиддан ўзидан кетди. Қўшиннинг кўпи ҳушсиз бўлиб отидан йиқилиб тушди. Бироқ Фарҳод бошига иш тушган бўлгани учун кўксини тик тутиб, тишини тишига қўйиб кета берди.

Аждаҳонинг қоронғи ғори кўрингач, Фарҳод ўша ғорга қараб борди. Унинг кетидан борган одамлар аждарнинг оғзидан чиққан шамолга етганларида гўё уларга ажалнинг ўқи теккандай бўлди. Аждар бало сингари ҳайбат билан ғорнинг юмалоқ гумбази ичидан чиқиб кела бошлади. Унинг безовталиги дўзах шуъласига, буралиб юриши ўша ўтнинг тутунига ўхшар эди. Нафасидан парча-парча учқунлар учиб чиқар, ҳар бир аланга ёлқини оламни ўртагудек эди. Тутундай нафаси эса қуюқ булутга ўхшарди. Бундаги учқунларнинг ҳар бири офат ва бало чақинларини эслатарди.

Аждарнинг баданини алам ва балонинг тоғига, оғзини эса шу тоғнинг ғорига монанд қилгулик эди. Ғор ичидаги бу аждар олов ва буралиб чиқаётган тутунга ўхшар, тоғ орасида буралиб ётар эди. Унинг вужуди узундан-узоч қўзилган, лекин сел каби оромсиз эди. Ўзи тоғдай, боши тоғ тумшугидаю, бироқ тумшугининг ўзи ҳам қора тошдай эди. Икки кўзига қаралса, худди нефтнинг ўтли булоғидай кўринарди.

Бурнининг тешиклари ваҳшат тандирига ўхшар, тандир ҳам эмас, нефть ёнаётган тандирнинг мўриесига ўхшарди. Оғзидан чиққан ўт алангалари нефть ёққанликдан нишона бериб турарди. Осмон сингари улуг танаси бир бало тоғидай катта бўлиб, унинг қўл-оёқларининг ўзи ҳам бир аждаҳодай эди.

Унинг тўрт панжаси ажалнинг бош қўлидек, етти осмонга шикаст берадигандек эди. Ҳар панжасининг тирноғи беш ўроқ каби, бироқ бу ўроқлар ўткирликда олмос ўроқнинг ўзи бўлиб кетарди. Аъзосининг ранги кул рангида бўлиб, йўлбарс терисидай унда қора нуқталар бор эди. Ҳар нафас думини осмонга кўтариб, ўша думини даштга қаттиқ-қаттиқ уриб турар эди. Унинг қўйруғидан кўтарилган тўзон кўм-кўк осмонни сурма рангдаги гард билан хиралантирар эди.

Шундай кўриниш билан аждар ўз ғоридан чиқди. Унинг тиши қон тўқувчи, оғзи олов пурковчи эди. Шаҳзода томонга кўзи тушиши билан унинг жаҳли чиқиб, ғазабдан сабру қарс-



ри қолмади. Фалак аждаҳоси жонига қасд қилгандай, у Фарҳод томонга юзланиб кела бошлади. У оғзини балонинг дарвозасидек очган, оғзи эса дўзах оловхонасининг мўрисидай эди. Аввало ўз таомини яхшилаб пишириб олишни истагандай, бириас шаҳзодага қараб ўт сочиб турди. Бу хом луқманни пишириб бўлгандан сўнг ўз нафасига ором бермоқчи бўлди. Унинг иштаҳаси буни бир туз тотгандай ютиб, сўнг қўшинни овқат ўрнида ейиш эди.

Шаҳзодада эса илгари бу ҳолни ўрганиб олгани учун аждар ўтидан қўрқиш йўқ эди. Аждарнинг ўти унга таъсир қилмагани учун аждарнинг баттар жаҳли чиқиб кетди. У оғзини очиб Фарҳодни ютишга чоғланди. Шаҳзода эса тангрининг номини тез-тез тилга олиб, осмон камалагига ўхшаш ёйини вақтни ўтказмай қўлга олди ва унга найзадай тўғри ва учли ўқни жойлаб, аждарнинг оғзига шундай отдики, ҳатто юлдузлар паҳлавони Миррих қойил қолиб, унинг қўлини ўпди. Аждар буралиб-буралиб келар эди. Унинг ҳар бир бурмаси ўққа бир нишона бўлди. Аждар ҳар қанча йиртқич бир махлуқ бўлса ҳам, лекин шаҳзода отган ўқнинг илони уни тешиб ўтиб кетди. Бу ўқ унинг гавдасини қўй ичагини кабоб қилгандай тешиб ўтган эди. Аждар қорнини тўйдириниш учун кабобга ўт ёққан эди, бироқ шу ўтда ўзи кабоб бўлди.

Аждар бундай тўғри отилган ўқдан ярадор бўлди. Бир жойидангина эмас, юз жойидан яраланди деса ҳам бўларди. Унинг бундан ортиқ қаршилик кўрсатишга мажоли қолмади, оёғи сусайиб, ҳоли оғирлашди.

Паҳлавон шаҳзода отини сакратиб, қиличини ўйнатиб, аждарга қарши қора булутдек яна бир оғир ҳамла қилди. Унинг қилич уриши билан осмоннинг тоғ устига чақмоқ уриши ўртасида фарқ йўқ эди. У чақмоқ сифатли қиличининг кучини кўрсатиб, яна бир тиг уриш билан аждарнинг ишини охирига етказди.

Аждарни йўқлик ғорига киргизиб бўлиб, у яшаган ғорга ўзининг аждарга ўхшаш отини сурди. Қўрқмасдан ғор ичига киргач, кўзига ёзуви бор тахта учради. Сайқалланган бу тош тахта устига бу ердаги хазиначиларнинг қандай қилиб яширингани ёзилган эди:

«Эй дунёга шўришу ғавфо солган одам! Тангри сенга шунча куч, шунча муваффақият берди. Сен шундай бир аждаҳони ўлдирган экансан, билки, унинг ғорида яширин хазина бор. Сен аждаҳонинг умр ипини узган экансан, ўша яширин хазиначилар энди сенинг хизмат ҳақинг бўлиб қолади. Бу ғор осмондай юмалоқ. Агар сен унинг марказ нуқтасини топиб олсанг, у ерга бир қора тош кўмилган. Унинг оғирлиги эса минг

ботмондан ҳам кўп. Қиличининг учи билан атрофини очиб, қўлинг билан уни жойидан ағдар. Тош билан боғлиқ шу қийин ишларни қилиб бўлганингдан кейин, сен энди тангри-нинг куч-қудратини томоша қил».

Шаҳзода бу қутлуғ ёзувни ўқиб, ёзилган гапларни бир-бир амалга ошира бошлади. Бу ёзилган гапларнинг ҳаммаси-га амал қилиб, у ердан шунча хазина топдики, бунинг ҳадду поёни йўқ эди. Осмон хазиначиси буни идрок этишдан ожиз, бу хазинанинг мингдан бирини ҳам кўзи кўрмаган эди. Фаридун\* бу ерга шунча кўп хумларни яшириб кетган эканки, унинг ҳар бир хуми осмоннинг хумича келар эди. У хумлар-нинг баъзисиди олтин, кумуш бўлса, баъзилари қимматбаҳо гавҳарлар билан тўлатилган эди.

Бу хазиналарнинг тўрида баланд бир айвон бўлиб, бу айвоннинг ҳар буржиди кўриган ўргимчак Зуҳал юлдузига ўхшаб кетарди. Бу айвоннинг ичида ясалган бир тахт ҳам бўлиб, унинг тепасида юз хил нарсалар ялтиллаб турар эди. Шуларнинг устида ўткир бир қилич ҳам бор бўлиб, бу қилич кескирликда афсонавий Зулфиқор қиличидан қолишмасди. Унинг ёнида бир қалқон турар, бу қалқоннинг ҳар қуббаси кўк қуёшидай порлоқ эди. Шу жойда хат ёзилган бир варақ қоғоз ҳам бўлиб, унинг мазмуни шундай эди:

«Кимнинг юксак бахт-иқболи ёр бўлиб, бу қалқон билан қилич кўлига тушса, уларнинг бирисини белига тақиб, бошқа бирисини бўйнига осса, у агар юзта дев билан олишганда ҳам уларнинг ҳаммасининг чангини чиқариб юборади. Уз узугига ёздиргандай Сулаймон подшо қалқоннинг қуббасига улуг исмларни ёздириб қўйган. Бу қалқоннинг хосияти шуки, агар юз минг дев минг турли макр-қийла ишлатганда ҳам, ўша одам кўрқмай бу қалқонни тутса, ҳалиги исмларнинг кучи ўзини кўрсатиб, ҳаммасининг вужуди бордан йўқ бўлади, қора тупроқ билан баробар бўлади. Қиличда ҳам шундай улуг исмлар битилган. Ана шу исмлар туфайли унинг ўткирлиги ошган. Қиличнинг хосияти шундаки, жангчи агар бу тиг билан зарба урса, агар зарба еган кишининг гуноҳи бўлмаса, тиг унга қор қилмайди. Бироқ бу тиг ёмон одамларни, шайтонларни, лаънат олганларни, Аҳраман каби девларни аёвсиз иккига бўлиб ташлайди».

Бундай икки туҳфани Фарҳод топгач, суюниб яратганга сажда қилди. У тиг билан қалқонни қўлга олиб ўпди-да, қилични белига боғлаб, қалқонни бўйнига осди. Отини миниб,

\* Қадим Эрон афсонавий шоҳларидан бўлиб, у хазинасининг бойлиги билан машҳур.

кўчкин селдай йўлга тушди га ўз қўшинлари ҳамда одамларнинг олдига келди. Бироқ у аждар билан курашга киришганда дунёни қора тўзон босиб кетган, қўшиннинг кўпи эса ўшдан кетиб қолган эди. Ҳуши борларнинг кўшдан Фарҳод ҳам йўқолган эди. Фарҳод шунча офат ва балоларнинг ичидан худди Искандар зулмат ичидан чиқиб келгандай чиқиб келди.

Хоқон билан Мулқоро фиғон устига фиғон торгар, қўшин эса Фарҳодга ўз жонини ҳадя этишга тайёр эдилар. Фарҳод шундай бир балодан, хусусан, шундай аждаҳодан ҳеч бир зарар кўрмай, қутулган эди. Ҳеч ким у аждарнинг ўлдирилганини билмас, бу балодан энди асар ҳам қолмаганини сезмас эди.

Фарҳоднинг отаси аҳволни тушуниб қолгач, унга жонини бергудай бўлди. Қўшиндаги кишилар ҳам аҳволни сезиб, унга мадҳу санолар айтдилар, кўз ёши билан дуолар қилдилар.

Тоғдан мушк исли шамол эса бошлаб, у дунёни анбар ҳидли чанглардан холи қилди. Қуёш ҳам чиқди. Оралиқ ёп-ёруғ бўлиб, аждарнинг гавдаси ҳам кўринди. Бу ернинг тоғи, водиси, ҳатто горнинг эшиги ҳам кўзга ташланиб турар эди. Фарҳод билан Хоқон горнинг оғзига қараб от сурдилар. Аждарнинг қони чўлни босиб кетган эди.

Фарҳод бу бебаҳо хазинани бутунисича Хоқонга топширди ва уни ўз одамларига совға қилиб беришни сўради. Ҳалиги қилич билан қалқондан иборат икки тухфа ҳақидаги гапни, ҳар бирида ёзилган хосиятни эса отасига сўзлаб берди.

Бу хазиналардан Хоқон жуда севинди ва ақлини ишлатиб, ҳисоблаб чиқиб, бу хазиналарнинг ўзиникидан ортиқ эканини билди. Аммо ҳалиги айтиб ўтилган қилич билан қалқондек бойлик, икки бўлиниб ётган аждар эса уни ҳамма нарсадан ҳам ортиқ севиштирди. Тортган қийинчиликларини унутиб, унинг хурсандчилигига хурсандчилик қўшилди. Ҳалиги икки хазина эса ҳаммасидан ҳам кўзга алоҳида ташланиб турарди.

Қўшинни бир этак томонга суришди. Чунки саҳрони аждар қони қизил селдек босган эди. Қўшин бошқа ерга шоду хуррамлик билан кўчди. Ҳамма аждар ташвишидан қутулган эди. Аждарнинг қийналиб ўлиши, одамларнинг эса қўлга киритилган хазиналардан баҳраманд бўлганликлари нақадар яхши! Улар аждаҳодан қутулиб, тинчлик хазинаси билан хушҳол бўлдилар.

Қуёшнинг фарҳоди ўткир найзасини ўқлаб, қора тоғ аждарининг жонини тўкмоқчи бўлиб қолди. Қора тоғ аждарининг шафақдан иборат қони кўкни шундай эгалладикки, гўё ердаги қоннинг акси кўкка тушгандай эди. Бу ердаги одамлар эса айшу ишрат уйини тузатиб, кеча ишратгоҳида ичкиликка

йўл олган эдилар. Кўк бўстони каби базМ қуриб, аждар қонидай гулгун шароблардан ичардилар.

Эй соқий, бир қадах май келтириб, менга қайғудош бўл! Қайғудошгина эмас, горда ҳамроҳлик қил! Шаробнинг ранги аждар қонидек қизил бўлсин. Мен агар ичишга бошлар эканман, хазиналарни сочиб юборганим бўлсин!

### XXIII



*Фарҳоднинг девсимон чопқир отига  
миниб, Аҳраман деган дев яшайдиган  
ўрмонга боргани, ўрмонда у билан оли-  
шиб, уни ўлдиргани ва дев қасридан Су-  
лаймон узугини топиб олиб, бармоғига  
таққани*

Кечанинг қора мушкига дунё оқ кофур сепгач, Аҳраман девнинг нафасидан жаҳонга нур сочилди. Тун деви кечанинг ҳолига мотам тутиб, фалак Сулаймони ўзининг порлоқ узугини оламга кўрсатди.

Яна Фарҳод тезлик билан ўз ишига киришиб кетди. Белига жанг тигини маҳкам қилиб боғлади. Қалқонини бўйнига осиб, жангга керак бўладиган ҳамма асбобларни тузатди. Ўзининг дев гавдали отига миниб, у дев водисига қадам қўйди.

Хоқон яна ўз қўшинининг гардини фалакдан ошириб, оҳини кўкка етказиб, Аҳраман хавфидан жон ҳовучлаб, жонидан тўйган жолда, истар-истамас Фарҳоднинг орқасидан юрди. Қўшини ҳам унинг орқасидан борар эди. Фарҳод қўшиндан анча олдинда, борган сари ичкарироққа қадам ташлар эди. Қўшинга эса унинг қораси кўринар-кўринмас даражада бўлиб, ўрталарида ярим ёғочлик масофа бор эди.

Фарҳод шу хилда жадаллик билан йўлни босиб ўтиб, нафас-банафас чўлдан ўтиб кетар эди. Бирданига олдинда бир

Ўрмон пайдо бўлди. Уни қандай васф этиш учун ақл ўйла-  
ниб қолади. Бу аслида ўрмон эмас, Аҳраманнинг боғу бўстони  
бўлиб, унинг на боши бор эди, на охири. Дарахтларнинг ости-  
да кўм-кўк майсалар кўринар, бироқ бу майсалар кўк сабза-  
сидан ҳам юқорига бош уриб турарди. Қайси томонга қара-  
манг, юз минглаб эски дарахтлар, ҳар биттасининг боши  
фалакдан баланд. Ҳар дарахтнинг танасида, бир маҳобат  
бўлиб, япроқларида эса таажжуб бир ҳолат бор эди.

Бу ернинг тоғи бошдан-оёқ девлар макони бўлиб, тинмай  
даҳшатли шамол эсиб турарди. Бунда ҳар япроқ васваса кўз-  
гуси бўлиб кўринар, ақл унинг олдида ўзини бир текис тута  
олмас эди. Ундаги жониворлар бошдан-оёқ девлардан иборат  
бўлиб, улар ҳар хил қиёфада, турлича найрангларни кўрсатар  
эдилар. Ҳар ариқда оққан сувнинг овози эса, юзларча дев ва  
шайтонларнинг ўзаро можаросини аён қиларди. Бунда ваҳи-  
маларнинг кўплиги шу қадарки, ариқда ётган ҳар бир тошни  
кесилган бир бош деб ўйлаш мумкин. Сув устидаги ҳар бир  
кўпик найрангбоз осмон гумбази каби ақл уйига зид бир нар-  
садир.

Сувининг мавжи савдойиликка хос чизиқлар бўлиб, киши-  
нинг ақли устига чизиқлар чизиб ташлайди. Кўм-кўк шох-  
лардан осилиб турган барглари муқаддас сўзлар ёзилган ту-  
морларга ўхшайди. Агар у тарафга оддий одамнинг йўли ту-  
шиб қолса, қўлига сарсон-саргашталикнинг қоғози тутқизилди  
деган гап.

Ичи куйиб, қаваги очилиб қолган дарахтлар худди деву  
шайтонларнинг уясига ўхшаб кўринарди. Бу девлар макони  
ақлнинг бошини айлантирадиган даражада бўлиб, ундаги  
ҳар бир қуруқ шохни девнинг шохи деса бўларди. У ердан  
қочиб қутулиш йўлини тупроқ кўмиб юборган, ҳар томонда  
бир сўқмоқларгина кўринар эди. Бироқ шуниси ҳам қизиқки,  
ҳар қандай зийрак ақл ҳам ҳар томонга кетган йўллар ичида  
ўз йўлини йўқотиши турган гап эди.

Бу ернинг ваҳшийлари деву шайтонларнинг ўзи бўлиб,  
уларнинг қичқириш ва бўкиришдан мақсади алдаш ва фитнес-  
гарлик эди. Бу жойнинг бўриси қайғули фиғон тортиб, бу  
ерга келган одамнинг ҳолига гўё ух тортгандай бўлади. Бу  
ернинг тиканлари этагингдан тортиб, худди у ерга борма деяёт-  
гандай. Дарахтларининг ҳар бир шохи адабсизлик кўрсатиб,  
дев шох ургандай саллани илиб қолади.

Қушлари бу ерга келган кишининг аҳволига моҳам тут-  
гандек, ғамли ва дардли куйларни куйлашади. Булутлари бу  
ерга кириб қолган кишининг ҳолига зор-зор йиғлаб дурлар  
сочишса, шамоллари ҳар томонда шовқин-сурон кўтариб, гўё

катта бир дев наъра тортгандек, овоз чиқариб турадилар. Бунда ўсаётган ҳар бир кўкатнинг учини ўткир бир ништар, ништар ҳам эмас, қон тўқувчи бир ханжар деса бўлади. Қайси томонга шамол юрса, дарахтларнинг шохлари титрашади. Бу билан у инсон зотига: «Эй шўрлик, бу томон кирма!» деб ишорат қилгандай бўлади. Чинорлар эса панжаларини теб-ратиб:

— Эй бу ерга кириб қолган одам! Худо ҳаққи, орқангга қайт!— дегандай бўладилар.

Бироқ Фарҳод тангрига таваккал қилиб, ўрмон ичида тўхтамай от суриб борарди. У ўзининг паришон фикрлари билан бўлиб йўртиб бораркан, ўрмоннинг ичида кенг бир фазога дуч келди. Бу очиқ ернинг бошдан охирига қадар кўкат ва қизил гул экилган эди. Лекин бу майдондаги кўкат ва гулларнинг ҳаммаси ранжу аламнинг гул ва кўкатлари эди.

Фарҳод отини ўша томонга суришни ўйлаб турган эди, олдинда баланд бир қаср кўриниб қолди. У деву париларни ҳам яратган тангрини ёд қилиб, девсифат отини ўша қасрга қараб сурди. Қотил дев оёқ товушини эшитиб, нима аҳвол эканини билиш учун қасрдан бошини чиқарди. Қарасаки, бир отлиқ узоқдан парвосиз унинг қасри томон келмоқда. Унинг кўринишиданоқ тезфаҳмлиги, гавдасиданоқ девларни ҳам ўлдиришга қодир экани билиниб турарди.

Аҳраман бу бахт юлдузини кўриб, момақалдироқдай гуруллаб, қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. У ўз қасридан қаҳр-ғазаб булути каби чиқиб кела бошлади. Унинг бошидан охиригача заҳар экани кўриниб турарди. Унинг қалтираб турган жисмидан бутун оламга қиёмат ўти ва дўзах учқунлари сочилаётгандай эди. Унинг мағрур қадам босишидан замон бўстони титрар, қичқиришидан эса осмон айвони дарз кетар эди. Баданидаги ҳар бир мўйи мисоли бир ўқ, ўқ ҳам эмас, аждарга ўхшаш бир илон эди. Унинг жисмидан ҳийлаю найранг қатра-қатра томиб турар, шу ҳар бир қатрани маккор фалак аста-секин тарбиялаб, ундан янги бир дев яратар эди. Юзининг қоралиги малолат шомига, бўйининг узунлиги бўлса қиёмат кунига ўхшарди.

Унинг қўлида бир устун, устун эмас, балки чинорнинг ходаси бўлиб, тўғрилиқ ва текисликда минорадай эди. Унинг учига тоғнинг бир парчасини боғлаб олган, минора эса унга даста бўлгандек эди. Шу даражада катта гурзини у елкасига кўтариб олган, агар бу гурзи Эльбрус тоғига тегса, уни тупроққа айлантиргудек эди. У шаҳзодага қараб худди тик ўсган гулсафсарга томон шамол эсгандек юра бошлади.

Дев унга қараб:

— Эй гафлатда қолган одамзод! Манглайингга чарх қора кунларни битган кўринади. Бу сен кўриб турган ўрмонда қўрқувдан йўлбарс ўтса панжасни, шер ўтса чапғалини чапғаллаб ўтади. Фаршта ўтса унинг ҳаёт шамъи ўчиб, бургут учса қаноти куяди. Бу келишдан сенинг ҳаёлинг нимаю, қонингга қандай бўлмагур фикрлар кириб қолган? — деди.

Шу хилдаги кўп қўрқинчли дўқларни қилиб, у шаҳзода-нинг бошига бир гурзи туширди. Шаҳзода бошига қалқонни тутиб, қилич билан гурзининг дастасини чошиб ташлади. Гурзининг дастаси синиб, унга бойланган тош девнинг бошига шундай тушдики, боши ёрилиб кетди.

Буни кўрган Аҳраман ўт бўлиб ёниб, бошини ушлаганича қасрига кириб кетди ва у ердан аввалгидан ҳам каттароқ бир гурзини кўтариб чиқди. Қаҳру ғазаби эса бурунгидан ҳам ошиб-тошиб кетган эди. У гурзини ҳавога кўтариб, шаҳзода-нинг бошига бир туширмоқчи бўлди, у тушириб улгурмасдан шаҳзода чаққонлик билан бу гурзининг ҳам дастасига қилич уриб синдирди. Шаҳзоданинг бу ишига девларни банд қилувчи осмон ҳам офарин айтди.

Аҳраманнинг бир неча ҳужумини шу хилда қайтара бергач, дев ғазаб аралаш ниҳоятда аччиғланиб кетди. У энди бир наъра тортиб, тоғнинг қора булутидай тоққа қараб йўл олди. Тоғнинг тошларини тамом олдига тўплаб олиб, ҳавода шамолдай физиллаб, Фарҳодни тошбўрон қилишга киришди. Тошлар кўклам ёмғиридай ёғиларди.

Бу аҳволни кўриб Фарҳод қалқонига кирди. Қалқонга эмас, йўқ, у мустаҳкам тош қўрғонга кириб яширингандай бўлди. Шаҳзода қилич ва қалқонига ёзилган буюк номларни дев томон юзлантиргандан кейин, бу девга таъсир этиб, унинг қўлидан ҳам, жисмидан ҳам куч-қувват кета бошлади. У бирдан тоғдан думалаб ерга тушди ва тошлар остида қолиб ўлишига яқинлашди. У Фарҳодни тошбўрон қилмоқчи эди, охирида нақ ўзи тошбўрон бўлди.

Фарҳод у тошотарни кўриб, тошотарни эмас, кимсан Аҳраман девни кўриб, олдида унинг хор-зор бўлиб ётганига, оёқ-қўли бутунлай ишдан чиққанига назар ташлаб, унинг бошига девсифат отини сакратиб борди. Белига осган қиличчини суғуриб, худди чақиндай тиг тортди-да, бир зарб билан унинг ишини тугаллади.

Сўнг паҳлавон Рустам каби, отини эшикка боғлаб, девнинг қасрига қараб юрди. Қўлида девнинг бошини уаган, қон тўкувчи қиличини ушлаб, қаср ичига шаҳдам қадамлар билан кириб борди. Қаср бамисоли жаҳон ичида яна бир жаҳондек кенг эди. Қайси томонга қараманг, олам-жаҳон қимматбаҳо

ашёлар ётарди. Ҳар томонга саноқсиз эшиклар қурилган бўлиб, у эшикларга темир қулфлар урилган, девордай маҳкам эди. Ҳар қайси эшикка эса бу уйда қандай очиқ ёки кўмилган хазина борлиги ёзиб қўйилган эди.

Шаҳзода бу хатларни тез-тез ўқиб ўтар экан, яна бир катта эшикка келиб қолди ва ранги ўчиб кетди. Эшик ўзи олтиндан ясалган бўлиб, гавҳарлар билан безатилган, четларига эса, ҳайҳот, қуйидаги сўзлар ёзиб қўйилган эди:

«Бу уйнинг қулфи осонлик билан очилмайди. Уни очишдан кўра қўрқиб очмаган авло».

Бу гап унинг кўнглидан ҳушини йўқотди. Девни ўлдириш қўлидан келган, лекин савдойи мизож шаҳзода тезлик билан уйнинг безакли қулфига мушт уриб, эшикни синдирди ва уйнинг ичига кирди. Уйнинг ичи гинасиз кишининг кўнгли каби мислсиз даражада топ-тоза бўлиб, бу хил уйни ҳали ҳеч ким кўрмаган эди. Ҳар томонга тез-тез назар солиб, юқорида осифлик бир ёқут қандилни кўрди. У қандил Муштарий юлдузидай ёруғ нур сочиб, уйни эса Қуёш шамъидай ёритиб турарди. Қандилни дарҳол жойидан пастга тушириб, ичини очди ва шу ерга беркитилган Сулаймон узугини топиб олди. Бироқ қандилда қуйидаги сўзлар ёзилган эди:

«Кимгаки бу узук муяссар бўлса, ўша узукда ёзилган исмларни ўқиган одам Искандари Румийнинг тилсимларини очади. Бу узукдаги исмлар ўқилганда йўқликдан овоз келиб, тилсимнинг мушкулларидан уни хабардор қилади».

Шаҳзода узукни ўпиб, кўзига суртди. Кўнглида эса тангрига мадҳу санолар ўқиди. Тангрига миннатдорчилик билдириш шартларини жойига қўйиб бўлгач, у қасрдан ташқарига чиқди ва ўз одамлари олдига қараб йўл олди.

Отини ўрмондан чоптириб чиққанда шаҳзода қўшинни жуда ажойиб ҳолатда кўрди. Уларнинг ҳаммалари Аҳраманнинг ваҳимасидан терак дарахтидек титраб турар эдилар. Шаҳзода кўзларига кўрингач, ҳаммалари яна ўзларига келдилар.

Чин Хоқони Фарҳодни шод-хуррам ҳолда кўриб, ўзи ҳам Фарҳоддек хурсанд бўлиб кетди. Замон бўйлаб ўзига тенги бўлмаган Фарҳод қўшинни бошлаб йўлга тушди. Аҳраман ўрмонидан ўтдилар. Халқ Аҳраманни ўйлаб қўрқишдан озод бўлди. Фарҳод яна ўша кўкламзор, дилкаш жой — Эрам боғидай жон бағишловчи майдонга етиб келиб, қаср атрофига ўз қўшинини туширди. Қасрнинг эшигини очиб, отаси билан муҳтарам вазир — учовлари қаср ичига қадам қўйдилар.

Фарҳод узук билан боғлиқ гапларни уларга тушинтириб, хазиналарни эса отаси билан вазирга тоширди. Уларга яна хурсандлик юз кўрсатиб, мақсад амалга ошаётгани туфайли



май ичишга майл билдирдилар. Олдинги бқшомда тузилгани каби шоҳона базм қуриб, улар айш-ишратга ўлтирдилар.

Осмон Рустами ўзининг қуёшдан бўлган қиличини олиб, замон оқ девининг бўйинини чопди. Уни оғир аҳволда ҳалок этди. Дев тортган оҳнинг тутуни эса дунёни қоп-қоронғи қилиб юборди.

Уларнинг эса айшу ишратлари давом этар, гул юзли соқийлар ўртада жилвагар эди. Аҳраманнинг бошига ўхшаш қадаҳларни лабигача тўлдириб, бир-бирларига шароб тутардилар.

Кел, эй соқий, менга Аҳраман бошидан пиёла ясаб, май узат. У май била маст бўлган менинг руҳим бир нафасга бўлса ҳам нафсим девини ихтиёримга киритсин.

## XXIV



*Фарҳоднинг Суқрот тоғи тилсимини  
очишга камар боғлаб йўлга тушгани,  
булоқ бошида Хизр билан мулоқоти ва  
Хизр таълими билан тилсимни очиб,  
дунёни кўрсатадиган жомни қўлга ки-  
ритгани*

Қоронғилик қўшинининг байроғи оёқ ости бўлиб, қуёш Искандари юз кўрсатди. Кўк гумбазининг тилсими худди Искандар тилсими каби безалди. Фарҳод яна жанг либосини кийди. Муддаолари бошида янгиланди. Ўзини тупроқларга отиб, хафа бир ҳолда отасининг оёғини ўпди, ундан дуо қилишни сўради.

Сўнгра у ўрнидан туриб, дунёни айланиб чиқишга қодир отига эпчиллик билан минди. Узукдаги дуоларни беҳудлик билан ўқиб, яна ҳарбий сафарга равона бўлди. Унинг олди-дан осмондай кенг бир айлов чиқиб қолди. Унда қуёшдай бир

булоқдан сув чиқиб турарди. Тиниқ суви оби ҳаёт булогиникидай, ундан томган ҳар бир қатра кишининг жонидай эди. У булоқнинг қирғоқидаги дарахтлар кўкка бош уриб турар, тўё бу булог ҳаёт сувини дарахт Хизр пайгамбар эди.

Фарҳод бу ерга етиб келиб жуда қувонди. Отини ўша дарахтга маҳкам боғлаб, ўша сувда чўмилди. Бу билан у ўзидаги ғам-ташвиш кирларини юшиб, кўнгли очилди. Тангрига ялиниб-ялбориб, мақсадларининг тезроқ ҳал бўлишини сўраб сажда қилди.

Саждадан бош кўтарганда, бош томонида фариштадай нурувий, яшил кийимли бир кишини кўрди. У чолни кўриш билан кайфияти аяллагучи бўлиб кетди. Бироқ чол луғф ва шафқат кўрсатиб, шундай деди:

— Эй фарзандим, ғамларни унут. Бу ишни сен ихтиёр қилган экансан, кўзлаган мақсадингга ет. Мени сен Хизр деб бил. Шунинг учун йўлингни тутдим. Мен сенга бу йўлда қўлингдан тутиб, ёрдам бермоқчиман. Искандар билан мен иккаламиз тириклик сувини қидириб, зулматга, меҳнат-машаққатларга йўлиққан эдик. Бу сувни истаб у ҳамма томонга борди. Лекин у тополмаган сувни меҳ топиб, ундан қондим. Искандар жонини қийнаб, лаби қовқираб, ташналигича қайтди. Менинг эса жоним ўша сувдан роҳат топди. Унинг қилмоқчи бўлган ишларига фалак ҳасад билан банд солди. Зулматдан чиққач, у дунёда биринчи бўлиб расадхона қурди. Унинг иши доим юлдузларни текшириш бўлди. Менинг ишим эса у еча олмаган тугунларни ечиш эди. У ясаган бу тилсимни очишда ҳам фақат мен одамларга кўмаклаша оламан. Искандарнинг тилсимидан бандга тушиб ётган бу волида мен сенга йўл бошловчи бўламан. Бу ердан сен хотиржам бўлиб йўлга тушасан. Санаб бир неча қадам ташлаганингдан кейин олдинда кўкдай улуг бир тилсим кўринади. Унинг деворлари осмонга туташиб кетган бўлади. Ўша ердан у ёғи яна ўн икки минг қадам бўлиб, ҳар қадамда юз хил надоматларга дуч келасан. Йўли пастлик, баландликлардан иборат, тошлари эса қаттиқ, оёғини кўтариб яна қўнман деган киши пастга қараб думалаб кетини ҳеч гап эмас. Шу йўл битта сўқмоқдангина иборат бўлиб, ҳар икки томони тош, бироқ у ердаги ҳар тош ханжардай ўткир. У томонга бораётган киши қанча йўл босса ҳам, лекин оёғи йўлдан сал тойилиб кетса, ҳалиги тошлар унинг оёғини ёриб юборади. Бу булоқ устида у ўзини ғамгин ҳолда кўради. Агар ҳеч нарсага чалғимай бир текис юриб бораверса, ўн бир минг қадамдан сўнг йўлда тошдан қилинган бир тешикка йўлиқади. Эшик олдида бир эркак шер занжирланган бўлади. У одамни ютиб юборғудай бўлиб оёғини

очади. Оғзини эса кентлигидан дарвозами деб ўйлайсан. Агар йўловчининг бахти келиб, ўша арслондан эсон-омон ўта олса, қўрғон эшигигача яна минг қадам йўл қолади. Шундан сўнг яна тўққиз юз қадам тўғрига юрса йўл устида бир тош тахтага дуч келади. Йўловчи шу ерга етиб келгандан кейин ўша тош тахтани қаттиқ тепса, қалъанинг дарвозаси очилиб кетади. Шунда дарвозанинг ичида темирдан қилинган бир ҳайкал яққол кўзга ташланади. Ҳайкал одамга ўхшаш бўлиб, қўлида темирдан камалаги бўлади. У ўз камалагига ҳар қандай қаттиқ тошни ҳам тешиб ўтадиган бир ўқни қўйиб тургандек кўринади. Бироқ у ҳайкал бошдан-оёқ оловдек ёнғиб турган темир совутларга ўралган бўлади. Унинг кўксига эса ёруғлиги Қуёш кўзгусидай перлоқ бир ойна осиглиқ туради. Йўловчи юз қадам беридан туриб ўқ отиб, худди ўша ойнага тегизса, шу пайтнинг ўзида ҳалиги ҳайкал ерга йиқилади. Фақат унинг ўзи эмас, қалъа устидаги юзта совут кийган ҳайкаллар ҳам ағдарилади. Шунда ўрам-ўрам тилсим бирма-бир очилиб, киши унга ҳеч қўрқмасдан кира олади. Лекин ўқ отган чоғда киши бахти келишмай, кўзгунинг мўлжалини ололмаса, ҳалиги юзта ҳайкалнинг қўлидаги ўқ тўрғай ўзидан пат чиқаргандек бирдан бўшалади. У кишининг бадани эса тириклик булбули учиб кетган қафасдай бўшаб қолади. Сен бу ишларни бошлар экансан, мен айтган гапларни кўнглингга тугиб ол. Агар у ерга кетаётганда оёғим тоймасин десанг, юришда қадамни санаб бос. Улуғларнинг номини тилингдан қўйма. Ўша исмларни ўқимасдан қадам босма. Агар шер нафасидан аждаҳодек ўт сочиб, оғзини очиб, сенга ҳамла қилса, дарров узукни унинг оғзига от. Шундай қилсанг, у дарҳол даф бўлади. Узукни олиб, мен белгисини айтган тошгача юриб бор. Тош устига чиқиб, эшикни очишга ҳаракат қилиб кўр. Ўқ ва ёйнингга қўл уриб, ўқ отишга киришганингда ҳам, албатта, ўша улуғ исмларни тилингдан қўйма. Энди қўрқмай йўлга тушавер.

Хизр бу ишлар юзасидан шаҳзодага шу хилда таълим берди. Фарҳод унинг оёғини ўпиб, йўлга чиқди. Ҳамма ишни у берилган таълим бўйича қиларди. Дарвозадаги шернинг олдига келди. Унинг оғзига узукни ташлаган эди — йўқолди. Узукни яна қўлига олиб, тош устига боргунча қадамни санаб кетаверди. Тош устига чиқиб, оёғи билан қаттиқ тепган эди, қалъа ичидан бир овоз чиқиб қолди. Овоз тамер-такрор бўлиб, жуда беўхшов эди. Лекин дарвоза олдироқ очилиб қолди. Эшик очилиши билан ҳалиги овоз ҳам йўқолди. Шундан кейин ҳалиги совут кийган ҳайкал камонига ўқ тортиб чиқиб келди. Бунинг устига қалъа тепасидаги юзта ҳайкал ҳам чиқди. Ҳаммалари совут кийган, қўлларида ўқ ва ёй эди.

Уларнинг бари Фарҳод юз кўрсатган тарафга ўқларини тўғри-риллаб турар эдилар.

Фарҳод биттагина жонига тикилган юзта бало ўқини кўрди. Кўпгина қийинчиликларни босиб ўтган шаҳзода ҳеч қўрқмай, оғирлик билан ўқ-ёйини қўлига олди. Камонини тортиб, ўқни жойлаб, ойнага қараб шундай ўқ уздики, бу ўқ маҳбуба ғамза қилиб туриб, ошиқ кўксига кипригини ўқ қилиб отиб, доғ қўйганига ўхшарди. Чақмоқ нухасидаги бу ўқ бориб тегиши билан ўқ отувчи темир ҳайкал йиқилиб тушди. Бу йиқилгач, қалъа устида камон тортиб турган бошқа юзта ҳайкал ҳам ер билан баробар бўлди. Уларнинг ҳаммаси ҳалиги ўқ отувчи билан ҳамкору ҳамдаст эдилар.

Фарҳод бу хил аҳволни кўргач, бу ғаройиботлар унинг тилини соқов қилиб қўйган эди. У тангрининг мадҳига тил очар экан, бошқа сўзларни айтишга унинг тили лол эди. Ҳисобсиз безовталикка сабабчи бўлган дарвоза томон у қадам қўйиб бора бошлади. Дарвозанинг йўлини ҳар қандай хавф-хатардан холи кўриб, у қалъанинг ичига кирди. У ерда ҳаддан ортиқ, кўп бойликларни, ҳар тарафга Қорун хазинасидай тўшлаб қўйилган олтин ва кумушларни кўрди. Шунча бойликларни Искандар кун чиқардан кун ботаргача юриб қанча машаққатлар билан дунёни олиб топган ва бу осмонга ўхшаш қалъани тилсим қилиб, шу қалъанинг ичига уларни яшириб кетган эди.

Қалъанинг марказида бир иморат қурилган бўлиб, юз минг ибора ҳам унинг таърифига ожизлик қиларди. У иморат ҳар томонга қуёшдай нур сочиб турар, ўзи кичиккина бўлса ҳам, лекин фойдаси кўп эди.

Фарҳод эшикни очиб, ичкарига қадам қўйди. У уйнинг тоқида порлаб турган бир жом кўринди. Порлоқликда у қуёш каби, қуёш ҳам эмас, подшоҳ Жамшиднинг жоми сингари эди. У жаҳоннинг марказида қуёшдай порлаб, дунёни кўрсатувчи ойна сингари эди. Бу ойнада ҳам юз бериб турган ишлар, дунёнинг аҳволи яққол кўриниб турарди, Жомнинг ташқи томонида ер юзининг маркази, ички томонида эса тўққиз осмон айланаси жилва этарди. Унинг ташқи томони етук кишининг қалбига, ичи эса қалби пок кишининг юрагига ўхшаб кўринарди.

Кўп машаққатларни чеккан Фарҳод буларни топиш билан жуда ҳам севиниб кетди. У шоҳона жом ва хазиналарни ўз ўрнига қўйиб, орқасига қайтди. У катта булоқ бошига келиб отига минди ва отини Хоқон томон йўналтирди. Уларнинг олди-га бориб, Хоқонни ва унинг ҳамма одамларини хурсанд этди. Уларнинг барчасини юз минг қайғу-ташвишлардан озод қилди.

Энди Фарҳод бутун қўшинга ўзи раҳбарлик қилиб, қўшин унинг кетидан изма-из юриб ўша томон йўлга тушишди. Улар Хизр Фарҳодга таълим берган булоқ бошига боришди. Шу ерда Фарҳод ўз одамларини ва қўшинни туширди. У ёғига вазир билан шоҳнигина бошлаб кетди. Олдин дарвозадаги шер ёнига, сўнг осмонўпар қалъа ёнига бориб томоша қилдилар. Қалъа ичида турли-туман очиқ хазиналар билан бир қаторда айрим махфий хазиналар ҳам бор эди. Уларнинг ҳаммасини Хоқонга тухфа қилди. Шу жумладан, дунёни кўрсатиб турадиган жомни ҳам.

Пок тангрига юз хил шукрлар билдириб, у ердан шод-хурам бўлиб ўз манзилларига қайтдилар. Кўкда кундуз қалъасининг тилсимларини бузган ой фарҳоди ўз жисмини кўрсатди. Қуёш Искандар каби қоронғиликларга кирди. Жамшид жоми эса тилсимлар ичига яширингандек бўлди. Улар яна ишрат асбобини ҳозирлаб, Жамшид жомида тўла-тўкис қизил шаробларни ича бошладилар. Улар гоҳ Искандар тўғрисида қўшиқ айтсалар, гоҳ Жамшид ҳақида афсоналар сўйлар эдилар.

Эй соқий, сен ҳам ишрат жойини тайёрлаб, менга Жамшид жомида шароб узат. Искандар кўзгусини очайин-да, Жамшиднинг жомини томоша қилайин.

## XXV



*Фарҳоднинг Хоқон ва Мулкоро билан бирга Суқрот ҳакимга йўлиққанлари, Суқрот Фарҳоднинг келажакдан хабар бергани ва ҳар бирлари тилак гавҳарин қўлга олиб қайтганлари*

Саҳар суқроти\* тоғнинг тепасидан жой олар экан, унинг юзидан тарқалган нурлар бутун оламни ёритди. Унинг асбоби осмон варақларидан устурлоби\*\* қуёш чамбаридандир.

\* Саҳар суқроти — Қуёш дейилмоқчи.

\*\* Устурлоб — шарқ астрономиясида қуёш ва юлдузларнинг юксаклигини ўлчаб келинган асбоб.

Фарҳод яна ишда ўз қобилиятини намойиш қилиш учун отига миниб, йўлга тушди. Суқротнинг ғори жойланган тоғ томон юзланиб, у тўхтовсиз юрарди. Хоқон билан ҳунарманд вазир ҳам унинг орқасидан от қўйиб борардилар. Қўшнинг чашма бошидан кўчиришмади. Ҳамма халқни сафарга чорлаш учун ноғора ҳам чалинмади. Энг яқин ҳодимлардан икки миңгасигина танланди. Улар бевосита подшоҳ қузурида хизмат қилиб боришлари керак эди.

Улар ҳаммаси Фарҳод орқасидан от суриб борар эканлар, биёбондан ўтгандан кейин унга етиб олдилар. Бу одамлар тўда-тўда бўлиб, Фарҳод билан ҳамкорликда ведийни кесиб ўта бошладилар. Мўлжалланган Суқрот ҳақимнинг хилват-хонасига — тоғнинг этагига етишгач, қарасалар, елдиларида жуда баланд бир тоғ турибди. У тоғнинг этагиде ер юзи нақ бир уюм тупроқнинг ўзи эди.

Бу тоғнинг чўққиси Зуҳал юлдузининг бошига бориб теккан, унинг тошлари фалак жомини синдирган, унда ўсаётган дарахтларнинг соясида осмон қасри паст эди. Ҳатто сидранинг\* шохлари ҳам бу дарахтларнинг битта шохига арзимасди. Фалакнинг тиғи унинг баданига эгов сингари урилган, уни эговлаб, тепасини туянинг ўрқачига ўхшатиб қўйган эди. Шунинг учун бу тоғ ҳам осмонга нисбатан эгов бўлиб, фалак туясида ҳам ўрқач ясашга интиларди. Ойнинг оппоқ суяги унинг эговидан тарашланиб, суяк тебранардию, эгов ором оларди. У тоғнинг бошида кўринган қорларни эговланган фил тишининг майдалари деса бўларди. У тоғнинг тақаси эса сал кам кийик бўлиб, ёздаги қоплоннинг соясини эслатарди.

Тоғнинг ичидан юз миңглаб булоқлар оқиб турарди. У булоқларнинг ҳар бири порлоқ қуёшдай эди. Унда юз миңг фойдали кўкатлар ўсиб ётган бўлиб, ҳар биттаси беҳисоб касалликларни дафъ эта олар эди.

Бу тоғнинг буюклиги тўққиз осмонча бўлиб, этагининг доираси кенгликда икки жаҳонча эди. Унинг атрофида сонсиз-саноксиз ғорлар ва чуқурликлар бўлиб, уларни ўрганиб билишга ақл ва ҳис ёрдам бера олмасди. Бундаги ҳар бир ғорнинг ичига келганда, уларнинг боши, оёғи йўқ бўлиб, на учи кўринарди, на ниҳояси. Уларнинг ҳар бирининг ичи шунчалик қоронғи эдики, ёруғ қуёш шамъини олиб кирилса, уни хиралаштирарди. Борди-ю, порлаб турган тўлин ой бу ғор ичига кирса, қоронғуликдан куйган бир патирга, оддий қурум доирасига айланиб қоларди.

Бу воқеа юзлаб одамларни оқизиб кетадиган дарёлар

\* Сидра — еттинчи осмондаги афсонавий дарахт.

оқарди. Тоғлар ичида эса юз минглаб одам ютадиган аждарлар яшарди.

Шоҳ ва шаҳзода бу тоққа келиб, ушбу аҳволни, шундай бир манзарани кўрар эканлар, хусусан, Хоқон ҳайратга чўлиб, лол ва оқиз бўлиб қолди. У умрида бундай жойларни ҳеч қачон кўрмаган эди. Бу аҳволда Фарҳод уни юпатиб, тоққа ва унинг одамларига меқрибонликлар кўрсатди.

— Дарҳол жоми Жамшидни келтирият. Халқ кўнглидаги бу аламни ўшагина кўтаради,— деди у.

Бошланган мушкул ишларни охирига етказиш учун тезлик билан бориб, жомни келтиришди. Ишларнинг йўли очиқлиб кетиши учун Фарҳод унга қараган эди, бутун дунёнинг акси унда кўрина бошлади. Уткир кўзи билан қайси бир тарафга қараса, унда бир иқлим жилва билан кўринар эди. Фарҳод олдин дунёдаги мамлакатларни бўлиб-бўлиб чиқиб, сўнг етти иқлимни бир-биридан ажратди. Бошқа мамлакатларнинг жилвасидан кўз юмиб, ўша жомдан Юнон ўлкасини қидириб топди. Бу ўлканинг ҳар томонига назар ташлаб, одамларини бундан хабардор қилди. У ердан ниҳоят ўзлари турган тоғни ҳам аниқлади. Фарҳод тоғнинг жойланишини ҳисоблаб чиқиб, сўнг тоғнинг ичидаги горларнинг ичини текшира бошлади.

Фарҳод қидиравериб у ердан ниҳоят Суқрот ҳақимнинг оромгоҳи бўлган горни топди. Ошиқ ёрнинг оғзига олиб борадиган йўлни қандай қийналиб топса, Фарҳод ҳам кўп фикрлашлар билан Суқрот горининг оғзини топди. Фарҳод ўзида дунёни кўрсатувчи ҳалиги жомни олдинда машъални кўтаргандай олиб юришни буюрди. Жомни кўтарган киши уни йўлга тутиб, қоронғи кечани кундуздай ёритиб юборди. У жомнинг нури худди кечася осмонда сузган ойнинг нуридай ҳамма ёққа тушар эди. Искандар қоронғилик ичида юргандай, улар юзларча офату бало ичида от суриб борар эдилар.

Хизр айтган йўлнинг нишонаси кўринди. Ногаҳон тириклик суви топилгандай бўлди. Шу ердан туриб якка-ягона Суқрот яширинган горнинг белгисини кўриш мумкин эди. Қора тун ниҳоясига етгандек бу йўл ҳам энди охирига етгани бунинг белгиси эди.

Шоҳ ва шаҳзода отларидан тушинга майл билдирдилар. Уларни кузатиб бораётган барча одамлар ҳам шундай қилишди. Ишнинг охири шундай ажиб бўлдики, олдиларда тошдан ясалган бир зинапоя кўринди. Шоҳ, шаҳзода ва ишбилармон вазир учовлон зинапоядан беш-олти босқич юқорига чиққач, очик бир айвонга дуч келишди. Шоҳ билан шаҳзода йўлни давом эттирар эканлар, тўрида яна бир бўсага назарга таш-

ланди. Улар бу даргоҳда бир нафас истироҳат қилиб олдилар. Дунёни кўрсатувчи жом буларга ёруғлиқ солиб турар эди.

Шу пайт уй тўридан буларни ичкарига киришга ундаб бир нидо келди. Кўнгил уйига хавотир қандай кирса, улар ҳам худди шундай ташвиш ва қўрқувлар билан ичкарига кириб бордилар. Уйнинг ичида бир пора нур кўринди. У нур ёруғлигидан уй равшан ва обод бўлиб кетган эди. Чунки унинг бир буржида осмон ҳақими ҳам шогирд туша олмай-диган бир қуёш ўлтирарди. Унинг жисмиданоқ покиза руҳи кўриниб, шахидан эса улуг ақл эгаси экани билиниб турар эди. У этагини дунёнинг ишларидан тоғдек тортиб, тоғдек қимирламасдан бир ерда яшарди. Унинг пок кўнгиллиги лаъл тошидай кўзга ташланиб турар, кийим-боши эса порлоқ лаъл тоши устига ёпиб қўйилган қимматбаҳо ипак матони эслатарди. Унинг ҳаёт осмонида дунё бир юмалоқ тошдай, унинг ўзи эса жаҳон жисмининг тоза жонидай эди.

Жаҳон ҳақида галирмасанг ҳам бўлади. Унинг олий қадрли вужудининг ўзи биз учун дунёда энг катта олам намунаси-ку! Унинг кўнгли эса шундай бир тиниқ денгизки, унинг юзасидан то тубигача бор ҳамма нарса кўриниб туради. Бу денгиз ичига осмоннинг юз минг юлдузи садафнинг ичига дур тўлатилгандай яширилган. Унинг юзи тангрининг нуридан порлаган кўзгудай бўлиб, у илоҳий сирларни тамом англаган киши эди. Унинг манглайдан томган ҳар қатра тер эса оламини юлдуздай ёритар эди. Унинг ғоридаги ҳар бир тубан ўргумчак ҳам осмон жисмларининг қандай турганлигини ўлчайдиган бир устурлобдай эди.

Унинг жисми бир ерда қимирламай турса ҳам, табиати осмонда сайр этиб юрарди. Айланиш мумкин бўлмаган ерларда ҳам сафар қиларди. Юмшоқликнинг осмони унинг зоотида, билимларнинг шукуҳи эса юзида намоён эди.

Шундай юксак даражали бир зот кўриниши билан ҳаммалари букилиб ер ўпдилар. Унинг салобатидан танлар бетобланиб, кўнгиллар бўшашиб, баданларга титроқ кирди.

Сирлар хазинасининг хазиначиси кўзини очиб, иззат билан улардан ҳол-аҳвол сўради:

— Бу хавфли йўлни босиб ўтиб ўзингизни қандай ҳис этяпсизлар? Учраши шарт бўлган балолардан қандай қилиб қутулдиларингиз?

Ушбу саволларга жавоб бериш учун тиллари мутлақ бормай, ҳаммалари бошларини қуйи солдилар.

Яна унинг ўзи сўз бошлаб, Хоқонга деди:

— Сен талайгина қийинчиликларни тортдинг. Тангри бе-



шак буларнинг эвазини беради. Гарчи йўл-йўлакай сенга бир қанча хазиналар насиб бўлган эса-да, бари бир, биз томонга келишда кўп машаққатларни чекдинг. Ҳисобсиз гавҳарлар, қимматбаҳо олтин-қумушлар, Сулаймон узуги, Жамшиднинг жоми қўлингга кирди. Биз сенга яна икки хушxabарни ҳада қилмоқчимиз. Қўлингга иккита гавҳарни ҳам топширмоқчимиз. Бу икки гавҳарнинг бири сенга маълум этиладирган хабар бўлиб, иккинчиси энг олий бир таъсир этувчи гавҳардир. Сенга айтиладиган хабар шундан иборатки, сен узоқ умр кўрасан, яна кўп ўлкаларни фатҳ этасан. Ўйлаб кўрсанг, отабоболаринг ичида сенча умр ва давлат кўрган киши топилмайди. Сенга берадирган нарсамнинг яна бири бир муҳрадир. У гоят фойдали бўлиб, агар сен дунёда узоқ йил яшайдиган бўлсанг, сенга бирор касаллик ёки заифлик юзланадиган бўлса ёки қарилик таъсир қилса, ўша муҳрани оғзингга солиб, тилинг билан айлантириб, сувини ютсанг, касаллик соғломлик билан алмашади, ғам-ғусса куч-қувват билан айрибош бўлади. Қарилик касали тамоман йўқолиб, йигитлик унинг ўрнини олади.

Бундан кейин у вазир Мулқорога қараб, унга ҳам яхши гапларни қуйидагича башорат қила бошлади:

— Сен ҳам бир қанча аламларни тортиб, бу томонга қадам босиб келдинг. Шоҳ қанча муддат тахтни эгаллаб турса, сен унинг олдида вазир бўлиб қоласан. Сенга ҳам бирон касалликдан, заифликдан ранж етса, шоҳ сени мана шу муҳрадан баҳраманд қилади. Бироқ сизларнинг олдингизда бир хатар турибди. Шундан ҳамма эҳтиёт бўлиши керак. Бу хатар тўрт унсурнинг\* иккисидан юз беради. Агар мен янглишмасам, бу ел ва сувдан бўлади. Бу хатардан сизлар кўп қийналсаларингиз ҳам, охирида худо сизларга бундан қутулишни насиб этажак. Агар умрингиз бу хатарлардан эсон-омон қутулса, менинг ақл югуртиришимча, беш юз йилча умр кўрасизлар.

Уларга шу хил хушxabарларни айтиб, у уэр сўраб, уларни уйдан чиқарди. Шундан сўнг у шаҳзодани ўз олдида чақириб олиб, у билан сирлашди. Кўзини очиб, шаҳзоданинг жамолига яхшилаб тикилди ва унинг кўнглини кўтариб, бир неча саволлар берди. Фарҳод ҳам ўрнидан туриб, унинг олдида бориб, ер ўпди. Билимдон ҳақим уни синашга бошлади:

— Эй вужуди қайғу-аламдан иборат бўлган, пешанасига азалдан севги ёзиб қўйилган йигит! Сен бизга равшанлик келтирдинг. Хуш келибсан! Келишинг қоронғи уйимизни ёритиб юборди. Мен минг йилдан буён шу тоғлар орасида

пойн қадамнига интизорлик тортаман. Худога шукрки, энди сени ўзим топтим, юзингни кўзим кўрди. Мен энди охири йўқ нариги дунёга кетмоқчиман. Вақт зиқ бўлгани учун сўзларимни яхшилаб эшит. Сен шуни билки, бу дунё ўта фоний бир дунёдир. Уни ҳақиқат аҳлларига бир зиндон деса ҳам бўлади. Агар сенга аслан Искандар мулки насиб бўлганда ҳам, ҳаётинг Нуҳ пайгамбар умрича бўлганда ҳам, эртадир, кечдир, бу дунёдан кетиш турган гап. Шунча давлатинг ва умринг эса ҳеч бўлмагандай бўлади-қолади. Худо инсонни вужудга келтирган экан, инсоннинг дунёда яшашдан кўзлаган мақсади тангрининг буюрганига хурсанд бўлиш, буюрганидан бошқасини қилишдан тортиниш бўлмоғи керак. Инсонга ҳақиқий маҳбуб унинг ўзи бўлиб, унинг васлига етишиш учун йўл босиши зарур. Кишининг умиди ўша маҳбуб бўлиб қолса, унинг катта омади, абадий бахти шудир. Лекин, бу бахт-давлат жуда олий бўлиб, унга эришиш жуда ҳам мушкул. Бу йўл бўйлаб ҳисобсиз дарду ғамлар учрайди. Улар аслида икки қадамлик бўлса ҳам аммо жуда узоқ давом этади. Киши шу икки қадам йўлни минг йилда босиб ўтгандай бўлади. Лекин, бу йўлни инсон ҳар қанча юрмасин, босиб ўта олмайди. Бунинг учун инсон аввало ўзлигидан воз кечиши, уни йўқ қилиши, сўнг ўша маҳбубини қидириб топиши керак, Киши ўзлигини йўқотмай туриб, уни топа олмайди. Чунки денгизни маҳв этмай туриб асл дурни топиш мумкин эмас-ку! Кишига ўзлигини йўқотишнинг бирдан-бир чораси ишқи мажозий бўлиб, бунинг учун бошқа нарсани қидириб ўтиришга ҳожат йўқ. Ғам шомиди абадий қолиб келаётганга ҳам олдин субҳ толей кўрсатади, сўнг Қуёш чиқа бошлайди. Мажозий ишқ бамисоли бир нурли тонг бўлиб, ҳақиқий ишқ эса зорун Шарқдан чиққан қуёшидир. Мажозий ишқ кишини зору ғамгин этиб, ошиқлар танини хашакдек қилиб қўяди. Иссиқлар у хашакни тобора қовжиратса, ўт тегиши билан у хашак ёна бошлайди. Абадий ишқнинг чақмоғи чақилгач, унинг бир учқуни ошиқни кулга айлантиради. Сенинг олдинда турган ишқ ишқи мажозийдир. У сенинг вужудингни куйдириб, ўртантиради. Шу ишқ сенинг овозангни бутун дунёга таратади, овозингни эса кўҳна фалакнинг тоқига етказди. Сенинг ишқ ўтинг оламни равшан этиб, оламнигина эмас, бутун нил ранг осмонни ҳам ёритади. Ишқ орқасида сен тортган ғам-аламлар бутун дунёни тўлдириб, ондан ошиб тўққиз осмонни ҳам кўмиб юборади. Қаердаки ишқ туфайли ёлғизланиб қолган киши бўлса, сенинг йўлингдан кўтарилган чанг унинг кўзига нур бўлади. Сен тортган ҳой-ҳуйлар тўққиз фалак тоқига етиб, сенинг шаънингда айтиладиган гапу сўзлар

етти иқлимни эгаллайди. Агар дунёдаги ошиқ халқининг тўдалари ва қўшиқлари бир ерга йиғилса, сен уларга подшоҳ бўласан. Агар мажозий ишқдан жонинг ўртаниб, фано селидан хонумонинг бузилса, у вақтда ҳақиқий ишқдан майин шабада эсиб, унинг энгил шабадасидан димоғингга яхши ҳид урилади. Асл маъшуқанг ёрдам қўлини чўзиб, мажозий ишқинг ҳақиқийга айланади. Шу билан сен ўзингни унутасан, ишқинг ҳам охирига етади. Абадийлик мамлакатида қаҳрамон бўласан. Ҳақиқат тахтига эса эгалик қиласан. Отангдай юз минг хоқон ва қайсарлар дунёдаги одамларнинг ёдидан кўтарилади. Дунёда эса фақат сенинг сифатларинг ва севги йўлида яхши отинг қолади!

Сукрот бу сўзлардан сўнг Фарҳодга бир неча дуоларни ўргатди:

— Сенинг олдингда агар турли тўсиқ ва балолар пайдо бўлса, шу дуоларни ўқий бошласанг, ўша тўсиқ ва балоларнинг ҳаммасидан қутуласан. Бундан ташқари, айтиб ўтилган кўзгу масаласи ҳам бор. Ўша кўзгу сенинг бу томонга келишингга сабаб бўлган эди. Сен совут кийган ҳайкалга ўқ отиб, Искандар тилсимини буздинг. Уқ ўша ҳайкалнинг айланасига тегиб, унинг кўксини тарози палласидай иккига ажратди. Олдинги кўзгу кўзингдан ёшлар сочган эди, бу кўзгу эса унинг тилсимини сенга очиб берди. Энди бу ердан қайтиб, Чин шаҳрига борганингда, ўша биринчи кўзгуга қайтадан қарайсан. Ўша кўзгунинг орқасида нима ёзилган бўлса, ҳаммасини энди сен унинг юзида кўрасан. Унга боққанингдан сўнг сенга ишқ балоси ёпишади. Бу ошиқлигининг бошланиши бўлади. У кўзгуга қайтадан қарамоқчи бўлсанг, ҳеч нарса кўринмайди. Сенинг ишларингнинг бош ипига тугун тушган бўлади. Ҳар қандай ишга ҳам чора топа олувчи кишилар сенинг ишингга келганда ожиз бўлиб қоладилар. Тақдир пешанангга ёзган нарсалар бошингга тушади. Аҳволинг қанча оғир бўлиб, кўксингдан чиққан оҳлар кўкка етгани билан бефойда. Бироқ талаб қилганинг — ишқ қўшин тортиб, сенинг кўнглингни шундай мағлуб этадики, агар сен ўша ишқнинг нималигини бир нафас тушуниб етсанг, бундан огоҳ бўлсанг, бундан сен дунёга минг йил шоҳ бўлгандан ортиқ лаззат топасан. Мен ҳам энди сен билан хайрлашаман. Истагим шуки, сен мурод-мақсадингга етгач, севги туғени сенга ҳужум қилган чоғларда, бирон марта оқ тортиб, мени эслаб қўйсанг!

У донишманд сўзини шу ерга етганда тугаллаб, дунёдан кўз юмди. Фарҳод унинг айрилигида вовайло тортиб қолди. Сукрот ҳақим эса Суҳайло ҳақимдек борса келмас узун йўлга тушиб кетди.

Шўрлик Фарҳод бу аҳволни кўриб, кўзидан маломат ёшларини тўкди, унинг аҳволига ва ўзининг ҳолига кўп-кўп йиғлаб, мотам тутди. Дарҳол Хоқон билан Мулқорони чақирди. Улар ҳам бу хатарларга тўла ҳолни кўришди. Икковлари ташқаридан туриб, донишманд айтган гапларнинг ҳаммасини эшитган, бу гаплардан ўзлари ҳам ўлиш даражасига етган эдилар.

Улар бир неча тушунган одамларни чақириб, донишмандни ўз жойига қўйдилар. Унинг қабрини обод этиб, ўша тоғ атрофидан бир шаҳар бино қилдилар. Ўша обод этилган ернинг ҳамма томонини тўғрилаб, сўнг булоқ бошига йўналдилар.

Хоқон билан Фарҳод қўшин орасига кириб келар эканлар, Фарҳод ўз кайфиятига кўра қайғули бўлгани каби Хоқон ҳам хурсанд эмас эди.

Қуёш Суқроти ўзига ернинг тубини маскан қилди. Кечанинг луқмони эса йиғи-сиғига турди. Ўз кийим-бошини кўку қоралардан ясаб, аза тутди, кўз ёши тўка бошлади.

Шоҳу шаҳзода эса Суқротнинг мотамидан жуда дард чекар, фақат Чин ўлкасига қайтиш иштиёқигина уларни бу қайғудан узоқлаштирар эди.

Улар бу кеча истар-истамас базм туздилар. Аччиқни аччиқ кесади, деганларидек, бир неча қадаҳ аччиқ шароб ичдилар.

Кел, эй соқий, менга сен ҳикматларингни кўрсат ва аралаш рангли, селала бир қадаҳ шароб бер. Қадаҳнинг бош булоғига тўлқин солиб, мени бир нафас бўлса ҳам ҳаяжонларимдан тинчлантир.



*Фарҳоднинг Хоқон билан Чинга қайтгани, Чинда кўзгуни томоша қилиб, унда Арман мамлақати, Арман водиси ва Ширин жамолини кўриб, унинг юзи кўриниши билан оҳ уриб йиқилгани*

Тонгнинг бош булоғи порлай бошлаб, кўкнинг майсазорини гулшанга айлантирди. Фалакнинг Юнон замини қисми мусаффо бўлиб, Чин хоқони — Қуёш эса қўшин тортди.

Хоқон, хоқонгина эмас, Фарҳод ҳам, уларнинг ҳамма одами ҳам Чин мамлақатига қайтишга мойиллик билдира бошладилар. Хазиналарга ишончли одамларни қўйиб, Хоқон уларнинг ҳар бирига мингдан зиёда кўмакчилар ҳам берди. Ўзлари эса кучларини йиғиб, Чинга йўл олдилар. Уларнинг энди бу йўлда кўчишдан бошқа ишлари қолмаган ҳам эди. Улар йўл юришга шунчалик берилиб кетган эдиларки, кечани кеча, кундузни кундуз демай йўл босар эдилар.

Пайғамбар дин ўлкасига етиб келгандай, Хоқон ҳам ниҳоят Чин мамлақатига етиб келди. Шараф буржига ой келиб қўнгандай, ўлканинг безаги бўлган шоҳ ҳам ўз тахтига чиқиб ўлтирди.

Фарҳод эса Чин шаҳрига қадам қўйиши билан ташвиш ва тараддуд ичида кўнгли тинчимамай, кўзгуни кўриш умидида дарҳол хазиналарнинг калитини сўраттирди. Сабру қарорсизлик билан эшикларни очиб, саросималик билан кўзгу томон югурди. Ўша биллур каби тиниқ кўзгу кўриниши билан унинг турли фикру хаёллар билан тўла кўнглига севинч юзланди. У латофат қутчасини, латофат қутчасинигина эмас, айни вақтда офату бало қутчасини жойидан пастга тушириб, хазиначидан унинг калитини топтириб олди. Шу билан ўзини ҳам юз минг балонинг тузоғига солди.

Калит аланга шаклидаги тилини чўзиб, кўзгуни очишни манъ қилгандай, зулфинлари эса қулф оғзини маҳкам ушлаб, уни очмасликка ишора этаётгандай, калит ўша зулфин ва қулф ичида юз буралиб, «Бу хатарли фикрдан кеч!» деяётгандай эди.

Бироқ киши тақдирдан қочиб қутула олмайди. Шаҳзода сандиқни очиб, кўзгуни чиқарди. Қуёш кўзгусига ўхшаган бу кўзгу Жамшид жоми сингари дунёни ўзида акс эттириб турар эди.

Фарҳоднинг кўнглига ҳайрат учқуни тушиб, кўзгунинг юзига қаради. Кўзгунинг олд қисмида ноз билан парвариш топган ажойиб бир дашт кўринди. Бу даштда дардли севги кўкати-дан бошқа нарса кўринмас эди. Кўкатлари занглаган ништарга ўхшар, гуллари эл қони билан қизарган, занжир-занжир бўлиб ўсган сунбуланинг бўгин-бўгинлари чидам ва ақлни овлаш учун туюқ эди. Бу ерда осмондаи ранг олиб, осмондан парвариш тошиб кўкараётган бинафшалар гажак бўлиб ақл бўйнини тортаётгандай, наргис гуллари тақво аҳлини маст ва ҳушсиз қилиш учун шароб пиёласи узатаётгандай, лолалари жонни ўртантиришга, кўнгидаги доғлар хирмони-ни куйдиришга ўт ёқаётгандай, тупроқлари элу халқ турмуши қора бўлсин учун хушбўй мушк сочаётгандай, у ердаги сафсар гуллар эса «Бу ерга келган ҳар қандай софдил ошиқнинг ҳоли шундай бўлади!»— дей бериб соқов бўлгандай эди.

Фалакнинг раъйи билан бу ерда жуда кўп армон ва нафармон гуллари кўқарган эди. Қаттиқ эсган қуюн шамоли ҳар нафас сарсон-саргашталиқнинг ҳамма турларидан нишона кўрсатиб турарди. Бу водининг қирғоқларида қаттиқ тоғлар бўлиб, улар айрилиқ тоғларини эслатарди. Тоғлар оёқларини ерга маҳкам тираб, кўкка сир айтиш учун бошларини юқори кўтарган эдилар. Фалак ва тоғларнинг тузилишини чўзиқ қилиб яратган, гўё улар дунё денгизига ташланган лангар эдилар.

Худди шу тоғнинг гир айланасида сон-саноқсиз одамлар саф тортиб, қаттиқ ҳужум қилиб, ўша тоғнинг камарида ариқ қазиш билан машғул эдилар. Ариқ эса тоғ айланасида камарга ўхшаб чўзилиб кетган эди. Шу одамларнинг ичида ташқи кўринишдан бир ёш йигит ўзининг ҳунарини намойиш қилиб теша урар, айни вақтда унинг заиф ва бечоралиги ҳам билиниб турарди.

Худди шу вақт ва шу ҳолатда узоқда бир гуруҳ одамлар пайдо бўлиб, улар ҳалиги тоғ қазувчилар устига тоғ сели каби кела бошлади. Уларнинг ҳаммаси отга минган ой юзли

гўзаллар эди. Қимматбаҳо гавҳарлардан тақинчоқлар тақиб, улар ўзларига жуда зеб берган эдилар. Уларнинг ҳаммаларининг пешоналари гул-гул ёнган, киприклари тикондай-тикондай, қовоқлари кенг-кенг, оғизлари эса тор-тор эди. Уларга бир гул юзли гўзал бошлиқ бўлиб, бу чавандоз гўзалнинг минган оти юриши олдида осмон оти чўлоқ, қуёш юзи унинг манглайи порлоқлиги олдида ўз рангидан ҳижолатда эди. У гўзал гўё қуёш билан шатранж ўйнагандай рух юриб, от\* сакра-тиб, уни ҳар соатда юз марта мот қилар эди.

Ҳа, у гўзалнинг бошдан оёғи жаҳонни ўртаб, оламга бир бошдан ўт солгудай эди. Шу тўдадаги қизларнинг ҳар бири бир ой бўлиб, бошлиқлари эса дунёга зийнат бергувчи қуёш эди. Эсиб турган елдан юзи қип-қизариб кетган у гўзал тоғ қазувчилар устига елдай от суриб борарди. У ҳар томонга қараб томоша қилар, қаёққа боқса, ўша томондаги элнинг юрагига ўт ёқар эди.

Шу пайт Фарҳод кўзгуда ўз тимсолини кўриб қолди. Ҳалиги гўзал отининг бошини шўрлик шу Фарҳод томонга бурди. Фарҳоднинг кўзгуда кўринган тимсоли қизнинг юзига қараш билан суратдай қотиб, тани беҳолланди. Ва яраланган овдай бир фарёд қилди, фарёд қилдию, ўзидан кетиб, ерга йиқилди.

Фарҳод кўзгуда кўринган ўз тимсолининг бунчалик йиқилишини кўриб, ўша гўзални яна ҳам аниқроқ кўришни истади. Кўзгунинг юзини у ўзига яқинроқ келтириб, ой юзлининг жамолига боқди, худди кўзгуда кўринган ўз шаклидай бир фарёд қилиб, жисми жонидан айрилгандек ерга йиқилди. У худди ўша ўз тимсолидай ҳуши кетган ва бир оғиз сўз ҳам айта олмай ётарди.

Хазинадаги хизматкорлар унинг бу ёмон аҳволини кўриб, тезлик билан Хоқонни бундан хабардор қилдилар. Хоқон бу можарони тушуниб, ёқасини йиртиб, хазина томон югурди.

Онаси эса уни ўлган фаҳмлаб, сочини ёйган ва юлган ҳолда мотам тутиб чопиб келарди. Фарҳоднинг отабеги бўлган Мулқоро Фарҳод учун оталардек фиғон торта бошлаганди.

Мулқоронинг таниқли, Фарҳод билан тенгдош ва сирдош Баҳром исмли ўғли бор эди. У аслда Фарҳод билан эмишган кўкалдош бўлиб, маслак бобида у билан биродар эди. У ҳам Фарҳоднинг аҳволини кўриб, ёқаси эмас, кўксини пора қиларди.

Булар ҳаммаси парвонадек Фарҳод бошига тўпланган эдилар. Фарҳод эса ўчган шамдай ётарди. У хушсизлик кўчасига шу юз қўйганича бир кеча-кундузгача ўзига келмади.

\* Рух, от — шахмат доналари кўзда тутилади.

Тонг боғи ўз шамолларини ҳаракатга келтиргандан кейингина Фарҳоднинг димоғига бу шамол урилиб, у ўзига келди. Кўзини очиб, боши устида селдай кўз ёши тўжиб турган тўдани кўрди. Йиғлаётганлардан Мулкоро билан Баҳромни мулоқимлик билан тинчлантирди. Унга мотам тута бошлаган ота-онасини кўриб, уялиб кетди, уятдан ўлаёзди. Аввалги йиқилгани каби йиқилиб, унинг яна ҳушидан кетишига оз қолган эди.

Фарҳод минг узрлар айтиб ўрнидан турди ва келиб, уларнинг оёқларига юз суртиб, ер ўпди.

— Қандай қилиб сизнинг бунчалик мотамингизга сабаб бўладиган ҳолатга тушиб қолганимни ўзим ҳам билмайман,— деди у ота-онасига.— Бу иш яхшими, ёмонми, худо ҳаққи, менинг ихтиёримдан ташқари юз берди. Расво бўлибман. Маъзур тутинглар. Расво бўлдим, десам кам. Бу менинг ўлганим. Ичингизда ҳам, ташингизда ҳам мендан хафа бўлмасангиз, гина сақламасангиз яхши бўларди.

Шу хилда у ўзининг ичидан анчагина сиқилганини кўрсатиб, уларнинг кўнгилларини ўз томонига тортмоқчи ва уларнинг майлини қозонмоқчи бўлди. Лекин унинг кўзи билан тили бу томонда бўлса ҳам, жони билан кўнгли ҳалиги кўзгу томонда эди.

Улар бу гаплардан севиниб ўринларидан турдилар ва уйларига жўнаб кетдилар. Уларга Фарҳод шу хилда чора қилиб, жўнатиб юборгач, ўзи келиб, яна кўзгуга қаради. Кўзгунинг юзи эса бурунги ҳолида тутун босгандек эди. Бу кўзгунини ясаган донишманд унинг тилсимини шундай қилган эканки, бу кўзгуда қандай шакллар кўринса, қарагувчи томоша қилиб бўлгач, тилсими бузилиб, уни қайта кўриш мумкин бўлмас экан.

Фарҳод кўзгудаги томошани яна кўришдан умид узди. Шундан сўнг ўзини у муттасил гаму ғуссалар ичида кўрди. Бу қайғулардан унинг ўлими ҳам яқин эди.

— Оҳ!— деди у.— Бошимга бир иш тушдию, лекин тушганда ҳам жуда оғир иш тушди. Агар ўзимни шу туфайли пор-пора қилиб ташласам, бундан истагим ҳосил бўлмайди-ку! Нима фойдаси бор. Бечора жоним куйиб адо бўлмасдан, девоналик қўлимдан ихтиёримни олиб қўймасдан бурун бирор чора ўйлаб топмоғим, ақл билан иш тутишни ўзимга ҳунар қилиб олмоғим керак. Ақлли бўлиш такаллуфларини кўрсата бошласам, шоҳнинг ҳам кўнгли шоду хурсанд бўлади. Энди менинг қилмоқчи бўлган ишларимнинг қурол-яроғи тайёр. Бу асбоблар мен ва ишқ балосидан иборат, холос. Ҳозир мен бетоқатлик кўрсатиб, бошимни олиб бир тарафга кетсам, мам-



лакат подшоиси бир нафас ҳам сабр қилмай, чидай олмай, муқаррарки, мени қидириб топиш учун тездан юз минг қўшин тайин этади. Улар Чин мамлакатининг ҳар қайси томонига чопиб, икки-уч кун ўтказмасданоқ мени топиб келтиришади. Агар қўшинни кўриб, улар билан бетма-бет курашга тушиб кетсам, кўп беғуноҳ одамларни ўлдириб юборишга тўғри келади. Фараз қилайки, халққа қилич ўқталдим! Йўқ, бу зулмни элга қилгунча, ўзимга қилганим яхши! Қандай қилиб эл бўйнига қилич уриш мумкин?! Қандай қилиб гуноҳсиз одамларни ўлдириш мумкин?! Курашаверсаму, охири қўлим ишдан чиқиб қолса-чи?! Унда ночор тутилмоқ керак бўлади. Менга Чин халқи нима ёмонлиқ қилибдики, мен уларнинг барчасига хун тўлайдиган бўлиб қолай?! Бу ишларим учун бордию, шоҳ жазо бермаган тақдирда, у дунёда тангрига нима жавоб бераман? Кўзим шоҳнинг кўзига қандай тушади-ю, элнинг юзига қандай қарай оламан! Бу гаплар бир ёқда турсин, яна шу томони ҳам борки, шоҳ менинг ҳозирги ажойиб ҳолимдан хабардор бўлиб қолса, дарҳол менинг атрофимга бир тўда кишиларни тайин қилмайдими! Улар мени қўриқлашга ва кузатишга бошлайдилар. Агар шу хил мушкул иш юз бериб қолса, менинг мўлжаллаган режаларимни амалга ошириш қийинлашади. «Бу девона бўлиб қолипти!» деб, оёғимга кишан солсалар, у вақтда қутулиш узоққа чўзилиб кетади. Фараз қилайлик, менинг девоналигим ҳам йўқолди. Бу режамни кимга айтиб, кимга маъқуллата оламан? Энг яхшиси шуки, ўзимни билиб, қўлимдан келганча ўзимни ўзим қўриқлаганим дуруст.

Ишнинг ҳисобини олиб, у ҳамма ишни ўзи қилмоқчи ва ҳаммасини ақл қонуни билан адо этмоқчи бўлди. Бироқ севги зулм қила бошлагач, юзта ақл ва билимнинг расм ва қоидалари ўз-ўзидан бузилиб кетажагини Фарҳод билмас эди.

Эй соқий, сен менга энди ошиқона шаробдан узат. Чунки мен ақлим ўзимда бўла туриб афсона бўлиб қолдим. Мени фонийлик ва ишқ базмининг хос кишиларидан қил ва ақлнинг ранжу балоларидан халос эт!



*Фарҳод ишқ сирини яширмоқ учун урингани, бироқ бу ишқ унинг юзини сарғайтиб, қаддини букиб, ўзини ошкор қилгани ва ҳақимлар, табиблар денгиз ичидаги бир оролга саёҳатни маслаҳат кўрганлари*

Ишқ йўлининг махфийликларини яхши билган киши унинг сирларини шундай очиб берди:

Фарҳод ўз севгисини яширин тутиб, ақллиликнинг нишонларини намоиш этар эди. Агар бир уйнинг ичида ўтдан аланга бўлса, тутун кўтарилишидан уйга ҳеч қандай хавф йўқ. Ўт ёнсаю, тутун мутлақо чиқмаса, у уйнинг деворларида ёриқ бўлиши мумкин. Осмон ҳам оқшомлари ўз қуёшини кўрсатмайди, лекин юлдузлардан тўккан кўз ёшлари қуёшни билдириб туради.

Нофа ҳам ўз мушкини яширишга ҳаракат қилади, бироқ исининг тарқалиши унинг ихтиёрида эмас. Лоланинг гунчаси очилар экан, ўз кўнглидаги яширин доғни қандай асрай олади! Унинг очилган вақти маълум бўлганидек, ташқаридаги доғи олдинроқ маълум бўлади.

Ғамгин Фарҳод бу ёқилган ўтнинг устига хашак ёпиб яширмоқчи бўлса ҳам, аммо унинг охи кўз ёшлари элни унинг махфий дардларидан хабардор қилиб қўяр эди.

Ҳа, ишқ ўтига таскин бериб, уни яшириш ақл пардасининг қўлидан келмайди. Қуёшни зарра яшира оладими? Кўпик ичига денгиз сиғармиди? Шам ўз шуъласини фонус билан ёпади. Лекин парда орқасидан бу шуълани ҳамма кўради. Қонли ёш кўзнинг ичида яширина олмайди. Шиша ичида май ҳам ниҳон қололмайди.

Фарҳодга ҳам бу дарду ғамларнинг ўтини яшириш ўз кўнглига яширинча дард ўтини ёқиш билан баробар эди. Севги сири бир неча кун ичидаёқ унга шунчалик таъсир этдики, заиф тортиб, кучсизланиб, одамнинг раҳми келадиган

бўлди. Ҳар ким уни кўргандаёқ шундай қаттиқ тешма қам-  
дайди бир ўт мумга айлантирибди-я, дерди.

Бу воқеадан бир ой ўтганда Фарҳодга шундай оғирчилик  
юз бердики, унинг қадди кўк сайридан чарчаган уч кунлик  
ойдай букилди. Юзи сариғ лоладай, кўз ёши инжулари лола-  
га ёққан шудрингдай бўлди. Бироқ фарқи шунда эдики, лола-  
даги қора доғ ўрнида Фарҳод оқ тортиш учун оғиз очганда  
оҳининг тутуни бор эди. Тик ўсган сарвниқидай қадди-қома-  
ти худди токнинг зангидай бўшашиб, эгилиб қолди. Бироқ  
ўша токнинг табиатида бўлган шароблик хусусияти унинг  
кўнглида май ўрнига қон ютдирар эди. Танининг заифлиги  
тундан-тунга ортиб, кундан-кунга кўпайиб борарди.

У фиғон тортмаслик учун оғзини қанча берк тутмоқчи бўл-  
са, шунча кўп беихтиёр нола чекиб юборар эди. Илгарилари  
табиати анча мустаҳкам эди. Танида ҳам кучлилиги, соғлом-  
лиги сезилиб турарди. Энди у ўзини тутишга бениҳоя уринса  
ҳам, кўп-кўп фиғонлар тортиши аҳволини билдириб қўяр эди.

Энди унинг миясига савдойилик тушиб, жисми ҳам ҳар  
хил касалликларга чалина бошлади. Табиатида эса девона-  
лик нишона кўрсатиб, оғзига келган сўзларни айта бошлади.  
Кўнглида ҳеч бир сабру қарори қолмасдан, бутун ихтиёри  
қўлидан кетди.

Шоҳ билан вазир унинг бу ҳолатини кўриб, ҳар икковлари-  
нинг кун сайин азоблари орта борарди. Улар кўп насихатлар  
қилсалар ҳам таъсири бўлмади. Кўп ўйлаб кўрдилар. Тад-  
бири топилмасди.

Қарасалар, иш қўлдан чиқиб кетаётибди. Бунга энди ўй-  
лаш ҳам, чора ҳам, билим ҳам ортиқ фойда бермаяпти. Шоҳ  
ўз яқинларини ва барча табибларни йиғиб кенгаш тузди.  
Унинг аҳволи ҳақида кўпгина гаплар гапириб ўтилди. Бир  
гапни бирлари қабул қилсалар, бошқа бирлари рад қилар  
эди. Охирида аҳли ҳикмат шоҳга шундай арз қилди:

— Эй олам элининг сенга қуллуқ қилмоғи фарз бўлган  
шоҳ! Бизга унинг касалини аниқлаш анча қийин бўлди. Сав-  
дойилик туфайли унинг руҳий аҳволига нуқсон етибди. Унинг  
мижозидан илгаридан иссиғи ортиқ бўлган экан. Шунинг учун  
унинг табиати май ичишни кўп истар экан. Ортиқ даражада  
кўп ичилган май билан унинг табиатидаги ҳарорат қўшилиб,  
унинг баданини шу хилда қиздириб юборган. Икки-уч ёшидан  
бошлаб ўн бир-ўн икки ёшигача ўқиш фикрида бошини қуйи  
солибди. Яна икки-уч йил ҳунар ўрганама деб жуда қаттиқ  
ўйланибди. Бунинг устига сафарда шунча чексиз-чегарасиз  
йўл юришига тўғри келибди. Бу ҳам, албатта, унда ҳарорат-  
нинг кўтарилишига бир сабаб бўлган. Майли, бу ҳам бир

ёқда турсин. Унинг қизғин табиатидаги бениҳоя ўйчанлик-чи? Бу ҳам сабаблардан бири бўлган. Айтиб ўтилган нарсалардан фикри ҳоли бўлгандан кейин эса тилсимни очиш учун киришиб кетган. Тилсимни очаетган пайтда у қандай хаёлларни кўнглидан ўтказмагану қандай фикрларни қилмаган дейсиз. Аждар унинг жисмини оловларга ёққан. Дев унинг бошидан тутун чиқарган вақтлар ҳам бўлган. Унинг табиати шунча ҳароратларни кўргандан кейин, ажаб эмаски, унинг аҳволида ўша ўтларнинг иссиғи бўлса. Энди унга шундай ҳолатлар юз берган экан, буларнинг ҳаммасига иссиқдан димоғининг қуригани сабаб бўлган. Унинг миждозини ҳарорат ва қуруқлик тўла эгаллаб олган экан, бунинг иложи энди унинг табиатини совутиш ва юмшатишдир. Ҳозир фасл жавзанинг охири, саратоннинг боши. Лолаларнинг доғлари ҳам қуёшнинг ўтидан. Ҳар томондан иссиқ шамол келяпти. Бу қизиқ ел ичида халқ ҳам самандардай кезиб юрипти. Қуёшнинг ҳароратидан юлдузлар бошдан-оёқ симобдай эриб оқишга яқинлашган. Саҳрода қуюннинг безовталиги, илоннинг эса буралиб-буралиб юриши — ҳаммаси иссиқдан. Ҳаво тоғларнинг устидан олов сочмоқда. Буғларнинг қайнаб чиқиши бунинг нишонасидир. Ҳар шом Ғарбда кўринаётган шафақ эмас, балки тўнкарилган осмоннинг қизиби, қизариб кетганидир. Осмон қизиби кетган кўранинг\* нишонаси бўлиб, замона унга қуёшдан ўт ёқмоқда. Бу кўранинг кўмири шомдан, дами тонг елидан бўлиб, юлдузлар бу кўрадан чиққан учқунлардир. Бу ҳар томонга оққан сувлар сув эмас, балки ер иссиқдан тер оқизмоқда. Соя эса ўзини бу ўртада тўсувчи парда бўлишини истамай, қуёшдан қочмоқда. Ҳавонинг табиатида бўлган бундай иссиқ ҳатто Фарҳоднинг олов табиатига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Қизғини шунда. Унга энди қуруқлик ва ҳарорат шундай ёпишган экан, бунинг иложи совуқлик ва намликдир. Унинг дардига илож шундай ердан топилади. Бунақа ер бу ердан беш кунлик йўлда, денгизнинг\*\* ичидадир. Денгиз ўртасида бир орол бор. Уни таъриф қилишда ҳар қандай ақл ҳам шошиб қолади. У оролда бир тоғ бош кўтарган бўлиб, бу тоғ бўйлаб етти-саккизта булоқ бор. Бу булоқлар олдида Муҳит денгизи дарёча, Кўк денгизи эса Ҳулкар юлдузича бўлиб қолади. Оролнинг атрофида ўша сувлардан намгарчилик кўп бўлиб турса ҳам, аммо тоғнинг тепасида доим қаттиқ совуқ бўлади. Тоғнинг чўққиси жуда баланд бўлиб, куз келиши билан совуқдан чашмаларнинг оғзини муз боғлаб қолади.

\* К ў р а — темирчининг ўтхонаси.

\*\* Д е н г и з — бу ва бошқа ўринларда дарё маъносида ҳам келади.

Агар шаҳзода ўша тарафга борса, ажаб эмас, кўнгли очилиб, димоғидаги хасталик кетиб, янгидан қувват топиб, муборақ жисми соғломлашиб кетса. У ерда ҳавонинг салбий таъсири йўқолиб, уни тузатиш анча осон бўлади.

Табиблар нима деган бўлса, ҳаммаси шоҳга бошдан-оёқ маъқул кўринди. Шоҳ дарров Мулқорога буюрди:

— Табибларнинг гапини эшитдинг, тушундинг. Неча кун денгизда сузадиган бўлсак, шунга қараб сафар асбобини тездан тайёрла.

Вазир бундай олий ҳукми эшитиши билан нимаики буюрилган бўлса муҳайё эта бошлади. Ҳамма нарса тайёр бўлгач, шоҳнинг буйруғи билан шаҳзодага бу ҳақда хабар бердилар. Айтилиши лозим бўлган сўзлар тамом айтилди, унинг денгиз сафарига чиқиши уқдирилди.

Бу гапни эшитган шаҳзода Фарҳоднинг ўксук кўнгли хурсанд бўлиб, шодликка тўлди. У деди:

— Шоҳнинг олдига бориб шундай хабар беринг: Шоҳ нимани истаса, ўша менинг ҳам дунёдаги истагимдир. Мен унинг ўғли бўлганимдан кейин барча қуллари ичида энг камтарини ҳам, хастаси ҳам мен. Ортиқ бир нарса дегани қандай ҳаддим бўлсин. Шоҳ қаерга боришга сафар яроғини тайёрлаган бўлса, мен тайёр. Бошим шоҳнинг оёғидадир.

Бориб шоҳга бу сўзларни айтар эканлар, у кўзига ёш олиб дуо қилди. У яна деди:

— Кемаларга тартиб бериб, уларга нима керак бўлса жойлаб қўйинглار. Мен ҳам тонг отиши билан денгиз сафарига чиқишни жазм қилиб қўйдим.

Шаҳзода бу хабарни эшитгандан кейин севинчи сўзлаб бўлмайдиган даражада ортиб кетди. Бундай иш унинг ўйлаб қўйган мақсади эди. У ўзининг ҳазин кўнглига юпанч берди. Бир навъи қийла топиб, бирор ишни баҳона этиб, Хоқонга хафалик юз бермайдиган қилиб заруратан бу сафарга у чиқадиган бўлди. Бу сафар унинг ўз ўйлаганига монанд бўлиб тушгани учун кўнгли жуда хурсанд эди. Кўнглига дарёдаги каби тўлқин, ҳаяжон тушган, севинчдан эса оғзи кема оғзидай очиқ, бироқ сўзсиз эди. Хаёли тўлқинлар занжирига пайваста, юз минг хаёлот бир-бирига уланиб кетар эди.

Эй соқий, сен менга қизил шароб денгизини келтир. Бу денгиз ичига пиёла қайиғини сол. Заиф ва кичкинагина жисмим ҳам дарёсидадир. Сен эса ўша қайиқда туриб қўлимдан тут!

## XXVIII



*Хоқон билан Фарҳоднинг кўк отидек бўз отларидан тушиб, фалакдек кенг кемага минганлари, денгиз юзидашамолдек қўрқмасдан сузиб борганлари; қаттиқ шамол кўтарилиб, кемани денгизнинг тубига чўктириб юборгани, Хоқон билан Мулжорони тўлқинлар Чин мамлакатига олиб келиб ташлагани, Фарҳоднинг қонхўр денгизда бир парча тахта устида қолгани.*

Бу денгизда шўнғиб кетган ғаввос мумтоз маъно дурларини мана бу хилда олиб чиқди:

Денгиз сафарининг яроғи тайёр бўлгач, шоҳ билан шаҳзода йўлга тушдилар. Отни денгизнинг қирғоғигача олиб бордилар. Ой билан кун гўё балиқ манзилига келгандай бўлди. Денгизга қараб турган кўз ундан баҳра олар эди.

Денгиз устида ёғочдан ясалган шаҳар кўрингандек бўлди. Саноқсиз кемалар асбоб-анжомларини тайёрлаб тахт турарди. Узоқдан улар худди бир катта шаҳардек туюлар эдилар. Бу кемаларнинг учи осмон балиғи билан ҳўкизини\* санчиб олгандай, туби ҳам ерни кўтариб турган ҳўкиз ва балиқни янчгудай эди.

Елкан ёғочлари узунлиги билан ойга юз урар, гўё ой икки ўқ ичида боши айланиб қолгандай эди. Ҳар бир елканнинг бундай юксак ёғочига қараб туриб, атлас елкани осмон бўлса, ёғочи унинг ўқи деса бўларди. Елканларга тортилган ҳар арқон зар сочувчи қуёшнинг порлоқ шуълаларини эслатарди.

\* Б а л и қ (Ҳут), ҳ ў к и з (Савр)— қуёш буржлари кўзда тутилмоқда.

Ҳар бир кеманинг ичи бир олам, олам ҳам эмас, нилранг осмоннинг уйи эди. Кўк дурадгори ҳийла-найранглар ишлатиб, кеманинг қуйи ерида палос ўрвига қапа тикиб қўйган эди. Сув устига шиши қуйи тушиб, унинг ичида елкан ёғочи баланд устун ўрнида турарди. Устунларнинг бир учи денгиз тубига, бир учи эса кўк гумбазининг уйига етарди.

Улар устунларнинг ҳар бири бир уйни кўтариб турганини кўрдилар. Елканлар очилиб кўкка байроқ бўлган, лангарлар эса кўк устида ором олар эди. Бу ерда сув ҳам, ўт ҳам, сел ҳам, ер ҳам кемаларнинг паст томонига халақит бермас, чунки улар кўкнинг энг қуйи қисмида жойлашган эди. Юқорида юлдуз, қуйида арқон — иккови икки тарафдан осмонни тўтиб тургандай эди. Қуйига ва юқорига кетган бу ёғоч ва арқонлар фалак ичида бир доира пайдо қилгандай эдилар.

Булардан ташқари осмондай сайр қилишга ўрганган кемалар ҳам юришда елдан ва сувдангина баҳра оладилар. Бу денгизларни кезувчи кемалар уч юз элликта бўлиб, ҳар биттаси кўк уммонида бир янги ойдаи эди.

Яна майда кема ва қайиқлар ҳам мингта бўлиб, ҳар бирининг сузиш тезлиги минг шамол тезлигича эди. Булар юришда сарсар\* шамолдан илдам, айланишда гирдобдан нишона кўрсатар эдилар.

Бу кемаларнинг сув устидаги юриши, айланиши шунчалик чаққон эдики, худди ерда қора тўриқ чошиб кетаётгандай эди. Уларга чиқиб олган одамларнинг йўл юришини осонлаштирувчи бу кемаларнинг умумий сони минг беш юзта эди. Катта бир кеманинг устига тахт ясалиб, унга шоҳ ва шаҳзода чиқиб ўлтиришди. Чин одамларининг ёғочдан ясаган бу шаҳарлари яна бир Чин ўлкасидай турарди.

Ҳа, бу кемалардаги яроғ ҳам, юриш тезлиги ҳам кўнгил истаганича. Кўнгил қанчани истаса, ундан юз ҳисса кўпайиши ҳам мумкин. Ҳар бир кема сафар анжомлари билан шу қадар тўлдирилган эдики, яширилган Қорун хазинаси ҳам бунчалик бой эмас эди.

Қуруқликда қиладиган иш қолмагандан кейин, кемалар юриш ҳаракатини бошладилар. Тез ҳаракат қилиш натижасида кемалар бир-биридан ажралиб, Чин шаҳрига зилзила тушгандай бўлди. Тўлқинларда парвариш топган минглаб эпчил, уста кемачилар сувда балиқ каби сузиб борардилар. Кемалар гўё уларнинг оти бўлиб, кемани ҳайдаш сурьатлари сувдан ўт қарараётгандай эди. Ҳамма ўз мақсади томон сузиб бормоқда. Шоҳ қатори ҳамма тўда уларнинг майлига тобеъ эди.

Шу аҳволда ўн минг киши йўлга тушар эканлар, гўё сув устида бир олам сузиб бораётгандай эди. Буларнинг қораси сувда ер курраси янглиғ, ер ҳам эмас, фалак чоғлиқ кўри-нарди. Денгиз юзи қора мушкнинг ниқоби ёки кўкнинг қора булути билан қоплангандай эди.

Улар ҳаммалари орол томон юзланиб, икки кеча-кундуз суздилар. Ел эсиб, сув устини мавжлантирар экан, бу мавжларни шоҳ ва шаҳзода тамоша қилар эдилар. Мавжлар орасида юзлаб қизиқ-қизиқ ҳолатларни кўриш мумкин эди. Юзлаб бу мавжлар йўқолса, унинг ўрнида минглаб бошқа ғаройиботлар пайдо бўларди. Синчиклаб қаралса, кўм-кўк сув кўк чархига ўхшар, сувнинг этаги эса осмон билан бирлашиб кетган эди.

Ҳар томонда юз хил балиқлар сузиб юрар, ақл бу балиқлар ҳаётининг моҳиятини билиб етишдан ожиз эди. Балиқларнинг катталари камондан бўшаган ўқ каби даҳшат билан сузиб борар, уларни кўрган киши ҳушидан ажралиши мумкин эди.

Денгизда юзлаб тоғлар ҳам бўлиб, улар доимий равишда тебраниб турар, лекин улар балиқ тузилишли тоғлар эди. Ҳалиги балиқларнинг елкаси эса тоғ чўққисига ўхшар, танасидаги нақшлар дарёнинг тўлқинларини эслатарди. Улар денгизда шундай тезлик билан сузардики, гўё сув рангидаги осмонда юлдузлар учаётгандай эди.

Ҳар бир балиқнинг тузилиши шундай дилрабо ва кўркем, сувда юриши сув кўзгусида сайқал бераётгандай эди. Улар денгиз челагидан ҳар нафас сув ичиб турар, бу эса худди осмондаги Ҳут далвдан\* сув ичганига ўхшарди.

Бунда кичик балиқларга қўрқинч ва безовталиқ шу даражада кўпки, уларнинг бунча ғавғосидан денгиз чайқалиб турарди. Уларнинг кичиклари билан катталарининг сони сарв ўсадиган ердаги кўкатларнинг сонича эди. Бу ердаги тошбақалар-чи! Уларнинг ҳар бири беҳад қўрқинчли бўлиб, улар сувнинг тепасида ўзининг ғавдаси билан гумбазлар ясагандек эдилар. Бунда меъмор Боний қудрати намоён бўлган бўлиб, у «бино»лар сувдан хароб бўлмайдиган қилиб яратилган эдилар. Қанча ҳаракат қилмасин унинг шифти ёрилмас, худди осмон гумбазидай бир хилда муаллақ турарди.

Катта балиқлар ҳар тарафда майда балиқларни худди ҳабшлар йўлбарсни овлагандай овлаб юрадилар. Уларнинг та-

\* Ҳ у т — Катта балиқ, эски астрономияда ўн икки буржнинг ўн иккинчиси; д а л в — ўн биринчи бурж. Бу ерда далвнинг қовға, чармдан ясалган сув идиши маъноси кўзда тутилмоқда.



наси қора тоғдек бўлиб, тиши ва чангали темирдан экани очиқ кўриниб турарди. Бундай балиқларнинг орқасида ҳам ўткир тишлар бўлиб, ёш балиқларнинг умри ниҳолини кесишга аррадек эди. Уни арра эмас, ғам қўшинининг ханжари, балолар қалъасининг кунгираси деса ҳам бўларди.

Сувнинг мавжи симдан тўқилган саватга ўхшар, балиқ эса уни оғзида омбурдек тутиб кетаётгандек эди. Катта балиқлар атрофида сув итларининг тўполони аждар атрофидаги чумолилларнинг тўполонини эслатарди. Бунинг устига ҳар томондан кўзга сув арслонлари кўринар, улар ёнбошлари билан юрар эдилар. Сув тошбақаси билан уларнинг гавдаси бир-бирига тегиб кетганда икки тоғ бир-бирига урилгандек бўларди. Хуллас, сув ичидаги жониворлар қуруқликда учраган ҳайвонлардан ҳам кўп эди. Денгиз устида тўлқинлар тинчмас, гўё уларнинг устида яратувчининг қўли тузоқ ёяётгандек эди.

Шоҳ билан шаҳзода ҳар тарафга қараб, беҳисоб ғаройиботларни кўриб борар эдилар. Шу вақт бирданига қазойи осмоний бошланиб, осмондан бало кела бошлади. Ғоят хатарли бир шамол қўзғолиб, денгиз юзида қуюн ҳужумга киришди. Шамол жануб томондан қаттиқ эсиб, ҳамма йўловчиларнинг юрагига ваҳима тушди. Ҳатто, кекса кемачилар ҳам бу балони кўриб, ёқаларини йиртиб:

— Бундай шамол ҳар юз йилда бир бўлади. Бироқ саёҳатчиларга ҳеч қандай яхшилик келтирмайди, — дейишди.

Тезликда янги ой қайиғига ўхшаш, тез юрадиган ажойиб бир қайиқ келтиришди. Ел яна ҳам кучайиб кетмасдан шоҳу шаҳзоданинг бу қайиққа тушишларини сўрашди. Фарҳод ўрнидан туриб, қайиққа ўлтирди. Худди шу пайт шамол кучайиб, қайиқни кемадан ажратди. Ота кема ичида «вой» тортиб қолаверди. Ўғил ўлтирган қайиқни эса сув бўйлаб шамол олиб кетди.

Ота билан ўғилнинг ораларига шундай айрилиқ тушдики, бундан сўнг уларга кўришиш имконияти қолмади. Улар бир-биридан ажрашганларидан кейин шамол яна ҳам зўрайиб кетди. Жаҳонни нақ тўфон босган эди. Денгиз шундай чайқалардики, осмон денгиз устидаги шамол бўлиб кўринарди. Тўлқин орқасидан тўлқин келиб, сувларни кетма-кет кўккача етказар эди. Тўлқиннинг ҳар пуштаси бир тоғдай бўлиб, у сачратган сувдан кўк атласига доғ тегарди. Сувлар пастдан туриб кўкка чиқар ва яна кўкдан тубанга тушарди. Шундай тўлқинларнинг биримас, юз туман минги осмоннинг юзига тарсаки тушириб тургандай эди. Шу хилдаги тарсакилар тегабериб, кўк осмоннинг юзи нил рангига кирганди.

Бу сув тўлқинидан кўрқиб, юлдузлар янги ойни кема қилиб, ичига тушиб олган эдилар. Қуюн кўкка кўтариб ташлаган ҳар кема денгиз устида бир хашақдек юрарди. Кемалар бир-бири билан учраша олмас, одамларнинг ҳам бири иккинчисини таний олмас эди. Кемалар осмонга кўтарилишни ўзларига ҳунар қилиб олгандай, елкан ёғочлари эса санчилабериб осмонни илма-тешик қилиб юборгандай эдилар. Ҳар томонда кўринган кўк юлдузлари фалакнинг илма-тешик бўлиб кетганидан нишон бериб турардилар.

Сув осмон билан шунча тўқинишгандан сўнг фалак гумбазларининг шифти увиб тушди. Осмондаги балиқ ва саратон юлдузлари ўз жойидан денгизнинг тубига йўл олдилар. Дунёни ёритувчи Қуёш сув ичида худди биллур ичидаги инжуздай кўрина бошлади. Кўк мамлакатада ўзларига ўрин тополмаган фаришталар сув устига ўрдаклардек қўнган эдилар.

Шамол балоси ҳар кемани ердан кўкка, кўкдан ерга отабериб, ҳар қайсини ҳар томонга парча-парча қилиб сочиб юборган эди. Бу тўполонда парчаланмаган баъзи кемалар бўлса ҳам, лекин уларнинг ичидаги одамларнинг ўзини тутиб тура олгани қолмаган эди. Жаҳонга тун ниқоби ёпилгунга қадар денгизнинг безовталиги шундай бўлиб турди.

Тун ўз қора пўстинига кунни олди. Денгизнинг барра пўстини ҳам майда тўлқинлар кўрсата бошлади. Сув устидаги шамол тўхтаб, ер устида кўк денгизи\* жой олди. Айтиб ўтилган дарё юзидаги кемалар, уларнинг ичидаги одамлар ва ашёлар бир-бирига урилиб, кўпи парчаланган, бир қисми кўк устида бўлса, бир қисми сув қаърида қолиб кетган эди. Одамларнинг ҳам аксарияти сувга ботиб, улар ҳар томонда балиқларга ем бўлган эдилар. Осмон кемаларни парчалаганда, одамларнинг танаси ҳам сувда қайиқлардек сарсон-саргардон бўлиб қолди. Аҳён-аҳёнда ўша юз ўн кемадан бирортаси бутун қолган бўлса, ундаги юз ўн кишидан битта ҳам қолмаган ҳоллар бор эди. Баъзилар бир парча тахта устида қолган, уларни сув тўлқини бир четга иргитган эди.

Бироқ Хоқон билан Мулккоронинг турган хоналари, иттифоқо, катта бир кема ичида эди. Золим фалак қанча душманлик кўрсатган бўлмасин, бу кема саломат қолганди. Ичидаги одамлар эса ўликдек жимжит, баъзилари ўлган, баъзилари хушсиз эди. Улар тақдир иродаси билан бир қирғоққа чиқиб қолган эдилар. Бу қирғоқ эса Чин мулкига қарашли эди.

Қолганларга ҳам шамолдан хавф тугади. Ҳар бирлари

\* Кўк денгиз — осмон.

мешанасига ёзилган бир иқлимга бориб қолиб қирғоққа чиқ-  
дилар.

Хоқон тушган кема ўша қирғоққа келиб тушиши билан  
узоқ-яқинга хабар кетди. Қирғоқдагилар бўлиб ўтган ишлардан  
хабардор эдилар. Вазир билан шоҳни қирғоққа чиқаришди.  
Улар кўп ҳаракат қилиб, уриниб, ҳушсизларнинг димоғлари-  
га хушбўй нарсалар ҳидлатиб, ҳушига келтирдилар.

Шоҳ ўзига келди. Халойиқ ҳам уларнинг ҳолидан хабар  
олиб турдилар. Хоқон Фарҳод йўқлигини билиб яна йиғига,  
мусибатга тушиб кетди.

Лекин, улар гоҳо имкониятларни ҳам кўз олдиларига кел-  
тириб, шояд бирор тарафдан чиқиб қолса, деб ҳам қўярдилар.  
Сукрот қилган башоратларни ҳам эслаб, ўлмай қолганлари-  
дан ҳам севинардилар.

Хоқон ва Мулқоро умр ҳамда давлатни ғанимат билиб,  
яна Чин тахтига қайтдилар.

Эй соҳий, менга сен бир қадаҳ шароб бер. Жуда ҳолдан  
тойдим. Қадаҳ кemasига менинг жонимни тушириб ол-да, мени  
бу ғам-ғусса денгизидан халос эт!

## XXIX



*Фарҳоднинг синиқ қайиғи Яман  
мамлакатига тушиб, савдогарларнинг  
кемасига йўлиққани, оролдаги қароқчи-  
ларнинг кемага ҳужум қилгани; Фар-  
ҳоднинг уларни қочиргани, дарёда ун-  
га Шопурнинг ошно бўлгани*

Бу денгиз бўйлаб саёҳат қилган киши денгиз саргузаштла-  
рини шундай ҳикоя қилади:

103 Денгиз ўша аҳволда чайқалиб, тўлқинлар қўшинининг  
ҳужумидан денгиз қўзғолганда, Фарҳод тушган қайиқ, осмон

денгиздан зулм етиб, синди ва чексиз-чегарасиз денгизда ғарқ бўлиб кетди. Бехонумон Фарҳод эса бир парча тахта устида қолди. Фарҳод ўша тахта парчага маҳкам ёпишиб олган, шу билан бирга жисму жони билан видолашиб ҳам қўйган эди. Чунки озгин гавдаси ўша тахта парчасидай бўлиб қолган, бемадор жони ҳам бўғзига етган эди. Бепоён денгиздаги тўлқинларни кўриб, Фарҳод ҳар нафасда юз бор жонидан умидини узарди.

Ниҳоят осмон оқшом кемасини парчалаб, юлдуз инжуларни кўк денгиз ичига ғарқ бўлди. Тўлқинлар ҳам денгиз юзидан ўз тузоқларини йиғиштириб олдилар. Тўполон қушлари тинчиб ором ола бошладилар. Фарҳод ўлтирган тахта эса Яман мамлакати ва Тойиф чегаралари томон сузиб борарди.

Тан суяклари кишининг жонига ўрин бўлгандай, Фарҳодга ҳам ўша тахта маскан бўлган эди. Бироқ жонидан озгина бўлса ҳам асар йўқ, танида руҳ у ёқда турсин, руҳнинг бирон ҳарфи кўринмасди.

Шу пайт денгизда Яман тарафига қараб кетаётган бир тезюрар кема кўриниб қолди. Кема ичида гавҳар савдоси учун йўлга чиққан ва дастмоёси денгиз билан баробар бўлган савдогарлар бор эди. Улар денгиз юзида бир парча тахта ва унинг устида бир одам оқиб келаётганини очиқ кўришди. Дарров бир кемачини сувга тушириб, тахта парчани кема ёнига яқин олиб келишди. Унинг устида ҳодисалар зарби билан бемадор бўлган ёш бир йигит ётар эди. У гўё ичкилик орқасида ҳушини йўқотган одамдек бежон эди. Унинг аҳволини диққат билан текшириб, оғзи билан нафас олаётганини аниқлашди.

У йигитнинг тирик экани кемадагиларни жуда қувонтириб юборди. Уни дарҳол кема ичига тортиб олдилар. Бурнига турли дорилар искатдилар. У кўзини очди. Тирик экани маълум бўлди. Оғзига овқат тутиб едирдилар. Томоғига эса шарбат қуйишди. Овқат ва шарбат уни қувватга киргизди. Шундан сўнг у ўрнидан туриб, улардан ўзининг аҳволини сўради. Улар кўрганларини гапириб бердилар.

Фарҳод ўз саволига жавобларни эшитгач, улар ҳам бу хастаҳолга саволлар бера бошлашди. Фарҳод жавоб бериб деди:

— Бизлар Хўтан шаҳридан Яманга қараб йўл олган бир гуруҳ савдогарлар эдик. Тўлқин кемамизни ғарқ қилди, бор-йўғимиз денгиз тубига чўкиб кетди. Мана шу тахта парчагина мени асраб қолди. Сизлар эса тирик қолишимнинг чорасини қилдиларингиз. Мен шу тахта парчани қучоқлаб олган соатдаёқ ўзимдан кетган эканман. Баъзан ўзимга келиб, баъзан ҳушимдан айрилиб, бошимга азоб-уқубатдан бошқа нарса кел-

ганини билмайман. Шу ҳушимдан кетган бир пайтимда шум бахтим мени бу ерга олиб келиб ташлабди. Бу ерга келиб тушганимдан ҳам беҳабар эдим. Менинг ҳаётим тугаган, бу аҳволдан қутулишга ҳам мутлақ умидим йўқ эди. Жоним ўлим хавфидан қутулгани учун сизнинг лутфу эҳсонингиз олдида қарздор бўлиб қолдим. Ўз аҳволимни ўйласам, сизлар қилган яхшиликларингиз миннатдорчилигини адо этиш менга жуда қийин кўринади. Мени бу фалак ўз дағаллиги билан ўлдиргани тирилтирганингиз учун билдирадиган миннатдорчилигимдан осон. Минг йил тирик бўлганимда ҳам бу яхшиликнингизни оқлай олармиканман?! Мен бир ғарибу хаста, зору ожиз одамман. Бу ҳеч кимнинг бошига тушмасин. Бу бир ожизга одамлар ёрдам қўлини чўзсаю, бу уларнинг ёрдамининг юздан бирига ҳам жавоб қилолмаса — бу қандай гап! Бироқ тирик эканман, қулингизман, яхшиликларингиз олдида шармандангизман!

Кемадаги одамлар унда бу қадар камтарлик ва гап-сўзида бунча гўзалликни кўрар эканлар, бу унинг подшоҳларга холигидан нишона берар, гап-сўзларида инжулар сочаётгандек эди. Кемадагилар унга меҳр қўйиб, жону дил билан унга хизмат қила бошладилар. Ҳурмат билан уни еб-ичирдилар, дармонсиз танасига қувват киргунча парваришни аямадилар.

Улар шу хилда ҳаммалари Фарҳодга мафтун ва шайдо эканлар, шу пайт сувда бир неча қайиқлар кўринди. Уларни кўриши билан кемадаги савдогарларни мотам босди ва шу қайғу зўрая бошлади. Ҳаммалари бир-бирларидан рози-ризолик сўрар, Фарҳодни ўйлаганда эса юраклари сиқиларди. Молу жони, ҳаёти ҳам кўзига кўринмай, барча Фарҳоднинг афсусини еяр эдилар.

Ҳайрон қолган Фарҳод улардан бу қайғу ва ташвишнинг сабабини сўради. Улар эса йиғлаб шундай жавоб бердилар:

— Нимасини сўрайсан! Денгиз устида кўринган бу қайиқлар ороликлардан чиққан қароқчиларнинг қайиқларидир. Булар тўп-тўп бўлиб, қирғоқ нима билмасдан денгизда кезганикезган. Дарё юзида биттами, иккитами ё учтами кема йўлиқса, улар зўравонлик кўрсатиб, ўша кемаларга нефть тўлдирилган шиша идишларни отишади. Ҳар бир шиша идиш нефть тўлдирилган бир ўчоқ оловга тенг. Кемаларга ўт қўйиб куйдирадилар-да, кемадаги одамларнинг барисини ўлдирадилар. Молларини эса тамоман талайдилар. Уларнинг денгизда қиладиган «тижорати» шу бўлади. Биз сузадирган тинч йўл бошқа тарафда қолиб, денгиз тўлқинлари кемамизни бу томонга оқизибди. Бу қароқчиларнинг хабарини эшитган одамлар улардан қутулиш умидини йўқотади.

Илму дониш этаси Фарҳод бу ишнинг тағини тушунди ва ўзини хурсандликка олиб, уларни овута бошлади:

— Қайғурманглар. Тангри сизларга улардан мутлақо сфат етказмайди. Айтингларчи, тўдаларингиз ичида бир неча ўқ ва каттароқ ёй топиладими?

Кемадагилар ҳайрон бўлиб: «Ҳайҳот!» дейишди. Улар Фарҳод сўраган нарсаларни тезлик билан ҳозир қилишди. Фарҳоднинг кучига тўғри келадиган катта ёй, албатта, йўқ эди. Ўқ ҳам ўша ёйнинг ўзига лойиқ эди. Ўзи ёлғиз ёйнинг бурчакларини тузатди, ўқни ростлади. Бу паҳлавон ўқу ёйни тузатгунча бўлмай, ҳар тарафдан золим қароқчилар етиб келиб қолишди. Улар кемага ўт ёғдиришга, кемадагиларни ёндиришга мўлжаллаб нефть тўла шиша идишлар ясаган эдилар. Фарҳод ўша шиша идиш тушмайдирган, балки ўқ ҳам тегмайдирган бир ерда туриб, шиша идишларни отмоқчи бўлган қароқчинини нишонга олди ва шундай отдики, ўқ бориб нефтли идишга тегди ҳамда аланга бериб ёниб турган ўт ўчоғини сндириб юборди. Ўт ўша идишни отадиганнинг ўзига ҳам туташди. Қароқчилар тўдасининг кемасига ўт кетди. Яна бири яқинлашиб нефтли шиша идишдан отмоқчи бўлган эди, унга ҳам худди аввалгидек ўқ тегди. Ҳар икки кемадагилар ёниб, қароқчилар тўдаси қочиб яузланди. Улар кемаларининг бошини қайтаргунча, Фарҳод улардан яна ўн-ўн бештасининг ишини саранжомлади. Қароқчиларнинг баъзилари, куйиб, баъзилари ўлди. Қолганлари қочиб, оворай сарсон бўлди.

Бу ишлардан кемадагилар жуда ҳайрон қолиб, биттаси хушхол бўлса, ўнтаси беҳол эди. Барча келиб Фарҳоднинг бошида айланиб-ўргилар ва унга таъзим қилиб бош эгар эди. Улар ҳатто унга жонларини, жаҳонларини бағишлар, олдига молу жонларини тўкардилар.

Аммо, Фарҳоднинг заифлиги ҳар нафас ортиб борар, қайғусининг ипи эса ҳаддан ташқари узаярди. Улар юпатмоқчи бўлар, бу эса хафа. Шу хилда бир неча кун юргандан сўнг бир манзил кўринди. Кемани Яман тарафига буриб, ҳамма соғу саломат сувдан қирғоққа чиқди. Ҳаммалари ҳам минг балодан, минг бало эмас, юз минг балодан қутулган эдилар.

Улар шаҳарга кириб, яхши бир жой топдилар ва у ерда тезлик билан юкларни ечдилар. Бир нафас ҳам вақтни ўтказмай, Фарҳод ҳузурда чиройли бир ўлтириш қилдилар. Яхши майлардан топиб келдилар. Яманда бу мажлисдаги каби тиниқ шароб мўп эмас эди.

Фарҳод май ичиб, боши қизигандан кейин, қон ёши кўздан қизил шаробдек қуйилди. Ҳар нафас ўз тахти, шон-шавкати, жаннатдай қасрлари, ўз қўшинлари ва одамлари ёдига

келар, отасини, денгизда кўрган жафоларини, онасини, унинг кўнглидаги дардларини эсларди. Овора бўлгани, минг қайгулар ичида бечора бўлгани ўйидан кечарди. Гоҳ кимсасизлик кўнглини тимдалар, гоҳо касаллик жонига найза санчар, гоҳ соғинишдан жони куйса, гоҳо орзу қилган нарсаси топилмаётганидан қайгурарди. Ҳар нафас кайфияти ўзгариб турар, атрофидагилар унинг ғамидан мотамда эдилар. Халқ унинг аҳволи ҳақида фикр қилиб, баъзилари йиғлар, баъзилари ҳайронликка тушарди. Бироқ ҳеч ким Фарҳоднинг аҳволи руҳиясини бир бутун тушунмас, ҳатто ўзи ҳам бу аҳволдан хабардор эмасди.

Бу тўданинг ичида жаҳонгашта, кўринишидан мусофир, эркин ва мард бир одам бор эди. Ҳунар бобида у ўз замонининг устаси, наққошликда эса шу замоннинг ягонаси эди. Ҳар бир варақча унинг қалами сурат чизар экан, тақдир қалами унга ўринбосарликкагина ярарди. Қайси суратни чизиш учун у қўл урса, бутун жаҳон ўша суратга берилиб, суратпараст бўлиб қолар эди.

У жаҳонни ўлкама-ўлка кезиб чиққан, кун ботишдан кун чиқаргача ҳаммасини кўрган, Хитой мамлакатига ҳам йўл тушган, ана шунда машҳур рассом Моний унинг олдига ҳунар кўрсатгани келган эди. Ундан Моний рассомликка ҳужжат сўраганда, Шопур унга тан бермаган эди. Унинг битган лойиҳаси бутун қалам аҳлларига қўлланма бўлар, жаҳон халқи эса уни Шопур деб атар эдилар.

Саёҳат қилиб юрар экан, қазойи осмоний Шопурни буларга йўловчи қилди. У Фарҳоднинг ишларига ҳайрон, чунки бу йўсиндаги одамни ҳеч қачон кўрмаган эди. Ҳар ишни чуқур ўйлаб қиладиган Шопур Фарҳод аҳволининг тагига ета олмасди. Денгизда экан, унинг паҳлавонлигига, уруш қилишига, қуруқликда эса қурган базмига ҳайрон бўлди. Ҳозирчи, Фарҳоднинг ҳоли зорини, кўзидаги ёшларини, беихтиёр нолаларини кўриб, узоқ фикр қилиб, унинг кўнгли ишқ тиғидан яраланганини билди. Кўнглини кўтарай деб, юпатай деб, урииб кўрса ҳам, Фарҳод бунга бепарво эди.

Фарҳоднинг бунчалик куйишига назар солиб, Шопур энди унга севги ўтидан сўзлай бошлади. Севги ўтидан у қанча кўп ҳикоя қилса, Фарҳодга бу қаттиқроқ таъсир этаётганини кўрди. Ақлда беназир Шопур унинг куйганлигини билиб, севги тўғрисидаги ўтли афсоналарни гапириб берди. Бу ҳикояларни эшитар экан, Фарҳод йиғлашдан ўзини тута олмас, шу йўл билан Шопур уни ўзига ром қилиб олди. Ҳаммага суюкли Фарҳод шундай хавфсиз-қийинчиликсиз Шопур билан ҳам улфат бўлиб олди. Фарҳод бир нафас Шопурни кўр-

май қолса, чақирар, ундан ишқ достонлари айтишни сўрар эди. Шопур сўзлар, у эса зор-зор йиғлар, агар сўйламаса озор чекар эди.

Шопур ўзини унга шундай йўл билан ҳамдам, йўлдош ва сирдош қилди. Улфат бўлиб бу ундан тез-тез ҳол-аҳвол сўрар, бу ҳам унга ўзининг нозик-нозик сирларини айтиб берар эди. Ҳа, севги бебош, май сирни очувчи экан! Шу хилда маст ошиқ ўз сирларининг пардасини оча бошлади. Шопур яширинча ундан нимани сўраса, у ҳам астагина уни бундан хабардор қиларди.

Шопур:

— Менга аввало асл-насабинг қандай гавҳардан эканини, ўз аҳволингни, қайси мамлакатдан эканингни айтсанг,— деди.

— Қўй,— жавоб берди Фарҳод.— Мамлакатимни сўрамай қўя қол. Аслиму гавҳарим ҳақидаги гапнинг ҳам кераги йўқ. Менга бу гапни айтишдан яхшилик бўлмагандай, сенга ҳам уни эшитишдан фойда йўқ. Аҳволимдан бир нишона сўраган экансан, шунинг ҳикоясини қисқагина сўзлаб бера қолай.

У бунда ҳам гапни бир оз чалғитиб, ўз ишларидан қуйидагиларни бир намуна қилиб кўрсатди:

— Мен бир дилхаста, зору балокаш, бир вақтлар бошқа одамлардай шод, кўнглим хуш юрардим. Ҳамма ишдан ҳам кўра ибодатни ихтиёр қилиб, зуҳду тақводангина яхшилик излардим. Менга бир кечаси бало ёпишиб, камондай эгилган фалақдан бир ўқ теғди. Ётиб, тушимда шундай бир гўзал мамлакатни кўрдимки, унга ўхшаш ўлкани ҳеч қачон кўрмаганман.

Фарҳод у ойнада кўрганларининг белгиларини бирма-бир гапириб бериб, унга ҳаммасини бир-бир тушунтирди. Лекин ой юзли ҳақида сўз айтмоқчи бўлганда, айта олмай, оқ тортиб ўзидан кетди. Шопур унинг аҳволини тўла тушуниб, жону дили билан унга ёрдам бермоқчи бўлди. Фарҳоднинг бошини кўксига босиб, қучоқлаб, уни ҳушига келтирди.

Бошқа савдогарлар Фарҳоднинг ҳурмати учун май кўтариб, кетма-кет ичабериб, беҳуш бўлган эдилар. Бу икки сирдош нима ҳақида сўзлашган бўлсалар, улар бундан тамоман беҳабар эдилар. Шопур одамларни беҳуд кўриб, бундан фойдаланиб, Фарҳодга яна ҳам кўпроқ ёрдам қилмоқчи бўлди.

— Эй хазон офатидан озор топган бўстон сарвининг фарзанди!— деди у Фарҳодга.— Шундай қилиб мен сенга ҳамдам бўлдим. Сенинг махфий ишларингга ҳам энди маҳрамман. Тангрининг тақдири шундай экан, аҳволингни қолдирмай, қолганини ҳам сўзлаб бер. Сен умид қилган хазинанинг калитига мен орқалигина етишасан. Хафа бўлма. Сен бош-



дан-оёқ васф қилган ва белгисини айтган ерни мен биламан. Ҳақиқатан ҳам ундай дилкаш диёр дунёда бошқа йўқ. Мен уни кўрганман. Уша ерда бўлганман ҳам. Ҳавоси жонларга роҳат бағишлайди. Гуллар у ерда хирмон-хирмон. Покликда эрамдай бўлган бу ўлканинг исми Арман деб аталади. Агар бормоқчи бўлсанг, йўл бошловчинг бўлай, йўлдеш ҳам эмас, балки хизматкоринг бўлиб борай.

Фарҳод бундай сўзга чечан одамни кўриб, ўз бахтининг шунча яқин келиб қолганига ишонмасди. Ўзининг гапига бу шўрлик, ҳижронда қолган ошиқ ишонмаётганини Шопур фаҳмлади.

— Агар сўзимга ишонмасанг, мен истаганимча буни сенга исбот қила оламан,— деди у.

У қалам соҳиби қоғоз ва қаламини чиқариб, Фарҳод айтган ернинг расмини чиза бошлади. У шундай дилга хуш келадиган расм чиздики, Фарҳод айтгандан қилча ҳам тафовут қилмас эди. Фарҳод бу суратни кўриб, Шопурнинг даъвоси тўғри эканини билди. Севгилисининг мамлакатидан нишона топилгач, бир оҳ тортдию, мастларча йиқилди.

Эй соқий, менга ишрат пиёласини келтир. Даврон мақсад сўраган нарсаларни берди. Мени Арман моҳи соғинтиргани учун бир неча қадаҳни арманиларча кўтарай!

### XXX



*Фарҳоднинг Шопур раҳнамолиги билан чўлу саҳроларни ошиб Яман мамлакатидан Арман ўлкасига етгани, ожиз тоғқазарларни кўриб, тоғ қозишга бел боғлагани ва бу хабарнинг тезликда Михинбону билан Ширинга етгани*

Бу водини кесиб ўтишда бахтли йўлбошловчи мақсад нишонини шундай кўрсатди:

109 Фарҳод уйқудан кўз очар экан, Шопур айтган сўз ёдига тушди. Шу билан бирга Шопур нақшлар билан лойиҳасини

чизиб кўрсатган қоғозни ҳам эслади. Ҳали қоронғи кетмай, тонг отмай, ҳаво ҳали кўзларга сурма ранг бўлган пайтда у туриб, Шопурнинг қошига борди. У худди Шопурнинг оёғини ўпиш учун унинг бошига боргандек эди. Унинг товушидан Шопур уйғонди. Фарҳоднинг келиши эса унинг учун кеча қоронғилигида топилган нурдай бўлди.

— Эй қайғу ва ишқ аҳлининг шоҳи! Эй, қадамнинг изи муҳаббат аҳлига қиблагоҳ бўлган йигит! Бу келишдан илтимосинг кеча орамизда ўтган сўздан бошқа нарса бўлмас керак,— деди Шопур.

Шопур кеча бўлиб ўтган сўзларни эслатиб ўтди. Фарҳод эса унинг оёғига бошини қўйди. У Шопурга қараб деди:

— Эй, дилкаш хабарлари жонга тилак, жон бағишловчи сўзлари кўнгил мақсади бўлган одам! Уша савдолардан кўнглим фойда топмоқда. Уша сўзларингдан ҳазин жоним тиланиб етгандай бўлди. Энди ваъданга вафо қилишинг керак, Айтган сўзларингнинг устидан чиқишинг зарур.

Узи танҳо бўлан Шопур бундай сўзларни эшитгач:

— Эй юзи замонамизнинг шамъи бўлган йигит!— деди.— Агар сен ҳамроҳ бўлсанг, йўлим жаннатга борган бўлади. Истагинг шу эса, йўлга тушганимиз бўлсин.

Шопур йўлга чиқди. Дили ғаш Фарҳод эса унга ҳамроҳ бўлди. Шопур ҳар қадамда уни юпатар, Фарҳод эса соядай унга эргашиб борарди. Улар ҳеч бир манзилда дам олмай, қадам-бақадам йўл босанлари босган эди. Фарҳод билан Шопур бир-бирларига кўникишиб қолган, улар йўл бўйи сўзлашиб, суҳбатлашиб боришади. Гоҳо ҳамроҳликнинг хосиятларидан, гоҳо эса бир ишни баҳамжиҳат бажаришнинг эътиборлилигидан гап кетарди.

Гоҳо Фарҳод Шопур чизган лойиҳани қўлга олиб, бошдан-оёғига разм солар ва унинг хаёлининг бойлиги, чуқурлигига, Чин нақшига ўхшатиб чизган режасига офаринлар айтарди. Ҳар замон Шопур ҳам бу гапга жавоб бериб, Фарҳоднинг ҳам етук наққошлардан эканини англаб эди.

Шу хилда бир неча муддат йўл юрганларидан сўнг улар Арман ўлкасига қадам қўйдилар. Шопур Фарҳодга:

— Эй, бахтли йўлдошим, сен тушда кўрган ўлка мана шу! Ҳар томонини кезиб, қидирган жойингни топгунингча томоша қил!— деди.

Фарҳод Шопурнинг сўзини маъқул топиб, чидам билан ҳамма ёқни айланар эди. Эҳтиёт билан икки-уч кун юргандан сўнг ғоят севинчли бир манзарага дуч келди. Чунки унинг ақлини «тушида» шайдо қилган дашт кўз олдидан чиқиб қолди: ўша кўкат, ўша сафсар гуллар, ўша чечаклар ва ўша

гуллар атрофида булбуллар. Бу ерлар тупроғи тақводор кўзини хиралантирар, у ернинг шамоли эса ақл шамъини ўчирадиган даражада эди. Балони ўзининг бошига сотиб олувчи Фарҳод қайси томонга боқмасин, гуллари, тиконлари, ҳатто кўклатлари ҳам ошнадай эди.

Унинг пора бўлган кўнгли ҳар нафасда уни заифлаштириб, овора қила бошлади. У бало водисига қадам қўйиб, малолат чўққисига байроқ тика бошлади. У Шопурга:

— Эй менинг ҳамдамим, дўстлик қоидаларини сен тўла эгаллаган экансан. Ўша тушимда кўрган води ва кўкни ўпган тоғ олдимдан чиқди. Энди менга яна ҳам яқинроқ келиб, ҳамроҳим бўл, ҳолимдан хабар олиб тур. Менинг маҳзун жоним бақириб-чақириб тош қазийётган ва ғавғо кўтараётган тўда орасига боришни истамоқда,— деди.

Шопур дарров ўша томонга йўл солди. Икки дўст у ерга етиб бордилар. У ерда эзилган, жафо чеккан бир тўда одам дарду доғ ичида тоғнинг орасида ариқ қазийш билан машғул эдилар. Улар тошларни кесишга келганда шундай ожиз эдиларки, шундай ожизлик ҳеч кимда юз бермаган. Қўлида теша кўтарган икки юз тошкесар ўз тешаларини тинмасдан тошга урар, лекин тош шу қадар қаттиқ эдики, агар юз марта теша тегса ҳам фойдасиз, ундан бир нўхатча синмас, нўхат у ёқда турсин, кўкнори уруғича ҳам тош учмас эди. Икки юз тошкесар уч йилдан буён метин уришдан тинмай ишласалар ҳам икки-уч юз қулочдан ортиқ тош қазилмаган, уларнинг ҳам кўпи чала-чулпа эди. Улар бундай азобдан қон йиғлар, бироқ ишбошилар тинмай уларга зулм қилар эди.

Фарҳод уларнинг ҳолига назар солиб, бундай зулмларни кўриб, жуда хафа бўлди. У мазлумлар тўдасига ғамгин кириб борди. Қошлари эса ғуссадан уч кунлик ойдай чатилиб кетган эди. Фарҳод одамларга қараб:

— Эй, менинг каби балокаш халойиқ!— деди.— Фалак машаққатларидан кўнглингиз меникидек ташвишга қотибди. Бу тортаётган уқубатларингизнинг сабабини ва унинг нима билан тугаши лозимлигини менга айтинг! Бу қийинчиликлар нима учуну, фалакдан бу бало сизларга қачон ёпишиди? Сизни кўриб, бошимдан тутун чиқиб кетди. Тутун эмас, ичимга ўт туташиб кетди.

Улар Фарҳоднинг гўзал чехрасини кўриб, сўнг жон бағишловчи сўзларини эшитиб, савлатидан ҳам ҳайрон бўлиб қолишди. Унинг сўзларидан ҳамманинг боши айланди. Бу ғамгин одамлар ер ўпиб:

— Эй ишонч руҳидек гавҳари тоза йигит!— дейишди.—  
111 Сен фариштамисан ё одаммисан — биллолмай турибмиз. Худо

ёринг бўлсин. Сен бизга олий бир гавҳар бўлиб кўриняпсан. Фаришта биздан ташқарида бўлгани учун ҳам уни кўрмаганмиз. Сендай одамни ҳам биз ҳеч қачон учратмаганмиз. Вужудинг қайғу ва касаллик кўрмасин. Сенинг саволингга жавобимиз шуки, жаннатлар рашк қилган бу ўлканинг ҳукмдор<sup>1</sup> ҳаёт пардасидаги бир аёлдир. Унинг келиб чиқиши Афридунга бориб тақалади. Зоти Жамшид подшоҳиникидан юқори. Бошига тож соя солмаса ҳам кўп тождорлардан бож олади. Белини гарчи камар қидириб топа олмаса ҳам унинг қўшинини заррин камарлар ташкил этади. Унинг бу хил сифатларини тушуниб, дунё халқи унинг отини Миҳинбону, деб атайди. Бу мамлакатнинг ичида ўттиз-қирқта қўрғон бор. Буларнинг бари ўз буржини кўк қалъасидан оширганлардир. Буларнинг ҳукмида ҳар ерда Қорун ҳазинасидай ҳазиналар тўла бўлиб, улар ҳеч бир меҳнатсиз, ранжсиз шу бойликларга эгаллик қиладилар. Давлат, шон-шавкат имкон йўл қўйганидан ҳам, халқ қанча деб ўйласа, ўша ўйлаганидан ҳам ортиқ. Унинг бу дунё ишларидан хотири жамъ, гул юзли бир жияни бор. У қизни ифбат саройида шоҳ, кўк пардаси ичидаги ой дейишади. Уни ҳам таъриф қилиб ўлтиришдан фойда тополмаймиз. Отини аташга ҳам қўрқамиз. Унинг юзини ўзига қарашли бир неча гул юзли, сарв қоматли қизлардан ташқари одамзод кўролмайди. У қизни ким кўрса, бошқа сайру саёҳатнинг юзини кўрмайди. Уни кўрган кишини ҳам ортиқ ҳеч ким кўрмайди. Унинг юзини гул, кипригини тикан деб атайдилар. Дунёда нима яхши нарса бўлса ҳаммаси унда бор дейишади. Миҳинбону уни жуда ҳурмат қилар экан. Унга ўринни ҳам ўз жон ўйидан қилиб берган. У қизнинг юзи билан ўз базмини гулшан қилади. У орқали оламни равшан кўради. Бизлар қашишга машғул бўлган бу тоғнинг сифати ҳам жуда узун. Унинг бир боши Шарққа, яна бир боши Ғарбга бориб туташади. Унинг шарқидан бир булоқ оқади. Булоқнинг суви эса ҳаётбахш сувдек тиниқ. Одамлар у булоқни «Айнул-ҳаёт»<sup>\*</sup> деб аташади. Унинг сувини ўлик ичса жон киради. Парилар булоқ бошида ором олгандек, у гўзал бу булоқ бошига келиб тураркан. Пари юзли қизлар билан баъзан у ишратга юз қўйиб, бу ерда базм қуаркан. Тоғнинг ғарбида эса у ой юзлининг макони бўлиб, уни ҳозир Армания деб атайдилар. Унинг ери ўз зеб-зийнатлари билан жаннатдай, ёнида эса кўкка бош урган тоғ бор. У ой юзлининг срсуси шуки, ўша ерда бир олий қаср бино қилса. У ерда чиройли манзара, хуш ҳаво бўлгани билан устида суви йўқ.

\* Айнул-ҳаёт — ҳаёт булоғи.

Бир неча муҳандисларни айланувчи осмон сингари югуртира-югуртира шу тайёр чашма сувини топишди. Ундан кўнгилда-гидай бир ариқ қазилса, у ҳурнинг қасри олдига сув олиб бориш мумкин, дейишибди. Бироқ бу булоқ билан у офат қас-ригача бўлган орадаги ер ўн ёғоч\* келади. Орадан тортиб кўйган мана бу чизиқлари ариқ қазиш мўлжал қилинган ерлардир. Бу хизматни бало тоғида жони хафта бўлган шу бечора тўдага топширишган. Булар метин билан тошларнинг орасини ёриб, ариқ очишлари, кимки шу ариққа сув очса, сув тўхтамай ўша қасрга бориши керак. Бу тошлар теша билан ушалмаяпти, теша у ёқда турсин, метин ҳам уларга кор қил-маяпти. Биз уч йилдан буён жон-жафо тортиб меҳнат қиляп-миз. Синмаган метину теша қолмади. Бу машаққатларда қий-налган йигитларни кўрган одам уларни қари дейди. Қазилган ер эса икки-уч юз қулочдан ошгани йўқ. Бу меҳнатлар ичида умримиз Нуҳ умридай узун бўлса-ю, баданимизда жонимиз ҳар қанча кўп бўлса ҳам, бу ишнинг чегарасига етиш ва уни тугатиш имкони йўқ. Иш қилишдан жон-жафо тортяпмиз. Баъзида фарёду фиғон чекамиз, чунки бу тешаларни тошга уришдан фойда йўқ. Биз эса кечаю-кундуз совуқ темирни урганимиз-урган. Ишбошиларга бориб ҳар қанча маъқул узорларни айтсак ҳам улар қабул қилмаяптилар. Ҳолимиз шундан иборат. Ҳали ҳам ҳаммасини эмас, бир қисмини айт-дик, холос.

Фарҳод аҳволни билгандан кейин, уларнинг ҳолига ачи-ниб кетди. У ўз-ўзига деди:

«Фалак зулмидан ситам чеккан бу бир тўда мазлумлар-ку! Мен уларга ёрдам кўрсатсам бу жуда ўринли бўлади. Ҳу-нарни асраб нима қиламан, ахир! Ёки ўзим билан тупроққа олиб кетаманми?!»

Темирчидан бир кўра билан дам сўраб олди. Белига чарм фартукни боғлади. Дамнинг учини кўрага маҳкам қилиб, ун-га кўмир тўкиб, дам бера бошлади. Кўмирни чўғ қилиб туриб, ўша ерда бўлган метину тешаларни сўраб олди-да, ҳаммасини ўтга солиб қизитди. Ўша ерда бор асбобларни эритди. Улар-нинг ҳар ўн-ўн бештасидан битта қувватлироқ метин, яна шунчасидан битта ўткир теша тайёрлади. Тоғ камарини қазиш учун керак бўлган бир неча гурзи ва асбоб чархлайдиган тошлар ҳам ясади. Ўша асбобларнинг ҳаммасига Қорандан ўрганган қоида бўйинча яширин сув берди.

Бу аҳвол уни тараддудга солган эди. Халқ эса атрофини жимжит ўраб олган эди. Ҳеч ким ундан бир савол сўролмас, унинг савлатидан ҳамма унга бақрайиб қолган эди.

У бошқаларни асбобдан қутултириб, тез ўзи тош кесишга бел боғлади. У ариққа тушиб, қумни сел кесгандай тош қазиб кетдики, унинг тешаси ҳар тушганда кўк пилининг юкидай бир парча тошни қўпорар эди. Метинни зарб билан уриб, қаттиқ тошларни майда-майда қиларди. Унинг тешасидан сакраган ушоқ тошлардан бир чақирим нарида томоша қилаётганлар бошларини олиб қочардилар. Унинг қўли зарб билан теша урганда, овози ўн ёғоч масофага кетарди.

Шу бир куннинг ўзидаёқ бу тош қазувчи азамат тошлар ичида бир нов тайёрлади. Икки юз тошйўнар уста уч йил ишлаб, тошлардан бунчалик аламини ола олмаган эди. У шунчалик кўп ҳунар кўрсатди! Тоғ ичида яшовчи одамлар орасида шов-шув тарқалиб кетди.

Уша ердаги коргар ва корфармойлар чопиб Миҳинбону олдига кетдилар. Бориб, бу аҳволни унга гапириб бермоқчи бўлишди. Кўрмаган одамнинг ақли бунга ишонмаслиги ҳам мумкин эди.

Эй соқий, сен менга лаъл тошидай қизил шароб бер. Чунки кўнглимга ғамнинг тошдан оғир юки тушди. Шундай май менинг оғзимга етса, ичимда бўлган дарду ғам тошларини эритиб юборади.

### XXXI



*Фарҳод тешасининг овозини Ширин эшитгани ва унинг бошига қуёшдай етишгани; у Ширинни кўриш билан ўзидан кетиб, тириклик шамъи ўчгани ва Шопурнинг бу ҳодисадан бошига ўт тушгани.*

Гавҳар тўқувчи заршунос турли хабарларни берар экан, шундай қимматбаҳо сўзларни маълум қилди:

Фарҳоднинг ишларини кўраркан, у халойиқ ҳайратдан **114**

караҳт бўлиб, Армания томон йўл олди. Улар Фарҳоднинг кесган тошларини кўриб, бу тўғрида Миҳинбонуға хабар етказдилар:

— Шундай бир йигит пайдо бўлдики, уни кўришдан халқ унга шайдо бўлиб қолди. У тош кесиш ҳунарини шундай намойиш этдики, буни одамзод қилиши мумкин эмас. Унинг вазияти, сиёқи дунёдаги одамларникидай эмас. Бундай одамни фалак шунча айланиб ҳали кўргани йўқ. У бир томондан фариштаға ўхшаса, иккинчи томондан тоққа ўхшайди. Унинг теҳасига эса тоғлар оддий кесакчадир.

Улар ўз кўрганларини бирма-бир, шак ва шубҳа қолдирмасдан айтиб бердилар. Миҳинбону буни эшитиб, ҳайратға тушди, ишонмай, маълум вақт фикрга ҳам чўмди. Бу хабар оғизға тушиб кетгандан кейин инонди. Лекин, бари бир ҳайронлик уни чулғаб олган эди. Жаннат саройини Момоҳаво ўзига макон қилгани каби гул юзли Миҳинбону ўрнидан туриб, ҳарамига келди.

— Эй умрим боғининг нозли сарви,— деди у Ширинга.— Эй хилват ҳарамимни безаб турувчи шамъ! Кўнгил сенинғ қуёш юзинг билан хурсанд. Сочингнинг ҳар толасига жон ипи банд. Мен сенга ажойиб бир сир, дилни эркаловчи бир хабар келтирдим. Тангри сени гўзаллар орасида беқиёс қилиб яратди. Қиладирган ишларинг ҳам ўзингга муносиб. Ариқ қазишни ҳукм қилиб, қаттиқ тошларни кавлашни буюрган эдинг. Бу шундай иш эдики, ҳалигача бу хил ишни халқ қилиб кўрмаган ва қандай қилишни билмаган ҳам эди. Агарчи бу ишнинг турган-битгани машаққатдан иборат бўлса ҳам, қазо уни енгиллатишни истабди. Айтишларича, у ерда бир одам пайдо бўлиб, қиёмат ишлар кўрсатаётган эмиш.

Миҳинбону Фарҳоднинг ташқи кўринишини, мақсад-ишоратини эшитганича, пари-пайкарга гапириб берди.

— Уч йил давомида қилинган ҳамма иш билан унинг бир кунда қилган иши баробар бўлибди,— деди у.

Миҳинбону бу сирларни унга айтгандан сўнг, у париваши бориб томоша қилишни истаб қолди. У деди:

— Шундай иш юз берган экан, у томонга ясоғлиқ от билан бориб кўриш керак. Уни кўриш ва қилган ишларини томоша қилиш ғанимат. Тангри бизга етказган бу киши ҳақиқатан ҳам ажойиб меҳмонимиз. Шундай бир қуш бу гулшанда истироҳат қиламан деб, тузоққа илинган экан, ранжу балоға ўз хурсандчилиги билан, тузоққа эса ўз оёғи билан тушган экан, энди уни иззат-ҳурмат қилиш зарур. Чунки у бизларга ниҳоятда керакли одам. Бу ариққа юзлаб хазина сарф қилдим, лекин сув келишидан умид узган эдим. Тангрига шукурки,

у мени мақсадимга эриштириб, бундай кишини тилагим ипига илинтирибди.

Бол лабли қиз тезликда от сўратди. Миҳинбону ҳам у билан биргаликда кетди. Бу суманбарнинг хизматида тўрт юз қиз бўлиб, буларсиз у ҳеч қаёққа бормас эди.

У гўзалнинг гул рангли оти ҳам бўлиб, чопганда осмон отини орқада қолдирарди. У пари доим шу отга минар ва у дев жуссали от ҳам ўша паридан бошқани миндирмас эди. У отнинг ўзи гул, ранги ҳам зотига ўхшаш гулранг бўлиб, халойиқ унинг исмини Гулгун деб қўйган эди. Жаҳон боғида бундай елқадам от бўлмай, унинг тезлиги гул баргини учиргувчи тонгги сабодек эди.

Тездан ўша елқадам отни келтирдилар. Қиз унга шафақ гулгунига мингандай минди. Сарвқомат ўша томонга йўл олди. Қаватида ҳадиғи парилар тўдаси ҳам борарди. Улар хушвақт ва хушчақчақ бўлиб, Фарҳод тош кесаётган томонга от сураб эдилар.

Миҳинбону у гўзалнинг аҳволидан хабардор бўлиб туриш учун уларга ҳамроҳ эди. Улар орқасидан йўл босиб, уларнинг қавмлари ва одамлари ҳам борардилар. Пари юзли Ширин девзод отини шундай чоптирардики, натижада юзи терлаб, гул япроғига шабнам тўкилгандай бўлди. Орқадагилар ҳам осмон отига минган кўк қуёшидай унинг кетидан от суриб етиб келишди.

Гўзал Шириннинг ҳар ёққа занжирдай тўзғиган соч ўримлари гўё тош қазувчиларни илинтиришга каманд эди. Нега ҳам каманд бўлмасин? Чунки икки қора шом ўртасида кофур билан бир чизиқ тортиб фарқ очилган эди. Жингалак, қора мушқдай хушбўй сочларининг устидан юзига парда тортилган бўлиб, гўё қора шомни ой чекилтириб келаётгандек эди.

Юзининг атрофига таққан дур ва марваридлари қуёш атрофидаги юлдузларни эслатарди. Гўё айланиб турувчи осмон қуёшнинг чашмасидан қатраларни ҳар томонга сочиб юборган деса ҳам бўларди.

Иккита ҳилол қоши фитналар қўзғаб, гўё бу ой бошида кўп қон тўкишлар бўлади, деяётгандай; ҳар нафас қон тўкишнинг кенгашини қилиб, иккаласи бошларини бир-бирига эгиб, шивирлашаётгандай эди. Бу қон тўкишда иттифоқ тузиш учун унинг юзининг саҳифалари аҳднома эди.

Кўзи ислом элига тажовуз қилиб, мусқафдай юзига маст кофурлардай ётиб олган эди. Бу кўзлар кишининг сиҳҳатини олишда сусткашлик кўрсатиб, ўта маст одамларнинг хуммор кўзларига ўхшаб кетардилар. Улар уйқусирагандай ҳорғин сўзлар, лаблари эса шароб ичишдан қизариб қолганди.



Оҳ, бу икки анбар бўйли сочлару жон бағишловчи икки гунча лаблар! Бу лаблар шакар каби бўлиб, бироқ тузи кам эмас, бир туз эмас, олам-олам қандлар уларда яширинган. Бундай қанд, бундай тузни ҳеч ким билмас, бу қанд билан туз тириклик сувига тушса ҳам эримас эди.

Холининг қоралиғи кундуз куни қанд ўғирлашга келган ўғрига ўхшарди. У ўғри ширинликларни ўғирлагану, қайтар чоғида оёқлари шакарга маҳкам ёпишиб қолгандай эди. У пинҳона тузу шакар ўғирлар экан, гўё туз ва шакар ҳақи уни ушлаб қолган.

Ёноғининг гулзориди ранг билан хушбўйлик тўлиб ётибди. Бу гулзор унинг лабидаги тириклик булоғидан сув ичиб турарди. Юзининг тоза атир гуллари ҳам шу тириклик булоғидан сув ичиб парвариш топган эдилар.

Оғзи устидаги бурни ҳам ажибликнинг мисоли эди. Унинг ёнидан эса бир қора хол ўрин олганди. У хол ҳинд савдогари сингари шакар идишига Ҳиндистон новвотини ҳам солиб қўйган эди. Буни Ҳиндистон новвоти эмас, балки гул гунчаси деса ҳам бўлади. Бу гунча ҳар қандай етук ақлни ҳам тамоман девона қилишга қодир эди.

Насрин гулидай хушбўй вужуди кумуш рангида бўлиб, худди кумушдан ясалган гунчага ўхшарди. Ҳар киприги қаламнинг учидай ўткир, эл қатли учун буйруқ ёзиш мақсадида қорартирганди. Ўзининг юз лавҳасини ҳукмнома учун varaққа айлантириб, олам ақлининг рўзғорини қорайтирарди.

Унинг қадди-қомати жаннат савсанидай озод, юзи гул, бироқ юз гулнинг хирмани каби эди. Унинг ўт рангидаги лаъл тошидай қип-қизил лабларидан ҳарорат кўтарилиб, ўша гул хирманига ўт туташган эди. У ўтдан чиққан аланга кўкка чирмашиб, қуёшнинг бошидан оёғини ўртаган.

Бағбақалари атрофида шундай бир хат яширинганки, уни соғлом завқ эгаларигина кўра олишлари мумкин. Қуёш ёнида янги ой каби бу чизиқ ҳам кўзга кўринар-кўринмасдир. Бу бағбақа чизиқларини тасаввурдагина тасвир этиш, оғзининг нуқтаси ҳам йўқликдан яратилган дейиш мумкин.

Қулоқларига осган қимматбаҳо дурру гавҳари гўё ой атрофидаги Зухра ва Муштари юлдузларига ўхшайди. Қадди-қомати гул рангли шамшод, шамшод ҳам эмас, гул ҳам эмас, гул танли сарв дарахти сингари эди. Қадди ўз эпчиллиги билан жон офати бўлса, белининг нозиклиги жон риштасини эслатарди. Унинг бўйи ва гавдасини қучоқлашлик демайман. Чунки у ўзининг париларча чаққонлигидан учиб кетиши мумкин.

оқарди. Лабидан сўлимлик, юзидан малоҳат чак-чак оқиб, томиб турарди.

Кийган ипак кийимларидан руҳ озиқланар, бироқ унинг рангларидан юз ақл ҳайрон қоларди. Киприклари ўқидан тоққа ёққан кўклам ёмғиридай ўқлар ёғилса, лабидан чиққан ҳар бир сўз юз жонга офат келтиргандай, ҳар тола сочи минг имонга офат етказгандай эди. У кўзга шу даражада қотил кўринар, унга боққанларга оҳ уриш ва ўлишдан бошқа илож қолмас эди.

У отда кетиб бораркан, оти тоғнинг белини букар, от устида ўзи эса ҳуснининг жомидан маст эди. У гўё осмон отида борар, от ҳам, қуёш ҳам эмас, балки дев устида бир пари каби борарди. У отини қайси томонга бурса, замон аҳли уни узоқдан кўриши билан «Алҳазар!» дерди.

Тошбосар отини шу хилда сура-сура Ширин тош қазилаётган ерга етиб келди. Баландроқ бир ерга чиқиб, ҳар томонга қаради. Бу билан у ерни ҳам, замонни ҳам ўтга ёққандай бўлди. Шунда у нимани кўрди? У тошларнинг орасида тош қазийётган бир йигитни кўрди. У метин билан тошлар ичидан бир ариқ ўтказайтган эди. Тош қазиб, нов чиқариш ҳам эмас. Унинг қазийётгани ўн тегирмон сув оқиб ўтиши мумкин бўлган бир ариқ эди.

У барно йигит тошларга ўчакишиб, зарб билан теша урар ва уларни майда-майда қиларди. У барно йигит эмас, балки даврондан хазон машаққатини кўрган бўстон сарви эди. Унинг савлатидан қаттиқ тошлар қўрқувда, шунинг учун метини олдида осонлик билан қўпорилар эдилар. Унинг эгилган қошлари чимирилган, оғзи юмилган, ғам тоғлари қаддини қавсдай эгган эди.

Унинг замона одамларидан гавдаси букюкроқ, шавкати маст филникидан ҳам кўпроқ эди. Бошида тождорликнинг шон-шавкати, юзида салтанатнинг нури кўриниб турарди. Хорлик тиконлари оёғига санчилган, машаққат тошлари бошини синдирган. Манглайда севги дарди, юзида мусофирликнинг гарди кўзга ташланиб турарди. Гавдасида бахтсизликдан асарлар, юзида ошноликдан хабарлар бор эди. Қўлидаги тешаси теша эмас, гамисоли бир гурзи бўлиб, зарбидан Эльбрус тоғи тупроқ бўлгудай эди.

Буни кўрган Ширин ҳайратдан лол бўлиб, таажжуб уни беҳол қилиб қўйди. Шириннинг кўзига унинг чеҳраси шундай кўрингач, бунинг ичига унинг меҳри тушиб, тўлқинлан тирди. У йигитдаги шиддатни кўриб, унинг кўзига ёш югурди, чеккан азоб-уқубатларини кўриб кўнгли бузилди. Сирлар пардаси очилмасдан бурун у отини Фарҳод томонга сурди-да,

унга сўз қотди, лаъли лабларидан гавҳарлар сочиб, сўз инжуларини сочди:

— Эй дунёда кам учрайдиган йигит! Эй, кўк гумбазининг остида танҳо инсон! Аҳволингда кўпдан-кўп кишини ажаблантирадиган хусусиятлар кўзга аён. Ажабдан-ажаб ранжу машаққатлар чекибсан. Сен дунёда на бирон кишига ўхшайсан, на қилган ишларинг одамларнинг ишига ўхшайди. Бу ишларни сен биз айтмасданоқ бажарибсан. Бундан бизнинг кўнглимиз ғоят хурсанд бўлди. Биз бу ишларни амалга ошириш учун жуда қийналган эдик. Сенинг қўлинг ҳунар эмас, мўъжизалар кўрсатибди. Агар биз уч минг йил миннатдорчилик билдирганимизда ҳам бир кунда қилган ишингнинг миннатдорчилигини билдира олмаймиз. Хизматингга раҳмат айтишда бизга ўхшаганларнинг юзтаси ҳам уялади. Бу яхшиликларингга биздан қайтмаса, худодан қайтсин.

У бир табақ гавҳар келтиришларини сўради.

— Эй, ишда моҳир йигит, бу ҳали сенинг хизмат ҳақинг эмас! — деди у ва узра айтиб, табақни очди, ундаги гавҳарларни Фарҳоднинг бошидан сочди. Париваш чиройли сўзлар топиш билан овора экан, мажнун Фарҳод эса ўзини йўқотган, ўздан беҳабар эди. Нафас олганда, энтикиши гавдасини йиқитгудай, кўнглининг безовталиги кўксини тешиб чиққудай эди. Баданининг титроғи босилмай, бу тинчсизлик уни бир ерга олиб боришига улгурмай, у Ширинга қараб деди:

— Жонбахш нафасларингдан мен тирилмадим, ўлдим. Товушингни эшитиш билан ҳаёт ранжларидан ҳам қутулдим. Сенинг қайси ой юз эканингни мен қайдан билай? Ичимни қон қилган сен эмасмикансан? Мени ғурбатларда бечора қилган, ўз диёридан, мамлакатидан овораликка ташлаган ҳам сенмасмикансан? Товушингни эшитмасдан олдин мен ўлган эдим. Энди юзингни кўришга улгурмай ўляпман. Оҳ! Юз оҳ!

У оҳ тортиб шундай тўфон юзага келтирдик, ой юзининг юзидати ниқоби шамолига учиб кетди. Дунёни безаб турган бу юз кўрингач, қиз Фарҳод қидириб юрган гўзал экани ошкор бўлди. Кўзгуда аксини кўриб ҳушидан кетган бўлса, ўзини кўргач, жон берган бўлса, — таажжубланадиган жойи йўқ. Биров май тўғрисидаги сўзни эшитиши билан маст бўладирган бўлса, ичганда ерга паст бўлишга ҳам таажжубланишга ҳожат йўқ.

Фарҳод бу қизнинг ўша пари эканини билди ва бир ўтли фиғон тортиб шундай йиқилдик, Ширин уни бу ҳолатда кўриб, жон берди, деган гумонга борди. Бу ҳам худди Фарҳоддек ўтли бир оҳ чекди. Оҳининг тутуни у ойни булут ичига яширгандай бўлди.

Вафонинг шамъида ёруғлик қолмаганини кўрган Шопур Фарҳоднинг бошига парвонадек егиб келди. Унинг бошини қўйнига олиб, зор-зор йиғлай бошлади:

— Эй, насибаси қайғу ва озордан бошқа нарса бўлмаган бечора! Сенинг гурбатда тортган қийинчиликларинг ўзи етмасмиди! Энди ҳаётингнинг чироғи ҳам бесабаб ўчди. Вафо йўлида сен шундай ерга етдингки, севганингни бир кўриш биланоқ жон бердинг. Эссиз сенинг камолинг, билимларинг! Эссиз сенинг ақлинг, номусинг, чидамлилигинг! Эссиз сенинг тоза қалбинг, пок раъйинг! Эссиз сенинг қайғу билан чеккан фиғонларинг! Ҳайф, ўша камон тортиб, ўқ отган, салобатли, зўр қўлларинг! Салобат тўла қўл кучларинг қани? Паҳлавонлик билан душманга берган юз минг зарбаларинг қани? Одамлар орасида фаришта бўлатуриб сен бўлмас экансан, нега қолганлар барчаси ер билан яксон бўлмапти? Сен қайси шоҳнинг бошидаги тож эдинг, қайси тожнинг гавҳари эдинг? Энди қайси ўлка сенга мотам тутиб, қайси эл қайғунгни чекади? Қайси хоқон аза очиб, қайси иқлимнинг халқи оёққа туради? Мен сенинг ташвишларингни тортиб, ғамга қолдим. Кошки сени кўрмаган бўлсайдим!

Шопур шу сўзларни айтар, Ширин эса кўзидан ёшлар оқизарди. Шопурнинг йиғи-сиғи, безовталиклари бир оз пасайгач, Миҳинбону билан Ширин уни ўз ёнларига чақирдилар. Улар Фарҳод ҳолидан сўрадилар. У ҳам ўз билганларини айтиб берди. Унинг сўзларини эшитиб, Ширин билан Миҳинбону ҳам зор-зор йиғлашди.

Сўнг Фарҳодни шоҳона бир кажавага солиб, зору ғамгин ҳолда ўз ўрдаларига қайтдилар. Нозанин қизлар Фарҳод ётган кажавани кўтариб олишганди. Олдинда ой пешанали гўзаллар йиғи солиб боришарди.

Уни олиб бориб, саройнинг бир бурчагидаги тахтга шоҳона тўшакларни солиб ётқизишди. Охлар тортиб уни тахт устига ётқизишар экан, у на элдан, на ҳолидан хабардор эди.

Эй соқий, менга бир пиёла ўзни унуттирадиган шаробдан бер. Чунки мен ўзимни унутиш билан афсона бўлиб кетганман. Мен бу севги ичида шундай беҳуш бўлганманки, яна бир пиёла бериб, ундан ҳам беҳуш қилиб қўя қол!



*Фарҳоднинг беҳуш димоғига ҳуш боғидан насим эсиб ўзига келгани, насимдек тоққа етиб, теша билан яна тоғ бағрини ёргани, Шопур билан кўришгани, Ширинни эса унинг ишқи шайдо қилгани*

Бу кажава лавҳаларига бўёқ берган одам ўз қиссасини қуйидагича давом эттирди:

Шундай қилиб, Фарҳод ҳушидан кетгач, уни тахт устига беҳуш ҳолида ётқиздилар. Унинг на тириклик олаmidан хабари бор эди, на жисмида нафас олишдан асари. Шу хилда у икки кеча-кундуз ётди. Кейинчалик у баъзи-баъзида нафас олса ҳам лекин кўзини очмас эди.

Унинг тирик эканини кўриб, Ширин қичқириб юборди. Бечора Шопур эса хурсандлигидан ҳаётга янғидан келгандай бўлди.

Учинчи кечаси ҳамманинг кўзи уйқуга кетганда, Фарҳод аста кўзини очиб, ўзига келди. Шоҳона тахт ва қасрни, ўзининг эса тахт устида ётганини кўрди. У ўзининг аҳволи ҳақида қанча кўп ўйламасин, бундан унинг ҳайронлиги ошарди, холос. Бироқ унинг ёдига шу нарса келдики, унинг кўргани ой, ой ҳам эмас, оламга оро бериб турган қуёшнинг ўзи экан. Шундай қуёш уни йўқлаб келиб нур сочган ва у билан сўзлашган эди. Фарҳодга маълум бўлдики, у ана шу вақтда у гўзалнинг юзини кўриб ё сўзини эшитиб ўзидан кетган экан.

Фарҳод уялганидан булутдай терга ғарқ бўлди ва хонадан яшиндек сакраб чиқиб кетди. Ақлу фаросатини ишлатиб Фарҳод яна шуни билдики, ўша дилбар қуёш, у ўзидан кетиб қолганда, унга ёрдан ҳам кўрсатибди. «Ушанинг ўзи-ку мени ўлдиришга чоғланган эди, ҳолимга ачиниб, яна менинг обрў-

121 йимни ҳам кўтарибди-да!» — деди Фарҳод ичида.

Севинч билан Фарҳод тез тоққа қараб йўл олди. У биёбонларни хижолат тортган ҳолда босиб ўтарди. Кўпгина йўл юриб у қазилаётган ариқ томонга етиб келди. Ундан ҳаё тери бамисоли сув бўлиб оқарди. Метин ва тешасини топиб олиб, у яна ўз ҳунарини намойиш қилишга тушиб кетди.

Фарҳод ўзига ўзи дерди: «У ~~парча~~ юз гўзал мендай бир телбага шунча меҳрибонликлар кўрсатибди. Ҳушдан кетиб қолганимда иззат қилибди. Ўз ~~маъна~~ маънамати билан бошимни юқори кўтарибди. Бу яхшиликларига қўлимдан нима келиши мумкин? Ёки бу яхшиликларига қандай йиқилиб раҳмат айтсам бўларкан? Модомики, унинг бутун истаги шу ариқни қаздириш экан ва бу ишни тамомлаш учун кўп ҳимматлар кўрсатаётган экан, умидим шуки, тез ўтгувчи умр мен бечорага шундай бир муҳлат берсаки, мен у гўзалнинг истагини амалга оширсам ва дардига шу йўл билан даво қилсам!»

Бу гапларни ҳаёлидан кечириб, у сидқидилдан ишга тушиб кетди, тошлардан эса кўкни гард чиқариб юборди. Қаттиқ тошларни чопишда у шундай маҳорат кўрсатардики, тоғдан осмонга фарёд кўтариларди. У ўз ўткир метинини тошга урар экан, кўк гумбазига қиёмат солгандай эди.

Фарҳод ҳансираб олган нафасининг тутунини билан метиндан чиққан гард зангори осмонни кўздан яшириб юборди. Гард ва дуднинг ўзини эмас, дарду андуҳ булутини Арман чегараларини тоғ-тоғ бўлиб тутган эди. Уни қора булут ҳам дема, кўккам булутини деб, ёгин билан тўкилган тошбўрон деб атасанг ҳам бўлади.

Тош ичига ботиб-кўмилиб кетган метин дам-бадам чақмоқдай ялтираб кўринарди. Фарҳоднинг тоғ қазини ва парча-парча қилиб итқитиши ўткир бел билан балчиқ тўдасини итқитгандай ёки халқ курак билан қор курагандай эди. Кечаю кундуз на тинар, на бирпас дам олар, юраги эса бир нафас ҳам қон ютишдан қонмас эди. Унинг ишларини томоша қилиш учун одамлар ҳар томондан тўда-тўда бўлиб келишарди. Унинг ишини ким кўрмасин, ҳайрат бармоғини тишламай иложи йўқ эди. Ер остидан сув йўли очувчи усталарнинг ўзи ҳам томоша қилиб тўймас, Фарҳод эса бир нафас ёнбошлаб ўлтирмас эди. У қаттиқ тошлар орасига шундай тўполоқларни солган эди.

Қолган гапларни ҳикоячи қуйидагича сўзлайди:

Фарҳод ўша кеча Миҳинбонунинг уйида, тўғрироғи, Миҳинбону эмас, ул ой юзлининг уйида яна ўз ҳушига келиб, дарҳол тоғ томон кетган экан, қасрда қолганларнинг юмқу кўзлари тонг нуридан ёриши билан, уни қараб, на қасрдагилар, на Шопур ётган ўрнидан топа олдилар. Шопур туриб

унинг орқасидан кетди. Лекин Шириннинг эса бу ташвишдан кўзи қоронгилашиб кетди. Шопур бориб уни топдию, ғамдан қутулди. Қайғули Ширин эса айрилиқ ўтида ғамгин куйгани куйган эди.

Шундай қилиб, Шопур Фарҳодни топиб, оёғига бош қўйди. Ширин эса фироқ ичида кўз ёши тўкканича қолди. Ой юзлига ҳижрон ўқи тегиб, қўлидан ихтиёри кетиб борарди.

Ширин тезлик билан баҳоналар қидираб экан, Миҳинбонуға деди:

— Уша бечора йигит бизнинг ватанимизни ўзига ватан қилди. Мен тоғ орасида шу ишларга киришиб, ариқ қазишни бошлатиб юборган эдим. Менинг бу соҳада тортган ранжларим, тилаган тилакларим бекорга кетмаслиги учун у йигитни ҳаёт бергувчи тангрининг ўзи бу ерларга юборибди. Эндиликда у йигитни топмасак, ишларимиз жойига келмайди. Агар уч минг йил уринганимизда ҳам ариқ ортиқ қазилмайди. Одамлар уни қидирсинлар, қаерда бўлса ҳам излаб топсинлар!

Миҳинбону у ойнинг жидду жаҳдини кўриб, ичидан изтироб чекаётганини ҳам сездди. Демак, тош қазувчининг нафасидан чиққан бир шуъла унинг тошдай қалбини юмшатибди. Ҳозир насихатнинг фойдаси йўқ. Уни ўзига келтиришини ҳам вақти эмас, деб билди у. Бу ишда маълум талай ҳикматли гапларга амал қилиб, у Фарҳодни топтириш ҳаракатига тушди.

Тезда уни топиб, хабар бердилар. У илгаригидек ариқда тош чопаетган экан. Буни эшитиб, ой юзли гўзалга хурсандчилик юзланди. Лаблари гул япроғидек хандон очилиб у кула бошлади ҳам.

Энди Ширин ўзининг мунгли кўнгли учун чора, яъни Фарҳодни қандай қилиб кўриш иложини қидира бошлади. Бир хилват жойни топиб, унга қарамоқчи бўлди. Шундай бўлсаки, бу уни кўрсину, у буни кўрмасин. Мабодо кўриб қолгудай бўлса, у яна ҳушидан кетиши, сирнинг пардаси кўпроқ очилиб қолиши мумкин, деб ўйларди у.

Бироқ Миҳинбону ҳам унинг олдига бориб туришини энди ўзига доимий одат қилиб олган эди. Ҳамма вақт унинг аҳволини сўраб, яширин қайғуларини ҳам билиб олишни истарди. Бор идрокини ишлатиб, унинг кимлигини билди ҳам. У ҳунарларга ниҳоятда бой, ҳеч бир айби йўқ йигит экан.

Шундан кейин Миҳинбону кўнглидан чиққан меҳрибончилигининг ипларини унга боғлади. Бу меҳрибончилик кундан-кунга ортиб бора бошлади. У: — шундай асл йигит менга фарзанд бўлса нима қилар эди?! — деб ҳавас қиларди.

Бу тарафдан Ширин айрилиқда зор, оқшомдан тонггача бедор эди. Дардини айтишга бирорта ҳамдарди йўқ, тонгда ҳам, оқшомда ҳам на уйқусида ҳаловат бор эди, на овқатида. Ҳамдам бўладиган кишиси йўқ, аҳволини айтай деса номуси йўл қўймас эди. Фарҳоднинг олдига борсам, у сабру қарорини йўқотади, деб унинг олдига боришдан ҳам ўзини тиярди. Бу гул юзли бормайман деса, ҳазин кўнглининг чидами тугаб борарди. Шўрлик Шириннинг жони айрилиқ ўтида ёнар, унинг дарди эса бедармон эди.

Эй соқий, менга гул рангли ва хушбўй майдан бер, токи мен чорасиз қолган дард ўтига шу билан сув сепай. Шундай бир май менга армон бўлиб, дардим ҳам ғоятда бедармон бўлиб қолди.

### XXXIII



*Фарҳод ул тош ариқни қазиб Арма-  
ния тоғига етказгани, у тоғ бағрида бир  
қаср ҳам қуриб, қаср олдида тошкесар  
мегини билан «Баҳрун-нажот»\* ҳовузи-  
ни ковлагани ва ҳаёт чашмасига юзлан-  
гани.*

Бу рангин қиссани ҳангомалар билан безағувчи одам қаламини қуйидагича номларга оро берувчи қилди:

Фарҳод у ариқни тезроқ битказиш учун тошларни ёриб, тинмай ишларди. Бу ишлар тамом бўлса-ю, сарвқомат гул келиб томоша қилса. Унинг юзини яна бир марта кўрсам, жонбахш сўзларини тингласам деб умид қиларди. Уни кўриб, севинчдан мунгли жоним чиқса, дунёда армоним қолмасди, дер эди.

\* Баҳрун-нажот — нажот денгизи.



У гўзал бу томонларга келмаса ҳам, лекин бунга кўп ҳаракат қиларди. Унинг бу томонга келиши анча қийин гап бўлиб, буни амалга ошириш у ойнинг ўзи учун жуда мушкул бўлиб кўринарди. «Бу қийин вазифани бажарсам, буни у мағрур сарвқомат эшитса, ўз истакларининг юзага чиққанини кўриб, шояд менинг ҳам истакларимни у ҳосил қилса!» — дерди Фарҳод.

Шу умидлар билан у тонгдан кечгача тош чопишдан тўхтамас эди. Муҳандислик қилиб у аввал ариқнинг икки ёнига икки чизиқ тортди. Қирғоқ билан қирғоқнинг ораси уч қулоч бўлиб, чуқурлиги икки қулоч эди. Бироқ унинг ҳар бир тортган чизиғи узунасига минг қулочдан ортар эди. Агар бу минг қулоч ердаги иш бошдан-оёқ тугаса, яна иккинчи минг қулочга тушар эди. Ҳар минг қулоч ерда тош қазир экан, унинг метинидан тошлар парча-парча бўлиб кетар эди. Айтиб ўтилган икки юз бақувват тошчопар эса эпчиллик билан тошларни ташир эдилар. Улар ариқнинг ичини тозалаётганларида, Фарҳод тешасини қўлида бўшгина ушлаб, ариқнинг ғадир-будир ерларини силлиқлар ва ўзининг теша билан тош тарашлаш ҳунарини кўрсатарди. Тош йўниш учун у тешасини бир қўлга олганида, юз-юз қулоч ерларни силлиқлаб чиқар эди. Унинг силлиқлаган ерлари кўзгудай сайқалланган, унда одамнинг юзи сувда кўрингандай кўринарди.

Фарҳод икки томондан тошларни бир-бирига улаб, фаршини дандонага\* ўхшатиб борар эди. Бирор ерда тош туганиб, ўрнидан тупроқ кўриниб қолса, бундай жойларда қийинчилик кўпаяр, у ерларни тошфарш қилиб чиққунча анча заҳмат тортишга тўғри келарди.

Бироқ Фарҳод чарчаш ва машаққатларни писанд қилмай, тошларни тахта-тахта қилиб, текис йўниб, режа тортилган чизиқдан, қоидадан чиқмай бир маромда иш олиб борарди. Йўниб, тайёр қилинган тошларни бир-бир олиб, тахта-тахта тошларни текис тўшаб, маҳкамлаб борарди. Ариқнинг йўлини у шундай текис созлар, худди муҳандислардек пардоз берарди. У қўйган тошлар бир-бирига шундай ёпишиб кетган эдики, ҳеч ким уларнинг орасидан дарз тополмас эди. Агар олдида тоғ чиқиб қолса ҳам, уни ўртадан кўтармагунча истироҳат қилмасди. У тоғни чопишга тешасини қайраб олган қатранинг ўзидан эса олов чақнар эди.

Фарҳод тоғнинг тепасини ўзига маскан қилиб олиб, тош йўнар, чўққиларни ағдарарди. У тошларни йиқишга камари-

125 \* Д а н д о н а — тош ёки гиштларни кунгурали қилиб териш; қалъа кунгураси.

ни маҳкам боғлаган бўлиб, қўлининг ҳар зарбидан бир камар ағдарилар эди. Тоғ чўққисига кетма-кет зарб билан урабериб, ҳар зарбида бир чўққини ер билан баробар қиларди. Устма-уст метин урабериб, тепаларни даштга юмалатаверди. Метини орқасини тош майдалайдиган қилиб олган, унинг метинидан учган тошлар бориб ойга тегарди.

Ойга тошлар шу хилда отилавергач, у атрофидаги гардинини ўзига қалқон қилиб олди. Юлдузлар бундай ушоқ тошларнинг ёғишини кўриб, ўз бошларини ҳар тарафга олиб қочар эдилар. Чўққилардан саҳронинг юзи илма-тешик бўлгандай, ушоқ тошлар ҳам осмон юзини ғалвир қилиб юборган эди.

Айни вақтда, осмон ҳар нафас бошини олиб қочгани билан ер юзига қайта ёғдириш учун тош ўғирлар эди. Тақдир-фалак жафо тошини ёғдиришдан ҳалигача тўхтамаганининг сабаби ҳам ҳали ўша йиғиб олган тошларининг тугамаганидандир.

Осмонга тоғнинг гардини чиқариб, Фарҳод икки-уч кун ичида уни ўрнидан қўпориб ташлар эди. Бу ерлардан ариқ ўтказиш қобилиятини кўрсатиш учун у ўз ҳунари билан юзлаб Бобил сеҳрини намойиш қилди. Фарҳод тоғни қулатиб, ер билан баробар қилса, ариқ қазиш учун ҳамма томондан кенг йўл очган бўлади.

Шунинг учун ҳам у яна ўша аввалги паргорини тўғри қўйиб, тўғри чизик тортиб, кечаю кундузи ариқ қазишда давом қиларди. Оз фурсат шу хилда ҳаракат қилиб, ариқнинг бошини қаср қуриладиган ерга етказди. Тинмай тошларни ковлаб, йўниб, бир ҳовуз ҳам тайёрлади. Ҳовузнинг ҳар томони олтмиш қулочдан эди. Буни ҳовуз эмас, бир денгиз деса ҳам бўлардию, лекин суви шўр эмас, балки оби ҳаёт сувидай чучук эди.

Қаср тушадиган ерда бир тош бўлиб, баландликда боши фалакдан ҳам ошиб кетган эди. У паргор билан чизиб ясалгандай, думалоқ шаклда бўлиб, айланаси беш юз қулоч эди. Шундай тошни у эпчиллик билан йўнар, метинининг зарбасини эса тобора оширарди. Унинг атрофини йўниб, унга шундай рангу равиш бердики, натижада осмондай юксак бир қаср юзага келди. У бу ишга оз фурсатгина машғул бўлди, лекин шунга қарамай, бу қоядан жуда ҳам мақбул бир қаср-ни йўна олди. Унинг юксак тоқлари сув тарафига қараган, унинг айвонлари эса кўк тоқига улашган эди. У айвонларнинг ичида ўзига лойиқ гумбазлар, гумбазларга яраша даҳлиزلар ҳам ясади. Яна уч тарафга қаратиб уч тоқу уч айвон солди. Буларнинг ҳар бирининг гўзаллигидан Кайвон\* тоқи

\* К а й в о н — Зуҳал (Сатурн) сайёраси. Мажозий маънода: юксак осмон.

ҳам уяларди. Ҳар уй латиф, сафоли эканлигидан белги кўрсатар, бу ерда кенг саҳн ва равоқлар жуда кўп эди.

Ҳа, у оламни безағундай шу бир қасрни йўнди. Қасрнинг ҳамма қисми ўша бир бўлак тошдан тарошланди, яхлит эди. Қасрнинг айвонига юзлаб лойиҳалар ясаб, лойиҳа тақозосига кўра ҳаммасига расмлар сола бошлади. У сарвқомат, гулзулининг тахт салтанати ва бу тахт устида ўша гўзаллар шоҳининг расмини ишлади. Парилар унинг хизматида қуллуқ қилиб, паривашлар эса унинг олдида таъзимда турибдилар. Бу суратларнинг ҳаммасини у гарчи бежон қилиб ясаган бўлса ҳам, лекин бу суратларнинг жони Шириннинг расми эди.

Шундай юз минг ажиб тимсолларни чизиб, у ўзини ўша гўзалнинг рўбарўсида ўлтирган ҳолда тасвирлаган эди. Қайси ўринда ўша моҳпоранинг тимсоли чизилган бўлса, бу ўзини унга ўздан кетиб қараб турган ҳолда тасвирлаган эди.

Бу ишларда унга Шопур ёрдам берар, унинг моҳир қалами ҳар бир расмни яшашга иштирокчи эди. Бу одамнинг расмини чизса, у бунга пардоз берар, бу жониворнинг расмини солса, у бунга парқанотлар ясарди. У ой юзли гўзалнинг расмини чизар экан, бу тош устида туриб уни кузатарди. Фарҳод дунёни безағувчи у гўзалнинг юзини расмга олар экан, гоҳ оҳ чекарди, гоҳ войвойларди.

Қаср шундай зебу зийнатлар билан қурилиб тугалланди. Латофатда у Чин суратхонасидай\* бўлди. Қасрни қуриш ва безаш ишлари тамомлангандан сўнг тезлик билан ҳовузни ҳам пардозлашга тушиб кетди. Ҳовуздан ҳам бир йўла қутулгандан кейин ҳар ёнидан кесиб ажойиб ариқлар очди. Ариқларнинг тузилишини шундай режа билан олиб бордики, улар қаср атрофини айланиб ўтиб, бу ариқлар қасрнинг рўпарасига келиб, ундан бирлашиб шаҳар томонига қуйиларди. Ақл билан ҳар ариқнинг қанча баландликдан келишини ҳисоблаб чиқди. Ариқлардаги шалола икки минг қулоч юқоридан оқиб тушар эди.

Сувлар у ердан тубанга қараб оқса, қуйида яшовчилар боғу бўстонлар яратиши мумкин эди.

Тош чопиш ишлари ниҳоясига етгач, у тошчақар сув бошига қадам қўйди. У сувни ўзи қазиган наҳрга боғламоқчи бўларкан, мамлакат ва шаҳар ичига гулгула тушиб кетди.

127 \* Чин суратхонаси — Монийнинг «Аржанг» деб номланувчи санъат кошонаси кўзда тутилади.

Халқ тўда-тўда бўлиб, шу тоғ томонга кела бошладилар. Одам кўплигидан игна ташланса, ерга тушмас эди. Томошага келган одамларнинг кўплигидан тоғу туз кўринмасди.

Ҳижронзада Фарҳод ариқни ёқалаб кетмоқда. Бечора Шопур унинг ёнида бирга қадам ташламоқда. Ақлда тенги бўлмаган Фарҳод қадам босиб бораркан, йўлма-йўл кўзидан ёши сувдай оқиб борарди. Чунки у дилбарнинг хаёли кўнглига тушган ва бу хаёлдан вайрон хотирига ўт туташган эди. Унинг қайгулари кўзида сув турғизмас, кўз ёшлари билан гўё ариқ новига сув оқизар эди.

Бу қайғу уни ўз-ўзидан ҳам узоқлаштирар, бечоралик ёши кўзидан тинмай қуйиларди. У: «Шунча халқ даштни ўтиб келибди. У ой юзли ҳам томоша қилгани келармикан? Агар келгундай бўлса, мен беморнинг ўлганим, келмай қолса зор бўлганим!» — дерди ўзига. Уни бу фикр шундай лол этиб, ўйлатиб қўйган эдики, ҳатто халқ ҳам унинг туришидан аҳволини фаҳм этган эди.

Унинг орқасидан отга миниб Миҳинбону келди. Миҳинбонуга эргашиб сонсиз-саноқсиз унинг фуқаролари ва отлиқ аскарлари ҳам келишарди. Зеб-зийнат деганлари уларда шунчаки, эл унинг фаҳмига бораолмасди; шон-шавкат шунчаки, бунга халқ ақли бовар этмасди. Миҳинбону Фарҳоднинг ҳар қадамига сочқилар сочиб, бошидан эса ҳисобсиз олтин-кумушлар ёғдирарди. Унинг эгилган бошига сочилган лаълу дурлар унга айрилиқ кунлари ёққан тошлар бўлиб кўринарди.

Фарҳоднинг олдига томон осмонча отлиқлар тўдаси от суриб, улар тезликда учар юлдузлардай ҳаракат қилардилар. У отларнинг кўп минилганидан тинчи қолмаган, бундай тинимсизликдан туёқлари қабариб кетган эди. Фарҳод бу елдай тез отларнинг оёғини ўпар, икки қулоғини эса йўлга тутиб борарди. Халқ унинг ҳолига зор йиғлар, уларнинг қалбига Фарҳоднинг дард-алами қаттиқ таъсир қиларди. У қадам босиб бораркан, халқ ҳам тўда-тўда бўлиб, унга эргашиб бораё, уларни тўда-тўда эмас, тоғ-тоғ деса ҳам бўларди. У қайси томонга йўналса, халқ ҳам ўша томонга юрарди.

Шундай қилиб, сувнинг бошига ҳам етишди. «У замон ошуби келиб қолармикан?» деган умид билан Фарҳод дам олишни баҳона қилиб сувни очмай турди. Лекин унинг кўзида суву жонида ўт ёнарди. Ҳар томонга қарай бериб, кўзлари тўрт бўлди.

Эй соқий, менга шароб келтириб, хуморимни тарқат. Чунки мени интизорлик хумори ўлдирай деяпти. Айрилиқ хумори одамни ҳалок этувчи бир балоки, унинг давоси ё ёрга етишмоқ, ё эса шаробдир.



*Фарҳоднинг ҳаёт булоғи сувини  
«Баҳрун-нажот» ҳовузи ариғига очиб,  
Армания томон бориши, халойиқнинг  
ул ариғ атрофида томоша қилиб, шов-  
қин-сурон кўтаргани, Шириннинг оти  
юра олмай қолганда, Фарҳоднинг уни  
оти билан бирга кўтариб, Армания то-  
ғига элтиши*

Бу тоғ орасида тошларнинг бағрини чок қилган одам тоза ва ширин сўзларни сув ўрнида қуйидагича оқиза бошлади:

Уша вақт Фарҳод сув очишга йўл олганда, бу тўғрида ҳар тарафдан Ширинга хабар етди:

— У ариқни жуда тоза ва силлиқ қилиб қазибди. Бунинг устига талай қўшимча ишлар ҳам қилибди. У осмонга ўхшаш шундай бир қаср қурибдики, унинг кунгураси кўк билан тутшибди. У ўз қалами билан ғоят гўзал нақшлар солибди, расмлар ҳам чизибди.

Ширинга Фарҳоднинг одамни хурсанд қиладиган, ҳатто одам боласининг қўлидан келмайдиган ишларни бажаргани маълум бўлди. Фарҳод эса шу вақтда кўнглига юзта алам тоғини жойлаб, кўзидан туман минг ғамларнинг селини тўкиб, оҳидан ҳар нафас алангалар чиқариб, сув очиш учун йўлга чиққан, эди.

Гўзал Ширин ҳам пинҳона куйишдан тинмай, ҳар лаҳза Фарҳоддан хабар олдириб турарди. Лекин унинг сув очишга чиқиш хабарини эшитиши билан сабру қарори кетди, ҳуши ҳам йўқолди. «Тезроқ от келтиринг!» — деб буюрди. Унга жадаллик билан бир бўз от келтирдилар. У бўз от юмалоқдан келган, паст бўйли, йўрға бўлиб, катта ва думалоқ инжуга ўхшаб ялтирарди. У шамолга кўтарилган янги гул япроғидек

отга минди. Гүё қуёш кўк отига мингандай бўлди. «Меҳри то-  
бон сайр қилишга чиқди!» — деган хабарни Миҳинбонуға етка-  
виш учун одам кетди. Қуёшдай чопқир оти бир пасда у бурж-  
дан бу буржни манзил қилиб етиб келиши, пўлат билакли  
тошкесар эса у бормасдан ариққа сув очмаслиги кераклиги  
тайинлаб юборилди.

Миҳинбону бу хабарни эшитиб хурсанд бўлди, от суриб  
ошиқ Фарҳоднинг олдиға келди, узр сўради:

— Эй, биздан шунча малолатлар кўрган йигит! Биз се-  
нинг олдинда хижолатдамиз, холос. Кўп уриндинг. Бирпас  
дам ол. Гулюзли сарв йўлга чиқибди. У келиб, бу ерларни  
ўз жамоли билан равшан қилади. Ариқ бўйини сарвгулдай  
маскан этади. Сувни шунда очарсан!

Ошиқ Фарҳодни у анча юпатди. У буюрган эди, ўша ерда  
жой ҳозирлашди. У ўзи ўша ерга чиқиб ором ола бошлади.  
Бўй бермас отини ҳам сўз билан ўзига ром қилиб, айтганини  
қилдиарди. Тезда ипак шолча ҳам тўшаттирди. У ерга па-  
ришон Фарҳодни ўлтиришга таклиф этди. Тупроқдан бино  
бўлган тошкесар бунинг учун Бону олдида тупроқни ўпди.  
Унинг тортган дардли оқи эса бутун улусни ўртаб юборди.  
Шу тарзда у, фаришта фалак олдида ер тутгандай, келиб,  
Миҳинбону хизматида ўлтирди.

Миҳинбону унча меҳрибончиликлар кўрсатиб, кўнглини  
кўтарарди. Ҳар дамда бир у шафқат билан сўз ҳам қотиб  
қўярди. Фарҳод эса уялганидан икки кўзи ерга тикилган эди.  
Унинг салобати, одоби халқни ҳаяжонга соларди. У ўзини тоғ  
олдидаги хас ва кўкат деб биларди. Гоҳо саволларга адаб  
билан жавоб ҳам бериб қўяр, ҳар сўзи тиниқ инжудай эди.  
Унинг гапирган гапларидан ақли, зийраклиги, юзидан эса  
бутун фаҳму фаросати билиниб турарди.

Булар шундай расм-қоида билан суҳбатлашиб ўлтираркан-  
лар, узоқдан тўтиё рангида бир гард кўтарилди. У тўзон  
буралиб-буралиб юқорилар, осмон эмас, қуёшнинг ҳам кўзини  
равшан қилар эди.

— Бу осмон ранги билан бирлашиб кетган сурма ранг  
тўзон гўзалларнинг султони, ой юзли Ширинники! У бу то-  
монга от сурганга ўхшайди. Гардидан қуёш кўринмай қолди,—  
деди одамлар.

Одамларни сувнинг бошидан, айна вақтда Фарҳод билан  
Бону қошидан орқага сурдилар. Фарҳодни яна титроқ босди.  
Иссиқ нафас эса жисмидаги қонини қуритди. Миҳинбону ке-  
либ, унга насиҳат қила бошлади, ҳатто Шириннинг бошини  
ўртага қўйиб қасам ичди:

— Эй фарзандим, ўзингни бир дам тут. Кўнги билан кў-

зингни эҳтиёт қил. Агар ҳозир ҳушингнинг ипини чувалтириб қўйсанг, бир неча йиллардан буён қилган ишларинг йўққа чиқиб кетади. Бордию сени девоналик энгиб қўйса, у пари-пайкар элнинг кўзига кўрина олмайдиган бўлиб қолади. Бир дам ўзингни асра. Одамлар сендан айб қидириб, топа олмай-диган бўлсинлар. Ўзингни ҳам, мен бечорани ҳам, у ҳурни ҳам хафа қилиб қўйма.

Шу хилда Миҳинбону унга кўп сабоқлар ўргатди, анча таъсирли гапларни ҳам гапирди. Бу шўрлик ғамкаш то ўзини тутиб олгунча у пари бу телба бошига етиб келди. Ёруғ юзи билан у гўё оламга ўт солган, халқ эса самандар каби ўт ичида қолгандай эди.

Унинг юзи устига тушган сочларини анбар ҳидли дейиш нотўғри бўлиб, у ўтдай ёнган юзлар қора анбардай ўз тутунини кўрсатар эди. У ўтнинг шуъласи жаҳонни ўртаган ва бу тутундан юзлаб одамларнинг хонумони қора бўлган эди.

Сарвқомат, гулюз шу қадар тез юриб келган эдики, юзининг ўтидан сув оқар эди. У сувдан ундаги латофат булоғи тушинилар, лекин унинг оқиши кўнгилларни олиб кетувчи офат селидай эди.

Юзидаги холи гулбарг устига қўнган зогга ўхшар ёки боғни сув босгандай, юзининг боғи тер остида эди. Уни сув эмас, тириклик суви деса бўлади. Бу сувни на Хизр топган, на Искандар. Бу сув латифликда гул устидаги шабнамдай юмалоқ-юмалоқ бўлиб, сунбул устига ҳар нафас унинг юз-таси сочилиб туради.

Сочининг қоронғилигида юз минг Искандар тутун ичида қолган самандардай кўздан йўқолади. Отга минган бу қоматдор гўзал бало ва офатларни барчага баравар кўрар эди. Ой булут орасига яширингандай, унинг юзи ниқоб остига беркинган эди.

Отининг тақаси замоннинг бошини эзгандай, замонга ғав-го солиб, у гўзал етиб келди. Миҳинбону у бедил Фарҳодга қараб:

— Қани, ўрнингдан тур, ҳам қўлинг билан, ҳам оёғинг билан ишинга кириш! Бу офатижон бу томонга келган экан, лекин сен унга назар сола кўрма! Бу сўзни айтишим ўринсиз бўлса ҳам, ҳозир шундай қилганинг маслаҳатдир!— деди.

Ситамкаш Бону олдида у ер ўпди ва Шопурнинг қўлидан ушлаб ўрнидан турди. Метинни қўлига олиб, у сувни оча бошлади. Шу ерга паризод ҳам етиб келди. У ариқнинг ичу та-шини томоша қилар экан, кулимсирар ва ҳар дамда бир бо-шини тебратиб қўяр эди. Бундаги ҳар ишдан нозаниннинг ҳайрати ошар, кетма-кет офарин айтарди, холос. Пари пайкар-

да уни мақташ учун бошқа сўз топилмас, Фарҳод эса бун очиш учун девларча метин уришда давом этарди.

Сал ўтмай ариқнинг тўғони ҳам очилди. Сувнинг эски йўли эса маҳкам беркитилди. Эски йўл тош девор билан тўсилгандан кейин тез оқар сув янги йўлга қараб кетди. Ариқнинг новига сув кириши билан тегирмон новидан оққандек у тез оқа бошлади.

Буни кўрган халойиқ ичида шовқин-сурон кўтарилди. Ҳар томонда ҳайқириқлар янгради. Ариқнинг икки томонида шундай тўс-тўполон бўлиб, шодлиги ичига силмаган кишилар сурнай чалиб, қўшиқ айта бошлади. Созандалар ариқнинг икки ёнига туриб олиб, сув овозига жўр бўлган ҳолда куй чала кетдилар.

Миҳинбону билан Ширин от чоптириб, қаср олдига сувдан илгари бормоқчи бўлдилар. Бироқ сув шу қадар тез ва енгил оқар эдики, унинг оқимиغا қаттиқ чопадиган бўз отлар ҳам ета олмас эди. Халқ ким тез чопарга ўйнаб, бирининг устига бири йиқилиб борарди.

Фарҳод ҳам одамларнинг орқасидан юра бошлади. Лекин унинг кўзи ҳури паризод қаерда бўлса ўша томонда эди. Ширин эса ўн ёғоч йўлни боса олди, холос. Чунки йўл текис бўлмай, бошидан охиригача гоҳ тоғлик, гоҳ чўллик эди. У отини яна чоптирмоқчи бўлди. Бу гал қанча тез юрмасин, етти-саккиз ёғоч йўлнигина босди. Учириб кетаётган юки кумшдан бўлган ел қўрқиб, эҳтиёт бўлиб ҳаракат қилгандай, Шириннинг елкадам оти ҳам шу ерга келганда тўхтади-қолди. Босган еридан бир қадам ҳам нари юрмай, туриб олди. Чунки юргундай бўлса, оёғи чалишиб, пари пайкарнинг йиқилиш хавфи пайдо бўлган эди.

Ошиқ Фарҳод буни кўриб, гап нимада эканини англади. Чунки у худди шамолдан ерга учиб тушадиган гулдай турарди. Фарҳод худди ерни ўпмоқчи бўлгандай ерга эгилди ва қуёшдек гўзалнинг тагига бориб, осмондек букилди. У ҳам елкадам отни, ҳам у дилрабо гўзални орқасига кўтарди-да, бир қўли билан отнинг олдинги оёғини, иккинчи қўли билан ҳар икки орқа оёғини маҳкам ушлаб олди. Шу ҳолатда у шундай тез юриб кетдики, оёғидан кўтарилган чанг йўл-йўлакай кўзга сурмадай кўринарди.

Миҳинбону бу ишларни кўриб турар, лекин чора қилишнинг иложини топа олмасди.

Фарҳод икки-уч ёғочлик йўлни босиб ўтди. Олдида ҳовуз билан янги ясалган қаср пайдо бўлди. Бир қадамни қаср айвонига қўйиб, от ва унинг устидаги гўзални саломат ерга қўйди. Айвонга соғ-саломат келиб тушган сарвқомат, гулюз



ҳам қоматини сувга қараб эгди. Фарҳод у сарвинг бошида айланиб, ер ўпиб йиғлади ва тез орқасига қайтиб кетди. У кўзларидан баҳор булутлари каби ёшлар тўкиб, тоққа йўл олган эди. У булутдек тоғ томон юриши билан ариқдан селдай сув келди. Бу сув билан ҳовуз ҳам лабо-лаб бўлди, ариқлар ҳам лиммо-лим тўлди. Сув қаср атрофидан айланиб, дашт устида кезиш учун қуйила бошлади. Ариққа «Наҳрул-ҳаёт» деб, фалакдай кенг ҳовузга эса «Баҳрун-нажот» деб ном қўйдилар.

Эй соқий, сен менга денгиз мисоли тоғорада шароб келтир. Пиёла кемасини эса шу май денгизига сол. Жонимнинг тириклиги шуни тўла ичишда, умримнинг нажоти эса, шу шароб денгизини ичиб тугатишдадир.

### XXXV.



*Миҳинбону билан Шириннинг Фарҳод учун зиёфат берганлари; бу мажлисда ўн фанда моҳир ўн соҳибкамол қизнинг ўз фазилатларини изҳор этганлари; Шириннинг ўз қасридан чиқиб, қуёшдек жамоли билан йиғинни равшан қилгани; бахтсиз Фарҳодга ҳилолий жомда шафақ рангли май тугиб, бир-бирининг ишқи майдан маст бўлиб йиқилганлари*

Утган-кетган ҳодисалар суви билан тўлатилган бу тошҳовуз қуйидаги каби мавжларни намоён қила бошлади:

Тўлдирилган ҳовуз суви мавж ура бошлагач, бир неча вақт бу ер одамларга томошагоҳ бўлиб қолди. Миҳинбону билан ғамгин Ширин бу мушкул иш тамом бўлганидан хурсанд эдилар. Улар қасрга бошдан-оёқ ипак палослар солиб,

безашни буюрдилар. Уйин-кулги ҳаддан зиёда бўлиб, ашула-қўшиқ ҳам ҳеч тинмасди.

Бироқ Ширин хафа, оҳ тортар, юзи киши кўзига ойдек сариг кўринарди. У ошиқ Фарҳод ғамидан дилтанг бўлиб, юраги ҳам шу туфайли сиқиладиган бўлиб қолган эди. Ой юзлининг ўйлаган ўйларини билган Миҳинбонуга бу жуда оғир эди. Лекин қандай қилиб биллурга қаттиқ тошни ёндаштирмасликнинг чорасини тополмас эди. У Фарҳоднинг телбалиги орқасида йўқолганини, бунинг натижасида у пари пайкар қўлдан чиқаётганини кўриб, ой юзли Ширинга шундай деди:

— Эй ҳазин жонимни жамоли билан хурсанд қилиб юрган жигарбандим! Бу шайдо йигит кўп қийинчиликлар тортди. Унинг қўл билан қилган меҳнатига ҳақ бериладиган бўлса юз хазина керак бўлади. У ўзини ҳеч нарсага муҳтож эмас, деб кўрсатса ҳам ва хазинага ҳар қанча бепарво қараса ҳам, биз мурувват кўрсатсак, ҳеч бўлмаса сўз билан кўнглини кўтарсак ёмон бўлмасди. Уни меҳмонхонага чақиришимиз ва ҳар иккимиз мезбонлик кўрсатишимиз керак. Уни топиб келишга одам юборайлик. Подшоҳларга хос базм қурайлик. Уни махсус бир курсига ўтқазайлик. Дилини ёзиб, ҳурматини бажо келтирайлик. Шундай қилиб уни ўзимизга ром этайлик. Энг катта истаги нима бўлса, ўша истагини эътиборга олайлик. Бизнинг бу ишларимизга у майл кўрсатмаса ҳам, биз қилиниши лозим бўлган ишларни қилган бўламиз. Булар билан унинг кўнгли зийнат топмаган тақдирда ҳам биз халқ норозилигининг олдини олган бўламиз.

Бу сўзлардан Шириннинг лола юзи гулдай очилди. У Фарҳодни қайтариб олиб келишни ҳам Миҳинбонунинг ихтиёрига қўйиб берди. Миҳинбону тезлик билан буйруқ бериб, нимаики лозим бўлса, ҳаммасини қилдирди. Бонунинг одат ва хоҳишларини билганлари учун базм асбобларини ўша дамдаёқ ҳозир этдилар. Бону деди:

— Кундузи айвонда шароб ичишга ўлтирайлик. Ўлтирадиган жойимиз ҳовузга рўбарў бўлсин. Жойни бу ерга қилишимиздан мақсад сувни кўриб ўлтириш. Қоронғи шом дунёга қора мушк сепиб, фалакнинг оқ шамълари нур соча бошлаганда эса қасрнинг ичига кириб, бир оз истироҳат қилайлик. Лекин қадаҳни ҳеч бўшатмасдан олиб турайлик.

Миҳинбону икки-уч оқил ва сўзга чечан кишини, ҳамма ёқни қидириб, бечора Фарҳодни топиб, бу мажлисга олиб келиш учун юборди. Улар Фарҳодни беҳисоб дарду балолар ичида зор ва қийналган ҳолда топдилар. У дарду алам ўтида ғам ва андиша учқунидай тинимсиз куйиб ётарди. Уни топиб, бу аҳволда кўрганлари унга малол келди. Улар эса Фарҳод- **134**

нинг улар билан тез саройга бориши кераклиги сабабини айтдилар. Фарҳод йиғлаб, уларнинг оёқларига бош қўйди, селдай кўз ёшлари тўкди.

Фарҳод уларга деди;

— Эй сўзларингиз жонимга умид, балки боқий умр бўлган кишилар! Изингиз гарди менга фахрли тож! Менинг «Хўп!» дейишдан бошқа ихтиёрим борми?!

Улар ғоят севиниб, йўлга тушдилар. Уни подшоларни ҳурмат қилгандек ҳурмат қилиб борардилар. У гўё шоҳ, улар унинг бир тўда аскари бўлиб, шоҳона базм қурилган ерга кириб бордилар. Миҳинбону Фарҳодни беҳад иззат-икром қилди, курсига ўлтириб, истироҳат қилишни сўради. Дунёда мисли бўлмаган Фарҳод, Бону нима деган бўлса ҳаммасини жойига қўйиб бажарди. Бону ишораси билан бечора Шопур эса дарров бориб, Фарҳод ўлтирган курсининг ёнига ўлтирди. Фарҳод курси устига чиқиб ўлтириши билан Миҳинбону гапга киришди. У ўз сўзига ҳеч бир камчиликни раво кўрмай, имкон борича чиройли сўзлашга уринар эди. Бу ҳам унинг ҳамма гапларини тушунар, лекин уялиб жавоб берарди. Такаллуф билан боғлиқ гап-сўзлар тугагач, тездан кишининг кўзини қамаштирадиган ғоят кўп дастурхонларни ёзиб ташладилар. Дастурхондаги овқатларга ортиқча иштаҳа бўлмагани учун соқий мажлисга май солинган идишларни келтира бошлади. Шундай бир шоҳона базм тузилдики, бундай базмни бу тескари айланувчи дунё ҳеч қачон кўрмаган эди.

Шисалардаги майлардан жон қувват олди. Пиёлалар ҳар бири бир парча ёқутдан эди. Булардаги гулранг майлар оқар сувдек, тозалиги ва ранги ўт рангли лаъл тошидай эди. Бу лаъл идишнинг ёқут жисми бир қалъа, ичидаги шароб эса хазиналар тилсими эди. Бу тилсимни топган одам буни тўсатдан очмоқчи бўлса, кайфи ошиб, гандираклаб бирдан йиқилиб тушарди.

Миҳинбону ҳам бу даврада қадаҳ кўтарар, Фарҳод билан Шопур эса унга қўшилар эдилар. Мажлис жойи жаннат боғидан намуна, шароб ҳам шароб эмас, балки тириклик сувидан нишона эди. Соқийлар ширин сўз, дилкаш, ичувчиларга кўнгилларини юпатиб, шакар бераётгандай эдилар. Чолғувчилар қўшиқ айтганларида эса жонлар ўз пардасидан ўйнаб чиқиб кетгудай бўларди.

Бу мажлисда ўнта дилором қиз бор эди. Уларнинг ҳаммаси ҳам сарвқомат, гулбадан эдилар. Улар Шириннинг хос хизматчилари бўлиб, Миҳинбону ҳарами шу қизлар билан ёқимли эди. Уларнинг ҳар бири бир фан бобида моҳир, моҳирлиги ҳар бирида кўриниб турарди.

Бири шеър дарёсида ғаввос бўлса, бири чирмандага чир айланиб ўйин тушадиган раққоса эди. Бири мантиқ илмининг қонун-қоидаларини ўзига касб қилиб олган бўлса, яна бири ҳайъат\* илми бўйича қалам тебратарди. Тағин биттасининг ҳунари ҳақиқат илмлари бўлса, бошқаси чиройли сўзлашнинг нозик-нозик томонларини ечиб берарди. Яна бириси тарихдан афсоналар сўзласа, иккинчиси ҳикмат фанида ягона эди. Тағин бирининг зеҳни ҳисобда ўтқир бўлса, бошқа бириси муаммолар ечишда ном чиқарган эди.

Бу фанларда буларнинг ҳар бири ўз йўлига уста, шу фандаги юзлаб кишиларга биттаси татир эди. Уларнинг исмлари Дилором, Дилоро, Дилосо, Гуландом, Суманбў, Сумансо, Паричеҳр, Паризод, Париваш, Парипайкар бўлиб, ўн исм ҳам жуда ёқимли эди.

Замон пиёласи тўла-тўла айланди. Базмдагиларнинг димоғи базмнинг ўзига ўхшаб қизиб кетди. Миҳинбону ўзининг билимдонлигини кўрсатиб, уларга нозик-нозик саволларни берарди. Андак имо билан улар ҳам юз дилкаш сўзларни топиб, саволларга жавоб қилардилар. Шу хилда фанлар бозорига безовталиқ тушиб, ғавво Уторид юлдузигача яқинлашиб борди. Ҳар ҳунарманд шўх, гўзал ўз билган фанидан ғаройиб ишларни кўрсата бошлади.

Буларнинг сўзларини диққат билан тинглаган Фарҳод ўзи ҳам кўп ёдидан кўтарилган илмий гапларни қайтадан эслади. У шаробнинг таъсиридан, кетма-кет узатилаётган пиёладан журъати ортиб, ботирлашиб кетган эди. Унинг аслида табиати тоза, зеҳни баланд бўлгани учун замон уни камолот эгаси қилган эди. Фарҳод ўзининг шу равшан табъидан келиб чиқиб, ҳар бир қизга унинг ўз фанига оид саволлар берарди. Унинг ўртага ташлаган масалалари шу вақтгача ҳеч эшитилмаган масалалар бўлгани учун санамлар жавобга ожиз қолдилар. Улар шубҳага сабаб бўлган жумбоқларни еча олмагач, Фарҳод уларни ўзи ечиб берарди. Унинг гап-сўзларининг чиройлилиги олдида идрок деган нарса қусурли, унинг ҳар бир сўзи гавҳардай тоза эди. Гап-сўзлардаги маъноларнинг ниҳоятда нозиклиги базмдагиларни ҳам ақлу ҳушидан ажратиб қўйган эди.

Миҳинбону Фарҳоднинг гапларидан ҳайрон, эшитган сари ўзини йўқотиб борарди. Фарҳоднинг сўзларидан илоҳий сирлар зоҳир бўлар, жамолидан эса шахзодалиги аён бўлиб борарди. Ойдек юзи лола нусха пиёладек қизарган, янги чиққан соқол-мўйлаби ул ойнинг гардишини эслатарди.

\* Ҳ а й ъ а т — астрономия фани.

Билимлар билан тарбия топган, ҳамма билимдонларнинг бошлиғига бошлиқ Миҳинбону билдики, бу тошйўнар йигит гавҳарли тошдан бошини олиб қочиб юрган экан. Шундан кейин у унинг салобати олдида ўзини паст, сўзлари олдида ўз сўзларини тубан сизди. Одам гавҳарни оддий шабнам деб атагани билан унинг гавҳарлиги отиданоқ билиниб қолади. Миҳинбону тахтдан тушиб таъзим қилди ва Фарҳоднинг тахтга чиқишини ўтинди.

Фарҳод эса гоят камтарлик кўрсатиб:

— Бону нима десалар, мен миннатдор бўлиб, жоним билан бажаришим керак. Бироқ Бону менга бало тоғини киприк билан ёришни, тирноқ билан қўпоришни буюрсалар, мен қўрқмасдан бажарардим. Чунки бу ишлар менга тахтга чиқишдан юз марта осонроқдир. Гадолик билан султонлик тахти бир-биридан узоқ нарсалардир. Биздек гадога тупроқда ўлтиришдан яхшиси йўқ!— деди.

Миҳинбону унинг беқийс ибо ва одобини кўриб, унинг кўнгли нимани тиласа шуни қилмоқчи бўлди.

— Агар сен тахтда ўлтиришни истамасанг, мен сен билан бирга ерда ўлтирмоқчиман!— деди у Фарҳодга.

Миҳинбонунинг буйруғи билан безалган тахтни олиб қўйдилар. Ерга бир ипак гилам солдилар. Бу қимматбаҳо палос тўшалгач, Фарҳодни у ерга ўлтирғизиб, унинг ёнига ўзи ҳам ўлтирди.

Яна шароб пиёласи айлана бошлади. Дунёда танҳо Фарҳод яна сўз гавҳарларини соча бошлади. Биргина сўз эмас, балки сўзи билан бир қаторда кўзидан ҳам юз шунча гавҳарлар сочар эди. Ул ой юзlining айрилиғидан кўнглида нотинчлик, унинг ташвишидан эса кўк айвонида безовталиқ кўринарди.

Лекин парининг ўзи парда орқасида унинг ҳамма аҳволини кузатиб турарди. Пари ҳам тинмай кўз ёши тўкар, баъзан ўзида бўлса, баъзан ўзидан кетар эди. У парилар сингари кўздан яширин, у ҳаммани кўрар, лекин бошқалар уни кўрмас эди. Чунки Миҳинбону уни ёт кўзлардан сақлар, ҳатто Фарҳоднинг ҳам олмосларни юмшата олувчи кўзи унга тушмасин, дерди.

Аммо, Шириннинг кўз ёшлари уни фарқ этган, Фарҳоднинг оҳидан эса олам тутатиб кетган эди. Бону ичида ўйларди: «Бу ғамнок йигитдек бир тоза гавҳарнинг бошқа топилиши мумкин эмас. Менга унинг бутун феъли-атвори маълум бўлди. Унинг иши ростлик, ҳунари тозалик экан. Ширинга бир марта қарашга ҳам тоб бермаяпти. Чунки унинг хароб

**137** бўлган жони чиқишга яқинлашди. Бу инсон суратидаги ма-

лакдир. Унинг гавдасида фариштага ўқшашлиги аниқ кўри-  
ниб турибди. Модомики шундай экан, ҳар хил гумон ва бузуқ  
жаёллар унга бегона. Бундан буён у ўз покликига хилоф бирор  
инини қилади, дейиш мумкин эмас. Унинг кўзида ҳам, кўнг-  
лида ҳам покликдан бошқа нарса йўқ. Кўзга пок кўриган  
қишнинг кўзидан кўрқилмаса ҳам бўлади. Унинг асир бўл-  
ган жони иштиёқ ўтида куймоқда. Ҳозир менинг унга ёрдам  
берадиган вақтим. Бу таҳликалар ичида жон бериб қўйса-да,  
қони бўйнимда қолса яхши бўлмайди».

Миҳинбону ўз хизматчиларига буюрди:

— У яхшилар шоҳига, гўзаллик авжининг моҳига айтилганки,  
бирпас чиқиб, мезбонлик қондасини бажарсин! Ўз юзи билан  
меҳмоннинг кўзини ёритсин! Ўз лаблари билан жонга мез-  
бонлик қилсин-да, кўзи билан кўзларимизни меҳмон қилсин!

Бу гапларни Ширин ҳам эшитиб турар ва жони ором олар  
эди. У дарҳол базмга кириб келди. Келишидаң замон қўзгал-  
гандай бўлди. Юзидан қуёш ўтининг асари, кўзидан кўз ёши  
селининг хабари билиниб турарди. Айрилиқ кунларида кўзи-  
дан оққан ёшлар кипригининг ўқларини суғорган эди. Унинг  
киприклари Фарҳод метини каби ўткир, у метин тош майда-  
ласа, бу киприк қон тўкувчи эди. Оғиздан чиқарган оҳи бир  
нафас тинмай, унинг зуннорга ўқшаш гажагининг чигиллари-  
ни ел каби ёзиб турарди. Сочларининг ҳар бир толаси юз  
имонни бандга олиб, куфр бутига боғлаб қўяр эди. Юзининг  
оловига кўз ёшлари сув сепар, бу эса одамларнинг яна ҳам  
кўпроқ куйишига сабаб бўларди. Қошидаги чимрилишлар  
унинг хафалигини худди янги ой нотинчликдан хабар берган-  
дай кўрсатиб турарди. Жамолидан замонга миннат қўяр, за-  
мон эса жонларга миннат қўярди. Ўз юзи билан давру даврон-  
ни равшан этганидай, қоши билан кўк тоқи ва айвонини  
ёритар эди. Унинг лаълдай қизил лаблари жонга ўт солгани  
каби, пардалар орасидаги юзи жаҳонга ўт солар эди.

У гўзал парданинг орқасидан юзини кўрсатиши билан  
қуёш тўрт осмон пардаси орқали юз кўрсатгандай бўлди.  
Қуёш чиққанда зарралар кўтарилгандай, базмдаги одамлар  
тез ўринларидан турдилар. Саросима Фарҳодга эса гўё ўт  
тушдию, ўша ўт вужудидан ўтиб жонига туташди. У ойга кўзи  
тушиши билан чуқур бир оҳ тортди. Бу оҳнинг тутунидан  
етти осмон қорайиб кетди. У ҳушини йўқотиб, ҳушсизлар  
каби йиқилишига оз қолган эди. Бироқ майнинг зўри қўлидан  
тутиб, ақлини эса Шириннинг буйруқларини бажарувчига  
айлантирди.

Миҳинбону Ширинга ёнидан жой кўрсатди. У Бону билан  
ёнма-ён ўлтирди. Гўё қуёш ой ёнидан жой олгандек бўлди. 138

Ошиқ Фарҳод ўз жойига келиб ўлтирди. Ҳар ким ўз ерида жой олди. Соқийлар кетма-кет пиёла тута бошладилар.

Ширин бир неча пиёлани тўлдириб ичган эди, ўз девонаси — Фарҳоддек кайф қилиб қолди, шароб таъсири билан юзидаги ниқобини кўтарди. Бу билан у пари одамгарчилик кўрсатди ва Фарҳодга деди:

— Эй олам аҳли орасида яккаю ягона, нодир йигит! Сен асл зотинг билан ҳар қандай қудратга қодирсан. Ҳунарларинг туфайли олам сенинг қўл остингда бўлиб қолди. Фақат ҳунарда эмас, камолоту фазилатда ҳам сен шундайсан. Сени ким мақташ ҳаёлида бўлса, бу қуёшни равшан, осмонни баланд деганга ўхшаган гапдир. Илм билан тўла бўлган шу танингни замон ўзи балолардан асрасин. Йўлингга хазиналар тўксак ҳам сенга миннатдорчилигимизни ўрнига етказа олмаيمиз.

Ой юзли шундай чиройли сўзларни дур қилиб тўкди. Шўрлик Фарҳод эса девор нақшидай қотиб қолди. Париваш шу хилда гавҳарларни сочиб, Фарҳодга май қўйиб бериш учун ўрнидан турди. Ўз ҳунарига моҳир бўлган ўша ўн қизнинг ҳар бири эса жавоҳирлар тўла биттадан дастурхонни унга тақдим қилди. У пари қадам қўйган ҳар ерга ҳам бир дастурхондан гавҳарлар — лаъл ва дурлар сочилар эди. Фарҳод эса ўз кўзидан бундан юз ҳисса ортиқ қизил лаълларини сочарди.

У пари шу хилда бир-бир қадам босиб, ўз мажнунни — Фарҳод олдига келиб ўлтирди. Қизил лаъл сингари лабларига лаълдай қизил пиёлани кўтариб:

— Бу пиёладаги майни сенинг ишқинг билан ичаман!— деди.

У шамшод қоматли, ипакка ўралган гўзал шу бир пиёла шаробни ичди-ю, бу май унинг ҳушини олиб кета бошлади. Ўзи тўла бир пиёлани ичиб бўлиб, иккинчи пиёлани Фарҳодга тутди ва:

— Менинг ишқимда сен ҳам ичгил!— деди.

Бу май тутишда икки хислат бор эди: бири ҳаёт суви бўлса, иккинчиси қотил эди. Ошиқнинг ўзи-ку май исидан маст эди. Ажаб соқий экан. Унга яна май қўйиб берди. Фарҳод, Ширин узатган пиёлани ўзида йўқ, ичиб юборди. У шундай ичдики, пиёла нақшидан нишона ҳам қолдирмагандай бўлди. Агар бу пиёла осмон жомидай катта бўлганда ҳам, у бунни сипқариб юборган бўларди.

Фарҳод ўзидан кетди. Вужуд нақши кўнглидан ювилиб, кўнгил ҳам унинг вужудидан қутулди. Шундай қилиб, у ўзини ўзлик ғамидан, балки йўқлик оламидан халос этди. Ўз замонасида тенги бўлмаган Фарҳод пиёлани Ширинга топ-

ширдию, ўзи ерга бекуд ҳолда йиқилди. Гўё у санамга сажда қилгандай ҳамда бу оламдан у оламга йўл олгандай бўлди.

Паризод Фарҳоднинг бошини кўтармоқчи бўлди. Бироқ у йиқилган замониёқ ўзидан кетган эди. Ширин бу аҳволни кўриб, Фарҳод ёнида ўзи ҳам беҳуш йиқилди. Ҳар икковининг оғзига ойна тутиб кўрсалар, афсуски, нафас олишдан ҳеч асар ҳам йўқ эди.

Эй соқий, сен менга жон кўзгусини келтир. Шояд ундан жонон нишонини топсам. Бу кўзгу менга жонон аксини кўрсатар экан, мен ҳам худди сувдек ўзимдан кетажакман!

## XXXVI



*Фарҳод билан Ширин висол майдан беҳол бўлганларини ҳасадчи замон кўриб, уларнинг айш қадаҳларига заҳар қўшгани, Хисрав Парвез Шириннинг шакарлаблар шоҳи эканини билиб, ширинсўз элчидан чучук сўзлар айтиб, Шириннинг гул ҳидли лабидан ўпиш орзусини айтдириб юборгани*

Бу ўртаниш ва дард сирларини қаламга олган киши ушбу сурат нақшларини қуйидагича чизди:

Шундай қилиб, ўша базмда икки ситамкаш у ердаги нозу неъматлардан татиш натижасида ўзларидан кетиб йиқилганларидан кейин, базмдагилар ҳам оҳу фиғон тортиб, ичган шибелалари бағир қонидай бўлиб кетди. Тезликда маҳвашни бир томонга, у ғамкаш ошиқни эса иккинчи томонга кўтариб олиб кетдилар. Ширинга бир уйда нознинг кўрпа-тўшагини ёздилар ва қайғу-ҳасрат билан ётқиздилар. Иккинчи бир уйга



яширинча ўрин солиб, у бало тоғини ҳам у ерга у ёқ-бу ёғини йиғиб жойладилар.

Бу учрашувда ошнолик ҳали қиёмига етмай туриб, фалак икки ўртага айрилиқ солди. Ҳар икковлари ҳам тонг отгунча беҳол, машаққат лашкарининг оёғи остида эзилиб ётар эдилар.

Саҳаргоҳда Фарҳод оҳ тортгани каби тонг отиши билан майин шабада эса бошлади. Тонг ели кўкдан тун тўзонини, тун тўзонинигина эмас, ҳатто савдо тутунларини ҳам суриб юборди. Севги, савдо йўлида ҳушидан айрилган икки ошиқ ҳам ўзларига келдилар. Фарҳоднинг хижолатдан юраги сиқилиб, яна балолар тоғига қараб жўнаб қолди.

Пари пайкарда ҳам мушкул бир ҳолат сезилар, бу аҳвол унинг жонига қасд қилар эди. Миҳинбону тинчлана олмас, юз берган бу ҳолат уни ожиз қилиб қўйган эди. Уни Шириннинг Фарҳодни тарк қилиши ҳам севинтирмас, шу билан бирга унинг насихатлари ой юзлига таъсир ҳам этмас эди. Миҳинбону Фарҳодга ёрдам бермай деса, инсоф ва мурувват деган нарсалар буни тақозо этмас, унга меҳрибонлик кўрсатишда давом этаверайин деса, эл ўртасида ёмон отли бўлиб қолишдан қўрқарди. Лекин унинг севгиси пок экани, бундай ишқдан ҳалокат дардига яқинлашгани унга аён эди.

Миҳинбону неча кунда бир уни чақиртириб, ўлтиргизар, яхши ниятда бир неча қадаҳлар кўтариларди. Фарҳод у ой юзлининг қўлидан май ичар экан, у ҳам, Ширин ҳам беҳуш бўлиб йиқилар эдилар. Фарҳод ўзига келгач, яна тоққа чиқиб кетар, Ширин эса юрагида юз туман доғ билан яна қолар эди.

Бир неча вақт аҳвол шу зайлда, ўзига келмай туриб, ўзидан кетишда давом этди.

Шу пайт бирданига ҳеч кимга дўст бўлмайдирган фалак қизиқ бир ўйин кўрсатиб қолди. Шу вақтларда Ғарбда ҳукмрон бўлган, Ғарбгина эмас, бутун дунё ўлкаларини эгаллаган, Эрон ва араб ўлкаларининг ҳукмдори, араб билан Эроннинг шоҳи, сарвари бир шоҳ бўлиб, уни Хисрав деб атар эдилар. Унинг амрига тез айланувчи осмон ҳам бўйсунарди. Қўшинлари бутун жаҳонни тутган, Мадойин мулки эса унинг тахтгоҳи эди. Унинг асли подшоҳ Кисрога бориб туташар, унинг фарзандига фарзанд, яъни, набираси эди. Кисро ўлиб, бақо мулкига юз қўйгач, ўлкасини ўғли Ҳўрмуз эгаллаган ва яшнатган эди. Ҳўрмуз ҳам ўлиб кетгандан кейин, унинг ўрнига ўғли Парвез ўринбосар бўлган эди. Парвез унинг лақаби бўлиб, оти Хисрав эди. Бу от билан лақаб қўшилиб, жуда тез шуҳрат топиб кетган эди.

**141** Хисравга мамлакат мерос теккан, ота-боболаридан тортиб у подшоҳ нишонли эди. Бу ўлка унга қазодан етишганини,

бу давлатлар унга етти отадан эмас, етмиш отадан қолиб келаётганини у яхши биларди. Бу ўтган оталарнинг ҳаммалари ҳам ўз фарзандларига меҳрибонлик билан подшоҳлик тахтини топшириб кетганлар.

Хисрав ҳам бу кўҳна фалакнинг унга қачондир қайту пиёласини тутишини англади. Умр пиёласи бирданига бўшаб қолса, ўринбосар бўлиш учун бир фарзанд кераклигини тушинарди. Гарчи у илгари хотин олган, ундан ўғиллар кўрган бўлса ҳам, бироқ тожигга лойиқ ва тождорлар уни ҳавас қиладиган эмас эди. У яна никоҳини янгилаб, ўз тожигга лойиқ бир инжуга эга бўлишни истарди. Бу тўғрида кўп ўйлагандан сўнг, шўра ердан шўранинг хашаги, гул эса чамандангина унишини билди.

Булутдан гарчи тириклик суви баҳра олса ҳам, лекин бу ёмғирдан эшакмунчоқ ҳам заҳар учун фойдаланиши мумкин. Бирсқ чаман гули сув ўрнига заҳар суви ичганда ҳам унинг рангларидан юз хил товланишни кўрса бўлади. Тарбият кам ё кўп бўлиши билан боланинг асл табиатидаги хислатларни ўзгартиб бўлмайди. Ақл деҳқони ҳам «Уруғни яхши ерга сепиш керак!» деган ҳикматли сўзни таъкидлайди.

Шу мазмундаги сўзлар кўнглига жойлашиб олгач, бу истакнинг орқасидан қувиб қолди. Турли мамлакатларга даракчилар юбориб, шу хилдаги қимматбаҳо бир гавҳарни қидиртирар эди. Шундай гавҳарни ўз никоҳига олишни, гул экмоқчи бўлса, шундай гулзор ичига экишни истарди.

Худди шу вақтда шундай бир гаплар шуҳрат тутиб кетди: «Дунёга жаннатдан бир ҳур келибди. Шундай ҳурки, у юриб сўзлашга киришса, жаннат дарахтию кавсар\* суви уялганидан кўздан ғойиб бўлар экан. Гўё қуёш кўкдан ерга тушгандай. Лекин у ўзига Арман ўлкасидан манзил тутган. Тупроқ маркази қуёшдан ёригандай, ул ойдан пок Арман ери ҳам порлай бошлабди. У инсон боласига ўхшамайди, гўё пари. Пари ҳам эмас, балки қуёшдир. Жамшид асда унинг катта бобоси бўлиб, тарбия қилувчиси қуёшдир. Уни севган ва унга боғланиб қолган йигит мислсиз бўлиб, бутун фанларни тўла эгаллаган. У қизнинг севгиси йўлида йигит ҳамма билан алоқасини узган. У одамларга ўхшамайди, одамлар унга. У йигитнинг танида тоққа ўхшашлик аломатлари кўриниб туради. Ҳозир эса у тоғ қазиси билан овора. У теша билангина тоғ қазимасдан, балки қўл кучи билан ҳам тоғларни қўпоради. Бироқ у йигит оҳу-фиғон чека бериб, тоғдай оғир гавдаси сомондай бўлиб қолган. У йигитнинг бу хил тоқатсизлигини

\* К а в с а р — жаннат булоғи.

кўриб, у пари пайкар ҳам меҳрибонлик кўрсатиб турар экан. Севилган маъшуқа замонасида ягона бўлганидек, ошиқ йигит ҳам мардикда тенгсиз экан!»

Бу ёқимли гаплар элга тарқалгандан кейин, Хисравнинг қулоғига ҳам эшитилди. У ойнинг таърифини Хисрав замоннинг таниқли кишиларидангина эмас, ҳамма яхши-ёмон одамлардан ҳам эшита бошлади. Ҳарорат дилини ўйнатиб, бир фикрга келолмаслик унинг жонини беҳуш қилди. Кеча-кундуз хаёлида ўша гўзал, тилида ҳам кеча-кундуз ўшанинг сўзи эди. Аммо у юборган совчилари нима хабар келтиришини кутгани кутган эди.

Ниҳоят, улар ҳар тарафдан аҳволни ўрганиб келиб, билганларини Хисравга сўзлаб бердилар. Булар ичида Арманга юборилган бир киши бор эди. У халқ орасида юрган гап-сўзларни билишга жазм қилиб, у парининг шоҳ тўшагига лойиқ, юрти Арман мамлакати эканини аниқлади.

Бошқа томонларга бориб, йўли тушган ўлкаларни сўроқлаб келганлар ҳам унинг овозасидан, ҳуснининг чексиз гўзаллигидан ҳикоя қилдилар. «Бу дунёдаги жаннатнинг ҳури, жаҳоннинг қуёш каби машҳури ўша!» дерди улар.

Хисрав қизнинг таърифини биринчи эшитгандаёқ унга мойил бўлган эса-да, юборган одамларининг келишига қараб турарди. Ҳамма у қиз таърифини қила бергач, кўнглини ҳавас тўла эгаллаб олди. Энг аввал кўнглида тездан Арманистонга юришни жазм қилди. У гуллар ўлкасига бориб, сарв қоматли гўзални шу йўл билан қўлга киритмоқчи бўлди. Лекин узоқ ўйлаб, шоҳликка тескари тушадирган бу сифатдан, салтанатга хилоф бу ишдан ўзини тийди.

Унинг ёнида энг яқин кишиси, элнинг билимдони Бузург Умид бор эди. У ер остидаги балиқдан кўккача бўлган ҳамма нарсани очиқ билар, ҳар қийин ишда Хисравга раҳнамо эди. Уни бир хилватга чақириб, Хисрав ўз сирларини, у гўзал ишқида куйиб-ёнишларини очиб солди. Барча сирларини унга ошкор қилгач, ундан бунинг чорасини топишни илтимос этди. У донишманд уни бундай музтар аҳволда кўргач, хийла замон ўйлаб, шошмасдан деди:

— Зарари йўқ. Бунинг чораси осон. Бу ишда мижозинг айнамай қўя қолсин. Кўнгли очиқ, элчиликда тенги йўқ бир одамни топиб, аниқла. Унинг ичи маъно инжулари билан тўлиб-тошиб турган бўлса-да, лекин оғзи садафдай юмуқ бўлсин. Мабодо садафга ўхшаган оғзини очар экан, сўз ўрнига инжулар сочадиган бўлсин. У ҳам тақводор, ҳам асл одам бўлиб, сенинг тилакларингни Миҳинбонуга етказсин. Саломларинг билан уни эъвозлаб, қариндош бўлиш ҳақида сўзлаб,

бошини сарафроз этсин. У ўз мартабаси ва салтанати етарли даражада юксак эканини айтса ҳам, лекин бу сўзлардан боши кўкка етади. Миҳинбонуни кўп нарсани биладиган, гўзал ва гоят билимдон хотин деб эшитганман. Агар улар бундай тайёр савдони топсалар, бундай фойдани қўлдан чиқармайдилар. Албатта, улар бу ишдан фахрланиб, гапимизни олиб бориб етказган элчини тез қайтариб юборадилар. Жавоблари муддаомиздагидай бўладиган бўлса, ўшанга лойиқ иш тутамиз. Бордию, бирор баҳона-узр учун қўл очиб қолгудай бўлсалар, — ақл бунга асло йўл қўймаса керак, — у вақтда сенинг ҳамма нарсага қўлинг етади. Шундай бўлиб қолганда ҳам унинг иложи қийин эмас.

Замон доноси шундай фикрни билдирди. Давр ҳукмдори эса бу фикрларнинг ҳаммасини маъқул топди. Айтилгандай кишини топиб, муддаоларини унга тушунтирдилар. Ишбилармон элчи ҳам ҳамма сўзни тушуниб, тездан йўлга тушди. У Арман ўлкасига қадам қўймагунича кечани кеча, кундузни кундуз демай йўл босиб борарди.

Эй соқий, сен менга мен истаган шаробни келтир. Чунки олдимда ажаб қийин бир йўл турибди. Бир пиёла эмас, кетини узмай пиёла тут, токи мен ўзимни унутиб, бу водийни кезганим кезган бўлсин.

## XXXVII



*Хисрав элчиси Арман ўлкасига етгани; Миҳинбону хабарчиларига муддаони зоҳир этгани; Бону уни кўришга салтанат базмини қургани; элчининг товусни Анқо билан жуфтлаш ҳақида сўз очгани; Бонунинг баҳона топиб, ҳийла донасин сочгани; ул зийрак қушнинг бу дон ва тузоқдан қочгани; Қоф Анқоси — Хисравнинг бундан ғазаблангани*

Бу водий бўйлаб саёҳат қилаётган одам ўзининг чиройли сўзлаш санъатини қуйидагича намойиш қилди:

Хисравнинг элчиси сир юклари остида, кўнглида юз турлик ҳийлаларни ўйлаб Арман ўлкасига етганда Бону ҳудайчилари\* бу тарафга бахт ўз жиловини бурганини хабар қилишди:

— Кимсан, кисравийларнинг қасру тоқидан, кисравийларнинг эмас, хисравийларнинг давлатидан элчи келди. Элчининг сочидан тирноғигача ақл ва хуш бўлиб, сўзлаш вақтидагина оғиз очаркан, бошқа вақтда эса фақат хомуш тураркан.

Бону бу гапга қулоқ солиб, элчини меҳмонхонага туширишни буюрди. Шу билан бирга егулик, ичкуликларни дид билан тайёрлатиб, энг аввал имкон борича уларни зиёфат қилишни топширди. Сўнг у гапга чечан, ақлли, идроки нозик кишиларни танлаб олиб, уларнинг олдига юборди. Улар ҳамма бўладиган гап-сўзларни нозиклик билан кузатиб, бир-бирига қиёслаб, унинг мақсадини билишлари керак эди.

Бу бемисл кишилар элчи олдига бориб, унинг истагини билдилар ва Бону саройига қайтиб келдилар. Улар элчидан билганларини очиқ айтишга уялар, шунинг ўзи ҳам аҳволни билдириб турарди. Бундан Миҳинбону бу айланувчи фалак уларга яна бир қизиқ ўйин кўрсатмоқчи эканини билди.

— Эртага эрталаб менинг у билан учрашувим учун керак бўлган ҳамма яроғларни тайёрланг,— деди у.— Менга унинг нима деб мурожаат қилиши маълум бўлгач, ўзим унга тегишли жавобни бераман!

Бу буйруқни эшитгач, улар ер ўпдилар-да, чиқиб, буюрилган нарсаларни ҳозирлай бошладилар. Бону эса тафаккур оламига, тўғрироғи, ҳайронлик оламига чўмиб кетган эди. Агар у давлат манфаатини ғанимат билиб, элчи сўровига розилик берай деса, ёдига ситамкаш Фарҳод тушиб, хазин кўнгли ғамга тўлар эди. Агар элчи сўзини қайтарайин деса, бунга ҳеч бир маъқулроқ узор тополмас эди.

Агар у Хисравни ўзидан кам деса, ундай эмас. Хисравга тенг бўлолмаймиз деса, яна ундай эмас. «Борди-ю, мен розилик берсам, у шўхи шакарханднинг ўзи рози бўлармикан? Агар у ойдан розилик зўрлик билан олинса, унда бу хил «розилик»нинг оқибати нима бўларкан?» ўйларди у. Элчини қуруқ қайтариш режаларини чиза бошласа, у йиртқич арслондан жайронга зулм етиши мумкин. Ут ёлқини ва рангли ипак кийим бир-бирига тенг эмас. Темирчининг сандони юз минг шишани синдиришга қодир.

Бу тўғрида у кўп чидам билан ўйлаб, яхши бир узор айтишни мўлжал қилар эди. Хаёллар тухмини ҳар хил қилиб

экиб, кўриб охирида у ойюзлининг ўз хоҳишини билмоқчи бўлди. Унга воқеани айтиб:

— Тақдирдан бу иш юз берган экан, ёмонининг ҳам, яхшининг ҳам фикрини ўзинг қил!— деди.

Қиссани паризод эшитгач, юзини тупроққа қўйиб, фарёд тортиб юборди:

— Эй қафши наълининг юзи менинг қиблам! Покиза ҳараминг менга ғамлардангина бошпана ясабди. Сенга мендан қачонгача малолат етиши мумкин? Токайгача мен сенга озор етказганим учун хижолат чекаман? Бу гапни менга айтгунча, бошимга ғам тиғини уриб, ўлдириб қўя қолсанг бўлмасмиди? Мени ҳиндилардай ўтхонага бошлаб бориб, ўтга ташла-да, юзимдаги холимдай қорайтириб куйдира қол! Агар жисмим ўша ўт ичида нобуд бўлса, ахир, у ўтдан сочимдай чирмашиб тутунлар чиқади-ку! Азобимдан бутун олам қутулсин. Таним ҳам бу юз минг балолардан халос бўлсин. Менга Фарҳод севгисининг надомати етади. У бечора юзимни кўра олмай, кимсасиз, оқ тортиб, йиқилишдан бошқа нарсани билмай, дилдан жонни куйдирувчи нолалар чекиб юрибди. Қулоғи сўзимни эшитишга зор. Ойлар ўтиб кўзи юзимга тушмайди. Тоғларнинг ичида кўзидан селдай ёш оқизиб, сел каби ҳар нафас бошини тошга уриб юрибди. Кўнгли менинг хаёлим билангина қаноатланади. Умрини менинг фироқимда зое қилмоқда. Йиғлоқи кўзлари юзимдан, балоларни устига ортган жони висолимдан махрум. Мен ҳам у бечорадан йироқлашганман. Мендан у, ундан мен узоқдамиз. Бизнинг аҳволимиз бу-ку, одамларнинг ичида бўлса бизнинг ҳақимизда юз хил гап, гап эмас, юз хил тухматлар юради. Менга ёр ҳам, ошиқ ҳам ҳавас эмас. Агар мен одам бўлсам, шу менга кифоя! Агар Бону бошқа илож тополса қилсин. Акс ҳолда ўзимни ўзим ўлдираман. Билиб қўйсин.

Миҳинбону уни бу кайфиятда кўриб, юзига қайғу ёшларини тўқди. Ичида дарҳол бошқа бир чора режасини тузди-да, уни эркалаб-севиб, кўнглини кўтара бошлади. Ширинга қараб у деди:

— Сени кўриш юрагимнинг муддаоси. Сен ҳузуримда бўлсанг, бу ҳазин жонимга ором бағишлайди. Сенинг бу сўзларинг жонимга ёқди. Гапларинг ғамгин ва сўлгин кўнглимга маъқул тушди. Ҳамма айтганларингга мен ҳам қўшиламан. Сен қанчалик ҳақли бўлсанг, мен ҳам шунча ҳақлиман. Сен энди ташвишланмасдан, кўнглингни хуш тута бер. Уйин-кулги билан ўзингни бодага ур. Эртага шоҳона бир ўлтириш қилман. Шунда элчига узр айтиб, уни қайтариб юбораман.

Эртасига Бону ваъда қилинган чоғда элчини кўрди. Илти-

фотлар билан унинг қандай йўл босиб, йўл машаққатларини енгиб келганларини сўради. Хисравнинг шаънига ҳам дуо, мақтовлар айтиб, унинг аҳволи бўйича ҳам талай саволлар берди.

Сўзга уста элчи ҳам бошини қуйи солиб, унга лойиқ таъзимлар қилди. Элчи бу ердаги шоҳона тахт ва бу тахтга лойиқ дабдаба, ҳушёрлик ва одобларни кўриб, ичида юз минг офаринлар ўқиди ва чиндан ҳам тожу тахт, шоҳлик узугига унинг лойиқ эканини кўнглидан ўтказди. Базм тугагач, элчига саноқсиз совғалар ҳадя этилди. Бону қайта-қайта таъзим билан элчига ижозат берди. Шундай иззат-икромлардан сўнг у элчига:

— Шоҳингга дуо айтиб, бизнинг номимиздан унинг олдида ер ўпиб қўй! Жавобингни эса давлат кишиларидан оласан, — деди.

Хайру хушлардан сўнг сўз тугади. Элчи ер ўпиб, ташқарига қадам қўйди. Бону ўз ҳудайчисини чақириб, элчига айтиладирган гапларни тушунтирди:

— Бу билимдон элчига айт. У бориб, Кисро нишонли Хисравга шундай десин: «Сен биз тарафга пайғом юбориш билан биздек ихлосмандларингни тупроқдан кўкка кўтардинг. Биздек тупроқни кўм-кўк осмонга олиб чиқиш билан заррани қуёшга чиқаргандай бўлдинг. Бироқ, толеимизга яхшилик кулиб боқмагандан кейин, юз шунча лутф қилишдан нима фойда! Бу ишда юз йил армон еганим билан дардимга дармон бўлмагандан кейин, нима ҳам дея олардим. Сен биз билан қариндош бўлишни истабсан. Узинг биласанки, бу иш бизга ҳам шараф эди. Бироқ ўртада шундай бир қизиқ ҳолат юз берганки, уни айтишга ҳам уяламан. Лекин тангри нимани тақдир қилган бўлса, киши унга ризо бўлмасдан иложи йўқ. Сўзинг хулосаси шуки, сен шунчалик қайноқ меҳр қўйган ойюзли бошдан оёғи ҳунардан иборат бўлса ҳам, аммо унинг бир айби ҳам бор. Унинг олдида эр отини тутиб бўлмайди. Бу сўзни унинг ёнига яқинлаштириб ҳам бўлмайди. Қиладирган иши эрақлардек от чопиш, ўқ отиш, ов овлашдан иборат. Бизнинг одамларимиз орасида унга бу сўзни ҳатто айта олувчи киши топилмайди. Кимки бу сўзни унинг олдида айтмоқчи бўлса, аввал ўз жонидан кечиб қўя қолсин. Унга бу айбни ғайбий сирларни кашф қилувчи берган бўлиб, тангридан берилганни айб деб бўлмайди. Агар у одам авлодидан чиққан пари бўлмаса, у қуёш бўлиб, унинг атрофида унга харидор бўлган Муштарий каби юлдузлар кўп. Оламдаги одамларнинг барчаси унга муштоқ бўлганда ҳам, у жуфтликка нисбатан тоқ қолишни истайди. У Гулчеҳранинг шу кунга қадар уйда

ёлгиз қолишининг сабаби ҳам шунда. Биз шоҳни ўз айбимиздан огоҳ қилдик. Энди нима ҳукм қилса, шоҳ ўзи ҳоқимдир».

Замон Бонуси сўзини тугатгач, ҳудайчи ўрнидан турди. У бориб, гап олиб келган элчига сирлар пардасини очди. Сўзларнинг ҳаммасини чиройли қилиб, пардозлаб айтди. Элчи жавобда тамоман ожиз қолди; ўрнидан туриб, келган йўли билан жўнаб қолди. У ўз ўлкасига етиб бориб, бу ерда билганларини Хисравнинг олдига кириб арз қилди. Бу сўзларни эшитгач, замон ҳукмдори аччиғланиб, ғазаби келиб, бу сўзга ишонмади. У янгидан бошқа бир қўпол элчини юборди. У ҳам юқоридаги жавобнинг ўзини олиб келди. Бир неча маротаба элчи юборса ҳам, унга мақсаднинг юзага чиқиши муяссар бўлмади. Димоғини ғазаб шундай қиздириб юбордики, тутуни куннинг чирогини хиралантирарди.

— Шу аҳволга тушдимми?! Шундай қилиб, одамлар сўзимдан нафрат қиладиган бўлиб қолдимми?— дерди у.— Бу бемаъни гаплар бошдан-оёқ баҳонадан бошқа нарсага ўхшамайди. Мен ўзимни улар билан тенг ҳисоблаб, совчи юборганимнинг ўзи менга номус эмасмиди? Яна бундай сўзларни ҳам эшитяпман. Улар биз билан бу хилда сўзлашишдан ибтиҳор қилсалар бўларди. Тубан одамлар олдида тубанлик кўрсатмоқ ўз бахтини ўзи оёқ ости қилиш билан баробардир. Макъдан мен устунман деган овозни эшитган шунқор нега дунёдан чиқиб кетмас экан! Агар урғочи мол йиртқиқликни даъво қилса, арслон ўз чангали билан ёлини нима қилиши керак? Агар умрим кифоя қилса, у айёрларга, айёрларгина эмас, балки маккорларга зулм билан шундай жазо берайки, мамлакатларига шундай бало солайки, қаерда бирорта ҳийлагар бўлса, қиёматгача бу иш унга ибрат бўлиб қолсин.

Бу сўзларни айтиб бўлиб, тез жўнади ва Арман устига, ҳайҳот, қўшин тортди. «Шоҳлик бошқаю ошиқлик бошқа»— деган гапга ишқ аҳлининг қул бўлмоғи керакдир.

Эй соқий, сен менга огоҳлик шаробини келтир. Унинг бир қултуми шоҳликдан яхшироқдир. Мен бу шаробни ичайинда, салтанатни назаримга илмай. Элга зулм қилгунча, ўзимга ўзим зулм қилай!





*Хисравнинг Шириндан келган аччиқ жавоблардан аччиғланиб, кўп лашкар тортиб, Арман вилоятига шўру ғавго солгани, Миҳинбонунинг Армания қўрғонини беркитгани, Хисрав қалгани ўраб олганда, Фарҳодни қоя тош устида кўриб, тутмоқ хайлини қилгани, Фарҳоднинг тилидан унинг бағрига ниш санчилгани*

Маънолар тўдасига тартиб берган киши бу майдонда отини шундай сурди:

Хисрав Парвез ниво ва қаҳр тиғини қайраб, Арман устига қўшин тортди. Унинг қўшинининг на ниҳояси, на миқдори маълум эди. Қўшин юрганда кўтарилган чанг-тўзон кун чироғини қорайтириб, кўк димоғини ташвишга солиб қўйган эди. У зулм кўрсатиш учун шундай бир қўшин тортдики, ўйлаб кўрилса, бундай қўшинни бераҳм дунё ҳали ҳеч қачон кўрмаган эди. Улар неча кунлаб йўл босишди. Охири қўшин Арман чегараларига етиб ёйилди.

Учраган ҳар тўда одам Бонуга «Арман мамлакатини сел босди!» — деб хабар берарди. У оддий сел ҳам эмас, офату балолар сели, офат дарёси, дарё ҳам эмас, даҳшатли тўфон эди.

Бонуга ҳам бундай бўлиши илгаридан маълум бўлиб, бу ишга яхши тайёргарлик кўриб қўйган эди. Ҳукмдор қўрғонларининг душмандан ҳимоя қиладиган қалъадорлари қалъани осмон қўрғонидай маҳкам қилиб қўйган эдилар. Бу қўрғон оддий қўрғон бўлмасдан, ҳамма ёғи берк бўлиб, арклари фалакнинг тош-метин қўрғонидай мустаҳкам эди. Сомонлик ғалла ташиладиган ёки кўкдаги сомон йўли сингари у қўр-

ғоннинг ҳар кунгураси орқасида Баҳром каби паҳлавон жангчилар яширинган эди.

У қўрғоннинг дандоналари кўккача чиққанидай, хандақлари ҳам уфққача чўзилган эди. Дандоналарнинг учига қўриқчи аскарлар чиқиб, ҳалиги хандақларга қарасалар, сувининг тиниқлигидан пастга юлдузлар узилиб тушгандай, осмондаги юлдузларнинг акси кўринар эди.

Қўрғоннинг шунча мустаҳкамлиги устига ҳисобига ақл ожиз қоладиган даражада қўру қут ҳам тайёрланган эди. Кўкдаги юлдузларча кўп дон-дун ҳам йиғилган бўлиб, осмон тегириғи минг йил айланганда ҳам уни ун қилиб торта олмас эди. Бону йиққан қўй-қўзиларнинг сони ҳам ҳамал\*даги юлдузларча, — юз мингдан ортиқ, қорамоллар эса савр\*\* юлдузларидай тўда-тўда эди.

Булардан ташқари кийим-кечак, овқат-озик моллари ҳам кўплигидан етиб, ортиб қоладиган даражада эди. Уз ишига пухта бўлган Бону буларнинг ҳаммасини қўрғондагиларни доим тўқ ушлаб туриш учун тўплаган эди.

Пари пайкар Ширин билан бошлиқ Бону бу ишлардан Фарҳодни ҳам кабардор қилган эдилар. Унга бу ишларнинг миқёси катталигини кўрсатиб, унинг ҳам қўрғонга киришини илтимос этишди. Фарҳод у парининг сўзини ерга ташламай, унинг хотиридан ўта олмай, ноиложликдан қўрғон томонга борди. Лекин у қўрғоннинг ташқарисидан ўзига жой тутди. У қалъанинг ташқарисида, осмондан ҳам бошини ўтказиб юборган бир қоя тошни топиб, устига ўринлашган, уруш бўладиган бўлса, ўша жойдан тош отишни мўлжаллаган эди.

Хисрав ҳам тезлик билан келиб, қўрғондан ярим тош нарига аскар туширди. У беҳисоб кўшинни тушириб, олдин Арман ўлкасини бир томоша қилиб келиш учун от сурди. Унинг бақувват жиловидан минг отлиқ йигит бор бўлиб, улар ҳамжиҳатликда у тарафга от қўйдилар. Улар қўрғон атрофини кўздан кечирар эканлар, ҳар лаҳзада бир ўйланиб, фикрга чўмиб кетар эдилар. Чунки ҳар гал қўрғонга қараганларида гўё ер устида янги бир осмонни кўрар эдилар. На уни олишга уринишдан бир яхшилик кўрардилар, на бу ёққа келганларига пушаймон бўлишлари фойда берарди.

\* Ҳ а м а л — ўн икки буржнинг биринчиси, уни қўй шаклида фараз қилинади ва қуёш унга март ойида киради.

\*\* С а в р — қуёшнинг иккинчи буржи, ҳўкиз шаклида тасаввур қилинган юлдузлар тўпи, апрель ойига тўғри келади.

Фарҳод худди бошда турган тожга дур қандай жойлашса, худди шундай ўша тош устидан ўзига жой қилиб олган эди. Парвез Фарҳод томонга қараб, унга кўзи тушар экан, гўё кўксига ўткир бир ханжар қадалгандай бўлди. Парвез одамларига:

— Бу ажабтовур одам ким? Уни кўриш билан кўнглим бузилиб кетди. Қандай одам эканини билинглар. Унга менинг раҳмим келиб кетяпти,— деди.

Билимдон бир отлиқ отини Фарҳод томон чоптириб бориб, Хисрав тилидан унинг отини сўради. Ошиқ Фарҳод унга қараб жавоб берди:

— Мен атоқли кишилардан эмасман. Отимни аташга ҳам арзимаيمان. Тақдир менинг вужудимни шундай тупроқдан яратганки, отим ҳам шу тупроқ ичида йўқолиб кетган. Ишқ ўтида ичимга туташган тутун отимнигина эмас, вужудимни ҳам нобуд қилиб юборган. Шу ишқ деган нарса мени отимни англашдан ҳам адаштирган, мени отдан, отни эса мендан ёт қилиб юборган. Дунё саботсизлигини ёқтирувчи кишилар алақачон ўрнимни йўқликда тайинлаб қўйганлар. Вужудим тупроғини ёдга олмоқчи бўлган пайтларида эса улар мени «Хаста Фарҳод» деб атайдилар.

Фарҳоднинг сўзларини бошдан-оёқ эшитиб турган Хисравнинг миясидан ҳуши учишига оз қолди. Чунки Фарҳоднинг сифатларини Хисрав кўп эшитган эди. Энди у Фарҳоднинг соф сўзларини ўз қулоғи билан эшитар экан, уни ҳайрат юки босди. Лекин шундай бўлса ҳам, ишқ ичида унинг ғайрати ўртаб юборди.

— Унинг гаплари ўткир, ҳар қанча мазали бўлса ҳам,— деди у,— менга улардан заҳардан бошқа нарса насиба бўлмайди. Унинг ранг-баранг сўзлари нақшларга бурканган илондек хотиримни ташвишга солади. Сўзлари қанчалик тоза ва покиза бўлмасин, улардан менга зарар етадиган бўлгандан кейин менга нима фойда! Ундан менга ғам ва қайғу насиб бўлади, холос. Чунки мен ҳам ошиқман. У эса менга рақибдир. Унинг кўнглида бу ишда шериклик орзуси, шериклик орзусигина эмас, балки эгаликка интилиш ғалваси бор. Бу шундай бир тиканки, уни йўлдан олиб ташлаш ва бу ердан жўнатиб юбориш ноғорасини чалиш лозим. Иқбол уни қўлимга текингина тутқизган экан, ундан бир йўла қутулиб қўя қолиш керак. Агар мен чаманни бу тикандан тозаласам, сарву сумандан баҳраманд бўлмоғим ажаб эмас.

Шундай деб у ўн-ўн беш отлиқ жангчини Фарҳодга қарши юборди ва:

— Тезлик билан уни ушлаб, менинг олдимга олиб келинглар!— деди.

Отлиқлар у томонга қушдек парвоз қилишлари билан, Фарҳод тош устига чиқиб овоз қилди:

— Эй, қўшинларнинг эпчил бошлиғи! Бугун бахтинг ёр бўлиб, фалак ҳам сенга ёрдам бермоқда. Агар сен Хисрав бўлсанг ҳам, менинг сўзимни билиб қўй. Хисрав бўлмаган тақдирингда ҳам бу сўзимни эшитиб ол. Сен мендан олдингга боришимни илтимос қилдинг. Илтимос қилиш бунақа бўлмайди. Бир бечорани олиб кетиш учун ўн-ўн беш паҳлавонни чоптирдиг. Муддаонг мени ўлдириш бўлса, бундан менга зиён бўлмаганидай, сенга ҳам фойда йўқ. Бироқ бу бегуноҳларнинг қони сенинг гарданиягда. Сипоҳингни ўз қўлинг билан қирмоқчисан. Агар бу гапларим тўғри эмас, дейдиган бўлсанг, мана, ҳақ ҳунарини томоша қил. Мана бу тош билан сенга салом юбораман. Бу тош бошингдаги дубулғаннинг учини учиражак!

Яна бир тошни қаттиқ отиб:

— Бу тошга нишон байроғингнинг учидаги ойдир!— деди.

Икки тошни кетма-кет отиб, байроқнинг учини ҳам, дубулғаннинг чўққисини ҳам уриб, учириб юборди. Хисравга қараб у, яна деди:

— Эй бу элга подшоҳлик қилаётган одам! Сен шоҳ бўлмасанг, бу қўшиннинг бошлиғисан. Ошиқлар гуруҳидан чиққан кишининг қўл кучи шунақа бўлади! Буни сен ҳам, қўшиннинг ҳам кўрди. Яхшиликча бу қўшиннинг қайтишига буйруқ бер. Уларни қайтариб олиб кетмасанг, ҳаммасини бир-бир ўлди деб ҳисоблайвер! Дубулғангдан тош чўққини учириб кетган экан, бу унинг елкадан бошларни учирishiга ҳам далилдир. Ўзинг кўр, сендай бир лашкарбоши қўл остидаги минглаб дубулға кийган аскарлари билан бировнинг жонига ноҳақдан қасд қилар экан, унга бундан бошқа қандай жазо бўлиши мумкин? Бундай ҳолда мендай бир мажнун қоядан тош учиради. У тош эса сенинг бошингни учиради. Мен, ахир, сенинг бошингдан кечяпман. Буни сен ғанимат билиб, бошингни олиб, ўз келган йўлингга жўна. Мендан сенга ҳеч қандай ёмонлик бўлмай туриб, сен менга азоб беришга қасд этяпсан. Бу севги йўлида қанча ранж тортган бўлсам ҳам, сенга нима қилмай, маъзурман. Агар мен бу Арман тоғида душманлик кўрсата бошласам, ҳар бир тошга бир бош кетади, деб билавер. Агар доно бўлсанг, сипоҳ ва' давлат билан кучли бўламан деб ўйлама. Тангри олдида саҳар вақтидаги кучли бир оҳ мингга қўшиндан устундир. Сенга подшоҳлик менга эса йўлда тупроқ бўлиш насиба бўлган. Сен шу подшоҳлигинг билан ўзингни катта тутмоқдасан, ваҳоланки, бу менинг олдимда тупроқ билан тенг бир нараса. Қайси нарасдан шоҳ ҳузур-ҳаловат

топган бўлса, бечоралар бундай нарсадан ор қиладилар. Бировга жафо қилиш учун ҳадеб от суриб, бу билан яна мақтаниб бўладими? Яна шуниси қизиқки, сен қиличингни ўқталиб, аскарларинг ер юзини қора булутдай босиб, ўзгаларнинг ўлкасини талон-торож қилиб, халқини қириб, мамлакатнинг тахт ва тожини тортиб олиб, бошқаларнинг юртини хароб қилиб, нозаниннинг кўнглини ҳам қайғуларга солмоқдасан. Уни синдириш учун зулм ёйини ишга соласан-да, яна, эшитишимча, севишдан лоф урасан. Эвоҳ, дарду ишқ қоидалари ҳам шунақа бўладими? Эй худо, вафо ва меҳр шартлари ҳам шундай бўладими? Бировнинг ишқида зор бўлиш ҳам шунақа бўладими? Унинг ғамида беқарор бўлиш ҳам шундай бўлар экан-да?!

Фарҳод қўлининг кучи билан шу хилда тошлар отиб, тилининг қиличини шундай намойиш қилди. Хисрав унинг тошларидан изтиробда қолгани каби, сўзларига ҳам жавоб топа олмас эди. У Фарҳодга яқин боришдан ҳеч иш чиқишини билмай, эрта кунни кеч қилмай қайтди. У ўз қўшинлари олдида диққат бўлди, қалъа ичидаги одамлардан ҳам хижолат тортди. Унинг бу юришдан кузатган мақсади юзага чиқмай, истар-истамас аскарлари олдига борди.

Фарҳоднинг тоши унинг дубулғасини тешгани каби, тилининг тиғи бутун ичини тирнар эди.

Эй соқий, менга шароб келтириб, ғам қўшинини енг. Чунки ишқ соҳасида шоҳ билан гадо тенг. Ишқ ичида шоҳликнинг қанча лаззати бўлса, гадоликнинг ҳам ўзига хос турли ҳолатлари бор!



*Хисрав Фарҳоднинг қаттиқ тошларидан ғамгин бўлиб, қаттиқ сўзларидан ранж еб, Бузург Уммид билан маслаҳатлашгани, Миҳинбонуга таҳдидли хат ёзгани, Миҳинбонунинг қаттиқ жавобидан эса ожиз қолгани, Хисравнинг Армания қўрғонини қамал қилгани ва қалъа дарвозаларининг ёпилиб, хусу-мат эшикларининг очилгани*

Афсоналар айтувчи сўзамол уста сўз қизига безаклари билан қуйидагича оро берди:

Уша куни Хисрав хафа бўлиб, юраги сиқилган ҳолда қайтди ва ўзича ўйлай бошлади. Мулоҳаза қилиб-қилиб, охирида бўлган гапларни Бузург Уммид билан ўртага қўйди. Бузург Уммид эса уни хурсанд этиб:

— Қайғурмасанг ҳам бўлади. Зарари йўқ! — деди. — Тог-лилар кўп сопқон отиб ўрганиб қолган. Тентаклар ҳам беҳуда гапларни кўп гапиришга одатланган бўладилар. Илон қандай қилиб аждаҳога ниш ура олсин? Ит ҳурган билан карвон қайтиб кетмайди. Ақлли одам жиннининг сўзига қулоқ солмайди ва жинниликнинг ўтидан кўнглини юмшатмайди. У сўзларни кўнглингга олма. Эшитиб, эшитмасликка олиб кетавер. Яхши-си яна бир сўзамол одамни топсак, у Миҳинбонунинг олдига бориб, насиҳатлар қилсин. Унинг сўзларида ҳам илтифот бўлсин, ҳам таҳдид, уни ҳам даҳшатга солсин, ҳам умид бағишласин. Шубҳа йўқки, улар ўйлаб кўриб, таслим бўладилар. Бу ишларнинг тадбир билан бўлгани маъқул. Чунки тош билан ўчакишиб бўлмайди. У қўрғон эса ғоятда мустаҳкам. Унинг ичидаги қўру қутлар ҳам беҳисоб. Сен жаҳон куёшидай бир шохсан. Қуёш эмас, замоннинг Жамшидсан. Уша

қўрғонга ҳужум қилган кунингоқ уни олишинг керак. Агар бундай зафар қўлга кирмас экан, уни юз йилда ҳам олиб бўлмайди. Уни ҳужум билан олишнинг имконияти йўқ экан, ҳийла-найранг ва тадбир-чора билан олса бўлади. Биз учун бунинг чораси нақш берилган сўзларни қўллашдан бошқа нарсасиз эмас. Ҳийлагарлар ёлғон-рост сўзларни ишлатиб, афсун билан ҳатто илонни инидан олиб чиқадилар:

Бузург Уммид бу гапларни айтгач, бир сўзга чечан одамни топдилар. Гоҳ ғамгин, гоҳ хандон бўлиб, у Бонунинг олдига жўнади. У манглайи очиқ одам қўрғоннинг олдига бориб, сўзларни шундай айлантира бошлади:

— Бутун дунёни ўзига бўйсундирган бизнинг шоҳимиз сиз — Ойга шу сўзларни айтишни буюрди: «Биз уйланиб, фарзанд кўрсак деган режа билан бу томонларга вафо ногорасини чалиб келдик. Бурун сиз билан ўртамизда битмаган ишни энди биз истаганча қилишингизни буюрамиз. Агар сўз ҳисоби аввалгидай бўладирган бўлса, у паришон сўзларнинг жавоби мана будир: Дунёнинг қуёшидек у гўзал, агар сиз айтгандек, жуфтликдан кўра тоқликни севиб, вужуди эрга майл кўрсатишдан узоқ бўлса, эр зотига ҳеч илтифоти бўлма-са, у вақтда нима учун бир тошйўнар, бошдан-оёқ янглиш, бўлмағур гапларни алжувчи, вужудидан ақл нафрат этадиган, оқиллар суҳбатидан ирганадиган, замон ҳам ор қиладиган тентак бир йигит, ўзининг тубан қилиқлари билан, кечакундуз ўзида йўқ, фиғонлар тортиб, ўзини у гўзалнинг ишқига мансуб деб билади ва ўзини ошиқ, ул ойни эса маҳбуб деб атайди?! Бу гап бутун оламга ёйилиб кетгани ҳолда нега у ой бу ишга чурқ этмай, яна уни доим ўз олдига қаҳиради ва вафодан сўзлар сўзлайди?! Нега унинг кўнглини ўз висоли билан севинтириб, ҳижрон ғамларидан эса озод қилади?! Сиз айтган гаплар агар зилол сувдай тоза бўлса, бу ишлар унга тўғри келмайди-ку?! Агар бу овозалар ёлғон дейиладиган бўлса, бизга айтилган гаплар ҳам нотўғри экан-да! Агар сиз ўз католарингизни эътироф этсангиз, биз ҳам буни карам билан кечирамиз. Одамзод катодан холи эмас. Фақат тангригина янглишлардан озоддир. Биз сизнинг мамлакатингизда меҳмонмиз. Сиз ҳам мезбонлик йўлини тутинг. Кудурат орадан кўтарилсин. Гина-кудуратларни қўйиб, сафо қилиш зарурдир!»

У очиқ манглайли ўз сўзини тугатгач, Миҳинбону қуйидаги жавобни айтди:

— Хисрав Фарҳодни кўринишда одам боласига ўхшамайди, дебди. Биз бу гапга қандай жавоб қайтара оламиз? У нима деган бўлса, жавобини ҳам Фарҳоднинг ўзидан эшитган. Унинг сифатларини бизга ўхшаганлардан юз тумани юз

йил сўйласа ҳам мингдан бирини гапириб бера олмайди. Хисрав уни гадо дебди. Ваҳоланки, у шаҳзодадир. Шарафда ундан ҳам, биздан ҳам ортиқдир. Оламда қандай яхши илму фан бўлса, ажойибки, ҳаммасида бу ягона. Унинг яна бир қимматбаҳо сифати бор. У шоҳ бўлишдан ўзини олиб қочади. Яна Хисрав дебдики, агар у гулюз эр зотига меҳр қўймаган бўлса, нега унда Фарҳод унга ошиқу, Шириннинг кўнгли унга мойил? Фарҳод озод табиатли бир кишидир. У йўқлик шаробидан ҳам пиёла кўтара беради. Йўқлик ўти унинг вужуд хирмонини хашакдай ўртаб юборган. Унинг зотида ҳақ шундай яширинганки, унинг ўзлигидан нишона қолдирмаган. Ким бундай ишқ ичида ўзини кўрса, ҳар томонда ҳақнинг зуҳурини кўради. Шунинг учун ҳам зоҳир бўлган нарсанигина эмас, ҳатто гўзал деб мақталган кимсани қаттиқ севиб қолган бўлса ажаб эмас. У Ширинга шайдо бўлиб қолгандан бери унинг Ширинсиз битган бирон иши йўқ. У Ширинни бор-йўғи икки-уч марта кўрган, холос. Шунда ҳам у кўргану, ўзини йўқотиб, унда тириклик аломати қолмаган. Ақл-ҳушидан у шундай ажралганки, икки-уч кунгача ўлган одамдек йиқилиб ётган. Унга аза тутиб, ҳамма ҳам қайғурган эди. Тангри унга янгидан жон ҳадя қилди. У гулюзли ҳам унинг севгисини беғараз юзини қутлуқ ва очиқ кўргани учун унинг васли йўлида жонини фидо қилишга тайёр. Лекин Фарҳодда ибодеган нарса кучли. Шу сабабдан Ширинни кўриш билан ҳушини йўқотади, келади-ю ўзидан кетади. Шунинг учун у гоҳ саҳро, гоҳ тоғлардан маскан тутиб, заиф вужудига ғам юкини орқалаб юргани юрган. У Шириннинг фақат хаёли, ғаму дарди, етказган озори билан қаноатланади. Лекин у маҳвашнинг мақсади унинг висоли бўлиб, Фарҳоднинг табиатида иргандиган ҳеч нарсани кўрмайди. Хисрав Фарҳоднинг башарасини ирганч дебди. Билмадим, у қайси тил билан бу гапни айтган? Мен уни хунук ҳам дея олмайман, чиройли ҳам. Агар сен ўзинг уни кўрмоқчи бўлсанг, худо ҳаққи, уни бехосдан бориб кўр. Шунда Хисравнинг рост ё ёлғон айтганини биласан қўясан. Уни кўриб, сен унинг юзининг гулзоридан қизил гуллар терасан. Сўнгра менинг бир нарса дейишимга ҳожат қолмайди. Инсоф билан ўзинг тан берасан. Агар Хисрав жангга майл билдирадиган бўлса, мен хато қилганимни тан оламан. Сўзнинг ҳаммаси шу, сенга бирин-бирин айтдим. Энди бориб, буларни Хисравга айт. Мени янглишибди, деса ҳам зарари йўқ, рост айтибди, деса ҳам ҳукм ўзида.

Элчи бу сўзларга қулоқ солиб, айтган гапларидан уялиб, ўрнидан турди-ю, жўнади. Шоҳ олдига келиб, унга кўриниш бериб, нимаики тушунган бўлса, ҳаммасини айтди. Бу сўз- 156



лардан Хисрав уялиб кетди, иккиланиб қолди ва бундан ичидан қийналди. У нима мақсадни олдига қўйган бўлса, ҳаммаси ёр томонидан рад этилибди. Бу унинг ранжиган кўнглини ўлдирди. Ҳатто севгани олдида ошиқ эмас, рақиб бўлишни мақбул кўрди.

Яна унинг шоҳлиги устун келиб, ғазаб қўлидан ихтиёрини олди. Подшоҳлар ғазаб қиличини яланғочлаганда, гуноҳсизлар ҳам катта жиноятчилардай жазоланадилар. Қамишзор ичига бирдан ўт тушса, то хабар топилгунча ҳўлу қуруқ ёниб, кулга айланади. Агар бирор ерга зулмнинг сели келса, у ободни ҳам, вайронани ҳам йиқитиб, тенг қилади.

Хисравни ғазаб енгиб, бу ўлка халқлари ҳам унинг ғазаби остида қолди. У осмон қўрғонига сиртмоқ солай деб турган қўрғон томон от қўйди, ўзининг тўда-тўда қўшинини ўша ёққа кўчирди. Гўё қўшин дарёсини тўлқин чайқаётгандек эди. Унинг қўшини ёзувга ўрганаётиб, қоғозга сиёҳни тўкиб юборгандай, ер юзини қорайтириб юборди. Қўшин қўрғонни қамаб, унинг ташқи томонида тап-туп юриш қилар эди. Улар тез қўрғоннинг айланасига яқинлашиб, шовқин-сурон билан яна қайтиб тушардилар. Бу шовқин-сурон ҳам эмас, Исрофилнинг\* сурнайи, сурнайи ҳам эмас, қиёмат кунининг ҳайқириғи эди. Улар кўк айланаси ерни чулғаб олгандай, қўрқмасдан қўрғонни ўраб олдилар.

Эй соқий, сен менга осмон мисоли пиёла келтир. У шафақдай гулранг шароб билан тўла бўлсин. Кўрай-чи, бу найрангбоз кўк қўрғони яна қандай ўйинларни кўрсатар экан!

---

157 \* И с р о ф и л — диний тушунчада, қиёмат бошланганда сурнай ча-  
либ, ўликларни тирилтирувчи, кейин яна чалганда ўлдирувчи фаришта  
номи.



*Хисравнинг қўрғонни қамаб, атрофида яна бир қўрғон қургани; аскарларининг Фарҳод отган тошлар қўрқинчидан қўрғонга яқинлаша олмай, минг қадам нарига қочганлари, Хисрав уни тутиш учун бир ҳийлагарни топгани; у ҳийлагар алдаш ипи билан тузоқ ясаб, у телба қушни қўлга туширганлари ва уни Хисравга совға қилганлари*

Фалак қўрғони айна вақтда найранглар қўрғони бўлиб, у ўз ўйинларини мана бу хилда кўрсатди:

Хисрав Парвез қўрғонни қамал қилгандан кейин ўртадаги адоват ўти ҳар нафасда кучайиб борарди. Қўрғон атрофини ўлчаб, ҳисоблаб чиқиб, одамларга қўшин атрофидаги ерларни кавлаб хандақ қазиларди. Хандақ олдида дандоналар, кўтармалар, пистирмалар ясади. Буларнинг ҳаммаси пари яшаган қўрғонни қутичадай ўраб олди.

Хисравнинг қамал қўрғони Шириннинг қўрғонини қубба атрофини қалқон ўрагандай ўраб олган эди. Қўрғон ичидагилар туну кун ҳамма нарсадан огоҳ, кундузи тиқ этган овоз чиқармас эдилар. Лекин кечаси шовқин, тонг отгунга қадар «Эҳтиёт бўл!», «Ҳозир бўл!» деб чиқардилар. Шам ва машъалларнинг ёруғи тонг отгунча қалъани манқалдондай қилиб юборар эди.

Қўшиннинг Фарҳод жойлашган тарафга яқинлашиши мумкин эмас эди. Ёв аскарлари ҳар тарафдан минг қулочлик ерда, ундан узоқда бўлса ҳам, отган тошлари чақмоқ тошидай етиб келар, теккундай бўлса, ғазабланиб турган арслон бошини ҳам учургандай эди. Унинг тошлари минг қулоч ердан ўз

нишонасига тегар, нишонга кўкнори уруғини олган бўлса ҳам урар эди. Яна қизиғи шундаки, отган тоши кўкнори донасидай кичик бўлса ҳам, Эльбрус тоғидай тегарди. У қаттиқ тошларни ҳаддан зиёда синдириб олиб, беҳисоб тош тўплаган эди.

Фарҳоднинг бу қилаётган ишлари ўзига ҳам ёқмас, бироқ бу тош отиш санъатини кўрсатишдан мақсади душманларни қўрқитиш, ўзини эса саломат сақлаш эди. Йўқса, у бечора бир пашшанинг қанотига ҳам озор етказмасам дерди. Агар бировга фалакдан бир қийинчилик етса, у ўша одамнинг ўзидан ҳам кўпроқ эзилар эди. Бир бечора заиф қийналиб бир оқ чекса, бу унга ачиниб юз минг оқ тортар эди. Бу шўрликдан бирон кишига заррача бўлса ҳам озор егиши ҳеч мумкин бўлмаган иш эди. Унинг ёвларни қўрқитишдан ҳам мақсади ўз жонига нисбатан пайдо бўлган хавфни йўқотиш заруратидан туғилган эди. Ахир, севгилиснинг вафосига бағишланган жонини нега душманига фидо қилиши керак?

Унинг савлатидан уни қўрқитмоқчи бўлганларнинг ўзи қўрқар, унинг ювошлигини кўриб, уни таслим этмоқчи бўлганларнинг ўзи таслим бўлардилар. Қийин аҳволда қолганлар унинг олдига бориб, унинг кўз ёши тўкканини кўриб, ўзлари ҳам йиғлашарди. Ундан гадолар ҳам меҳрибончиликлар кўрар, банда-бечораларга ҳам доим ёрдам кўлини чўзар эди. Агар бировнинг оёғига киши билмас бир тикан кирган бўлса, у бу тикани киприги билан олиб ташлашга тайёр эди.

Фарҳод шундай одам бўлгани ҳолда замон Хисрави уни орадан йўқотишга қаттиқ ҳаракат этар эди. Кеча-кундуз унинг тўғрисида гапириб, Бузург Умид билан кўп маслаҳатлар қилар ва шояд уни йўқотишнинг бир чорасини топсам, дерди. Чунки ундан хотиралари жам бўлмасдан туриб, қўрғонни олишлари осон эмас эди. Унинг қилаётган ҳар бир ишини кўрган халқ гоҳ таажжубланиб, гоҳ газабланиб, бош ирғаб қўярди.

Энг охирида ҳар қандай қийин ҳийла десанг ҳам чорасини қила оладиган бир маккорни топдилар. У ўз макру ҳийлаларини намоиш қила бошласа, унинг олдидан иблис бефаҳм бир шогирддек бўлиб қоларди. Шоҳ унга муддаосини сўйлаб:

— Биз бу телбанинг бир балога гирифтор бўлишини истаймиз. Агар сен бу ишга бирор чора қилсанг, беҳисоб тиллакумуш бераман!— деди.

— Ҳалиги ҳийлагар сўз бошлаб:

59 — Мен уни макр билан қўлга тушираман,— деди.— Шундай бўладики, димоғидан ҳуши кетиб, ўликлардек эси оғиб,

ерга йиқилади. Лекин уни бу ерга олиб келишимнинг чорасини билмайман. Шу ожизлигим туфайли бу вазифани бажаришга боролмайман.

Хисрав унга:

— Сен уни беҳуш қилсанг, мен бир гана жойга юзта совут кийган аскарни қўяман. Улар унинг беҳушлигидан хабар топишлари билан ҳолиб бориб, уни кўнгилдагидек қилиб бу ерга олиб келишади,— деди.

Золим шоҳ шундай ваъда қилди. Йўлдан тойган маккор ер ўпиб, югуриб кетди. У ўзини киши кўзига ғамгин кўрсатиб, жинни бўлмаса ҳам худди мажнун-телба бўлиб бора бошлади. Водийдан бир гул узиб, гул барглари орасига беҳуш қиладиган дори сепди ва жадаллик билан Фарҳод томонга девоналарча қадам отишда давом этди. У шундай ошиқона оҳлар тортар эдики, гўё оҳидан аланга чиққандай бўларди. Бу дардли товуш Фарҳоднинг қулоғига эшитилгач, унинг сабру қарори йўқолиб, ҳушидан айрилди. Девона янги ой кўргандай, маккорга қаради, қаддини ёйдай эгилган кўрди. Унинг изтироблари бунинг руҳига таъсир қилиб, хароб жонидан чиққан ўт кўнглини ўртади. Унга деди:

— Эй, дардининг ўти шуълалар сочган! Сенинг нафасинг ўтим алангасини кучайтириб юборди. Аҳволинг қалай? Қаердан келяпсан? Қайси ойюзлининг ишқида бундай телба бўлдинг? Менга бераҳм ишқ ўз тигини урган эди. Сенинг кўксинг нимадан бу хилда чок? Менга-ку, бундай зулм тақдирдан бўлган эди. Сенинг бунча фарёду фиғонларинг нимадан? Менга бахт ўз ўрнига айрилиқ ўтини насиб этган эди. Сени ҳижроннинг бунчалик куйдириши нимадан? Менинг жисмимни ишқ ўти нобуд қилган эди. Сенинг оҳингдан нега бундай тутунлар кўтариляпти?

У ҳийлагар ўз моли учун бундай бозорни топгандан кейин, ўзини бундан ҳам кўпроқ ранжу озор чеккан қилиб кўрсата бошлади:

— Эй ишқ элининг подшоҳи! Бу тўдалар сенинг оёғининг тупроғига ҳам арзимади. Мен шўрлик фалон иқлимдан бўламан. Ҳар қандай умиддан ҳам, қўрқувдан ҳам бир йўла этак силкиб қутулганман. Аввало тангрининг истаги, қола берса, айланувчи фалакнинг тақозоси мени шу азоб-уқубатлар билан бу ўлкага овора қилиб бошлаб келди, бир одамнинг севгисида бечора қилиб қўйди. У дилрабо гўзални мен баъзан йироқдан, баъзан пинҳона кўриб турардим. Унинг ҳажрида қанча интизор бўлиб, ғам тортсам ҳам, уни узоқдан бир кўриш билан хурсанд эдим. Бугун халқ жазонгни бергур, бу юртдан узоқда балого йўлиққур Хисрав шаҳарни қамал

қилиб олди. У кулган гул эса қўрғоннинг ичида қолди. Шу хилда мен мажнун биёбонда балолар, қайғулар, айрилиқлар ичида юрибман. Мен мусофир-ғариб бўлганим учун ҳеч ким танимайди. Менинг на ошналарим бор, на дўстларим. Қалъага яқин боргундай бўлсам, зулм қилиб, бошимга ўқ билан тош ёғдиришяпти. Менинг бу орзуйимнинг эшиғи очилмагандан кейин, қийналиб, ўлишимга оз қолди. Дардим оғир, ҳамдардим йўқ, қайғуларда парвариш топган оҳимгина менга йўлдош. Сен, ахир, бугун севги саҳросида йўл бошловчи, хор бўлганлар ўлкасининг подшоҳисен. Бу қоя тош устида ватан қуриб, шоҳ тахт устида жойлашгандек ўлтирганингни эшитдим. Ўз аҳволимни, ҳеч ким фаҳмига ета олмайдиган турмушимни арз қилиш учун олдинга келдим. Севги қўлидан ҳар нафас фарёд чекаман. Айрилиқ қўлининг кучидан дод дейман. Ишқ оловига қанчалик хашак бўлганимни, қанчалик ғариб, ошиқ ва кимсасиз эканимни сенга айтмоқчиман!

У қора кунга қолгурнинг оҳу зорини кўриб, Фарҳод ҳам аламли оҳу дард чекди. Унга ўзи шунча макрнинг ҳожати йўқ эди. Унга бу афсунларнинг юз мингдан биттаси ҳам кифоя эди. Фарҳоднинг нафасидан кўкка шуълалар сочилди, кўз ёшларининг селлари саҳроларни тутди. Ўз «қайғу»ларини шарҳ қилаётгандай, ҳийлагар ҳали ҳам зўр бериб тақлид қилишда давом этарди. У маккор шунча ярамасликларни кўрсатдики, бу бечоранинг жисми кучсизлик қилиб, йиқилиб тушди. У ҳийлагар йиқилган гавда устига худди йиқилган шам устига парвона югургандек югуриб борди. У бечорани бунчалик кучсиз ва хомуш кўргандан сўнг, уни ҳушига келтирмоқчидай бориб, доруни, кишилар қўллайдиган навшадирни эмас, балки беҳуш қилувчи дори сепилган гулни димоғига қўйиб турди. Шу арзимаган йўл билан унинг беҳуш бўлишини истарди. Гарчи унда ҳушдан ҳеч қандай асар қолмаган бўлса ҳам, ҳийлагар ўликнинг оғзига заҳар қуяётгандай, ўз ишида давом этарди.

Фарҳод ҳушининг қўшинлари шу хилда талон-торож қилингандан кейин, у маккор ўрнидан туриб, қичқирди ва ишорат берди. Шу пайт бир тошнинг устида Шопур ухлаб қолган ва ёмон тушлар кўриб, қийналиб ётарди. У бу қичқириқдан сесканиб уйғонди, саросимада Фарҳод томон қаради. Бу малякваш йигит йиқилиб, бошида бир шайтон башара одам йиғлаб турибди. Бу найранг ўша одамдан чиққанини билди. Шу пайтнинг ўзида ҳар томондан девлар тўдаси чиқиб кела бошлади.

161 Шопур омад қўлдан кетганини тушунди. У тишларини бир-бирига маҳкам сиқиб, Фарҳод учун йиғлагани ҳолда, қоя-

дан оғир бир тошни қўпориб олди. Шопур ўзи баландроқ жойга жойлашган эди. Ҳалиги ҳийлагар эса ундан пастда бундан беҳабар эди. Шопур тош билан унинг бошига шундай туширдик, натижада аввал миясининг қатиғи чиқиб, сўнг жони чиқди. У тошнинг зарбидан бу қаттиқ бош ёрилиб кетди. Бунда «Бошни тош ушатади» деган мақолда айтилганининг нақ ўзи бўлди. У хаста бир одамга офат етказган эди, ўша офат билан ўзи ҳам жазоланди.

Жафогарлар тўдаси ёмон ўй-хаёллар билан Фарҳоднинг бошига етиб бордилар. Биринчи Хисравнинг олдида уни судраб бораётган, деса, иккинчиси бошини узиб, бўлак-бўлак қилиб олиб бораётган, дерди. Бироқ улар Фарҳоднинг ёқимли жамолини кўриб, зулм қилиш одатларидан воз кечдилар. Уни юз иззату икром билан кўтариб, Хисрав томон йўл олдилар.

Фарҳод шўрлик ўликдек ўзида йўқ эди. Шопур эса ўзини ўлдиришга яқинлашган эди. У тоғлар орасида йиғлаб юрар, овозидан тоғ ҳам йиғлаб, аза тутаётгандек эди.

Фалак Фарҳодга шундай ўчақишди. Қўрғон ичидагилар орасига қиёмат тушди. Лекин бу ҳодисани гул андомли Ширин беҳосдан билиб қолмасин, деб ноилоҳ яширар эдилар. Агар Ширин билиб қолгудай бўлса, жонидан кечиб, ўзини ўзи ўлдириши шубҳасиз эди.

Улар эса машаққат тоғида беҳонумон қолган Фарҳод шўрликни асир олиб, Хисрав қароргоҳига, Хисрав ҳузурига чопар эдилар. Улар мукофот олиш учун худди тоғни талқон қилиб келаётгандай қалқонларини қўлларидан ушлаб олган эдилар.

Эй соқий, менга бир пиёла шароб бер. Мен бенавоман, ҳижронда хумор бўлганларга мубталоман. Мени ўз ҳолимни англашдан йироқ қил. Қанча беҳуш бўлсам, яна беҳушроқ қил!



*Фарҳодни у тўда Хисрав қошига келтиргани, Хисрав уни бошидан оёғигача занжирга солишни буюргани, Бузург Умид у девона димоғига ҳуш келтиргани, Хисравнинг шиша саволларини Фарҳоднинг тош жавоблари чил-чил синадиргани, Хисрав уни ўлдирмоқчи бўлгани, у ўзининг ўткир сўзлари билан ўлимдан қутулгани*

Бу беҳудлик йўлининг ҳушёр кишиси маъноларга шу хилда нақшлар бериши мумкин: Шундай қилиб, ҳалиги энчил тўда Фарҳодни хурсанд бўлиб шоҳнинг олдига олиб келдилар. Хисрав бу ишдан мамнун бўлиб, уларга шоҳона ҳадялар берди. У, Фарҳодга оғир занжирлар солиб, икки қўлини кишан билан маҳкам танғиб қўйишни буюрди. Уни худди жинниларни бойлагандек бойлаб, бутун аъзоларини кишанлаб бўғовлаб қўйдилар. Хисравнинг буйруғи билан бир ҳаким келиб, уни қучоқлаб кўтарди-да, заифлашган димоғига ҳуш келтирди.

Узида йўқ Фарҳод кўзини очиб қараса, жиннилардек боғланган ҳолда ётибди. У шундай бир аҳволдаки, ҳамма ёғи занжирда ва кишанда. Бош томонида Хисравнинг қабулхонаси, унинг атрофини эса сипоҳлар қуршаган. Қабулхонанинг тўрида катта бир тахт қурилган, тахт устида эса ёш бир шоҳ ўлтирар эди. Кайёнийлар тахти унинг остида, бошида эса подшоҳлик тожи. Фарҳод ажабланиб, подшоҳ томонга қаради, бошини қимирлатиб, қўлини силтаб кўрди. Дам ишқ расми билан рашки келди, дам вужуду кўринишини ҳайронлик босди. У ўйлаб туриб, бу жафокаш фалак унга нима ишлар

қилганини тушинди. Ҳозир йўқотмай, у хатти-ҳаракатларини қўлга олиб, қошларини чимирган ҳолда туриб ўлтирди. Одоб ва ҳаёт қондасига амал қилиб, аввал мажлисдагиларга таъзим билан бош эгди. Ундан биров бир нарсани сўрамаса, унинг гапириш одати бўлмагани учун ўзини сўзлашдан тийиб, ерга қараб турди. Ундаги бу савлатни кўриб, Хисравнинг ҳолати ўзгарди. Фарҳоднинг кўнглидаги ишқ ўти унга таъсир кўрсатди. Уни зулм билан ўлдиришни унутиб, Хисрав унга юзла-ниб, сўз бошлаб деди:

— Эй йўлдан адашган телба, қаердан келдинг?

Фарҳод жавоб берди:

— Телба қаердан келганини қандай қилиб билсин!

Хисрав яна сўради:

— Оламда сенинг ҳунаринг нима?

Фарҳод жавоб берди:

— Ҳунарим доимо ишқ йўлида телбалик!

У яна деди:

— Бу иш билан, ахир тирикчилик ўтмайди-ку?!

Бу жавоб берди:

— Ишқнинг куйдириши насиб бўлса, менга шу кифоя!

Савол-жавоб давом этди:

— Қани бўлмаса, ўтли ишқ афсоналаридан сўйлаб бер-чи!

— Киши ўзи бу ўтда куймаган бўлса, унга бу хил афсо-налар таъсир қилмайди.

— Бизга айт-чи, сен ўзинг бу ўтда қандай куйяпсан?

— Тож эгалари бундай куйишдан бебахрадирлар!

— Ишқ соҳасида сен қачондан бошлаб маст бўла бошла-динг?

— Ҳали жоним таним билан бирлашмасдан туриб!

— Кел, энди, сен бу ишқдан воз кечиб қўя қол!

— Яхшиси, сен ўзинг бундай гапни айтишдан тавба қилиб қўя қол!

— Ошиқни энг кўп қийнайдиган нарса нима?

— Балоларга дучор қилувчи ишқ туфайли юз берган ай-рилиқ кунлари!

— Ишқ аҳли нима билан тирик юради?

— Ерга етишганда, унинг қиладиган илтифоти туфайли!

— Қани, севгилингнинг сифатларидан сўзлаб бер-чи!

— Тилим рашк қилиб, унинг отини ҳам атамайди.

— Унинг муҳаббати сенинг кўнглингдан жой олганми?

— Ҳа, у кўнглимда жонимдек яширинган!

— Сен у билан қовушишни орзу қиласанми?

— Ҳатто шу нарса ҳаёлимга келса ҳам хурсанд бўлиб кетаман!



— Борди-ю, унинг асал лабидан бошқалар бахра олса, нима дейсан?

— Ундан бахра олмоқчи бўлганларнинг насибаси заҳар бўлгусидур!

— Унинг лаъли лабини эслай бериб, жонингдан ажралиб қолсанг нима бўлади?

— Жснимнинг истаги ўзи шу-ку!

— У бераҳм маъшуқанг кўксингни ёрса, нима қилардинг?

— Кел, кўнглимни ҳам ёр!— деб тутиб берардим!

— Борди-ю, унинг жафолари сенинг кўнглингни қурбон қилса-чи?

— Унинг учун қўшиб, жонимни ҳам қурбон қиламан!

— Ахир, бундай ишқдан сенга зиёндан бошқа нарса йўқку?

— Ишқ аҳлига бундан бошқа фойда керак эмас!

— Бундай ишқни тарк этган маъқулроқ эмасми?

— Бундай қилиш ошиқлардан йироқ одатдир!

— Яхшиси, бу ишқни қўй. Мен сенга олтин хазинасини берай.

— Мен кимиёни бундай тупроққа алишмаяжакман!

— Ҳижрон тағин жонингга ўз душманлигини кўрсатиб қўймасин!

— Менда ёр васлига умид бор экан, шунинг ўзи менга роҳатдир!

— Ишқда шоҳ билан баробар бўламан, деб ўйлама!

— Ишқ соҳасида шоҳу дарвеш тенгдир!

— Бу ишингдан жонингга кўп аламлар етиши турган гап!

— Ишқ билан бўлган одам жонининг ташвишини чекмайди!

— Ўзингга бутун бир юрт берай. Лекин бу ҳавасдан кеч!

— Эй бечора, сен ўзинг бундай илтимосдан кечиб қўя қол!

— Ишқ йўлида сени ўлимга буюраман!

— Мен ҳам унинг ишқида ўз мақсадимга эришган бўламан!

— Бу масалада сен ўлимга яқинлашиб қолдинг!

— Бу сўзларингни эшитиб ўлтиргандан ўлим яхшироқ!

Хисравнинг хитоблари қанча қаттиқ бўлса, Фарҳод унга шунча осонлик билан жавоб берар эди. Хисрав унда шу қадар жасоратни кўрди. Унинг сўзлари ҳам худди дур сочгандай эди. Бундан Хисрав беҳуд бўлиб, ичига ўт тушгандай, унинг ичидаги ўтхонадан эса бунинг алангаси чиқаётгандай бўлди.

«Мендек подшога бошидан оёғигача занжирдаги шундай бир тубан ва разил одам, ҳаётининг кўчатидан шохлар синиб турган пайтда ўжарлик билан жавоб берапти. Бундай фидойини ўлим жазосига тортиш керак, токи ҳар қандай тоғ ва води гадои иккинчи марта султонлар олдида хавф ва даҳшатни писанд этмай, сўзга ботирлик кўрсатмасин!» деб ўйлади у. Гаддор шоҳ ғазаб билан буюрди:

— Қалъа олдида бир дор қурилсин! Бунинг қадоғлиқ қўларини кишан билан маҳкам боғлаб, тезликда дорга осилсин! Осилгандан кейин халқ уни кўклам ёмғиридек ўққа тутсин. Одамлар кўриб, ибрат олсин учун бир неча кун у шу аҳволда осилиб турсин. Гадолар шоҳларга тенглик даввосини қилмасликлари учун барча унинг ҳолидан ибрат олсин. Бир неча кундан сўнг дўзах ўтидай қизғин ва куйдирувчи бир ўт ёқиб, уни чақмоқдай ўша ўтга ташлансин. Ўтдан кўтарилган шўллалар тўфони ичида у фарқ бўлиб кетсин. Уни шундай ўтда куйдириб бўлгач, куллари кўкка соврилсин. Дунёдан борлиғи йўқолиб, ер юзида ундан асар ҳам қолмасин!

Фарҳод бу сўзлардан қувониб, кулди ва деди:

— Эй ғазабнок шоҳ! Сен бу билан душманимдан қасос оляпман, истагимга етдим, деб ўйлама. Сен нима ҳукм қилган бўлсанг, бу менинг тилаган тилагим эди. Ишқдан нима етса, мен уни яхшилик учун келди, деб биламан. Менинг истагим унинг ишқида ўлиш эди. Бу тилагимни бугун менга тангри бераётир. Сен ҳар қанча ғазабланганинг билан, менга бу ишлар юз ўйин-кулги билан баравардир. Биласанки, бу айрилиқ ҳар нафас бир ўлим деган гап эди. Улишгина эмас, бўғин-бўғинларимни бир-биридан ажратарди. Сен мени йўқлик йўлига йўллаш билан ҳалиги ўлимлардан қутқармоқдасан. Бунинг устига, ҳаёт азоб бўлган жонимга суякларим дор ёғочи эди. У йўқлик доридан баланд ҳиммат ета қолса, жоним бу қийинчиликлар доридан қутулади. Мени ўққа тутишларини ҳам буюрдинг. Айрилиқ сенга ҳеч ўқ ёғдирмаган кўринади. Менга эса айрилиқда юз хил балолар юз бериб, шунинг ўзи мени ҳамиша балолар ўқиға гирифтор этади. Сенинг бу ўққа тутишларинг менга етишса, мени ҳалиги балолар ўқидан қутқарган бўлади. Бунинг устига сен мени куйдиришни, кул қилиб кўкка совиришни буюрдинг. Афтидан сен айрилиқ ўтида ҳали куймаган, бу ўт ичида ҳали кул бўлмаган кўринасан. Мени тақдир ўзи фироқ ўтига ташлаган. Бу ўтнинг ҳар бир учқуни дўзахдан баттарроқдир. Сен, ахир, мени шундай дўзахлардан қутултириб, севинч боғига йўллаяпсан. Халил\*

\* Х а л и л — Иброҳим пайғамбарнинг лақаби.

сингари ўтимдан гуллар очилтириб, сўнг кулимни совуришларини буюрдинг. Бу ҳам шунинг учун яхшики, тупроқларга беланиб ётган бу жисмнинг таркиб занжирида, оёғи боғлиқ қолгунча, кул бўлиб йўқолиб кетиши, у кулни ёр ишқининг ҳавоси совуриши, бу кул мушк ҳидли булутлардай юқори кўтарилиб, севгилининг бошига соя солиши, баъзан айрилиқ ёшларини ёмғирдай ёғдириб, баъзан айрилиқ оҳларини чақмоқдай торттириши, у ёгин келиб, ёр ўтган кўчалар тупроғини босиши, чақин ҳам ёр ўлкасидаги тоғларни ёритиши, албатта ёқимлироқдир. Бироқ жабр қилишни ўзига касб қилиб олган шоҳ менинг учун қанча жазо бўлса қўлламоқчи. Бу жазолардан энг ажиби шуки, мендай бир нотавон, жони азобларда қолган, ғариб бир ошиқни, ичида ишқ ўтидан минг безовталик, бошида чарх зулмидан юз минг қалтак синиб турган бечорани айланувчи фалак ўзи жафо қилиб, шундай бир ишққа гирифтор қилиб қўйипти. Севги сўзини одамлардан эшитиб билган шоҳнинг эса ўзини шу бечорага рақиб деб билгани бундан ҳам ажибдир. Кўрмасдан туриб, ўзини у кимгадир ошиқ деб санайди. Бу ошиқликда ўзини у содиқ деб ҳам ўйлайди. Шу билан бирга даҳшатли қўшин тўплаб, осмонга юз минг қон тўкувчи қиличларини ҳам кўтарадилар. Севгим деганининг ўлкасини талаб, халқини қиради, баданлардан бошларни, бошлардан тожларни учиради. Шунчалик зўр ғавғо ва шунча беҳисоб қўшин билан келиб, яна ҳалиги гул-юзлининг зору ғариб ошиғини ўзига рақиб деб ҳисоблайди. Туман минг қийинчиликларга мубтало бўлган ўша шўрлик, ғарибга яна у қасд ҳам қилади. На яхши гап билан ўзига ром қилмай, на бетма-бет курашиб, бир зарба билан ўлдириб қўя қолмай, унинг отган иккита тошидан у шунчалик пасткашликка бормоқда. Юз минг қўшин билан ҳам уни қўлга ололмади. Охирида яширин макрлар кўрсатиб, юз ҳийлалар билан уни беҳуш этиб, эсига келмаган чоғида найранг ва тадбирлар қўллаб, оёқ-бошини занжирбанд қилди. Яна бирон аъзосини ҳам занжирдан бўшатмаган ҳолда думоғига ҳуш келтирди. Шундай ҳолатда ҳам раҳм кўрсатмасдан, шоҳ унга дўқлар билан сўз қотмоқда. Ўткирликда ҳар бири бир ханжардай бўлган сўзлар билан, бошдан-оёқ таънадан иборат саволлар ҳам бермоқда. Унинг саволларига жуда ўринли жавоблар берилди. Лекин унга бу чиройли, маъқул сўзлар кифоя этмаяпти. Бу ғариб бечорага у бояғидай сиёсат кўргузмоқда. Улуғ кишиларга бу қойда ва расм қанчалик ярашар экан?! Бу бечорага сиёсат эмас, бир зарба билан ўлдиришнинг ўзи етарли эди. Улимдан оғир бўлган турли дўқ-пўписаларнинг

уятимдан ўлиб қоладиганга ўхшайман. Ўзини одил деб ҳисоблаган шоҳ шунча ҳийлалар ишлатиб, шу даражада тубанлашса ҳам бўлар экан! Баракалла, адолат шунча бўлиши, шижоат ҳам бунчалик бўлиши мумкин экан! Бу ишқнинг асри бўлмасдан илгари ақл ўлкасининг тахтида жойлашган эдим. Шуур нурларидан аҳволим ёруғлиқ топиб турарди. Уша вақтда агар Хисрав менга йўлиққанда, унинг қўшини ҳозиргидан юз шунча кўп бўлиб, ҳаммаси ўч олиш ва қон тўкишга хоҳишманд бўлганда ҳам, барчасининг тириклик ипини узиб, Хисравга ўз йигитлигимни кўрсатиб қўйган бўлардим! Унинг ичидаги мағрурлик ўти сўниб, шижоаткорлик расмини ўрганиб олган бўларди. Бугун энди мен заиф, кучсиз, ғариб, уйи йўқ, жойи йўқ бир ошиқман. Хисрав мени тутишни истаб, ўша куни ўз аскарларидан анчагина кишини юборди. Тош билан уриб, дубулғасининг чўққисини синдириб, учириб юборганимни шоҳ ўзи билар. Агар бошини нишонга олган бўлганимда, албатта, бунга ҳам ҳукмим ўтарди. Бироқ мен ўша аскарларнинг қонидан ҳам, аскарлар билан бир қаторда шоҳнинг жонидан ҳам кечдим. Унинг боши мендан омон топгач, энди бунинг эвазига у менинг бошимга қасд қиляпти. Мен ўзим тирик бўлиб, тирик юрган одамга ўхшамайман. Менинг учун бу айрилиқдан ўлим афзал. Ҳа, мен ўлимни ҳижрондан ортиқ кўраман. Буни ортиқча изоҳлаб ўлтиришимга ҳожат йўқ. Лекин шамол Хитой томонга эсиб, бу воқеаларнинг хабаридан лоақал бир шингили у ерга етса, Хоқон ўз овораси ва бағри порасидан хабар топса, унинг қандай ғурбатлар ичида қолганини, ғурбатда юз минг шиддатлар ичида қолганини, уни қандай зулм билан ўлдирганларини, ўт ичига солиб куйдирганларини, унинг фарёдига ҳеч ким етмаганини, Фарҳоднинг бошига яна қандай ишлар келганини билса; унинг кўзига дарҳол олам тор бўлиб, бу қайғудан у ўзини йўқотиши турган гап. Қон оқизувчи, раҳмсиз қиличини суғуриб, у ўз қўшинлари билан жаҳон юзини қорайтириб юборажак. Хоқон ўз ўғлининг ўчини олиш учун бу ўлкаларга қадам қўяжак. У ўзининг бераҳм қиличини ғарбда яланғочлайдиган бўлса, одам боласининг тирик қолиши қийин. У Мадойин шаҳрини одамдан тозалаб, тупроғини Чин ўлкасига ташита олади. Ундан ер юзида асар ҳам қолдирмай, ўрнини қирғоқсиз денгиздан сув келтириб, тўлатиши мумкин. Унда равоқлар, тоқлар кўздан йўқолиб, миноралар ўрнида гирдоблар кўриниши мумкин. Одам болаларининг ҳисоби тугалиб, кишилар ўрнида сув одамлари пайдо бўлади. Мен бегуноҳ ўлиб кетаман. Бу вайронгарчиликнинг жиноятчиси Хисрав эса гуноҳкор бўлиб қолади. Тақдир менга юз минг зулм қилганда ҳам бу сўз-

ларнинг биронтасини сўзламаган бўлардим. Бироқ Парвезнинг водонлиги орқасида дунёнинг бузгунликка юз қўяётганини кўриб-билиб туриб, чидай олмаганимдан гапларим узайиб кетди. Халойиқ мени қўрққанидан сўзлаяпти, демасин. Ҳар не бўлса ҳам сўзимни қисқартаман. Дунёдан эса дўст ёди билан кетаман!

Шу гапларни гапириб бўлиб, Фарҳод қўрғонга қаради, ерни ўпди. Унинг бундай ишидан халқнинг жонига ўт ёқилди. — Энди нима қилсангиз қила беринг. Осасизми, чопасизми, ўзингиз биласиз! — деди у.

У сўзини тугатгач, зўрлик билан уни Хисрав олдидан судраб чиқа бошладилар. Уни дор қурилган, ўтин ва ўт тайёрланган ерга олиб келдилар. «Шундай бир бегуноҳ ўлиб кетаверадимиз?!» деб, бугун халқ орасида гулгула кўтарилди.

Қўрғон ичига ҳам ҳийлагар фалак Фарҳоднинг бошига шундай найранглари солаётгани маълум бўлди. Париюзли Ширин билан Бонудан пинҳона, халқ уни эслаб ичидан куяр эди. Унинг дор остида хароб бўлган жисмини, бўйнига боғланган арқонни кўриб, қалъа ичидагилар ёмон аҳволга тушган, жони бор одам ўлимга яқинлашган эди.

Қўрғондан ташқарида Хисрав бошлиқ унинг барча хос кишилари, хосларнинг ўзигина эмас, ҳамма Фарҳоднинг билимдонлигидан, мардлик билан бепарволигидан ҳайратда эдилар. Халойиқ унинг ҳеч кими йўқлигига, унинг бундай жазога лойиқ эмаслигига йиғлашар эди.

Хисрав ҳам ўзининг бу ишидан афсус еса ҳам, уни тарк этишга иззат-нафси қўймас эди. Бузург Уммид бу ишга аралашини лозим топиб, Хисравни бир хилватга чақирди ва арз қилди:

— Уни ўлдиришга сабаб йўқ. Бу телбани яхшиси зиндон қилиш керак. Чунки гуноҳлари озроқ кўринади. Бепарволик билан жавоб бериши ҳам бунга гувоҳ. Унинг табиатида гарчи девоналик, ақл кўрсатган йўлдан четга чиқиш ҳоллари кўришиб турган бўлса ҳам, лекин сўзларида ҳақиқат ҳам борга ўхшайди. Подшоҳим, бу ишда бир оз фикр қилиб кўрсалар. Баланд тоғдан бир жой топиб, уни қамашга ҳиммат кўрсатсак, яхшироқ бўлармикан? Икки-уч ойча қамоқда, икки-уч юз қўриқчилар назоратида ётса. Агар унинг сўзлари рост бўлса, у шўрликнинг тирик қолиб, юриши бизга ташвиш эмас-ку?! Сўзлари ёлғон бўлиб чиқса, у вақтда хоҳлаган ҳукмни қила оламиз.

Донишманд вазир шундай ҳикматли сўзларни айтгач, Парвез ҳам унинг раъйига кўнди. Уша яқинда бир баланд тоғ бор эди. Чўққиси ой юзига доғ қўяр даражада юксак эди.

У тоғда осмон каби мустаҳкам қалъа бор бўлиб, бу қалъа жинойатчиларни қамаш учун қурилган эди. Бу қўрғонни Салосил деб ном чиқарган дев ясаган деган гаплар юрарди. Шунинг учун халқ орасида «Салосил қўрғони» деб шуҳрат топган эди. Бу ерлар унинг номи билан обод эди. Фарҳодни ўша қалъага жўнатдилар. У ўз севгилисидек қалъа ичида қамалиб қолди. Унинг атрофига, худди бут атрофини бутпарастлар ўрагандай, беш юзта ҳушёр кузатувчилар қўйилди. Эй соқий, кел, мен телбани маст қил. Оёғимни эса сочинг занжири билан боғла! Агар мен бу бўғов ичига боғланиб қолсам, вужудим бўғовидан озод бўлган бўламан.

## XLII



*Фарҳодни девоналардай кишанларга  
боғлаб, Салосил дев қўрғонига банд қил-  
ганлари*

Ақл-ҳуши маҳкам ҳақим бу даштни кезар экан, сўз мажнунининг бўйнидаги кишанларни мана бундай олиб ташлади:

Ўша вақтда Фарҳод тоғ ичидаги қўрғонга борганда кузатувчилар ҳам у билан бирга боришди. Бу қамоқ эди. Кузатувчилар уни, йўлига қум ва қиррали олмос тошларини ташлаб, эҳтиёт билан сақлай бошладилар. Хисрав, агар кузатувчилар гофил қолиб, Фарҳодни қочириб юборгудай бўлсалар, бошлари кетиши, қўрғондан пастга ташлаб юборишлари ҳақида ҳукм чиқарган эди. Улар ҳам бу қўрқувдан кеча-кундуз уни назорат қилиб, хабардор бўлиб турардилар.

Бироқ улар Фарҳоднинг оҳу фарёди, вақтни покизалик ва дуоғўйлик билан ўтказиши туфайли Лайли ва Мажнун бир-бирларини севиб, ўзаро боғланиб қолгандай унга мафтун бўлиб қолган эдилар.

Маълумки, Сукрот ҳақим Фарҳодга унинг ҳолига яраша махфий илмларни ҳам ўргатган эди. Шу илмлар ичида бир улуг исм бўлиб, унинг хосияти Фарҳодни ҳар ерда азиз тутади. Олдида юз минг тўсиқ турсин, у қайси томонга боришни истамасин, ёки йўлида юзга берк эшик пайдо бўлса ҳам, мазкур исм тилга олинса, тўсиқлар енгилар, қўл тегиши билан ҳалиги эшиклар очилиб кетиши мумкин эди. Бу исм Фарҳодни ҳар қандай ғам-ташвишдан фориг этиб, кўнгли қаёққа боришни истаса, ўша томонга кета берса бўларди. Ўша исмнинг айтганларига бўйсунса, тоат қилишга ҳам ҳеч қачон ожиз қолмас эди.

Ўша исми ўқиб Фарҳод ярим кечаларда ўзидаги ҳамма занжирларни ва олдидаги ҳамма тўсиқларни очиб ташқарига чиқар, унинг зиёратгоҳи баъзан тоғ, баъзан дашт бўлар эди. У ўз кўкси билан тоққа озор берар, йиғлар, тоғ ҳам унинг аҳволига зор-зор йиғлар эди. Тоғ ичида у юз фиғону фарёд тортиб, ўз жонига зулмнинг минг-минг тигини уради, яна қоронғи кетмасдан, одамлар уйқудан бедор бўлмасдан ўз қамоқ жойига қайтиб, кузатувчилар билиб қолмасин учун, ҳали ечилган занжирларни ўзига қайтадан солар эди. «Чунки бу иш одамлар орасида овоза бўлиб қолса, Хисрав бу посбонларни дарҳол қаҳр остига олиши мумкин. Суриштириб, бу ишнинг тагига етмаган ҳолда у бу одамлар ҳолини мушкул қилиши турган гап!» деб ўйларди у.

Бироқ посбонлар бу сирни аллақачон англаган, Фарҳоднинг истаги йўлида жонларини беришга тайёр эдилар. Бу кўкларга парвоз қилишга қодир бўлган ҳумо қушининг қаерни истаса ўша ерга бора олишини, лекин у ушбу кузатувчиларнинг ғамини еб, ўзини занжирда тутиб юргатини улар яхши билардилар. Посбонлар тўпланишиб, Фарҳодга:

— Эй, оламда нодир йигит! Юзингда валилик нури кўриб турибди. Сенинг нима учун ўзингни кишанга солиб, занжирлар бўғовида ўзингни хурсандликка олиб юришинг сабабини билдик. Бизга ўхшаган одамларнинг бебахт жони сенинг бир тор мўйингга фидо бўлсин! Кўнглинг қаёққа боришни истаса, ўша ёққа кетавер! Бу — бир тўда биз шўрликларни худога топшириб қўя қол! Хисравдан ҳар қанча азоб етса ҳам, биз кўра қолайлик! Нима бўлсак биз бўлайлик! Лекин сен саломат бўл! — дедилар.

Фарҳод уларга қараб деди:

— Эй, фалақдан мен сингари озор чекиб, жони қийналган бечоралар! Вафодор одамларнинг қўлидан қачон бундай иш келган эди?! Айниқса, ишққа мубтало бўлган мендай бир

заиф қўлидан! Мен ўз истагим ҳавосига берилиб, шунча бечораларни қандай қилиб балога қўя оламан!

Назоратчилар ошиқи шайдо Фарҳоднинг озод юришини истасалар, Фарҳод уларнинг тинч, фароғатда бўлишини истар эди. Теварак-атрофда аҳвол шундай бўлиб, ҳамма ишлар Фарҳоднинг кўнглига қараб қилинарди. Назоратчи посбонлар уни деярли озод қилиб қўйган эдилар. Бироқ Фарҳоднинг ётар-турар жойи ўша ерда эди.

Баъзан Фарҳод ўзининг шу қамалиб ётган қўрғонини айланар, маълум вақт қўрғондагилар олдида ором олар эди. Қўрғондаги одамлар эса унинг муборак юзи билан кўзларини ёритар, ширин сўзларидан баҳраманд бўлар эдилар. Агар Фарҳоднинг севги ўти яна алангаланса, ўзида йўқ фиғонлар тортиб, водий томон юз қўяр, тоғми, чўлми — босиб кетаверар эди.

Фарҳоднинг табиати бу телбаликлардан бир оз тинчланса, олдида унга ўрганган ваҳший ҳайвонлар тўпланарди. У ҳайвонлар хоҳ чўлники бўлсин, хоҳ тоғники, барибир, ҳаммаси Сулаймонга бўйсунгандек, унинг айтганини қила берар эди. У қаерга борса, уни Сулаймонга ўхшатиб, қушлар бошига соя солардилар. Уни бундай шон-шавкатга севги бошлаган бўлиб, газабланган арслон ҳам унинг олдида ўзини оёқ остида ҳис этарди.

У баъзан арслон устига миниб олар, бутун ваҳший ҳайвонлар эса унга отлиқ қўшинидай эргашарди. У бир нафас йўлбарс билан қоплонни севиб эркаласа, бир нафас ўз севгилисининг кўчасидаги итларни эслаб қўярди.

Гоҳо ўз аҳволини у бўриларга сўйлар, Юсуф жамолига эга бўлган гўзалини кўзидан ёшлар тўкиб ёд этарди. Тулкига эса у менинг севгилим турадиган кўчанинг итларини алдама, деб ёлборарди. Қулонлар бўйнидан қучоқлаб туриб, у ойюзлининг сочлари менинг бўйнимни боғлади, деб ўйларди. Баъзан кийикларнинг ўртасига тушиб олиб, у оҳу кўзли, мушкин бўйли ўз кийиги ҳақида хаёл суриб кетар ва йиғлагани йиғлаган эди.

Қуёнларнинг уйқуси ҳам унинг ҳушини ўғирлар, унинг уйқусига қараб ўз севгилисининг унинг аҳволини билиб билмасликка олиб ётганини кўз олдига келтирарди. Тоғ какликларининг битта-битта қадам ташлаб юришларини кўриб, раъно бўйли гўзалининг сайр этишларини кўз олдига келтирарди. Даҳшатлараро югуриб-елиб озган гавдасини ҳумой қуши олдига отиб: «Бу қоқ суякни севгилимнинг итларига элтиб бер!» дейарди. Кабутарни кўрганда унинг қанотларини ўпиб, мендан севгилимга хат олиб бор, дерди. Ногоҳ унинг олдидан қир- 172



говул чиқиб қолса, у қадди раъно маҳбубасининг айрилиғидан оқ тортарди. Қарғанинг олдида фиғон чекиб:

— Сен бу қораликни унинг сочидан олган бўлишинг керак?!— деб сўрарди.

Тўтининг қошида эса ҳушини йўқотиб:

— Сен бундай сўзлашни унинг лаъли лабидан ўргангансан!— дерди.

Қорабағир деган қушни қўйнига олиб, унга ўзининг куйган юрак-бағри ҳақида ҳикоя сўзлаб берарди. Қумрига тикилиб туриб, тинмай йиғлар, унга ўз бўйнидаги занжирлар тўғрисида гап очарди. Попишакни кўриб, шундай фиғон қилардики, натижада бошидан ўт чиқиб, бу ўт попишакнинг тожига ўхшаб кетарди. Булбулнинг олдига келиб, бирма-бир ишқ ўтида ўзининг кул бўлганини сўзларди.

Агар ҳаққуш кечалари фарёд тортиб сайраб қолса, Фарҳод ҳам ўзининг афсонасини янгидан бошларди. Юз хил овозлар билан қақнус қушига салом айтиб, айрилиқ уни қандай куйдираётганини маълум этарди. Шарқ томондан саҳар ўз нурларини намоён қилиши билан бу ҳам Хўтандан ёриган тонг каби ёқасини чок этар, Шарққа қараб, тонг қушлари сингари куйлаб, шундай дерди:

— Эй тонг, мен-ку ишқ туфайли ғамнокман. Лекин сен нима сабабдан ёқангни йиртасан? Сенинг ҳам мен каби яширин қуёшинг борга ўхшайди. Бўлмаса, сариқ юзингдан оқиб турган ёшларинг нимаси? Оғзингдан доим совуқ оқ чиқишига қараганда, сенинг ҳам ичинг меникидай ўртанган кўринади. Айрилиқ дастидан жонингдан тўйганга ўхшайсан. Шунинг учун ҳам тонг ели эсиши билан мендек оқ чекмоқдасан. Озгин танинг менинг танимдек куймаган бўлса, тун билан юлдузлардан иборат бу тутун ва учқунларинг нимадан? Сен дардлар соҳиби экансан, менинг жонимга раҳм эт, марҳамат кўрсатиб фарёдимга ет! Тонг пайтида гулшанда гуллар очилади. Гул устига сунбул сочлари тўзғиб тушади. У сарвқомат, гул бадан эса шу вақтда гўзал қизлар даврасида гул тергани гулшанга қадам қўяди. Ана шунда сен ўз муздек нафасинг орқали менинг оҳимни, шабнамларинг билан кўзимнинг ёшини унга билдир!

Дунёни ёритувчи Қуёш чиққандан сўнг эса Фарҳод унга қараб:

— Эй, нурлари қайғу базмини равшан этган Қуёш!— деб мурожаат қиларди у. Мабодо сен ҳам бир қуёшюзлининг ишқи ўтидан хафа эмасмисан? Шундай бўлмаса, нима учун бу қадар оташинсан? Ё мурод-мақсадларинг меники сингари ташлаб кетдимми? Чунки кўз ёшингдан тўлқинланиб ҳар томонга

ирмоқлар оқмоқда. Тортаётган азобларинг меникидай фалакнинг жабри туфайли эмасми? Чунки ўртаниш натижасида изтироб чекмоқдасан. Агар сен ҳам ҳижрон орқасида ўзингдан кетмаган бўлсанг, нега мен шўрликдай саргайгансан? Девоналик сенинг ўтларингга ҳам меники каби ёғ қуймаган бўлса; нима учун эрталаб ва кечқурун тоғдан жой оласан? Агар сен ҳам мен каби қайғу ичида бўлмасанг, нима учун гоҳ ўт бўлиб ёнасан, гоҳ сув ичида гарқсан? Бутун аҳволинг шуни кўрсатадики, сен менинг ҳамдардимсан, жонимнинг аниси-ю, ғам билан парвариш этувчимсан. Энди сен менинг ойюзлим уйининг тепасидан ўтсанг, иқбол бўлиб унинг деразасидан боқ! Унга меҳрибонлик удумини кўрсатиб, унинг қошида қандай куйиб-ёнаётганимдан хабар бер! Юзим рангини ўз бўёқларинг билан аён қилиб, ғамимнинг кўплигини ўз дардларинг орқали аңлат!

Тонг саҳардан кун кўтарилгунча унинг аҳволи шундай бўлиб, гоҳ тонг билан, гоҳ қуёш билан сўйлашарди. Кун ёйилгандан сўнг ел каби бирор ерда бир нафас ором олмай, у ёқдан-бу ёққа юргани юрган эди. Тонг ели шафақ гардини учириб кетгандай, нафасининг ўти унинг қизиллиги билан тортишар, оҳларининг қуюнидан дунёга безовталли тушар, ўтидан эса кўк ранг осмон шийпони нотинч эди. Унинг оёғига қадалган қиррали ўткир тошлар оёғининг у тарафидан кириб, бу тарафидан бошини чиқариб турарди. Кўксига ҳадеб урган тош бўлаклари этинигина эмас, суякларини ҳам парчаларча қилиб юборган эди.

Севгининг бепарво ханжари унинг танаси бўйлаб ёриқ устига ёриқ, тилик устига тиликлар солган. Занжирбанд этувчи чарх унинг қайғуси устига қайғу, бўғови устига бўғов, кишани устига кишанлар солган. Ғам даштида у шу хилда мажнунвор йиғлаб юраркан, овозидан кўкда қушлар, сувда балиқлар ҳам зор-зор йиғлашарди.

Мотам ханжарини у ўзига ураверганидан тоғда тешиклар, ҳатто ёриқлар пайдо бўлган эди. Танида оқ ханжаридан юзага келган яралар қайғу тўдаси яшириниши учун бир пана жой эди. Унинг охи қиличи қоялардан парчалар, парча эмас, юзлаб тош уюмларини учирарди. Водий ўртасидаги текис ерлар унинг кўз ёшлари туфайли ҳар томони ёрилиб-ёрилиб кетган эди. Нафасидан чиққан тоғ-тоғ тутунлар ва учқунлар бало булути ва қайғу чақмоғини ясарди.

Унинг тортган оҳлари тошларни ғамга солиб, фиғонлари тоғни ҳам қийнаб юборганди. Унинг кўнглидан чиққан бетиним фиғонларга тоғ ҳам чарчаб, акси садо бера олмай қолганди. У қон ютиш учун ўзига лолани пиёла этган, бироқ бу

пиёла шафақ ранг кўкдай эди. Шу пиёлада у ўша бодадан тўлатиб беришларини, бир эмас, дам-бадам беришларини сўрарди. Унинг бу шароби қайғунинг қон шароби, қон шароби эмас, балки қайғунинг лаъл ранг шароби эди.

Эй соқий, сен менга кўкни пиёла қил. У пиёлани эса гул-ранг май билан тўлат! Агар шароб бўлмаса, ўлдирадиган заҳар бўлса ҳам қуй, чунки ҳаёт ва айрилиқ жуда ҳам қийин, жуда ҳам қийин келди!

## XLIII



*Фарҳод кўрган куннинг қоралиги,  
яъни унинг ҳажр шомига мубталолиги  
ва у шомнинг ниҳоясизлиги, бундай  
қоронғу кечада унинг хасдек танининг  
куйгани; жароҳатлик бағрининг қонга  
бўялгани*

Бу ғусса базмида бода ичишга берилган одам ҳар лаҳзада мана бундай мажлис тузарди:

Ғам-андуҳ денгизининг наҳанги, бало ва дард тоғининг йўлбарси, табиатан жунун водийсининг Мажнуни, Мажнунгина эмас, бу водининг девшамоли — қуюни, маломат шаробидан денгизларчасини ича олгувчи, хору зорлик тоғининг телбалардек фиғон тортувчиси, машаққат ғорининг аждаҳо сифатлиги, малолат пиёласида бало заҳрини ичувчи, кўнгли фиरोқ ўтининг оташгоҳи, бироқ кўнглидан чиққан ҳар оҳи юз оташгоҳча бўлган, дунёни оҳининг тутуни хира қилган, истаклари тонгига ўша тутундан тун ёйилган, кўз ёшлари кўк денгизи билан туташиб, шу сел билан истагининг қасри пастга кетган, бало уни яланғоч ҳолда кўриб, унга тош отаётганда,  
**175** ўша тош мақсадининг кўзини кўр қилган, айрилиқ дардлари

шомида қайғулар тортган, бу тунда ўксинишлар заҳари билан ҳалокатга учраган, жони фалакнинг зулмидан тиг еган, бало осмони, фироқ тоғи бўлган Фарҳод шундай бепоён ҳижронга, ҳижрон эмас, дарди бедармонга йўлиқдики, кундузи шу хилда тирикчилик ўтказар, эрта саҳардан тунгача зору афғонда эди. Шом чўкиб, ёқимли тонг отгунча, кун ёйилгунча яна юз дард ва ўртанишларни бошидан кечирарди.

Ҳар куни киши минг балони тортганда ҳам, лекин бу балолар тун балосидай қаттиқ эмас. Фарҳодга бу айрилиқ кунларида фақат шом қоралиги машаққат сочидан тузоқ ёйган эди. Бу шом ҳам эмас, қайғулар ўлкасининг қоп-қоралиги бўлиб, дунёда Ҳўтандек ёруғ иқлим борлиги унинг ёдига ҳам келмас эди. Бу қораликдан кўтарилган тутун оламга қурум сочар, айрилиқда қолган шўрликлар эса шу қурумдан нафас олар эдилар. Дунёга муттасил қоронғилик ўрнашиб қолгач, кўкдан тириклик сувининг булоғи бўлган Қуёш ҳам йўқолган эди.

Ёруғлик Искандари ўзининг бу бузғун ҳолини кўриб, йўл-бошчи Ҳизрдан ҳам умидини узган эди. Кўк бу кучсиз дунёни ўтда ўртаб, унинг кули билан ҳавони қорайтирган эди. Бу қорайтирган кул ҳам эмас, қайғу оқшомининг шамъидан тушган ўлик куйинди эди. Дунё ўша қоракуяни эзиб, ўзига суртган эди.

Қоронғилик қуёш оловхонасидан чиққан тутунга ўхшайди. Бироқ бу тутун зулматни ҳам тору мор этадиган бир қурум эди. Юлдузлар айланишдан қутулган, турғун юлдузлардек ҳаракатсиз эдилар. Кўк эса худди қора балчиққа ботган эшакдай оёқ-қўлини узатиб, тек ётар эди. Бир ишнинг тағи-тагини биладиган кишилар ҳам ўзларини туғма кўрдек ҳис қилар эдилар. Бутун борлиқ қоронғиликка кириб қолган кишидай эди.

Осмондаги қушлар, сувдаги балиқлар ер ва сувнинг энг тубига қочиб беркинган эдилар. Тун лашкари дунёни чумолию чигирткадай босган эди. Муборак Қуёш ўз ҳаётидан воз кечган, даврон эса уни тупроққа кўмган эди. Замона аза тутишни баҳона қилиб, ўз юзини тимқора қилган эди. Ҳар бир юлдуз айрилиқда қолган бечораларга ўз нур чизиқлари билан қон тўкувчи ўткир ханжарларини ўқталар эди.

Тонг гўзали кўзига сурма тортган, кўзининг оқини ҳам қорайтириб юборган эди. Сўфиларнинг ҳам овози чиқмас, уларнинг овқати шу сурма бўлиб қолган эди. Бу сурмалардан кўзлар шунча қисилиб кетган эдики, дунё кўзга сурма ранг бўлиб кўринарди. Қоронғиликдан дунё кўзга кўринмас, кўринса ҳам бошқа олам бўлиб кўринарди.

Кўкда ҳаракатдан намуна кўринмас, яхшироқ ўйлаб кўрилгудай бўлса, у тескари айланаётгандай эди. Қиёмат тонгининг шоми бўлмаганидек, бу оқшомнинг тонготари йўқ эди. Кўршапалак учидан қанот ёпмас, кўк гумбазининг бирон ёригини ҳам қидириб топа олмас эди. Қоронғиликдан шундай пардалар кўринар эдики, кўршапалак ўзидаги пардаларни устидан олиб ташламоқчи бўларди.

Туман минг бойқушлар осмон сабзасорига қўниб олган, уларнинг фақат кўзлари кўринарди, холос. Ҳаммасининг гавдаси тун тутуни орасида йўқолиб кетган, очиқ кўзларигина юлдузлардай милтирар эди. Ўз чанғалида минг бойқушни ожиз қилган бундай қарға шу вақтгача ҳеч бўлмаган бўлса керак. Бу, тун эмас, қайғулар зиндони. Бу зиндонда ғам-ҳасрат конлари мавжуд.

Фарқодни айрилиқ ғами сўлдирган, бу қайғу уни ҳатто жонидан ҳам бездирган эди. Унинг шунчалик оғир аҳволи устига золим фалак ёқасини осмондаги сомон йўлидай чок ҳам этган эди. Қоронғулик унинг жонига ҳар нафас шундай қасд қилар эдики, бундай қора кун ҳеч кимнинг бошига тушган эмас эди. Унинг боши машаққат тошидан ёрилган, тўғрироғи, машаққат тошлари унинг бошида ёрилган эди. Қайғу тоғидан унинг оёғи қонаган, оёғидан эса қайғулар тоғи қонга бўялган эди.

Унинг қўли айрилиқ панжасидан, бошдан оёғи эса ғам сиқиғидан ушалган эди. Гавдасининг озгинлиги ҳақида гапирishiга йўл йўқ эди. Чунки унинг териси остидаги сўнгалар ўзи кўришиб турарди. Ичидаги маъюс жони ёниб турган шамъга ўхшар, тери билан сўнғаги эса фонусни эслатарди. Фалакнинг тошлари ва ўтлари унга ўчақишиб, вужудини тешик-тешик, балки майда-майда қилиб юборган эди. Унинг ғам тоғида вужуди жизгинаги чиқиб буралар, изтироб чекиб, ўзини ерларга урарди. Унинг буралиши, кучсиз кишининг ўлим олдида жон талашганига, уни оғзида боши янчилган илонга ўхшарди.

Ажалнинг ханжарлари унинг танасини илма-тешик қилиб юборган, у тешиклардан ажалнинг ўзи ҳам, ғавғоси ҳам бе-малол ўтиб юрарди. Ҳар нафас бошини тошга урганидан тош унинг бошини бўлак-бўлак қилиб ташлаган эди.

Ҳарорат унинг баданига шундай ўчақишган эдики, бу ҳароратнинг баландлигидан унга ўтгина таскин бера оларди. Гавдаси тупроққа тегиши билан унинг баданидаги ҳароратдан тупроқ дарҳол кулга айланарди. Замона уни шу баҳона билан доим қора тупроққа ўлтиргизар эди. Бу иситма орасида у ўз лабидаги учқундан баҳра олар, ўша учқуннинг зардобидан

оғзига заҳар томиб турарди. Замон унинг оғзини аччиқ қилиш учун шу йўл билан доим унга заҳар томизарди.

Шундай аҳволда ўша ғам-ҳасрат шони унга тоғ-тоғ ташвишларни юклаган, айрилиқ қўшини эса тўда-тўда бўлиб унинг устидан ҳар нафас селдай ўтиб турарди. Ҳар нафасда кўзига минг бало кўринар, лоақал бир соат ҳам ҳеч ўзига келолмас эди. Шу аҳволда унинг сабру тоқати тугади, фарёд билан йиғламоққа турди:

— Эй кек сақловчи зolim осмон! Ахир, сен менинг бу тупроқ гавдамдан чанг чиқариб юбординг-ку! Бировга ўчакишмоқ ва зулм қилмоқ шунчалик бўлади-да! Бировни қийнаш чегараси ҳам шунчалик-да! Энди ажал ханжарини суғуриб, менга уриб, бир уриш билан ўлдириб қўя қолсанг бўлмайдими? Мен бир ғариб, хаста, маҳзун бўлсам, бало водийсида ақлидан озган бир одам бўлсам! Тангри бировнинг дастини кучли қилган бўлса, ўша кучли қўл эгаси бошқа бир тарсаки еб, йиқилганни кўрганда, унга илтифот кўрсатиши, яхшилиқ қилиши керак эмасми? Борди-ю, яхшилиқ қилмаган тақдирда, ҳеч бўлмаса, зулм қилмаслиги керак. Сенинг улугворлигинг, меҳру шафқатинг қаёққа кетди? Исеик қуёшинг қора тупроққа яшириндими? Менинг жонимга бундай кеча қачонгача давом этади? Бундай кеча қачонгача менинг жонимни қийнайди? Сен менинг бошимга қара, қандай тунни олиб келдинг? Сен менинг бошимга тун эмас, қандай қора кунни солдинг! Қонхўр, мингта девдай қурум босган шундай бир тунда мени шу ўлдирсин деб хор қилдинг. Неча минг йиллардан буён айланиб-айланиб, энди чарчадингми? Ёхуд менинг бахтим синғари ухлаб қолдингми? Айт-чи, ҳар кунги қадам ташлашларинг, оқшом чоғи сайр этишларинг қани, ахир? Ёки отилган оҳим ўқлари оёғингга қадалиб, ярадор бўлдингми? Агар майиб бўлмаган эсанг, қадам ташла, ўлмаган бўлсанг, тонг билан нафас ол. У ойюзлининг ҳижронида менинг ҳолимга, бу қора шомдаги аҳволимга раҳм қил!

Фарҳод шу кайфиятда экан, Ой чиқди ва қуёшдай порлаб, ерни ёритди. Бечора Фарҳод ҳаракат қилиб, ўрнидан турди ва янги ойдек қаддини букиб, ерни ўпди. У яна деди:

— Эй қоронғи шомимни равшан этган, ўлар ҳолатда эса фарёдимга етиб келган! Раҳм этиб, жонимни олсанг, бу жонни ул ойюзлининг кўчаси тупроғига ташласанг нима бўлади? Йўқлик томонга кетадиганга ўхшаб қолдим. Сўнги нафасда менадан унга салом етказсанг нима бўлади?

Шундай деб у осмонга бир-бир назар солди. Ногаҳон унинг кўзига Уторид юлдузи кўриниб қолди. Унга қараб Фарҳод деди:

— Эй дўстлар аҳволини ёзгувчи, кўк варақасида доим қалам тебратгувчи! Кўз қорачуғимдан сиёҳ қилиб, менинг аҳволимни батафсил ёзиб чиқсанг бўлмайдами? У Қуёшдан нур олсанг-да, унга номимни чирмаб, олдига ташласанг нима бўлади?

Унинг кўзига Зуҳра юлдузи кўрингач, ўз тик қаддини чангдек ҳам қилиб фиғон тортиб, деди:

— Эй ер устига кўкдан севинчлар ёғдиргувчи! Овозинг жонбахшу нағманг кайф бергувчидир. Андак замон одатдаги куйларингни тўхтат. Мен уларга етдим. Йиғи бошла. Агар сен у ойюзлининг базмида нағма чалгувчи бўлсанг, менинг ўлимимга бағишлаб мотам куйини чал!

Тўртинчи осмонни у қуёшсиз, бўш кўриб, унга деди:

— Эй қуёшсиз юксак осмон! Сен ўз Қуёшингни менинг қуёшимдек яширдинг. Менга эса айрилиқ туини ҳаддан ошириб юбординг. Қуёшингни чиқариб, оламни ёрит! Менинг бу шомни ҳажримни ҳам охирига етказ.

У бешинчи осмон қаҳрамони — Миррих юлдузини кўриб, кеча бошидан ўтказган ёмон аҳволини сўйлай бошлади.

— Эй, шиори уруш, жанжал бўлган юлдуз! Қиличинг билан мени ўлдирар экансан, қиличингни қоним ранги билан қизартир-да, мени бундай ҳаётдан қутултириб, жонимга таскин бер! Танамни севгилим кўчасининг бошига, бошимни эса итлари олдига ташла!

Олтинчи осмонга боқиб, у бахт ва саодат юлдузи бўлган Муштарийга арз қила бошлади:

— Эй, шараф буржининг тахтида ўлтирган ва бахт-саодат тахту тожининг посбони! Дуо қилки, тангри истакларимга етказсин. Бу машаққатлар шомидан қушойиш топай. Бошимдан айрилиқ шомининг тутунлари кўтарилиб, ёрим билан кўришув тонгининг нури кўзимга тегсин!

Еттинчи буржга ҳам кўз югуртириб, у ерда Зуҳал юлдузини кўраркан, унга деди:

— Эй, улувворлик денгизи, чидамкорлик тоғи, шиору тутган иши юмшоқлик ва тинчлик бўлган юлдуз! Сенинг вужудинг айрилиқ тоғидай оғир тошдан. Оёгинг эса кишининг сабридек асли чўлоқдир. Сен бу дард ичида менга чидам ва тўзим бер. Ҳижрон туфайли жонимда тириклик аломати қолмади.

Унинг кўзига яна бир осмон буржи кўринди. У бу осмон бўйлаб, бурждан буржга ўтиб, кезарди. Ҳар бурждан у ўз ойюзлисини, шараф қуёшини, саодат юлдузини ахтарарди. Охири тўққизинчи кўкка қараб ундаги сокин ва турғун юлдузлар тўдасини кўздан кечирди. У юлдузларнинг ҳам ҳар

бирига ўз қайғусидан, ўз ҳолидан, фироқ ичидаги аҳволидан сирлар айтди. У ўз оҳининг тутуни билан юлдузлар юзини йўқ қилди-да, ўз оҳининг тутуни ва кўз ёшларидан янги юлдузлар яратди.

— Эй, менинг кўз ёшларим инжуларидан нишона бўлган юлдузлар!— деди у.— Сиз ҳам менинг кўз ёшим инжулари каби тўкилинг. Менинг ҳазин кўнглим юз минг парчага бўлиниб, севгилимнинг иштиёқида овора бўлиб юрибди. Уларнинг ҳар бирини мен бир парча қон эмас, балки қайғу гулининг япроқларидан нишона деб биламан. Сиз ҳар бирингиз шу парчалардан биттадан олинг, туман парчаларни шу йўл билан йиғиб олинг. Сўнг жадаллик билан севгилим томон йўл олинг. Унинг бошига сиз буларни гул ўрнида тўкинг. Мен осмондан гул япроқлари тўкинг демайман, балки унинг устига қонимни ёғин қилиб ёғдиринг. Унинг ҳижрони гуноҳим бўлмаган ҳолда менинг жонимни олди. Энди ҳеч бўлмаса менинг қоним унинг кўчасини тутсин!

У саҳаргача шу хилда ерга юмалаб, бир можарога юз можаро қўшиб юрарди. Улимдан пушаймон бўлишни ўйламай, ўз-ўзича у қиёматлар кўрсатарди. Охири у фиғон торта бериб, ўз жонига қасд қила беришдан қуввати кетди. У яна ҳушини йўқотиб, ўликдек йиқилди. Олам унинг азаси учун қорага бурканди.

Унинг мотами учун тонг ёқасини йиртди. Кўклар унга ўкиниб, юлдуз инжуларини тўкди. Уни ҳам туни ўлдирган экан, тонгнинг ўтли қуёш билан дам уришидан нима фойда? Маккор фалакнинг қоидаси аввал заҳарлаш, заҳарлаб бўлгандан кейин, заҳарга қарши дори ичиришдир.

Эй, соқий, сен менга жон дорисини, жон дорисини эмас, ҳаёт шаробини келтир! Йўқ, янглишдим. Мен айрилиқдан баҳра топган эканман, у дорини тўкиб ташлаб, пиёламга заҳар қуйиб бер!





*Фарҳоднинг банди очилганини, зиндондан четлатиб қўйилганини Хисрав билиб қолиб, назоратчиларга сиёсат қилгани, Шопурнинг Фарҳод тириклиги ҳақидаги хабарни Ширинга етказгани, Ширин кипригидан қалам ясаб хат ёзгани, уни Шопур Фарҳодга олиб келгани*

Бу варақлар бўйлаб дард қаламини юргизган киши ўзининг дарду ҳасрат номасини шундай битди:

Фарҳод ўзини билмаган ҳолда яна бало қўрғонига қайтиб келиб, ўзини ўзи занжирбанд этар экан, назоратчилар унинг сирларидан хабардор бўлдилар. Улар Фарҳоднинг номаълум сирларни кашф эта олишини ҳам фаҳмладилар. Улар бу вақтда Фарҳоднинг йўқлик буржидаги ёруғ юлдуз, вафо қутичасида сақланган равшан гавҳар эканини, валийлик машъалидан жони нур топиб, каромат нури билан кўнгли обод эканини ҳам сездилар. Кўнгли истаган вақтда занжирлар ўз-ўзидан ечилар экану, лекин у назоратчиларнинг кўнгли учунгина ўзини кишанга солар экан.

Ҳа, улар жон деб уни озод қилиб юборган бўлар эдилар. У ҳам озод бўлиб юрганига жуда хурсанд эди. Лекин Фарҳод ўша атрофдаги жойлардан узоққа кетмас, айланиб юрадиган жойи шу ерлар эди. Чунки Парвез бу ҳолатни билиб қолиб, ғазаб билан буларнинг қонини тўкмасин, деяр эди.

Бироқ унинг бу занжирлардан халос қилингани, назоратчилар билан дўстлашиб кетгани бирин-бирин Хисравга маълум бўлди. У ўз буйруғи қанчалик бузиб бажарилаётганини билди. Энг аввал сиёсат қиличини қинидан чиқариб, уларга сиёсатнинг кучини кўрсатиб қўймоқчи бўлди. Бу ишни амалга оширишга киришмоқчи бўлганда, юрагини ваҳима босди.

У ошиқи бедилнинг аҳволидан хабар олиш керак. Худо ўзи сақласин! У ошиқ эмас, у ҳақиқий қалб эгаси бўлиб чиқиши ҳам мумкин. Фарҳоднинг бутун ҳолатини кўздан ўтказиб, унинг табиатида беҳисоб ғаройботлар борлигини тушунди. Замона ошиғи бўлган Фарҳод назоратчиларнинг саломатлигини ўйлаб, йироқ ерга кетмас эмиш. «Яхшиси шуки, ўзимни билиб, билмасликка соламан, бу гапларни эшитиб эшитмасликка оламан» деди ичида Хисрав.

Фарҳоднинг ўша хил андишаларга боғлиқлигини кўриб, шу банд билан Хисрав кифояланди. Аммо бу «одил шоҳ» тадбирлар қилиб, ошиқ Фарҳодни қўлга туширганда, Шопур ўзини қўрғонга олган ва бу ишдан касалга дучор бўлиб қолган эди. Уни касал бўлиб, тўшакка ётиб қолди дейиш кам. У бамисоли гулхан ичидаги кулга тушгандай эди. Иши тинмай фиғону нола қилиш бўлиб, тош билан танини парча-парча этар эди.

Халқ эса биларди: Жафогар Парвез Фарҳодни юз хил ҳийла-найранглар қўллаб, қўлга туширди; унга зулм қилиб, дор тикиб, унга қаҳру-ғазаб кўрсатди, хаёлига яна қандайдир ҳийлалар келиб, у ошиқни майдондан олиб ташлади; шунинг устига уни қайсидир томонда оворайи саргардон қилиб, уни бутунлай йўқотиш чораларини излади, шундай ҳолатда ҳам дунёда танҳо бўлган Фарҳод қандай сўзлар билан қандай эшулалар айтди; Хисрав унга қандай саволлар билан хитоб қилган бўлса, Фарҳод қандай жавоблар берди; Парвез ханжардан ҳам ўткир сўзлар билан уни ўлдиришга ҳукм қилди; аммо Фарҳод унинг бу буйруғига парво қилмади, ҳатто мутлақо назарга ҳам илмади. Фарҳод жавоб берар экан, жавобидан унинг султонлиги, Чин элига хоқонлиги билиниб қолди, унинг таги-туғи, кимнинг фарзанди экани, бироқ бу билан унинг қиттай ҳам мақтанмаётганлиги — ҳамма-ҳаммаси халқ орасида, яхши-ёмон дейишдан мустасно, шуҳрат топган эди.

Лекин халқ Парвездан кўп зарар кўрган, Фарҳодга эса боғланиб қолган, шунинг учун ҳам табиати шеър ёзишга мойил одамлар унинг тўғрисида ашулалар чиқарган, созандалар ҳар турли куй ва амаллар боғлаган эдилар. Аҳли дардлар ошиқона оҳ тортиб, ҳалиги мақомлар билан қўшиқ айтганлари айтган эди. Фарҳоднинг ҳоли ҳаммага ашула бўлиб, куйдан унинг хасталиги, кайфиятининг ғамгинлиги билиниб турарди. Унинг қандай қилиб Хисрав қўлига тушганлиги, улар ўртасида қандай гап-сўзлар ўтганлиги, унинг ҳозирги аҳволини ҳеч ким билмаслиги, ўликми, тирикми — маълум эмаслиги — булар ҳаммаси халқнинг куй ва қўшиғини ташкил этган бўлиб, Миҳинбону ҳам буни эшитган эди.

Бу қайгудан қутулиш учун на ақли, на ҳисси ёрдам бермай ҳайрон қолиб, у кўп-кўп йиғлар эди. У шўрликка кўп гуссалар юзланган бўлса ҳам, лекин бу ишлар ойюзли Ширинга билиниб қолмаса эди, деб қийналарди. Агар Ширин унинг бу ҳақдаги сўзларини эшитиб қолгудай бўлса, ўз-ўзини ўлдириб қўйиши ажаб эмас эди.

Гулюзли Ширин ниҳоятда ғамгин, гоҳи ўзида, гоҳи ўзида йўқ эди. Ғурбатга асир Фарҳоднинг албатта, душман қўлига тушганини сезиб турарди. Лекин ипак кийим унинг озғин гавдасини яшириб тургандай, ўз аҳволини ҳам у сирлар пардасида пинҳона сақлар эди. Бу ўтлардан унинг тош юраги сув бўлиб оқар, бироқ ҳолини сўрагудай бир яқин дўсти йўқ эди. Бу айрилиқда у бировга билдирмай оҳлар тортар, оҳи тутунидан эса жаҳон қораяр эди.

Кунлардан бир куни у ғамгин, мискин шундай айрилиқдан гоят хафа бўлиб, шу ҳижрон тошидан кўнгли синиқиб, бир нафасга қасрнинг томи устига чиқди. У бирпас тоза ҳаво олиб, бу ҳаводан кўнглини очмоқчи бўлди. Шунда унинг қулоғига бир ҳазин товуш эшитилди. Бир шўрлик бечора қўшиқ айтарди. Ширинни бу қўшиқнинг куйи ўзига тортиб, вайрона кўнглига жуда таъсир қилди. Қўшиқни, куйнинг ҳар бир сўзини яхшироқ эшитиш учун у қулоқ солиб турди. Унга ҳар байт бир ғамхона бўлди. Чунки бу байтдаги сўзларнинг ҳаммаси Фарҳод ҳақидаги афсоналар эди. Қўшиқда тескари айланувчи фалак Фарҳоднинг бошига нималар келтиргани, Хисрав унинг жонига қандай қасдлар қилгани сўйланар эди.

У қўшиқчи чуқур уҳ тортиб, Фарҳоднинг қўлдан бой берилганини сўзлар, бу қиссани бир сўз қолдирмай баён қилар эди. Маҳваш бу қайғули қўшиқни тинглар экан, унинг бағрига ўткир бир ханжар санчилгандай бўлди. Жигарларни куйдирадиган даражада шундай бир оҳ тортдики, гўё бу оҳдан дунёни ёритиб турган Қуёш шамъи ўчди. Ўз юзига у ўзи шапалоқ уриб, бошига ҳам юз шунча урди. У ҳеч нарсани ўйламай, гул баргидек ўзининг саккиз тирноғи билан юзини тимдалаб, сарғайган юзига қизил гуллар оқиза бошлади. Қондан бармоқлари хина қўйгандай бўлди. Лаъли лаблари қовжираб, қаҳрабо тошининг рангига кирди.

Унинг кўзидан оққан қонли ёшлар юзидан оққан қон устига тушар, гўё қон қон билан ювилаётгандай эди. У эғнидаги гулгун ипак кийимларини тонг ели гул ёқасини чок қилгандай йиртар эди. Унинг чин шойисидан тикилган либоси ҳамма ёғига қон сочилгандай қирмизи эди. У гулгун ёқасини чок қилар экан, гул ичида икки гунча кўриниб кет-

ди. Уни ғунча эмас, балки икки учи қонга бўялган найза дейиш керак. Чунки у кўкракдан тешиб ўтган ғам ўқидан нишона бериб турарди.

Икки наргиз кўзларидан томган юз қатра доларанг ёшлар унинг совуқ охи билан қўшилиб, гулранг шабнамни эслатарди. Ҳали шабнами кетмаган гул япроқлари устига сунбул сочлари ёйилди. Гўё қуёш устига шом қоронғилиги тушгандай бўлди. У шу хилда қора сочларини ёзиб, қуёшнигина эмас, ойни ҳам яширди. У юзига бу хил мотам билан қора кийгандек бўлди. Юзида анбар ҳидли сочлари тўзғиб тураркан, бунинг устига кўз ёшлари ҳам тўкилиб, ундан тутун кўтариларди.

У шу хилда анча уринди, қийналди, изтироб чекди. Охирида бўшашиб, эси оғиб йиқилди. Унинг бошида Миҳинбону кўз ёши тўкиб йиғлар, унинг ҳам юрагида сабру қарори туганган эди.

Худди шу пайт замоннинг зарбаларидан жисми эзилган бечора Шопур етиб келиб қолди. У Бонунинг олдига бош қўйиб, ер ўпди, гапириб туриб, суюнганидан йиғлар эди.

— Эй, осмон курсисида ўлтирган, юлдузларча қўшин эгаси, муборак юзли, иффат пардасини ёпинган маликам! — деди Шопур. — Севги ўлкасининг шоҳи, бало чўққисидаги порлоқ ишқ юлдузи, шоҳ десам шоҳ, дарвиш десам дарвиш, ғариб ва хаста, жигари эзилган Фарҳод душманнинг макр тузоғига ов бўлган кунни уни боғлаш учун юзлаб кишанлар ҳозир қилинди. Тангрига шукурки, мен Фарҳодни макр ва ҳийлагарликлар билан тузоққа илинтирган одамга қарши тоғдан, девни ҳам ўлдирадиган бир тошни қўпориб олиб отдим ва уни дўзах ўлкасига йўлладим. Мен Фарҳоднинг дийдоридан айрилгандан сўнг, бурчак-бурчакларда хаста ва зор бўлиб ётдим. Чунки на унинг олдига боришдан фойда бор эди, на сизнинг хизматингизга келишга юзим чидар эди. Тунов кунигача бузуқ ва хароб бир қўрғонда ғам-аламда хафа бўлиб ётардим. Уша қўрғонда туравериб, юрагим жуда сиқилиб кетди. Урнимдан туриб, ташқарига чиқмоқчи бўлдим. Қўрғоннинг девори томон қадам ташлаб, ўзимни қалъанинг ташқарисига олдим. Душман тўдасининг ичида эртаю кеч кезиб юриб, Фарҳоддан бирор хабар топа олармиканман, дердим. Ҳатто бир кечаси Парвезнинг аскарлари турган ерга кирдим ва қаерда одамлар тўпланиб турган бўлса, ўша ерга бориб турдим. Айшу ишрат бўлиб турган жойларга ҳам кириб чиқдим. Камбағаллар турадиган жойларга ҳам. Нима ҳақида гап борса, секин қулоқ солардим. Тақдирнинг бизга бўлган душманлиги бирдан кесилиб тасодифан ажойиб бир ҳодисага

дуч келдим. Худди шу бугун замоннинг ёлғизи, ғарибу, хаставу беҳонумон Фарҳод ҳақида халқ янги гапларни гапирмоқда, одамлар орасида унинг тўғрисида ғоят қизиқ овозалар юришти.

Шопур Миҳинбонуга эшитган гапларини тўғрайдек сайраб сўзлаб бера бошлади:

— Фарҳод ҳозир ҳам соғ-саломат экан. Яшайдиган жойи гоҳ чўл, гоҳ тоғ экан. Унга душманлар томонидан ҳеч қандай хавфу хатар йўқ экан. Душманлар эса уни кўз қорасидай сақлар эканлар. Унинг аҳволида волийликнинг нурларини кўриб, Хисрав уни ўлдиришдан қўрқар экан. Лекин Хисрав: «Бу тенги йўқ Фарҳод ўша жойдан узоқроққа кетиб қолса, уни назорат қиладиганларни нақ ўлдираман, ўлдирамангина эмас, ҳаммасини куйдириб ташлайман!» деб тайинлаб қўйибди. Хисравдан бировга озор етмасин, деб, ана шундан хавфсираб, бировнинг озор чекишига сабабчи бўлиб қолмай, бировнинг жафога учраб, ўлишига боис бўлиб қолмай, деган андиша билан у бедил ошиқ истар-истамас ўша тоғ атрофида юраркан, узоқроқ жойга кета олмас экан. Мен унинг бу аҳволини эшитишим биланоқ унинг олдига бормай, сизнинг олдингизга келдим. Одамларнинг рости ёлғон гапларидан ҳамда кўп нарсани ўзи ичидан тўқиб гапиришидан билардимки, Бону хафа ва унинг қайғуси Фарҳод тоғидан ҳам улуг. Айниқса, гўзаллар шоҳининг хафачилиги тоғ-тоғ бўлса керак деб ҳисоблардим. Шунинг учун энг аввал сизларга хабар етказай, олдин сувли гул япроғига кулги бағишлай, дедим. Шу билан бирга сиз томондан унга айтиладиган сўз бўлса, кўрай, сўнг бориб, унинг юзи билан кўзимни равшан қилай, дедим. Кутиб турайми? Бирор сўз айтасизми? Ёки унинг олдига тезроқ жўнаб кета берайми?

Миҳинбону Шопурга шундай чиройли гап қайтарди:

— Эй, сўзлари ширин, очиқ юзли йигит! Сенинг оғзингдан чиққан сўзлар жароҳатли кўнглимизга малҳамдай бўлди. Биз сендан айрилиб, қаттиқ хафа эдик. Фарҳоднинг айрилигидан бирпас гапирмай тур. Сен ўзингнинг ҳажрингдан бизни озод қилиш билан унинг айрилиги ғамидан ҳам хурсанд эдинг. Шу равишда бизга икки пиёлада май тутиб туриб, яна шу қўш пиёлада заҳар ҳам ичирмоқчисан. Агар унинг олдига борадиган бўлсанг, бизнинг унга айтадиган гапларимиз, сўзларимиз, хабарларимиз беҳад кўп!

Шунда у суманбар Шириннинг ҳам одамлардан қандай сўзларни эшитиб, ҳозиргина ўзидан кетиб йиқилганини унга айтиб берди.

— Танрига ҳамдлар бўлсинки, сени кўрдик. Бу билан биз 185 уни ҳам кўргандай бўлдик!— деди Миҳинбону.

Бу гаплардан сўнг рамгин Шопур ҳам, дилхаста Миҳинбону ҳам кўп-кўп йиғлашди. Икковлари ҳам фалакнинг зулми орқасида меҳнат-машаққатларни хафа бўлишиб эслашди. Шопур дилхаста Фарҳоднинг аҳволидан, Бону эса ойюзелининг тортаётган азобларидан гапириб бердилар.

Уларнинг ўрталарида шундай гаплар бўлиб ўтаётган вақтда бечора Ширин ҳушсиз ётарди. Шу вақт унинг димоғига дам-бадам ҳидли кўкатлардан тутиб, тездан уни ўзига келтиришди. У кўзини очиши билан ҳазин Шопурни кўрди ва ўзининг яғонаси — Фарҳодни ҳам эслади. У ўзида йўқ, шундай бир кучли оҳ тортдики, фиғонидан ўт алангаланиб кетди ва деди:

— Эй Шопур, қаердан келдинг? Нега ёлғизсан? Фарҳодни нима қилдинг? Уша кун-ку, мен сенга меҳрибонлигимни намойиш қилиб, уни сенга топширган эдим. Дўстлик, ўртоқлик шундай бўладими? Бировнинг омонатини сақлаш шу хилда бўладими? Сен менга йўқотганимдан бир нишон кўрсат! Агар мени айрилиқдан ўлмасин десанг, тезроқ гапир! Секин гапириб, мени куйдириб қўйсанг, бирдан жоним чиқиб кетса, билиб қўйки, қоним сенинг бўйнингда қолади!

Миҳинбону Ширинга деди:

— Эй, жонимнинг пайванди! Лабингнинг қизиллиги бағримнинг парчасидай бир нарса-ку! Агар сенинг безовталигинг озгина босилса, бечора Шопур сенга бир қанча гапларни айтмоқчи. Бу сўзларнинг ҳар биридан юз роҳат топиб, истагинг ушалиб, ҳам эски, ҳам янги жароҳатларинг битади.

Бу сўзларни эшитгач, шамъдай ёруғ у гўзал куйиб, кўз ёңларини тўкиб, илтимос қилиб, шундай деди:

— Эй, мисли йўқ наққош устод! Наққош эмас, эй менинг ҳам дўстим, ҳам қариндошим! Нима демоқчи бўлсанг, айта бер! Ўзингни уятчанликка солма.

Бечора Шопур тездан гап бошлади. Фарҳоднинг ишларидан қанча хабари бўлса, ҳаммасини бирма-бир унинг олдида сўзлаб берди. Ҳозир унинг тирик эканлигини ҳам айтди:

— Лекин фироқингда аҳволи жуда оғир. Мен унинг олдига интизорлик билан, жигарим эзилган ҳолда кетаётган эдим. Бироқ аввал сени хабардор қилай дедим. Агар ойюзелига оғир бўлмаса, ўз аҳволларини тушинтириб, икки-уч оғиз сўз ёзиб берсалар. Мен бориб, Фарҳодга уни кўрсатсам. Агар ўлган бўлса ҳам, шу йўл билан уни тирилтирсам.

Парипайкар «Жоним билан!» деди-да, дарров ўрнидан туриб, бир хилватга кириб кетди. У дард билан шундай ажойиб хат ёздики, унинг ҳар бир сатри, балки ҳар бир сўзи ёқимли

эди. Хилватдан чиқиб, у хатни Шопурга топширди. У ҳам хатни олиб, дарҳол йўлга тушди.

Шопур одамлардан эшитиб билган еригача ҳеч кимга билдирмай йўл босиб борди. Шопур Фарҳод ўз жонига жабр қилиб кечани ўтказган ва тонгга етишган бир пайтда у ерга етиб келди. Фарҳод азоб-уқубатлар орқасида ўзидан кетиб ётган вақтда донишманд Шопур унинг қошида пайдо бўлди. Илдам қадам бу элчи унинг тепасига бориши билан унинг атрофидан ёввойи ҳайвон ва қушлар қочиб кетишди. Шопур уни шундай бир аҳволда кўрдик, кўз кўрмагани яхши эди! На жисмида жон бор, на оғзида сўз. Шопур фиғон чекиб, бошини кўкрагигача қуйи тушириб, юзига кўз ёшларини ёмғирдай қуя бошлади. У Фарҳод юзига ёшлари билан гулоб сепгач, у шўрлик кўзини очиб, ўзига келди. Шопур уни, у Шопурни кўриб, икковлари наво тортиб, даҳшат билан йиғлаша кетдилар. Икковлари бир-бировларининг бўйнига қўл солиб, гоҳ у бунинг ҳолига, гоҳ бу унинг ҳолига йиғларди.

Бу йиғи-сиғи ва нотинчлик шунча чўзилиб кетдики, буларнинг аҳволига тоғ ҳам, водий ҳам қон-қон йиғлади. Ниҳоят ғамли Шопур Фарҳоднинг оёғини ўпиб, қўйнидан унга мақсад хатини чиқариб берди. Фарҳод хатни очиши билан, тани худди қаламдай озиб, бўшашиб кетди. Ҳазин ва интизор Фарҳод хатни ўқий бошлар экан, хатда ёзилган сўзларнинг мазмуни шулардан иборат эди:

## XLV



*Шириннинг Фарҳод томонига мактуб ёзгани, Фарҳод бу хатни ўқиб, Шириннинг сунбул сочидек тўлганиб, ақли озгани ва унинг номасига беҳудона жавоб ёзгани*

187 «Бу дардли нома бутун дунё бўйлаб дардли ҳангамаларни солган у (тангри)нинг маътовни билан бошланади. У вафо қилгувчиларни ўз қаҳрига нишона қилиб, уларнинг оғзига

айрилиқ жомидан оғу томизади. У ишқ ақлининг куйиб-ўр-танишларини ҳамма нарсадан юксак кўриб, ўз улуғворлиги билан эса уларга ўз жилосидан берган. У ногаҳон севги чақмоғини чақар экан, бу чақиндан сарв оғочи ҳам, хашак ҳам баб-баробар кул бўлади. Агар у муҳаббат селига зулм қилишни буюрса, у сел обод ерни обод ер, бузуқ ерни бузуқ ер демасдан барабар йиқади. Агар қайғунинг ели от қўйиб эса бошласа, машғал ҳам, безакдор шамдондаги шамъ ҳам баробар ўчади. Агар у меҳнат-машаққат ўтидан тутун чиқара бошласа, кўр ҳам, кўзи очиқ ҳам бир-биридан қолишмасдан кўзи ачишиб, ёш тўкади. Агар у қайғу тоши билан ўз қасдини олмоқчи бўлиб қолса, ёқут ҳам, сув мунчоқ ҳам бир хилда синиб ушалади. Сомонга ранжи ниҳоний бергани каби, каҳрабони ҳам сомон рангли қилиб яратган. Булбулнинг фирон тортишига у сабабчи бўлгани каби, гулнинг ёқа йиртишига ҳам у ўзи сабабкордир. Зарранинг иссиқликдан безовталиги, порлоқ қуёшнинг ҳарорати, куйдириши ҳаммаси ўшанинг ўзидан».

Шу сўзлар билан у хатни бошлаб олгач, яна давом этган эди:

«Меҳнат-машаққатларнинг рамзи бўлган бу хат куйиб ёнаётган бир шамъдан парвонага эмас, бир самандардан бир оташхонага, яъни мендай бир заиф ва хаста жондан, малолат қалъасининг посбонидан ғаму, дарду фироқи тоғ-тоғ бўлган, дард-андуҳ тоғида қалъа тузган сенгадир.

Эй, кута-кута ғариб бўлганим, менга етишмак давлатидан бенасиб бўлган шўрлигим, аҳволинг қалай? Ғам тоғини кўтара-кўтара не ҳолларга тушдинг? Бундай юк туфайли нозик танинг нима аҳволга келди? Бу хил қаттиқ ғурбатда ҳолинг нима кечяпти? Аччиқ ғуруҳатда қандай аҳволдасан? Фироқ ичида тану жисминг нечук? Жисминг ўтга тушган ипдай тўлғанаётгани йўқми? Сочимни ўйлаб, кечалар тўлганар экансан, жаҳон кўзингга тун каби қорайиб кетмаяптими?

Қошимнинг меҳробини эслаган пайғларингда, қоматинг янги ойдек букилмааяптими? Кўзимнинг хаёли ичингга қайғулар солганда, ҳар тарафдан балолар туғён қилмаяптими? Киприкларим ғамида уҳ тортганинда ҳар тола мўйинг бир тиканга айланмаяптими? Кўз қорачигимнинг хаёлини сурган чоғларингда ўз хаёлингни янги доғлар ўртамайдими? Ёноқларимнинг гул япроқларини эслаб ўксинганинда, гулгун кўз ёшларинг юзингни гул-гул қилиб юбормаяптими? Қора холимнинг ғами кўнглингдан яралар очганда, ўша яралар устига чивинлар қўниб, сени безовта қилмаяптими?



Кўзларинг юзим ҳажрида ёш тўкиб турганда, қуёш юзига қарагинг келадими? Кўзинг лаъли лабларим ғамидан қон ёш оқизар экан, шу қонлар билан ҳар бир тош лаълга айланмайтими? Тилинг менинг тўғримдаги гапларни гапирар экан, ўзинг билан ўзинг гаплашиб қолмаяпсанми? Агар тишларимнинг ёдида кўнглинг нола чекса, кўз ёшларингнинг томчиларини совуқ оҳинг дўлга айлантириб юбормаяптими?

Киши билмас оғзимни ўйлар экансан, йўқлик йўлида ўзингни йўқотиб қўймаяпсанми? Хазин кўнглингга занаҳдоним билан жингалак сочларим чоҳ билан занжирга тенг эмасми? Қулоғимдаги дурли исирғаларни ўйлаганингда кўз ёшларинг юлдузлардай бўлиб, кўзларинг инжуларга тўлмаяптими? Қадду қоматим ҳижрони сени душманлик билан қийнаганда, оҳингнинг дуди сарв дарахтидай юқорига кўтариларми? Менинг юришларимни кўз олдинга келтирган чоғингда жонинг ҳалқумингга келдими? Белимни ўйлаб, кўнглинг қийналиб қолса, у йиғлаб қилдай, нолалар чекиб найдек бўлиб қолдими? Агар танимнинг кумушдайлиги сени ғамга солса, юзунг бу қайғулардан олтиндай сарғаярмиш. Сенинг юриштириш жойинг тоғ ёки саҳромикин? Ёнбошингдаги кўрпа-ёстинг қаттиқ тошларданми? Айшинг ҳумоси йўқликларга учиб кетиб, энди бойқушлар бошингга соя солишаётгани йўқми?

Юрар бўлсанг, йўл бошловчинг кийиклар бўлиб, қулон сенга ел қувар отларнинг ўрнини босар эмиш. Шараф билан Сулаймонликка етишибсан. Мен билан қилган аҳду паймонларингни унутиб қўйма, тагин! Ваҳший ҳайвонлар сенинг олдингда хизматқору, йиртқичлар эшигинг тагида мулозим эмиш. Тўрт оёқли ҳайвонлар ҳаммаси буйруғингга бўйин эгиб, қушларнинг қаноти чодиринг эмиш.

Сен Сулаймонлик ўрнини эгаллапсан. Лекин менга сен Билқисга\* кўрсатилган ҳурматни кўрсат демайман. Агар мен сенинг Билқисдай азиз ёринг бўла олмасам ҳам, лекин канизинг бўла оламан. Бирон нарса менинг Билқис бўлишимга монёзлик қилса ахир, Сулаймонга парилар ҳам тобеъ бўлган-ку! Агар менинг Билқис бўлишга ҳаддим йўқ бўлса, пари бўлишдан мени ким қайтара олади? Нима бўлар эдики, зулмни касб қилиб олган фалак мени бир умрга сендан ажратмаса! Юрар вақтингда йўлдошинг бўлсам, дам олган чоғларингда қўлингдан ушлаб юрсам. Кундузлари сенга қуёш каби суҳбатдош бўлиб, кечалари соя янглиғ бирга ўлтирсам. Дунёнинг ўчакишидан кафтингга тикан кирадиган бўлса, мен кипригимни игна қилиб уни олиб ташласам. Қайғулардан озор

чекиб, бетоб бўлган вақтларингда доим бошинг қўйнимда бўлса. Агар ётадиган ўрнингда чўп-хашак кўрсам, қани энди сочим билан уни ҳеч кимга билдирмай супириб ташласам.

Кўнглингда агар гарддан қайғу бўладиган бўлса, кўз ёшларим билан ер юзига сувлар сепсам. Агар бошингга азоб-ўқубат шоми муттасил тушадиган бўлса, юзимни очиб, ундан қуёшни кўрсатсам. Агар узун кунлар сенинг жонингга қасд қиладиган бўлса, мен сочимни тўзғитиб, сенга анбар ҳидли тунларни еткурсам. Юзумни юзунгдан олмасдан, кўз ёшларингни энгим билан артиб юрсам. Агар сендаги жунун туморни қўмсаб қолса, қўлимни бўйнингга ташлаб юрсам.

Агар юзингни кўришга кўзгу сўрайдиган бўлсанг, юзимни юзингга тутиб, рўпарангда турсам. Утли кўнглинг қайнаб, чанқайдиган бўлсанг ўз лабимни булоқ қилиб, сенга тутсам. Ҳар дам сен билан ҳамдам бўлиб, кечаю кундуз сенга маҳрамлик қилсам. Кечалари мажлисларингнинг шамъи бўлиб, кундузлари ҳам ёринг, ҳам дўстинг бўлсам!

Нима қилайликки, бу тез айланувчи фалак сени бир томонга ташлаган, мени эса бутунлай бошқа томонга. Киши ўз кўксини юз пора қилгани билан фалакнинг зулмига қандай чора қила олади?! Кимки фалакнинг зулмларидан норози бўлса, хафа бўлса, у ўз жонига зулм устига зулм қилган бўлади.

Сен балолар кишанига қанча боғлиқ бўлма, балолар бўғовига қанча мубтало бўлма, сен тортган ғаму дардларнинг бундан ортиқ бўлиши мумкин бўлмаса ҳам, бало ва қийинчиликларингнинг чегараси бўлмаса ҳам, бироқ жаҳондаги ҳамма кишиларга маълумки, сенинг қўлингда қаттиқ тошлар мумдай эрийди. Дарду андуҳ чекишга журъатинг етарли, ҳар қандай балони тортишга сабру тоқат кўрсата оласан.

Гарчи менинг фурқатим туфайли қанча заифлашиб қолган бўлмагин, нима қилса ҳам, эр кишисан-ку! Паҳлавон ҳам сен! Агар ҳижрон оғир келиб, туғён кўтарганда ҳам, бир оҳ тортиб, кўнглингни бўшата оласан. Машаққат ўтлари жисмингга туташганда ҳам, сен унга кўз ёшларинг сели билан таскин бера оласан.

Бирон дардга учрасанг, сен ҳар томонга кета оласан, фиғон тортиб, йўл босиб, уни ўзингдан дафъ эта оласан. Кўксингга ғам-ғуссалар ўз тошини, жонингга эса меҳнат-машаққатлар ўз калтагини урса ҳам, бунга қарши сен нима қилма, сенга биров бир нарса демайди. Ошиқларнинг иши шу хилда тuzилган.

Бироқ мен — зору, заифу оёғи синиқ эса бошдан-оёқ ҳамма аъзоларим ушалган. Айрилигинг қиличидан жоним юз по-

ра. Жонимгина эмас, нотавон жисмим ҳам шу аҳволда. Ҳажр ўтида жоним ҳам куймоқда, кўнглим ҳам. Фақат куйдигина эмас, юз қатла кул ҳам бўлиб кетган. Ичимга севгининг алангаси туташган, туташгангина эмас, бошимдан ошиб ҳам кетган. Ичимда юз ўт алангалангани билан, нафасимнинг тутунини чиқаришга қайдан чора қидирай? Кўзларим лаъл тошининг қони бўлгани билан, ундан бир қатра оқизиш имкони бўлмаса нима қилай?

Хотин киши қулундай ҳар қанча бўй бермас бўлгани, сарв дарахти ва сафсар гулидай қанча тик ва озод бўлгани, гўзалликда моҳитобон, балки ундан ҳам ортиқ бўлгани билан, унинг дилраболик қилиб, вафо аҳлига вафосизларча ноз-карашма кўрсатгани яхши бўларди. Лекин у шўрликнинг бировни севиб қолиш каби ташвишдан худо сақласин! У вақтда унинг қошларига ҳижрон тугунлари тушади. Бошига ҳам ишқ чигаллиғи билан боғлиқ ишлар тушади. Оқибатда эса у на севги ўтида куйишга чидай олади, на ундан хароб жонини қутултира олади. Нотавон бир чумоли ўзи оёқ остида қолган бўлса-да, бунинг устига уни ўлдириш учун юз аждаҳо куч кўрсатиб турган бўлса, халойиқнинг оёғи остида эзилиб тамом бўлган бечоранинг юз аждаҳо чангалидаги аҳволи нима бўлади? Агар оламда беаёв бир чақмоқ чақилган бўлса, рўпарада турган хашак унга бардош бера оладими?

Бу зору бедил ошиққа яна шуниси қийинки, у шўрликнинг жонига ошиқликнинг ўзи мушкул бир иш бўлиб турган пайтда, унга бошқа томондан юз шунча афсуслар ҳам билдирилади. Яна бир томонда парда ичида ор-номус сақлаши кераклиги-чи! Ахир, туну кун яширинча юз туман тўлгангани билан, номусини сақлай билмаса, буларнинг ҳаммаси ҳеч бўлиб кетади. Севгучи кишининг номим булганмасин, уятли бўлиб қолмай, деб, бу гапга риюя қилиши жуда ҳам қийин иш экан. Унинг охи етти кўкнинг ниқобини учирса-ю, лекин у ўз юзидан уят пардасини кўтара олмаса — нақадар оғир!

Мен сенинг дардинг меникидан кам демоқчи эмасман. Сенинг ҳам, менинг ҳам дардимиз жуда кўп. Аммо юз шунча янги дарду ҳасратлар, чексиз ғам-қайғулар билан, бари бир, яна сенинг ғурбатда тортаётган азобларингни эслайман ва ҳазин жонимга юз бор зулм қиламан. Севгингга асир бўлиб, тортган оҳларимнинг садоси кўклардан ўтса ҳам, бу фиғонларни бирор марта ҳам бемалол торта олмадим. Айрилиқ кунларини ҳам бирор гал дами хушлик билан ўтказа олмадим. Душман қўшинларимни, тожимни олди, мулку кишваримни талон-тороғ этди. Менинг қўшинларим иши юришма-

ган бойқушдай, тоғ орасидаги бир гор ичида қамалиб ётибди. Бундай ўлканинг шоҳи ҳам, гадоси ҳам бошдан-оёқ душманга тутқиндир. Улардан қамалдагилар жонларидан умидларини узганлар. Қочиб қутулганлар эса доим хавф-хатарда.

Халқнинг бошига тушган бу ишларнинг ҳаммасига менинг севгим сабаб. Одамларнинг қарғишларидан эса қулоқларим битиб кетди. Халқ олдида уятга қолганим жонимга қасд қилмоқда. Михинбонудан уялишим эса тириклигимни ўчирмоқда. Лекин шунча қийинчиликлар бўлишига қарамай, юз эмас, минглаб шу хил дағдағалар бўлгани билан, ҳар замон-ҳар замонда сени кўриб турсам, тангрига қасамки, қайғум қолмасди!

Ҳозир мен фироқингдан ўлганман. Юз ўлгандан ҳам ҳолим баттар. Менинг тириклигим сенга етишмоқ тилаги билан боғлиқдир. Бу тилак эса бир умрга сен билан бирлашиш истайдиган иборатдир. Сенинг ҳажрингда агар юз йил ғусса чекканимда ҳам сенга етишмоқ тилаги бор экан, бу билан мен ҳурсандман.

Сендан илтимос шуки, бир паришон маъшуқанг нақш этган бу паришон номани ўқиб, мазмунидан ҳисоб қилсанг ва марҳамат билан менга жавобини юборсанг. Сенинг бу хатинг ҳар қайғуда жонимнинг бошпанаси, тумори бўлса, бало ва ғуссаларда омонлик хати бўлса! Сен менинг ҳолимдан огоҳ ва хабардор бўлсанг! Тездан жавобингни кутаман. Қолганини худо билади!»

Фарҳод бечора бу хатни ўқиб, ёмон аҳволда қолди. Жисми нол\* каби буралиб кетди. У баъзан ўзида йўқ фиғон тортар, бирпасдан кейин эса ўрнидан туриб, у ёқдан-бу ёққа юра бошлар эди. Гоҳ ўзига келиб, гоҳ ўзидан кетиб, телбаликнинг талай белгиларини кўрсатди. Телбалик орқасида у қанча кўп оҳу нола тортмасин, бари бир, хат ёзмай иложи йўқ эди.

Шопур хат ёзиш учун зарур бўлган асбобларни олиб келди. Бу, мушк бўйли сиёҳ билан оқ қоғозни бирлаштириши керак эди. Девона ҳам ўзини бир нафас йиғиштириб олиб, хат ёзишга ўлтирди ва дарду бало шарҳини бита кетди. Сўнг хатни Шопурга бериб, тезда жўнатди. Ўзи эса яна ўша дард ўтлари ичида қолди.

Хат элтувчи номани олиб югурди, бир амаллаб, қўрғоннинг ичига ҳам кирди. Ойюзли Шириннинг олдига етиб келгач, у ер ўпиб, хатни ерга қўйди ва ўрнидан турди. Гулюзли эса йиғлаб, бир хилватга, саройдан ўтиб, қайғу ҳужрасига кирди. У хатни очиб ўқий бошларкан, ғам достони бўлган бу хатда қуйидагилар ёзилган эди:

\* Нол — қамиш қалам ичидаги ингичка томир қилтириқ.



*Фарҳод мактубини Ширин ўқиб, из-тиробга тушгани, кўнгил қуши ўз мажнуни томон қанот қоқиб, уни кўришга кўзи учгани*

«Ғамнинг бу қораламаси у тангрининг номи билан бошла-нади. Чунки оламнинг қораси ҳам унинг қаламининг нақши-дир. У қоронғи кечани ёритиш учун ҳуснининг шамъини ёқиб, ишқ яшинининг ўтидан нур чиқарган. Севги ўтидан тутун чиқариб, дард элининг эса хонумонини қорайтирган. У бировларнинг гўзаллигини қуёшдай офатли қилиб, одамларни эса заррачалардай тўзитиб юборган. Ошиқлар шу заррачаларга ўхшаб, унинг атрофида сарсон-саргардон экани билан мамнундирлар. У бировларга ўз ўлкасидан баҳра олдирмай, ғариблик шаробини унга оғудай аччиқ қилади. Ёру диёр дардларини қаттиқ қилган, айрилиқ пиёласини ҳам аччиқ қилган унинг ўзидир. У бировларга ғарибликни макон қилиб қўяди ва жонига дунёда бор одамларни душман этади. Уни яна дўст билан севинтириб, одамларнинг унга душманлигидан парво қилишига ўрин қолдирмайди. У элни ғамгин қангамалардан халос этиб, севгилисининг хати блан суюнтиради. Қайғулар тоғини бошдан-оёқ қаттиқ тошлардан ясаган, у тоғда севги аҳлини овора қилган, муҳаббат даштини балодан қилиб, у саҳронинг ҳар бир чумолисини аждаҳога айлантирадиган ҳам унинг ўзидир».

Бир оз вақт шу хилда мақтовлар айтиб, сўнг у бахтсиз бир одам сифатида шундай деган эди:

— «Меҳнат-машаққат ўтининг дostonи бўлган бу мактубнинг қораламаси ғам-ғусса тутунидан нишонадир. Бу хат тикандан сарвқомат ёсуман гулига, янада тўғрироғи, дўзахдан жаннат боғига йўлланмоқда. Дўзах ҳам эмас, оҳ тортган кунда оҳининг ҳар бир учқунидан бир дўзах пайдо бўлган,

яъни мен бир нотавон ғарибдан, ўксик кўнгли хаста жондан туғилгандан, кўнгли ўзининг жонига бало бўлгандан, кўнгил қўйгани жонидек чиқиб кетгандан бўлиб, бу хат шундай бир жононғаким, уни жонон дейишга ҳам, жонон эмас, жоним дейишга ҳам ҳаддим йўқдир.

Бироқ мен бу гапларни гапирар эканман, телбалигим учун узр сўрайман. Чунки мен ўз девоналигим билан жаҳонга машҳурман. Менга бу одат бир паридан, паридан ҳам эмас, одамларнинг сарваридан теккан. Модомики, менинг ишларим телбалик билан боғланган экан, девоналарга ўхшаб гап гапирсам, бунинг ажабланадиган жойи йўқ. Девоналарнинг гап-сўзлари ҳамма жойда ҳам ақлли одамлар олдида беҳуда бўлиб кўринади. Мен бир пари ҳақида ҳикоя қилар эканман, хато қилсам ҳам ҳечқиси йўқ, негаки девонаман. Лекин менинг севгим Лайлига ўхшаб кетар экан, мен ҳам Мажнун сингари кўнгилни бўшатиб олай.

Эй гўзалим, маҳвашим, иффатини сақлаган, жаҳон маҳвашларига подшоҳ бўлган севгим! Сенинг сўзларинг олдида сўзлашга ҳаддим йўқ. Менга лоақал итларинг билан сирдашиш ҳам катта гап. Кўчангдаги итларнинг аҳволи қалай? Улар фароғат билан умр кечирешяптими? Қийналишаётганлари йўқми? У итлар кечалари кўчангда ҳуриб, фарёд қилганларида мендай, йўқолиб кетган итни ҳам ёд этишадими? Улар тўпланишиб, ўзаро можаро қилишганларида, ўртада мени ҳам ҳеч йўқлаб қўйишадими? Суяк ғажиб, бир-бирларига қаҳр ва душманлик кўрсатганларида, менинг қуриб-қақшаган гавдамни ҳам эслашадими? Тош билан янчилган бошларни овқат қилиб еяётганларида, менинг бошимни қандай тошлар ғажиятганини улар билишадими? Чанқаб тиллари сувга чўзилганда, менинг кўз ёшларим уларнинг кўз олдига келмайдими? Итбоқар уларнинг бўйинларига занжир тақар экан, менинг оёқ-қўлимдаги занжирлар уларнинг ёдларига тушмайдими? У итлар ўз бўйинларидаги тасмалардан завқланар эканлар, менинг бўйнимга тушган бу занжирларни унутишдими? Улар ётиб, сенинг остонанга бош қўйганларида мен нотавонга ҳам жой қолдиришадими? Бошимга қазодан етишган бу аҳволларни билиб, ҳар оқшом менинг учун улиб, аза тутишмайдими? Ўз тирноқларини қонларидан хино рангига бўяганларида, менинг кўзимдан оққан қонларни соғинишмайдими? Бўйинларига арқон боғланар экан, менинг бўйнимдаги юзлаб кишанлардан хабарлари бормикан? Ўша итларнинг ичида бир заиф ит ҳам бор эди. У ит худди менга ўхшаган бемадор, мажруҳ ва озгин эди. Унинг эгсиз танаси, суяклари, бўйинлари машаққат ипига тушган тугунларга ўхшарди.

У юзини кўрсатишга бошқа итлардан уялиб, ~~дики~~ қулоғини юзига парда этиб, ёпиб юрарди. Унинг ўз думини судраб юриш одати бўлиб, ҳадеб шу юкни кўтариб юришдан ҳориган ҳам эди. Гавдаси ўлимтик устига тўпланиган қарғалардай озгин, доим пашшаларга ем эди. Жисми эса менинг жисмидай тимдаланган, боши менинг бошимдай доим қайғу тупроғида эди. Менинг ичимда айриқич ўти қанча яраларни пайдо қилган бўлса, унинг баданида ҳам шунча қўтирнинг яралари бор эди. Менинг яраларим қонларнинг остида ниҳон бўлгандай, унинг яраларини ҳам қонлар яшириб турарди. Заифлик ўтидан менинг жоним ўртангани каби, унинг ҳам юзингни кўриш хаёли билан кўзи доим тўрт эди. «Ким вафодорроқ?» деб, иккаламиз жанжаллашар эдик. Муҳаббат шартида ҳам бир-биримизга даъвомиз бор эди. У ит менинг нотавон аҳволимни ўзиникига ўхшаш топиб, менга улфат бўлган ва остонангдан жой олган эди. Унинг аҳволига ачиниб, бойлар овқат бергандай, унинг ўзи ҳам менинг аҳволимга шундай ачинар ва раҳм қиларди. Шу хилда мен у итда одамгарчиликдан нишонлар кўриб, уни кўзимнинг қорачиғидек сақлар эдим. Менинг кўзимдан оқаётган қонларни кўриб, унинг ҳам кўзидан қонлар оқарди. У менга, мен унга ўртоқ эдик. Менга ёрдам кўрсатиш унинг ҳам доимий одати эди.

Бу хил заифликлар билан бўлиб у ит шўрликнинг аҳволи қандай экан? Эй танграм, унинг ҳоли меникидай эмасмикан? У сенинг остонангдан паноҳ топган экан, гоҳ-гоҳи мени ҳам кўзлаб кўярмикан? Унинг кўнглидан ниҳоний дардлар қаторида мен ҳам ҳеч кечаманми? У ўз устидаги яраларни ялар экан, шу вақтда менинг яраларимга малҳам йўқлигини билармикан? Унинг қадами баъзи-баъзида сенинг кўчангга босилганда, дунёда мендай бир итнинг борлигини ҳам унутмайдимми?

Аҳвол шундай экан, мен сенга қандай қилиб жонимни фидо этишим мумкин! Мен ўша итга фидо бўлсам ҳам бас. Менда сендан ҳол сўраш учун мадор йўқ. Ўша итнинг аҳволини билиб олсам ҳам катта гап.

Сен ўз хатингга талай инжулар қадаб, илтифотлар учун талай нақдиналар харж этибсан. Мен бу мактуб олдида бир сўз айтишга ожизман. Бу хатнинг ҳар бир ҳарфига жоним садақа бўлсин! Сен ўз хатингда: «Менда ҳам дарду ғам кўп!» дебсан. Бу гапингдан дард билан парвариш топган жоним ўртаниб кетди. Мендай ошиқларнинг юз туман минги ўлганда ҳам сенинг кўнглингга асло ғашлик тушмасин. Сен менга хитоб қилиб: «Сен гарчи нотавон бўлсанг ҳам, ғам чекишга келганда паҳлавонсан!» дебсан. «Агар тоғ бўлсам ҳам

сенинг тешанг олдида шарманда, арслон бўлганда ҳам панжанг олдида тубан!» дебсан яна. Мендаги у куч ва савлат қаёқда дейсан. Энди нафас олишга ҳам қувватим қолмаган. Мен шундай зору ожиз бир чумолиманки, мендай ожиз чумолини бошқа топиб бўлмайди. Менинг олдимда оддий бир кесак ҳам бало тоғидай, ҳар қандай тола ип эса аждаҳо бўлиб кўринади. Шундай вазиятда сенинг ғаминг менга куч ва ҳарорат беради. Ана шу дардни тортишдан жоним қувват топади. Сенинг ишқингдан таним ҳар қанча куч олгани билан, лекин ишқ шундай нарсаки, аждаҳони чумолига айлантириши мумкин. Шундай экан, чумолига оёқ ости бўлиб турганнинг аҳволи нима бўларди, ўйлаб кўр!

Сен ўз хатингда: «Тахтим, давлатим, ўлкам, қўшинларим — ҳаммаси шу ишқнинг орқасида душманнинг қўлига тушиб кетди, душманнинг зулмидан ҳаммаси талонга учради. Мен билан Миҳинбону қалъа ичида қолдик. Бу қалъа эса машаққатлари билан тоғ ичидаги сен турган қўрғондан қолишмайди», дебсан. Мен бунга жавоб айта олмайман. Лекин жавоб айтадиган бўлсам, тегишли жавоб айта оламан.

Сен битган сўзлар бошдан-оёқ рост. Аммо аввалдан тангрининг истаги шундай бўлган бўлса нима қилайлик? Кишининг бошига қазо нимани солмасин, унга кўнишдан бошқа яхши чора йўқ. Сенинг ўлкангга, фақат ўлкангга эмас, қўшинларинг ва хизматкорларингга ҳам нима бўлганини яхши биламан. Бироқ сенинг одамларинг ва сипоҳларинг сенга бўйин эгадилар, қуллуғингни қиладилар. Ҳатто ўзларини оёгинг остидаги тупроқ деб ҳисоблайдилар. Агар сен мени ўша аскарларингдан биттаси деб, биттаси ҳам эмас, уларнинг ичида энг тубани деб билсанг, ўртага инсофни қўйиб, бу можароларни яхшилаб ўйлаб кўр. Чиндан ҳам сен тортган жабру жафоларинг мен бошимдан кечирган балолар билан тенглаша оладими? Агар сен мени ўзинг илгаридан шу азобларга лойиқ эдинг, менинг одамларимга эса бу айланувчи фалак бекорга зулм қилмоқда, десанг ҳам нотавон жонимни уларга фидо қила бераман. Нима қилмоқчи бўлсанг ҳам менинг бу хаста жоним ҳаммасига тайёр.

Агар сен бу гапларга қаноатланмасдан бўйнимга жиноятларни юклайверадиган бўлсанг, балки мен сенинг йўлингда тупроқдан кам бўлганим билан, ўзим тупроқдан чиққан одам эмасман. Менинг ҳам ўз диёрим бор эди. Диёрим халқининг куч-қуввати ҳам етарли эди. Отам, эҳтимол, хоқон бўлган бўлса ҳам. Хоқон бўлгандан кейин неча иқлимга ҳукмдорлик қилган. Шундай экан, менинг бошимга ҳам тож тегиб, оёғим



остида фил сўягидан ясалган тахт турган бўлиши ҳам мумкин. Хитою Чин ўлкасида ўн икки минг шаҳар менинг ҳукимдан баҳра топиб, шуларга лойиқ қўшин, давлат, бу султонликка яраша дову дастгоҳ бўлган бўлса ҳам ажаб эмас.

Бироқ ҳақиқий ишқ эмас, мажозий ишқнинг қўшини мени талон-торож этгандан кейин, балолар тўдасининг ичида бечораҳолга тушиб, мулку диёримдан ҳам овора бўлиб қолдим. Менинг бу ҳолимни кўриб, аскарлар ва хизматкорлардан туман минг одам мотам тутиб, селдай кўз ёшларини оқизиб қолдилар. Ота билан онам аза очиб, неча минг шаҳар халқи эса азоб-уқубатга қолди. Бу айланувчи фалак уларнинг ҳаммасини менинг учун йўқ қилиб, менинг жисмимни тупроқ билан тенг қилди қўйди.

Яна қараки, у фалак ҳодисалар тошини отиб, дард бериб, тупроққа айланган бу жисмимдан чанг чиқармоқда. Азалдан менинг қисматим севги бўлиб, қазо манглайимга дарду азобларни ёзиб қўйган экан. Мен энди бунинг учун кимдан ўпка қилай? Таънанинг қиличини кимга урай? Ўзимни бўлмаса, кимни ёзгурай? Мендек юзта Фарҳод билан туманча Хисранинг йўқ бўлиб кетиши қазо олдида бир дона арпача гап. Қазойи осмонийдан бировга бир иш етса, уни бир кишига тўнкаш тўғри эмас.

Қаерда эдим? Телбалигим мени қаерга бошлаб келди? Шунча беҳуда гапларни девоналик билан айтиб қўйибман. Чунки мен бу хатни ёза бошлаганимда ҳушимдан кетган эдим. Телбалик билан нима ёзганимни ҳам билмайман. Мен бир девона, ўзимдан огоҳ бўлмаганим учун янглиш гапларни ёзиб қўйдим. Худо ўзи кечирсин. Бу сўзларни ёзишда қалам йўл қўйган хатоларни ҳам афв эт. Чунки телбаларнинг гуноҳи азалдан кечирилган, ёзилмайди!»

Шундай қилиб, Фарҳоднинг қалами қоғоз устида юришдан тўхтади. Гапнинг охири эса «Тамом бўлди! Хайр!» деган сўзлар билан тугалланди.

У парисурат ушбу мактубни ўқиб бўлгунча ичида юз бор ҳаяжонланди. Хат унинг танига ипдай чирмалиб, унинг бетоб жисми у ип билан бирга эшилгандай бўлди. У ҳар нафас оҳу нола тортиб, юзини ерга урар, қадди ғамлардан гоҳ эгилиб, гоҳ тиккаяр эди. Шу тарзда у оҳининг алангасини кўкдан оширди. Аланга эса унинг сабру қарорини ўртарди. Жигари куйган Фарҳоднинг тирик эканини билиб, у ҳар лаҳза кўнглидан хурсанд бўлса ҳам, бироқ унинг фуқратидан ҳар нафас нола тортар, ҳасратидан эса «Во ҳасрато!»

Ширин бу ажойиб хатни Миҳинбонуга кўрсатди. Хат бошдан охиригача ёқимли гаплар билан ёзилган эди. Миҳинбону ҳам хатни ўқиб чиқиб, кўп изтироб чекди, лекин дардига даво топа олмади. У бечоранинг аҳволини, унинг шоҳлар дарёсидан чиққан инжу эканини тамоман тушунди. Икковлари кўз ёшларидан талай дурлар сочиб, Фарҳоднинг ҳолига қайгурдилар.

Улар Шопурнинг ҳам иззат-ҳурматини жойига қўйдилар. Уни бурунгидан баландроққа ўтқазган эдилар. Улар Фарҳоднинг аҳволини сўрар, у сўзлаган сари булар йиғлашарди.

Бир умр айрилиқда қолган одам умидларидан тамоман ноумид бўлиб турганда, у бирдан ўз умидига етса қандай яхши бўларди. Эй тангри, Навоийга талабини шиор қил. У қанча ноумид бўлса, шунча умидвор эт!

Эй соқий, мени бир дам ҳам шаробдан айирма. Мени ҳам дардлардан ноумид қилиб қўйма. Мени тилакларимга етиш билан севинтириб, мен истайманки, ўзинг ҳам тилагингга ет!

## XLVII



*Фарҳод кўнгли жароҳатлари Ширин номасининг ҳаётбахш сўзларидан ўнгалмоққа юз қўйгани; Ширин бағри ҳароратлари ҳам Фарҳод хати мазмунидан таскин топгани; бу муҳаббат занжирини Шопур ҳаракатга келтираётганини Хисрав билиб қолиб, уни азоб кишанига солгани ва Фарҳодни ўлдириши учун чоралар қидиргани*

Бу махфий сўзларнинг чигалларини ёзадиган киши маъноларга қуйидагича йўл бошловчилик қилди:

Шопур танаси бўлак-бўлак бўлиб, жони қийналиб кетган икки нотаваддан бир-бирига ишқий мактуб ташиб юраркан, улардаги соғиниш ҳангамаси яна ҳам қизиди. Хисравга эса 198

хабар етди: ўртада бир элчи бор эмиш, у элчи ҳам эмас, балки ўтакетган жосус эмиш, у ойюзли Шириндан Фарҳодга, Фарҳоддан эса у ойга бор хабарларни етказиб турармиш, икковининг ўртасида севги бозори шундай қизиқдики, бунинг орқасида юз хил фитналар қўзғалиши мумкин; бир томондан девона Фарҳод чўлдан, қалъада қамалиб ётган паризод эса иккинчи томондан келиб, бир-бирлари билан қўшилишиб, юз хил ҳийла ва найранглар кўрсатишиб, бир томонга қочиб кетишлари ҳеч гап эмас, кейин Хисрав уларнинг чангини ҳам топа олмай қолади, бу иш юз бергандан сўнг уларнинг дардини тортиш фойдасиз, мабодо қийналиб-қисталиб, уларни топган тақдирда ҳам, бу ишни бир ёқлиқ қилиш учун анча овора бўлиш керак бўлади, агар бу девона Фарҳод ҳурнасаб гўзални ёнига олиб, ўзининг девсифат отини минишга улгурса унга юз минг одам тенг кела олмайди, у одамларнинг ҳар бири Рустамдай бўлса ҳам фойдасиз, Фарҳод бу тоғдаги қалъада турган вақтда, телбага ўхшаб бош-оёғи яланг, гавдаси ҳижрон туфайли зору забун, қомати ғам тошини кўтара бериб эгилган пайтда ҳам душман томонга бир тош отиб, Хисравгина эмас, унинг бутун қўшинининг кўнглини чил-чил қилиб юборган эди; шундай экан, у фалакка ўхшаш отини миниб олса, қўлига хунрез қиличини тутса, унда унинг орқасидан қувиш Хисрав учун хом хаёлгина бўлиб қолади.

Бу сўзларни эшитган Хисрав Парвезнинг кўнглига тафаккур ўти тушиб, тез ёна бошлади. У тезлик билан бечора Фарҳод турган ердан тортиб сарвқомат Ширин жойлашган ергача бўлган масофанинг ҳаммасига пистирмалар ясади ва бу пистирмаларга ашаддий ёвларни жойлаштирди. Улар ҳар бир ўтган-кетган одамни тергаб, уларнинг ишларини текшириб туришлари керак эди. Агар бу йўлларда ҳали айтилганлардан бирортаси қўлларига тушиб қолса, тезлик билан Парвезнинг олдига олиб келишлари керак эди. Парвез эса уни ўзи билганича қилади. Буйруқ шундай бўлган эди.

Тасодифан шу икки-уч куннинг ичида Шопур Фарҳоднинг олдига борадиган бўлиб қолган ва шу йўл билан унинг оёғини ўпишга баҳона топган эди. У, париюзидан яна бир хат олиб, Фарҳоднинг олдига тонг елидек келиб борарди. Хисравнинг одамлари излаб юрган кишиси бўлмиш Шопурни тутдилар. Тинтиб кўрганларида, унинг ёнидан хат чиқди. Хат билан бирга Шопурни зудлик билан Хисравнинг олдига жўнатдилар. Тақдир шундай ишларни аён қилгандан кейин, Хисрав, албатта, жуда севиниб кетди. Ҳалиги қўйган одамларига шундай мушкул ишни осонлик билан ҳал этганлари учун ҳадялар берди. У ўз бошини қаламдай қуйи солиб, ҳалиги

ажойиб хатни очиб ўқиди. Хатнинг анбар ҳидли ёзувлари Парвезнинг бошидан қалам учигаги қорадай тутун чиқариб юборди.

Бу хатнинг қораламаси меҳнат шамъининг куйиндисидан, бало бозоридаги қора мушк майдасидан эди. Бу хат ҳам аҳлининг қора мотамидан, йўқ хато қилдим, улкан қоронғиликнинг ўзи эди. Бошдан оёғигача дард ва ғамдан нишон берган бу мактуб бир бутун ҳолида меҳру муҳаббат дostonидан иборат эди. Унда айрилиқ ҳазонининг кетишидан хушхабарлар берилган васл баҳори яқинлашиб қолганига умидлар билдирилган эди. Хатнинг сиёҳи севгининг дилрабо мушкидан бўлиб, ҳар бир ҳарфидан муҳаббат иси анқиб турарди. Гаплар муттасил самимият билан ёзилган бўлиб, ҳар бир сўздан юзлаб яхшилиқ нишонлари кўзга ташланарди. Ҳар сўз вафо тўғрисида борар, ҳар бир сўздан уларнинг бир-бирларига фидо бўлмоқчи эканликлари маълум эди.

Хатда бундан илгари мактублар ҳақида ҳам талай сўзлар айтилган бўлиб, бу сўзларнинг мазмуни меҳру вафодангина иборат эди. Вафо тўғрисида ваъдалар, аҳду паймонлар айтилган, бу аҳду паймонлар имонни ўртага қўйиб ишонтирилган эди.

Мактубда Парвезнинг номи ҳам кўп марта зикр этилган, уни гоҳ золим, гоҳ қонхўр деб аталган эди. Арманга келиб, уни бутунлай вайрон қилгани, халойиқнинг жонини ғорат этгани ҳам айтилган эди. Унинг севгиси ҳақида юз минг таъналар билан шундай дейилган эди: «У севги сирларидан гапирмаса ҳам бўлади. Модомики, у қилич кўтариб туриб, ишқ ҳақида лоф урар экан, унинг бу беҳуда гапларини ким маъқуллаши мумкин? Аҳли ишқ бу хил сўзларга қулоқ солмайди. Чунки шоҳлик бошқаю ошиқлик бошқадир. Ҳақиқий ошиқ ўз севгилиси учун жонини фидо этиши, маъшуқа истаса, жонини аямаслиги лозим. Агар ошиқ шунақа бўладиган бўлса, унинг йўқолиб кетгани, висол иқболидан бутунлай маҳрум бўлгани яхши. Бундай ошиқнинг истак чўққисига етишмоғидан худонинг ўзи асрасин! Парвез севгида муродга етишни ўз сдига мақсад қилиб қўйибди. Лекин унинг менга эришиш ҳақидаги хаёли хом гапдир. У, бу йўлда анчагина уришиб, жидду жаҳд кўрсатмоқда. Аммо унинг барча ҳаракатлари бутунлай беҳуда ҳаракатлардир. Менинг жисмимда жондан асар бўлар экан, ишим кўрғонда ундан ўзимни асраш бўлади. Мабодо тақдир мени унга асир қилиб қўйса, одам ўлимдан қочиб қутула олмайди-ку! Мен у вақтда ўз баданимни ханжар билан тилиб ташлайман. Лекин висолимдан уни баҳраманд этмаяжакман!»

Парвез ана шундай оташин талай сўзларни бир-бир ўқиб чиқар экан, дарду бало ўти жонини ёқиб, бадани титраб-қақшаб кетди. Агар Парвез инсоф билан ўйлаб кўрса, Ширин ёзган гапларнинг мағизини чақса эди, олийжаноблик, ҳақиқат ҳаммаси унинг томонида эканини тушунган бўларди. Бироқ салтанат орияти, ғурури ҳамда ҳавойи нафс истаги уни инсоф томонга ўтишга ҳеч йўл қўймас, кўнглига турли қинғир-қийшиқ фикрларни соларди. Хисрав Шопурни занжирга солишни ишора қилди. Ўзи эса Шопурдан ҳам баттар ҳам занжирида эди. Бузург Уммидни яширинча чорлаб, бу пинҳоний можа-роларни ўртага солди:

— Юз берган бу иш қайғусидан жоним чиқай деяпти. Қоним кўнглимдан кўзимга қараб оқмоқда. Менинг бу дардимга бир чора қил. Бўлмаса билиб қўйки, ҳалок бўламан. У ўзи дев, сўзи девона монанд, Фарҳод девдек боғлаб олиш йўлини тугиб, у раънони, худди дев одамни йўлдан озғириб банд этгандай ўзига асир қилиб олган экан. Бу ташвишни ичимга солсам, ўлишим турган гап. У вақтда менинг аҳволимга барча эл кулиши керак бўлади. Чунки ҳеч ким бундай ўлимни кўрмаган. Халқ бундай ўлимга кулади, лекин йиғламайди. Бу аҳволдан келиб чиқиб, мен агар зулм қилишга бошласам, кўнглим бу билан ҳам, барибир, хурсанд бўлмайди. Чунки мен ўзим биламан, у телба Фарҳод гуноҳсиз. Гуноҳсиз одамнинг қонини тўкиш эса ярамайди. Фикримнинг ипу арқоғини сен энди узиб, менга бу ишда бир йўл кўрсат!

Икковлари бу хусусда бир-бирларига кўп афсоналарни гапириб беришди, бир-бирлари билан талашиб, унинг фикрини бу, бунинг фикрини у рад ҳам этишди. Охири шундай бир чорага гап тақалдики, бу макр, алдоқ, ҳийла ишлатишдан иборат эди. Улар шундай бир наҳс одамни топишлари керакки, унинг учун бировни ўлдириш савоб ҳисоблансин. У девона Фарҳоднинг олдига бориб, шундай сўзларни айтсинки, бундан унинг бахтсизлик ўти алангаланиб кетсин. У Фарҳоднинг олдига бориб, шундай десин: «Хисрав Арман шаҳрини олди. Тақдир унинг ҳамма орзуларини ушатди. Хисравнинг қиладиган иши энди Ширин билан айш суриш, Миҳинбону билан эса қадаҳ кўтариш бўлиб қолди. Бону унга Ширинни қўшиб қўйди. Ҳозир Хисрав билан Ширин ўзаро худди ширу шакардирлар. Бу билан Ширин Хисравни сендан ортиқ кўрди. Энди сенинг унга ошиқ бўлиб юришинг ўзингга лойиқ эмас. У сендан кетган экан, сен ҳам туриб кет. Унинг ишлари кўзлаган ерига етди. Сен ҳам ўз юртингга кетиб қўя қол». Шубҳа йўқки, бу бўлмагур гап жойига қўйиб айтилса, албатта, унинг кўнглини Шириндан совутади. Бу сўзлар билан унинг кўнгли

совугандан кейин, у туриб, бир ёққа бошини олиб кетади. Бону билан Ширин ундан умидларини узганларидан кейин эса, ўртада мутасил давом этиб келаётган хафачиликлар қўтарилади. Сўнг улар бизнинг кучимиз олдида ожизликларини тан олиб, у ой ҳам бизга меҳрибонлигини кўрсатиб қолади. Агар бу тадбирлар ҳам унинг кўнглига таъсир этмаса, унда бошқа бир чорани яна қидириб топамиз.

Сўз ана шундай ипга тугилди. Парвез май сўраб, ўзи ҳам қудди май қуйилган қадаҳдай кулиб қўйди.

Эй соқий, менинг ҳам бир ташвишим бор. Бир пиёла шаробангдан бер. Шу ташвиш туфайли ажойиб бир мотамим ҳам бор. Уқубатлар қўшини жонимга қасд қилмоқда. Тезроқ менга қадаҳ тут, бўлмаса, қўлимдан чора кетиб бўлади.

## XLVIII



*Хисрав йўллаган ҳийлагар кампир тилёғламаликни жойига қўйиб, тоққа кетгани; Фарҳод бошига ажалдек етгани; унинг ҳаёт қушига қасд этиб, макр ипидан тузоқ қўйгани; макр донини сочиб жон қафасининг жисмини ўлим тоши билан уриб синдиргани ва умр булбулини учуриб юборгани*

Бу мотам йиғичиси доғ ўртаб, сўзнинг юзига тирноғларини мана бундай урарди:

Парвез ўша айтилган тадбирни кўрмоқчи бўлгандан кейин, унга ҳийлагар бир кампирни топиб келтирди. Қадди икки букилган бу зол кампирнинг бутун фикру хаёли фалак золниқига ўхшарди. Юзида макр чизиғидан ажинлар тушган, умрида тилидан бирор чин сўз чиқмаган бу кампир агар ўзи- **202**

нинг шум ҳийла ва найрангларини ишлата бошласа, қўяда тош мумдай эрир эди. У тилёғламалик қилиб, афсун билан бир гапга бошласа, отага қизни, ўғилга эса онани олиб бериши мумкин эди. У агар макр ва ҳийла ишлатишга кўнгил қўядиган бўлса, Қуёшни хира ва хунук Зуҳал юлдузига ошиқ қилиб қўя олар эди. Осмон маккораси уни хола деб, макр ва фиррибларда ном чиқарган Даллатул-муҳтола\* эса уни она деб атади. Ҳийла-тадбир билан ўша холани қиз ҳолига, Даллатул-муҳтолани ҳам ҳар оқшом қиз ҳолига солиб қўярди. Шу йўл билан у бу никоҳдан гўё куёвнинг фойдасини кўзлаган бўлар, куёв эса Арастудай донишманд бўлганда ҳам гапнинг тагига ета олмай севишиб қолаверарди.

Агар у бир ишни тескарисига олишни истаса, бир сўз билан юз оилани буза оларди. У ўзининг фол очадиган нўхат доналаридан бирма-бир ҳукм чиқара бошлаганда эса, халқ унинг гапларига арпача шак келтирмай ишонарди. У ўз ҳукми билан юзта Буқрот ҳақимни мот қилар, бисотида бундай макр ва ҳийла нўхатлари юлдузларча кўп эди. Бировга зулм тигини уришга келганда у жуда тез ўйловчи, тез ўйловчигина эмас, Фарҳодларни ўлдиргувчи эди.

Йиғинга уни чақириб келиб, бутун аҳволни яширинча унга гапириб беришди. Кўп ваъдалар билан унинг кўнглини иситишди. У эса уялиб-нетиб ўлтирмай, ўрнидан туриб йўлга тушар экан:

— Фарҳод агар пўлат тоғ бўлганда ҳам мен уни бир афсун билан бир дамда тугатаман!— деди.

У кетма-кет неча кун чўл босиб, гоҳ даштлардан, гоҳ водилардан ўтди. Ниҳоят Фарҳод ўрнашган тоққа ҳам у етиб келди ва юкини ечди. Ўз кўнглида у юзлаб таҳликали ҳийлаларни тўқиб, тезлик билан Фарҳоднинг олдига борди. Ўзи кўрсатмоқчи бўлган макр-ҳийлаларнинг ҳисобини олиш учун бўйнини синдиргудек даражада кўп оғир тасбеҳ доналарини тақиб олди. Ҳаромзодалик ва қаллоблик ипидан тўқилган юз пардасига, тутуриқсизлик матосидан тикилган эғнидаги қуроқ тўнига қараб туриб, Марям ички ҳарамдан лаззат топа олмагач, Тур тоғига истироҳатга келди, деб ўйлаш мумкин эди.

Фарҳод бунга кўриб, дарҳол ўрнидан турди, унга салом бериш учун алифдек қоматини дол қилди. Сўнг унинг бу ерга келиш сабабини, бу келишдан унинг нияти нима эканини

сўради. Кампир бошқа қиёфага кириб, чинакам жилвалар кўрсатиб, қалбаки сўзларни ишга солиб деди:

— Мен бир заиф ва хаста жон одамман. Одамлар билан ҳар қандай борди-келди ипларини узиб, ўн-ўн беш йилдирки, бир чет жойга чиқиб, жойлашиб олганман. Ишим ўша ерда тангрига ибодат қилиб ётиш эди. Дунёда биров билан ишим йўқ, тангридан ўзга бир кишим ҳам йўқ эди. Арман ўлкасида тинчлик барқарор бўлган пайтларда менинг аҳволим шу хилда ўтарди. Энди Парвез деган шоҳ келиб, фитна ўтини шундай алангалатиб юбордики, халойиқнинг яшашга бўлган муҳаббати қолмади. Сен ҳам бу гапларни эшитган бўлсанг керак. Бу мамлакат халқининг аҳволи ўзгаргандан кейин, менинг ҳам аҳволим ўзгариб, тоат-ибодат қилишдан ҳам ҳеч қандай ҳузур топмай, энди эрта кунни кеч қилмай, дедим ўзимга. Халойиқдан йироқроқ бир ердан бир қоронғи ғор топай, ёнида оқиб турган булоғи ҳам бўлсин, дедим. Тангрига қилган яширин ибодатдан ризқланиб, у ғорга кириб кетганимча ундан ҳеч чиқмай, агар умрим лашкарига ажал ғолиб келиб қолса, ўша ғор менга гўр бўлиб қўя қолсин, дедим. Шу ҳаёл билан ташвишланиб, кезиб юрган эдим. Мана шу ер кўнглимга хуш келиб қолди. Гарчи мен ҳаётдан аллақачон қўлимни ювиб қўйган бўлсам ҳам, лекин тирик эканман, шу тоғ орасида бўламан. Одамлар тўдаси вафосиздир. Шундай экан, чин одам ўша вафосизларни ёдга олиб нима қилади?! Меҳру вафони одамлардан эмас, шу қора тошлардан тамаъ қилиш керак бўлиб қолди.

Бу сўзларни Фарҳод эшитар экан, кўнгли жуда қувониб кетди. Кампир босган тупроқни табаррук санаб ер ўпди, илтимос билан ҳатто оёғининг доғларини ҳам ўпди.

— Эй, юзингда тўғрилиқ нури яққол кўриниб турган, юрагинг ҳақиқат сирларининг хазинаси бўлган одам!— деди Фарҳод унга.— Агар сен бугун дунёдаги одамлар билан ноиттифоқ экансан, худо ҳаққи, ҳақлисан. Жаҳон аҳлига вафосизлик одат бўлиб қолган экан, улардан вафо қидириш бўлмаган гапдир. Аммо маълум бўлиб турибдики, бiron нохуш иш юрагингни шундай ташвишларга гирифтор қилган. Ёки Арманда бирор ҳодиса юз бериб, унинг ғубори кўнглингга юқдими?

Кампир жавоб берди:

— Эй ўғил, сўзларинг чин. Сўроғингга мен ҳам тўғри жавоб берай. Тинчлик, осойишталик бу ўлкадан хайрлашиб кетди. Тинчлик, омонлик ўрнига ёмонлик келди. Унда энди боло-офат беҳисоб даражада кўпайиб кетди. Лекин шундай вақтда яна бир иш юз берди. Миҳинбону билан Хисрав ярашди. Икковларининг яқинликлари ҳаддан ошиб кетди. Хисрав



Ширинни ўзига никоҳ қилиш масаласини ўртага солган эди, Бону ҳам бунга розилик берди. Ҳар икки томон висол бисотларини ёйиб, уларнинг одамлари ҳам айшу ишратга берилиб кетишди. Фисқу фасод, бузуқчилик авж олиб, Ислом ҳам, дин ҳам бир четга суриб қўйилган. Тахту мамлакат май селига ботиб, дуруст одамлар бу ўртадан юкларини кўтариб қолишди. Ҳамма ҳар тарафга хафа ва саргардон бўлиб тарқаб кетгандан кейин, тақдир мен шўрликни бу томонга олиб келди. Лекин яна шуниси қизиқки, тинчлик, осойишталик расмларини унутган бу жамоа ўртасига тангри мангулик бир хафачиликни солиб, ўша хурсандчилик қилаётган одамларнинг ҳаммасини муродига етишдан ноумид қилиб қўйди. Ноз-неъматларга кўмилган шомнинг шамъидан нур кетиб, бу ўйинкулги мотам билан алмашди. Уша гулюзли, Ширин деганлари бўлаётган бу ишлардан жуда хафа экан. Уни Парвезга бермоқчи бўлганлари маълум бўлгач, кўкка қараб тинмай фиғон чекиб, ўзига дарҳол ўлим тигини урипти ва бу ғусса туфайли ўзини ўлдирипти. Баъзилар уни Парвез менинг болимдан баҳра топмасин, деб заҳар ичган дейдилар. Шундай қилиб, янгигина кўкариб келаётган сарв тақдир қўли билан бақо мулки томон йўл олди. Унинг умрида севинч юзини кўрмаган Фарҳод исмли бир ғариб ва дардманд ошиғи бор экан. Ширин ўшанинг айрилиғида жондан қўл ювиб, унинг севгиси билан жаҳондан кетди. Унинг қайғусида оҳу фиғон тортиб, унга етишсам деган армон билан дунёдан ўтди. Ширин шундай иш қилдики, бу ҳеч кимнинг қўлидан келмайди. Унинг қилган ишига ҳамма юз мартадан тавба деб қолди. У илдам сарв нақадар руҳи пок эди! Дунёга пок келиб, пок кетди. Фарҳоднинг йўлида у ўзини ўлдирадиган даражада оҳлар тортиб, ўшанинг ёди билан пок жонини берди. Дунёдан кетар пайтда ҳам оғзида Фарҳоднинг зикри бўлди, ичида ҳам ўша бебахтнинг ёди бўлди. Парвезнинг бутун қилган ҳаракатларини бекор қилиб, фақат Фарҳод ёди билангина ҳаётдан кетди.

Обдан муккайган бу кампир тили билан қилич чошиб, ҳар нафасда бири «Оҳ!», «Эссиз!» деб қўярди. Букчайган бу қария шу сўзларни такрорлаган сари Фарҳоднинг ичига юз туман тиг урилгандай бўларди. Шириннинг ўлими ҳақидаги ҳикояни у чўзиб гапирган сари Фарҳоднинг кўзини сўнги уйқу босар эди. Нафаси совуқ қария совуқ нафас олиб, кўкка эса тупроқ билан тенг Фарҳоддан тўзон чиқарар эди. Кампир ҳар дамда бир оташин «Эссиз!» деб, бу хашакнинг тутунини осмонга тўзғитар эди. Эзилиб кетган Фарҳод ниҳоят кучли бир фиғон тортиб деди:

ҳой она, уни олдинг. Бу ўлик танадан яна нимани истайсан? Юрак қонини ичишдан тўйсанг ҳам бўлади. Энди мени ўз азоб-уқубатимни бемалол тортишга қўй!

Шундай деди-ю, у дунёдан қўл силкиб, ўрнидан турди ва йўқлик чўлига йўл очиб кета бошлади. Унинг кўз ёшларидан тоғда селлар ёғди, сел эмас, қиёмат кўтарилди. Бу сел жисмининг қасрини қўпориб, унинг тириклик қўшини ҳам ўша сувда оқиб кетди.

Эй соқий, сен менга сел сувига ўхшаган шаробдан келтир. Унинг ранги қон рангига ўхшаб кетсин. Мен бундай майни ичиб, йиғига ўтай ва Фарҳод азасини тутиш учун йўл олай!

## XLIX



*Фарҳод умрининг қўшинлари унинг вужуд мулжидан чиқиб кетгани ва шу кетишда ажал қўшинига мубтало бўлгани; умри қуёши ботиб, қоя тош учи билан кўксини ёриб, кўнглининг чокидан йиллар давомида яшириб юрган дарду андуҳ тиканларини чиқариб, беҳудона афсоналардан кўнглини холи этгани, ажал соқийлари қўлидан фано бодасини ичгани; жонон ёди вила маст бўлиб, жонидан кечгани*

Бў мотамномани ёзган эпчил қалам, қора кийиб, ёқасини чок этиб, шундай ҳикоя қилади:

Ҳажр даштининг ови бўлиб қолган Фарҳод нақ кўкрагидан қаттиқ яралангандан кейин, у ўтқир қилич етказган яра унинг бағрини икки бўлакка бўлиб юборди. У фиғон тортиб ўрнидан турмоқчи бўлди. Лекин неча мартаба турмоқчи бўл-

ган бўлса, шунча мартаба йиқилиб тушаверди. Ажал яғмогари унинг жисмидан кучини олган, ёруғ дунёни эса кўзига гўрдай қилиб қўйган эди.

Фарҳод қаттиқ тошлар бўйлаб олдинга талпина бошлар экан, жисмидаги суяклари бамисоли сина бошлади. Ҳар қадамда бошини тошга қаттиқ-қаттиқ урар, бундан боши ёрилиб, бош кетар, тош қолар эди. У ҳар қанча кўз ёши тўкиш бўлса, тўкди. «Эй кўзларим, энди йиғлашдан ҳам буткул қутулдингиз!» деди у ўз кўзларига. Кўнглининг яраларига Ширин айрилиғидан теккан ўқларни синдириб, қўйилган малҳамларни ҳам олиб, отиб юборди. Ажал ўқлари тегиб, пайдо бўлган жароҳатларнинг битиш вақти ҳам ўтган эди.

У яраларига ёпиштирилган пахталарни олиб ташлаб, ярали танидан юзлаб қон булоқларини очди. Яралардан юлиб ташланган пахталар билан тоғ лоззорга айланди. Лекин лолаларнинг ҳаммаси доғсиз эди.

Яраси тикилган қонли ипларни ҳам ҳар тарафга узиб ташлади. Шу йўл билан у ўз баданидан шундай тешиклар очдики, ажал киришига ҳам, жон чиқишига ҳам йўл очилган эди.

Умр қўшинининг чиқиб кетиши учун чора қидириб, ажал унинг кўксини пора-пора қилиб юборди. Кўнгли ўтидан кўтарилган қайғу тутунлари машаққатнинг қора булутидай водий ва тоғни тутди. Бу булут унинг боши устида унинг оғир аҳволига ачиниб, Мажнундай зор-зор йиғларди. Бадани яралардан ҳар томондан гул очиб кетган, бу гуллар қон қатраларидан теваракка гул сочаётгандай эдилар. Сочилган гуллар билан атрофга тўкилган гулларнинг япроқларини гуллар эмас, сочилган ўт учқунлари деса бўларди. Бу гул ҳар тарафда дард гулларини намоен қилар, чечаклар эса даврон ўтидан оловранг қизил гулдай кўринарди.

— Эй заркор чарх, бошимни янч! Бугундан бошлаб у менга керак эмас!— дер эди у.— Эй балолар қаҳрамони, кўзимни ўй, чунки у бугундан сўнг у гўзални кўра олмайди! Эй қайғунинг қиличи, қўрқмай, тилимни кесавер, чунки энди мен унинг сўзлашини истамайман! Эй менга кек сақлаган осмон, нафасим йўлини тута қол! Ортиқ нола ва оҳ тортиш вақти ўтди. Эй қайғуларнинг тоши, оёғимни синдир, чунки унинг юриб тимдаланиш пайти ўтиб кетди. «Танимни куйдиринглар!» дейишдан бошқа сўзим йўқ. Чунки бу дард ўтидан мен рози эмасман. Эй ажал, сен менинг кўксимни бир ерини ҳам қўймай ёр. Шундай қилиб, ўлишдан олдин кўнглимни қийноқлардан соф эт! Эй қийноқ ва азоблар, сизлар менинг кўнглимни юз минг пора қилинг, уларни йўқлик то-

мон овора қилиб жўнатиңг! Эй фалак, сен бағримни парча-парча қилиб ташла. Чунки энди мениңг у билан алоқам йўқ. Эй севги, сен менга доим ҳамдарад бўлдиңг. Қусур кўрсатмадиңг. Мардларча бирга юрдиңг. Эй ҳижрон ташвишлари! Энди сен мениңг бошимдан кеч! Худо ёриңг бўлсин! Сен ҳам ҳеч камчиликка йўл қўймадиңг. Эй ғам, сен мениңг танимни тупроқ билан бирлаштир. Мендан сенга бирор нарса етган бўлса, мени кечир! Эй кўз ёшларим, мени ўлдириш учун бошимдан ошиңг, ғарқ этиңг! Сизлардан юзимга қанча зулм етса ҳам «Офарин!» дейман. Эй оҳим, энди сен у ойюзлимининг олдига бор! Жонимни эса мен сенга йўлдош қилиб қўшиб бераман!

Саҳрога қараб, соф кўз ёшларини тўкиб:

— Эй дарду ғам аҳлининг зиёратгоҳи! — деди у. — Текис ва оддий тупроқдан ташкил топган ўртоқ! Сен ҳар қанча мақтовлардан ҳам зиёда бўлган жойсан. Сен мениңг устингдан босиб юришларимдан кўпгина алам тортдиңг. Кўз ёшларимнинг сели билан бағрингни ёрдим. Югура-югура гардларингни чиқардим. Бу соатда энди мениңг азоб-уқубатларимдан фориг бўлдиңг. Мени ёзғирмагилки, жабримдан қутулдиңг!

Фарҳоднинг бу мотамидан саҳро ғамга ботиб, водийни очиш билан ёқасини чок этди. Фарҳод тоққа боқиб, васиятомиз шундай деди:

— Эй, борлиқнинг энг чидамли юки! Сениңг юксак қадринг кўкка бош уради. Чидамингнинг савлатидан зотинг оғир бир тошга айланган. Этагинг нотавонларга бошпана. Тошларинг хасталарга тақягоҳ. Сенга менадан анчагина номуносиб ишлар юз берди. Сениңг юзингга қарай олмайман, уятлиман. Баъзан сениңг бағринг тешамга ғилоф бўлди. Баъзан эса жисминг метиним билан ёрилган вақтлар ҳам бўлди. Юзинг кўзёшларим билан қонга бўялди. Нафасимдан бошинг устида тутунлар майдо бўлди. Энди сен афв тигини тортиб, кетар пайтимда мениңг бутун гуноҳларимни кечир!

Фарҳоднинг фиғонини эшитиб, тоғнинг ҳам афғони ортиб кетди, аксадолардан ҳар лаҳза юз нолалар тортди. Фарҳоднинг қайғусидан бағрини шундай пора қилдики, натижада тоғдаги ҳар парча тош қон аралашиб лаълга айланиб кетди. Осмонга қараб у деди:

— Эй, ситамкор осмон! Жафо қилишда бахтим юлдузига ҳамкор! Шиоринг ҳар қанча жабру жафо қилиш бўлса ҳам, мен сени кечираман. Чунки мениңг истагим доим вафо қилиш бўлди. Гарчи сен жонимга кўп ранж келтирган бўлсанг ҳам, лекин ўзинг ҳам менадан ҳазил алам кўрмадиңг. Афғонимдан тобора сўлғинлашиб, оҳим ўтидан қийналдиңг. Мен юрганда кўтарилган чанглар юзингга ёйилди, чиқарган оҳларим тутуни 208

қуёшингни хира қилди. Юлдузларинг олтин сочгандек бўлиб турар эканлар, улар ҳаммаси оҳларим ўқидан чақилган ўтлардан бошқа нарса эмас. Бугун на оҳим қолди, на фиғоним. Оҳу фиғон билан бир қаторда ўзимдан ҳам нишон қолмади. Жаҳонни кезган бу жисмим тупроққа айланажак. Сенинг қўйнингда эса у вақт бу жисмдан гард ҳам қолмайди. Мен бу дунёдан йўқолишим билан ўзи йўқ эди, деб бил. Гарчи бор бўлганини билсанг, уни унут!

Фарҳоднинг сўзларидан фалакнинг дарди ортиб, алангасидан эса жонига ўт тушиб кетди. Истиқомат қиладиган жой топа олмасдан боши айланиб, Фарҳодга кўрсатган жабрларидан юз пушаймон еди.

Фарҳод ўз метинига қараб деди:

— Эй, менинг асирим! Машаққат кунларида кўмакчим! Мен сени кўп-кўп койитдим. Лекин сен менинг оғиримни енгил қилиб, парваришлар қилдинг. Мен сенинг бошинг билан учингни тошга уриш билан бошингни бошга, учингни бошимга урдим. Сен менинг меҳнатимда жони қаттиқлик билан турдинг, менинг хизматим учун оёғинг билан эмас, бошинг билан келдинг. Менинг жабру зулмдан иборат ҳунаримни намоёиш этишда бутун уқубатни сен билан теша — икковларингиз торттиларингиз. Бугун ана шу уқубатлардан, шиддатлардан иккалангиз ҳам халос бўласизлар. Менинг бу аҳволимни кўриб, раҳм қилинг, ҳаётдан кетар чоғимда мени маломат қилманглар. Мен сизларга жафо кўрсатиб, нимайки қилган бўлсам, сизлар мени кечиринглар, вафо билан жавоб беринглар!

Фарҳоднинг бу гапларини эшитган метин билан теша, бошларини тошга уриб, мотамзада одамлардек, фиғон торта бошладилар. У иккови отаси ўлаётган ёш болалардай Фарҳоднинг белига осилиб, тилга кириб, ўз аҳволларини шарҳлай бошладилар:

— Агар сен буюрсанг, тоғ бўлса ҳам, ер бўлса ҳам ёрамиз. Сен қора тупроққа кирадиган бўлсанг, баробар кирарамиз!

Фарҳод ўз атрофида йиртқич даррандаларни, чарранда ва паррандаларни кўриб, уларга деди:

— Эй, менинг кеча-кундуз ёнимда йўлдош ва дўст бўлган қурдошларим, кўнглимга яқин бўлган жониворлар! Яратилишингизнинг ўзи вафо билан йўғрилган, табиатингиз эса меҳрибонликдангина таркиб топган. Сизлар одамларга ўхшаган эмассизлар. Табъларингиз душманлик ва қўполликдан озод. Ғарибликда қийналган кунларимда сизлар менга эш бўлдингизлар, айрилиқ кунларимдаги қайғуларимга эса шерик бўл-

дингизлар. Баъзиларингиз ичимга кириб овқат, тириклигимга эса моя бўлдингизлар. Баъзиларингиз эса учиб, бошимга соя бўлдингизлар. Ёлғизлигимда сизлар менинг ҳам қавмим, ҳам қўшимим бўлиб, қаёққа борсам, орқамдан эргашиб юрдингизлар. Менинг ҳеч кимим йўқлигини билдирмасдан, ўз юртимдан узоқлигимни сездирмадиларингиз. Мен тортган фиғонлардан кўп қаттиқ қийналдиларингиз ҳам. Аммо биттангиз ҳам буни малол кўрмадингиз. Мен сизларнинг олдингизда беҳад хижолатдаман. Энди мен сизлардан қайси тил билан уэр сўрашга ҳайронман!

Фарҳод бу сўзларни шундай зор йиғлаб айтдики, жониворлар ҳам унда бошқача бир изтироб борлигини фаҳмладилар ва бошдан-бошга овоз солиб юбордилар. Бу овоз, улардан чиққан овоз эмас, балки қиёмат гавғоси эди. Улар вафосиз одамларга ўхшаб эмас, балки ҳақиқий мотамийларга ўхшаб мунг тортар эдилар. Фарҳод улар билан шу хилда бир нафас сўзлашди. Сўнг ажал ўзининг дард ўқини Фарҳоднинг жонига урди. У бу хил сўзлардан холи бўлиб, бир муддат ўз аҳволига диққат билан қаради. У ўз умрининг тугаб бораётганини тушуниб, отасини ёдлади ва бир совуқ оҳ тортиб қўйди. Онаси кўз олдига келар экан, кўзидан иккита қонли ирмоқ очилгандай бўлди. Фалак унинг бошига ўткир бир шамширни урди-ю, кўксини икки қисмга бўлиб ташлади. У деди:

— Ҳайҳот! Ҳайҳот! Бу нима аҳвол?! Эй ажал, тезроқ менинг жонимни олиб қўя қолсанг, нима бўлади? Менинг улардан олдин юз бор ўлишим нима деган гап?! Бошимнинг юз тиг билан қиймаланиши нимаси?! Куюк танга яна ёлқин уришнинг нима кераги бор? Пахта устига чақин учқунини тушириш зарурми? Ота-она ҳақида ўйлаб улгурмасимдан бошим тупроққа кирса, кошки эди! Эй фалак, охири ўз бузуқлигини кўрсатдинг. Бузилган қўнглимни баттар буздинг. Эй, дунё соқийси! Ўзим-ку ўлиб кетяпман. Шунинг устига яна бир пиёла тўла заҳар ҳам тутушинг инсофданми?! Ўлган бошга қилич чопмоқнинг маъноси нима? Бир ўқ билан ўлган одамга яна ўқ отаверишдан нима фойда?

Фарҳод сўзлари шу ерга етганда, яна аччиқ-аччиқ йиғлаб, кўз ёшлари ниҳоясига ета бошлади ва деди:

— Эй тонг ели, тур, Чин ва Хитой мамлакатига етиб бориб, ер ўп. Мен сенга Хоқон қошига унинг ўғли номидан бор демайман, балки ғарибликда ўлган бир хаста қул номидан бор. Хоқоннинг бошидан қуюндек айланиб, ўзингни садқа қил. Сўнг мана бу сўзларни айт: «Сенинг ул оворайи беҳонумнинг, бағрингдан пайдо бўлган бир қатра қонинг оламдан кетиб, умидсизлик билан, юзингни кўрмай, армон билан ўлди. **210**»

Унинг бағридан қонлар кўз ёшига қўшилиб сқди. Бошига фалакдан кўп оғир ишлар тушди. Алдов, макр ва ҳийлалар ишлатиб, Парвез унга не-не зулмлар қилди! Агар Парвез ҳалоллик билан олишганда, Фарҳод ундайларнинг мингтасига бас келар эди. Бироқ Парвез ўзига эгриликни қоида қилиб олган бўлиб, юз хил ёлғонларни чин ўрнида ишлатди. Тақдир тўғри қилиб яратган одам, сўз қанча ёлғон бўлса ҳам ишонавераркан. Тўрт кофирнинг менга қилганларини нима қиламан гаприб. У нима қилган бўлса, булар ҳаммаси тақдиру қазодандир. Мен шуни истардимки, менинг ёрим, кўмакдошим бўлган қаҳрамон Баҳром катта қўшин йиғиб, бу томон юриш бошла-са. Унинг қиличи Хисравни жонидан тўйдириб, менинг гуноҳсиз тўкилган қонимнинг қасосини олсин. Агар отам бу ўтли гапларни эшитиб, бошидан ўт аланга билан чиқиб кетса, менинг ёмон аҳволимга ёқасини йиртиб, ўзини тупроқларга отса ажаб эмас. Ўз йиғисига бу оворасини, овораси эмас, бағри порасини қўшиб, «Бўтам!» деб, баъзан бўзлаб, баъзан ўкирса, жафо тошларини синиқ кўкрагига урса, ана шунда, эй тонг ели, унинг тожини ерга уришга, тахтини эса тепиб синдиришга йўл қўйма! Унга: «Эй жаҳонгир шоҳ, тангри тақдир этганига чора топиб бўлармиди?!» дегин. Менинг аввалдан вужудим севгидан иборат бўлиб, ғарибликда ўлиш пешанамга ёзиб қўйилган бўлган. Тангри ёзганни кўрмасликдан бошқа чора ва овора бўлишдан бошқа даво бунга борми?! Пешанамга тақдир ҳукми ёзилган бўлса, тангридан нима юз берса рози бўлиш керак. Гарчи фалак мени ҳаётдан ноумид қилган бўлса ҳам, бироқ отам дунё юзиде бир умр қолсин. Бир ҳужра йиқилар экан, унинг ўрнида қаср обод бўлсин! Бирор кўкат қурир экан, унинг ўрнида тик сарвлар яшнасин! Менинг тўғримдаги хабарни эшитиб, онам изтиробга тушиб, менинг қайғумдан тошларга бош уриб, ғавғоси дунёга ўт солгудай, оҳу вовайлоси ҳар томонга етгудай бўлиб, мен — ёввойига хитобан «Қўзим!» деб, ҳеч кими йўқни «Елғизим!» деб соғинса, ҳам ва ташвишлари ошиб, юзига тутган пардаси юзидан учиб кетса, ҳам билан парвариш топган ўғлини эслаб, тўққиз қават парданинг ичидан югуриб чиқса, «Жоним ипига боғланганим!» деб, юзларини тилим-тилим қилса, юла-юла сочларидан айрилса, бундан Чин ўлкасига қора мушк ўрнига ҳидли кофур сочилгандай бўлса, шунда сен, эй тонг ели, менинг нафасимни тутун қилиб олиб бориб, халойиқ кўзидан уни яшириш учун уни парда қил! Унга менинг номимдан шундай дегин: «Эй, юзинг жонимнинг қуввати, изининг гарди кўзимга сурма бўлган, она! Тангри менинг вужудимни йўқликдан бор қилган экан, менга бу дард ва ҳасратлар ўзи етар

ли эди. Сен орқамдан эргашиб юрсин деб, ажойиб бир фарзанд кўришни жуда ҳам қаттиқ орзу қилдинг. Мендай бир фарзанднинг ташвиши билан бўлиб бир нафас ҳам кўнглинг севинмади. Ҳамиша интизорликда ва доғда бўлдинг. Бошқа болалар майсазор ва боғларни ўйнаб юрса, менга кичик ёшимдаёқ дарду доғ насиб бўлди. Озгин танинг менинг дардимни тортгани тортган, сен эса менинг доғимда ўртанишни ўзингга шиор қилиб олган эдинг. Ёқут тилаган эдинг, бир парча тош топдинг. Қуёш сўраган эдинг, бир бўлак ўтга эга бўлдинг. Мен қанча улгайсам, шунча бечора бўлдим, диёримдан, мулкимдан ажралиб овора бўлдим. Менга бу овораликни фалак ўзи берган экан, сенинг ишинг фироқимдан ўртаниш бўлди. Сенга бир умр куйишнинг ўзи етмагандай, ташвишимдан куякуя хасга айландинг, кул бўлдинг. Менинг сенга келтирган шунча азобларим сойлари етмагандай, кўз ёшларим сели билан ўз каъбамни буздим. Мен кимман? Менга ўлим ҳам ҳайф. Мен халқнинг менга куйиши, куйинишига ҳам арзимайман. Агар сен менинг дардларимдан ранж тортадиган бўлсанг, менга бу ранжу ғамлардан бир эмас, юз вой бўлсин! Сен мени ўз розилигингдан ноумид этма, ноумид этиб, бир умр дўзах ўтига ташлама! Эй тонг ели, агар менинг ишларим ва аҳволим қаерга бориб ниҳоясига етганини Мулқоро билан Баҳром билиб қолгудай бўлсалар, юзларини қорайгириб, унга қон ёшлари билан гўё сиёҳ устига қирмиз билан хат тортгандек чизиқ чизадилар. Қора наматларни бўйинларига иладилар. Намат юзларидан, юзлари эса наматдан бўлади. Қуёш мотамида дунё тун палосини ёпингандек, устларига йиртиқ либосларини кийиб оладилар. Ўзларини гоҳи чўлга, гоҳи тоғларга, чўлу тоғларгагина эмас, тупроқларга отиб йиғлайдилар. Ана шунда сен аввало Мулқорони тинчлантир: «Ақлли киши тақдирга гина сақламайди!» дегин. Кўкнинг еткизган қазосини кўрмай нима ҳам қила олар эдим! Сўнг Баҳромга ҳам менинг саломимни етқир. Саломдан сўнг шундай топширигимни билдир: «Эй жоним жони билан пайвандланган кўкалдошим, иним, шоғирдим, фарзандим! Агар сен менинг ўлганим хабарини эшитиб оқ тортсанг, оҳингдан тутунлар чиқарсанг, бундан на сенга фойда, на менга. Агар сен менинг хаста жоним сендан хурсанд бўлсин, ёнбошим ерга тегсин, десанг, бирор соат ҳам тўхтама, кечикма, ҳеч тортинмасдан ҳарб ва душманлик жангини бошлаб юбор. Тезликда қўшин тўпла, дарҳол бу томонга юриш бошла. Шундай иш билангина менинг жоним роҳат топади. Қотилимни топиб, хунимни талаб қил!» Эй тонг ели, Баҳром билан бирга келадиган менинг қўшинларимга қайта-қайта менинг гапларимни айт! Уларга ошқор ҳам,



яширинча ҳам айтки, улар Баҳромни менинг ўрнимда кўрсинлар. Нимани буюрса, кечикмасинлар, буюрган хизматларини нуқсонсиз бажарсинлар. Хўтан ўлкаси жаннатдан нишона эди. Унинг ташқи кўринишининг ўзи кишига жаннатдек жон бағишлар эди. Эй тонг ели, агар сен ўша томонларни сайр этмоқчи бўлсанг, одамларнинг жойларини кўрмоқчи бўлсанг, ичида жаннат монанд тўрт қаср бор, ўша менинг тўрт боғимни ҳам томоша қил. Улар ҳаммаси менинг ҳукми билан қурилган эди. Ундаги гуллар ва мевалар Хулкар юлдузларига ўхшарди. Сен у ердан оёғинг билан юриб ўтсанг, улар сенга жилва қиладилар, эсиб ўтсанг, хокипойинг бўладилар. Баҳорга мослаб қурилган боққа кирганингда, менинг мотамим учун кўзингдан гул рангли ёш тўк. Агар севиниб, ёзлик боққа кирадиган бўлсанг, менинг ҳалокатим кўчатини, шохини, япроқларини ёдингдан чиқарма. Агар хазон рангидаги боққа кирадиган бўлсанг, бу сариқ юзидан унга салом айт. Қишлоқ боққа йўлинг тушса, нафасимни эслаб, бир совуқ оҳ тортиб қўй. Қаламига ҳатто тақдир ҳам офарин айтган, Чин ўлкасининг наққоши Монийга айт: «У таҳрир қаламини тортиб, ўша менинг тўрт қасримга суратлар ишлаганда, биринчидан Юнонга от сурганимни, курашиб аждаҳони ўлдирганимни, иккинчидан, Ахраман деган девга душманлигимни кўрсатиб, унинг қони билан жаҳонни бўяганимни, учинчидан, Искандари Румий тилсимини очиб, у тилсимнинг жисмини ер билан баробар қилганимни, тўртинчидан, Суқрот билан учрашиб, унинг ёрига аждаҳосимон кириб борганимни — шуларнинг ҳаммасини Моний суратга чизган эди. Чунки олам яратилгандан буён бундай ишларни одамзод боласи қилмаган эди. Шу суратларни деворларга чизишда у анчагина ғайрат кўрсатган эди. Ушаларнинг ҳаммасини бошдан-оёқ, албатта, ювиб ташласин. Ювиб ташлагандан кейин, у ердаги ипак пардаларни айвондан олиб, сувга оқизсинлар ёки ўтда куйдирсинлар. Менинг жисмим ва жоним йўқолиб, ному нишоним дунёдан ўчиб кетар экан, менинг ишларим ҳам эски дунёнинг тоқидан, тимсолим осмон варақларидан бутунлай йўқолиб кетсин! Фалак деворга қараб туриб, яхши ишларни ҳам, ёмон ишларни ҳам кўра олмайдиган бўлсин! Эй тонг ели, сен мендан тошйўнар Қоранга ҳам салом айт! Мен сенга қандай гап айтган бўлсам, ҳаммасини етказ. Унга айтгинки, менинг тешам қанча тошларни ушатган бўлса, ўша тошларнинг ҳаммасини осмон йиғиб, менинг бошимга қайтариб олди. Ҳар дамда осмон юз туман тошларни тепадан ёғдириб турганда, унинг тагидаги битта синиқ бош нима ҳам қила олар эди!

**213** Осмон каби тоғларни қазиб, ер билан баравар қилдим. Бироқ

охирида қазонинг ҳукми билан уларнинг остида қолдим. Фалак мени ўлдирад экан, бутун бир тоғ гўримнинг чўзилган тупроғи бўлди. Шунинг учун мен энди ўзимни ҳам тоғи дегани ҳам маъқул, чунки ҳам тоғининг остида йўқолиб кетмакдман. Эй Қоран, сен қайси бир тошни ўйиб, унга менинг исмим ва лақабимни ёзган бўлсанг, яна метинингни ишга солиб, ўша тошларнинг юзидаги ёзувларни қириб ташла. Шу йўл билан отимни ҳам ўзим каби йўқлик овораси қил. Менинг гавдам тош остида қолгандан кейин, отим тош устида бўлмаса ҳам бўлади. Тонг ели, сен яна дунёнинг тоғларини, шаҳарларини, водийларини кезиб, ишқ аҳлига бундай деб жар сол: «Фарҳод ошиқликда зор бўлиб ўлди. Хисравдан эса унга кўп озор етди. Сизлар уни ўз султонимиз, бизнинг хонимиз, бизлар эса унинг фуқаросимиз!— дер эдиларингиз. Бугун султонингизга зулм етиб, жаҳондан нотавонлик билан кетди. Ҳаммангиз жам бўлиб, қўшин тортишингиз, унга шоҳлар ўлганда тўтилгандай мотам тутишингиз керак. Энг аввал Хисравни баҳор булутини дўл, ёмғир билан ўққа тутгандай, оқ ўқлари билан ўққа тутингиз. Унинг ўлкасини фиғон ўти билан ўртаб, тожу, тахту олтин жиғасини кул қилиб куйдирингиз. Фарҳоддай зору бенавога йиғлаб, бору йўғини эса йўқлик селига оқизинглар. Вафо қасрини шу йўл билан обод этиб, руҳимни ўзингиздан шод қилинглар!» Яна, эй тонг ели, мендан Шопурга хайр-хўш қилиб қўй. Унга дегинки: «Сен менинг истагига ета олмаган йўлдошим эдинг. Сен менга ҳамдам бўлиб, не қонлар ютмадинг! Менга маҳрам бўлиб, не ташвишларни чекмадинг! Менга ҳамдам бўлган вақтингдан бошлаб бало ва мотамларга гирифтор бўлдинг. Вафо қилишнинг қоида ва шартини шунақа ҳам бўлар экан! Тангри ўзи сенга менинг учун узр айтсин! Ҳамиша қабримнинг тошидан воқиф бўл. Тупроғимнинг тепасидан оёғингни узма!»

Фарҳод сўзларини шу ерга етказганда қийналган жони озига яқинлашиб қолди. Ўз гапирган гапларидан ҳушёр тортиб, у бу сўзлари учун тангридан кечирим сўради. Унинг вайрон бўлган жони севганига бориб етишди. Балонинг ўти эса ўша бузилган жонига келиб тушди. У ўт унинг вужудини шундай куйдирдики, жисмининг ўриш-арқоғи кул бўлиб кетди. У ўз севгилисининг отини тилга олиб, севгилисининг отини айтган ҳолда жон берди.

Буни кўриб, ҳам, дард ва бало ўртасига ғавго тушиб кетди. Бу ғавго ҳатто бутун дунё халқларини ҳам ўзига тортиди. Бу мотам ичида оташин ишқ Фарҳодга нисбатан қилган ўз ишидан пушаймон бўлиб, «айн» ҳарфидан бўйнига қора намат

илди. Дард ва бало ҳам ёрсиз, ўртоқсиз қолди. Айрилиқ тун-лари ўз мажлисидаги шамъдан ажралди.

Фалак мунг билан Фарҳоднинг жонини олган бўлса, бу — дард ва балоларни ҳам мотамга солиб қўйди. Йиртқич ҳай-вонлар Фарҳоднинг аҳволини кўриб, уни ўлдирганни бурда-бурда қилиб ташладилар. Йиртқичлар маккоранинг кўзлари-дан бир қатра ёшини оқизмай, унинг қонидан бир қатрасини ерга томизмай, тишлари ва чангаллари билан уни йиртиб ташладилар. Фарҳодни ўлдирганнигина эмас, ўзларини ҳам улар шу хилда юмдалар эдилар. Улар Фарҳоддек бир зор ва кимсасиз ошиқнинг мотамини кўриб, вафосиз одамларга қараганда ҳайвон яхши, дегандай бўлардилар.

Эй соқий, сен менга ўлдирадиган бир пиёла шароб бер. Унда шароб ўрнида ўтқир заҳар тўлатилган бўлсин. Мен севгида Фарҳодга ўхшаб кетган эканман, у пиёлани энди Фарҳодлар-ча сипқарай!

## L



*Дунё уйининг бевафолиги ҳақида-ким, унда вафо бўлишининг имкони йўқлиги сабабли Хисрав билан Миҳин-бонунинг ярашгани, қўрғонда қамалиб ётганларнинг тоғ ва Даштларга ёйилга-ни, Шириннинг Фарҳод ўлиmidан ўлим ҳолига етгани, шунинг учун уни Арма-ния тоғининг ҳавоси тоза жойига юбор-ганлари*

Бу дунёда йўловчи одам бўлсанг, у вақтда юкингни боғла. Чунки бу дунё ҳеч қачон тинчлик манзили бўлмаган. Нега уни одамлар тўрт маскан дейдилар? Ваҳоланки, унинг тўртдан уч қисми сув билан кўмилган-ку! Келиб тушган ўрни сувнинг усти бўлган киши айтгани бўлмагани учун истар-истамас ха-  
**215** фа бўлади-да! Ҳодисаларнинг қаттиқ шамоли бир тўлқин кў-

тарса, сув қолган чорак қисмни ҳам босиб кетиши ажаб эмас!

Шундай экан, бу ерни тинчлик-омонлик жойи демай, бир хароба дегил. Уни турар жой демай, сувнинг кўпиги де! Кўпик сувнинг устида гумбазга ўхшаб тургани билан бир пуф дейилса, у нимаю, сув нима! Бир нафасда бузиладиган уйга ақлли киши қандай қилиб ихлос қўйиши мумкин? Хуллас бундай уйда туриб бўлмайди. Бундай жойда бемалол бир нафас олиш ҳам мумкин эмас.

Бу бир тўда тупроқдан иборат ер ўзи кўпик бўлмаганда ҳам, шунча сув ичида тургандан кейин унинг иши нима бўларди! Агар бу тупроқнинг бўлаклари сувга чўкса, унинг жойи сувнинг туби бўлади. Бу ер атрофида осмон ин атрофида айланган қушдай айланади. Қатма-қат турган осмон ажойиб бир қуш бўлиб, унинг иши кабутардек муаллақ тура билишдир. Кабутар-ку, охир тинчланади, кишига ром бўлади. Лекин бу осмон на ром бўлади, на тинчланади. Демак, у кабутар эмас, ўзи кабутархонадир. Юлдузларини юлдузлар дема, кабутарларнинг слдига сочиб қўйилган донлардир.

Ушбу кабутархонанинг кабутарбози қазонинг устози бўлиб, у нима қилса маъқул топиб, ризо бўлавер. Кабутар унга ов, у эса овчи, овчи ҳам эмас, балки жаллодир. Янги ой унинг қиличи, қуёш эса қон тўкишга ишлатадиган тоғорасидир. У ўлдирадир экан, ачиниш нима билмайди.

Унинг қўлидан зарралардай саноқсиз ойюзлиларнинг бағри тилингандир. Шундай бир гап ҳаммага машҳур: Савдолашиб алданган жаллод ўлдирганлари мингтага етганда қиличини ерга кўмар экан. Чарх ҳам ҳар куни минг кишини ўлдиргани учун оқшомлари қуёш қиличини ерга кўмади.

Шундай экан, иши минглаб кишини ўлдириш бўлганни ким одам деб айта олади? Булар хоҳ шоҳ, хоҳи шаҳзода бўлсин, ёки қул, ёки сўққабош гуноҳсиз бўлсин, сўз бу ерда унинг ҳаммани баб-баравар ўлдириши ҳақида бормоқда. Шу равишда бораверса, на сенинг ва на менинг бошу кўзимиз қолади!

Кишининг гавҳари қанча тоза бўлса, фалакнинг зулмидан шунча кўп аламнок бўлади. Гавҳарларнинг асли ёқутдир. Замона унинг ҳам бағрини тешиб қон қилади. Қуёшдан бутун борлиқ нур олади. Ушани ҳам у ҳар кеча қора тупроққа тиқади. Кўпгина пиёлаларга тўлатиб қўйилган қонли шароблар биттагина фосиқнинг бир дам севинмаги учундир. Юзлаб покиза гавҳарларни тупроққа ташлашдан фақат бангигина қувониши мумкин. Кўкариб турган ёғочни ҳар дақиқада синдириб ёқишдан ва унинг алангасидан ўтпарастнинггина кўнг-

ли таскин топиши мумкин. Фарҳоднинг қонини аямай тўкиб, бу майдан Хисравгина базм қура олади.

Алқисса, жигари куйган Фарҳод йўқлик базмидаги мажлисни ёрита бошлагандан кейин, жониворлар буни кўриб, қайғудан ўладиган бўлдилар. Уларнинг кўплари аламдан ҳатто касал бўлиб қолишди. Улар Фарҳоднинг гавдаси атрофида ҳалқа уриб, унинг азасидан зору фиғон тортар эдилар. У жониворлар Фарҳоднинг атрофини шундай эгаллаб олган эдиларки, одам унга яқинлашиб бориши мумкин эмас эди.

Лекин ўша ерли одамлардан бири қийналиб-қисталиб уй-жойсиз, бечора Фарҳод ўлаётган пайтида уни кўришга бориб қолганди. У Фарҳоднинг хизматини қилиш билан ўзини хурсанд этмоқчи бўлганди. Етиб келгандан кейин у айтиб ўтилган аҳволни кўриб, ўзини бир тошнинг ёриғига олди ва Фарҳоднинг аҳволидан эса ҳайронликда қолди. Фарҳоднинг жони тангрига улашгунча бўлган бутун очиқ ва яширин ишларни кўриб, билиб, ўрганиб турди. У одам Фарҳоднинг қабрини кўтариб, унинг тепасида ўзи доим яшаб қолмоқчи ҳам бўлди. Бироқ шер ва қоплонларнинг ўткир чангалларини кўриб, ноилож қон ёшларини тўкиб шаҳарга қайтди.

Шаҳарда халқ орасига кириб, у одам кўрганларини овоза қилди. Қайси йиғинга кирса, ўша ерда у бўлган гапни қайта бошдан сўзлаб берарди. У бу гапларни қон-қон йиғлаб ҳикоя қилар, эшитган кишилар ҳам зор-зор йиғлаб эшитар эдилар.

Охири бу даҳшатли хабар ҳамма ёққа бориб етди. Буни Хисравгина эмас, ҳатто Ширин ҳам эшитди. Бу гапларни эшитиб, Хисрав ақлини ишлатиб, кўп фикр қилди, кўп ўйга толди. Хафачиликдан бир неча кунгача кулмади ҳам. Қўрқувдан у бир неча кунгача кечалари ухлаёлмади. Фарҳод ўлиб, энди Ширин меники бўлди, деган фикр уни севинтирса ҳам, чарх Фарҳоднинг қасосини мендан қандай қийноқлар кўрсатиб олар экан, деган андиша билан у доим қўрқувда ва қайғуда эди.

Лекин унинг жаҳли устун, нафси талабчан бўлиб, ўша нафснинг ўзи уни мақсад томон бошлаб қолди. Ўзи бировга тугатган бу заҳарли пиёла унинг ўзининг иштаҳа ишини ҳам тугатиб қўйишини у билмас эди. Пилик доғ солиш учун ҳар нафас ўт солгани билан, куйдира-куйдира ўзи ҳам куяди-ку! Бир кишига илон захр ургани билан у захмнинг ўзи илоннинг ҳам ўлишига сабаб бўлади.

Хисрав: «Бунақа ишни қилмаслик керак экан! Модомики, бўлар иш бўлди, бу ёғида сусткашлик қилиб бўлмайди!» деди-да, бир неча ишбилармонни, ҳар қайсига ўзича гап гап-риш ихтиёрини бериб, қалъа томон юборди. Улар бориб, зулм

қилиш керак бўлса зулм қилишлари, қулоқ солиш керак бўлса қулоқ солишлари, юпатиш керак бўлса юпатишлари, қўрқитиш керак бўлса қўрқитишлари, алдаш керак бўлса алдаб, мулозамат кўрсатишлари — нима қилиб бўлса ҳам икки бўй бермас қулунни мулойимликка олиб келишлари керак эди.

Ишбилармонлар бу гапларни эшитганларидан кейин қалъа томон бориб, унинг ичида бор одамларни топди. Бону шаънига кўп мақтовлар айтишди. Ойюзлига ҳам Хисравдан кўп дуолар етказишди. Улар Хисрав номидан талай меҳрибончиликлар изҳор этиш билан бирга ерга эгилиб, салом бериб, ўзларини ҳам садоқатли, ҳам нотавон қилиб кўрсатдилар. Гап билан авраб, талай далиллар келтириб, Бонуни ўз айтганларига мойил қилдилар. Аркони давлат ҳам орага кириб, бу гапларга аралашди. Улар Бонуни бир хилватга чақириб, яширинча қўйдагиларни уқтирдилар ҳам:

— Хисрав, ахир, дунёнинг ҳукмдори! Ота-боболари ҳам ҳамма султонларга шоҳ бўлишган. Улуғликдан унинг билмаган нарсаси йўқ. Сиз билан у қариндош бўлишни истаган экан, бу ишга хурсанд бўлишдан бошқа нима дейишингиз мумкин?! Ғамгин Фарҳод тирик эканида, Хисравга душманлик қилиш фикрида бўлсангиз бўларди. Энди у ўлди. Уринсиз хусуматнинг кераги йўқ. Шоҳнинг ратийга юрмоқ маслаҳатдандир. Тушунган одамлар фойдаси озу зарари кўп ишни нега қилиши керак? Парвез билан битишмак зарур. Бекордан бекорга халқ қонини тўкиш керак эмас. Хисравнинг зулми бу ўлкани бузган бўлса, адолати уни обод қилади. Шиша билан тош уришса, бир-бирига тенг келолмайди. Хирмонга ўт тушса, албатта, хирмонни куйдиради.

Миҳринбону бу сўзларга қулоқ тутиб турар экан, маъқул топиб, бир нафас жим бўлиб қолди. Шўрлик Фарҳоднинг қандай ўлганини ҳам суриштириб билган, унинг дардида кўп қонлар ютган, оналардек унга аза ҳам тутган эди.

Фақат Миҳринбону эмас, у лолаюзли сарв ҳам унинг мотамида юзини юз марта лаб тимдалаган эди. Ширин ўзининг дардли жисмидан минглаб яралар очган, ҳатто ўзини ўлдирмоқчи бўлиб, неча мартаба яширинча заҳар тилатиб олиб, ичай деганда одамлар билиб қолиб, ича олмаган эди. Узини ўтхонага ташлаб куйдирмоқчи бўлганда, одамлари билиб қолиб, бу истаги ҳам юзага чиқмаган эди.

Бут атрофидаги бутпарастлардай, Бону унинг атрофига кеча-кундуз соқчилар қўйган эди. Бону у ойна асрашдан, унинг ҳар нафасдаги ҳаёдини тушуниб етишдан ожиз эди. У пари девоналарга ўхшаб қолган, ўз баданини тиши билан узиб-узиб олар эди. Бир нафас ҳам унинг нола ва ғавго, оҳу вовайлоси

тинмасди. Фарҳод унинг айрилигидан фарёд тортгандай, у Фарҳод дея, фарёд тортгани тортган эди.

Шири гоҳо Фарҳоднинг ғарибликдаги ҳоли зорини айтиб, гоҳо душманлар макридан тортган озорини айтиб, гоҳо унинг ҳусну жамолини таъриф қилиб, гоҳо виқори, ақлу ҳуши, билими, етуклигини айтиб, гоҳо унинг зору ноумид ўлганидан, гоҳо айрилиқ қайғусини бир умр тортиб ўлганидан айтиб йиғлар, йиғи орасида Фарҳодни мазлумим, асирим, зору маҳрумим деб қўшиб қўяр эди. Унинг сўзи туну кун Фарҳод хаёли билан, хаёли эса ою йил унинг сўзи билан банд эди.

Бону бу ишларни ўйлайвериб қайрон қолар, унинг аҳволини кўриб ҳар дам кўнгли бузилар эди. Бу ҳалокатли қайғудан жони чиқиш даражасига келиб, лоқал бир нафас қўли бир ишга бормасди. Қўрғонда ҳам қўр туғаб, халқ ҳам, Бону ҳам қийин вазиятда қолган эдилар. Оддий кишилар эълмдан шикоят қилиб оқ тортсалар, улуғлар таъна сўзларини айта бошладилар:

— Бўлаётган бу ишлар элнинг кўнглига маъқул бўлса ҳам, ҳақиқатни олганда яхши эмас. Халққа бунча азоб-уқубат, бахтсизлик ҳам, жаҳон халқлари орасида ёмон отлиқ бўлиш ҳам тўғри эмас. Ёмонликми, яхшиликми — нима юз берган бўлса, ҳаммасига шу бир ажиб барно сабабчи бўлди. Биз бу барнога юз шунча хизмат қилсак, юз шунча эмас, ўлгунча хизмат қилсак ҳам арзир эди. Бу аҳволга боис бўлган одам орадан кўтарилди. Бу бекорчи можародан нима чиқарди? Бизнинг мамлакатимизни олган бу шоҳ бир талай илтимосларни ўртага қўймоқда. Бу — хурсандчилик, бунга тушунки керак. Бу ишни айни вақтда ғанимат деб билиш зарур. Парвез билан қариндош бўлишдан қувониб, халқни эса зиндондан озод қилиш керак. Йўқ эса, халқнинг тоқати тоқ бўлиб, Бонуга оқ бўлишлари турган гап. Бу хил гап-сўзлар чўзилаверса, улар қўрғонни душманга очиб беришлари мумкин.

Бону ҳар томондан бундай сўзларни эшитавергач, кўнглига қаттиқ ғулғула тушиб кетди. У Шириннинг олдига кирди-да, ёниш-тутаашларини кўкдан ошириб, бутун гапларни очиб ташлади:

— Эй жисмимнинг, балки жонимнинг пайванди! Жисмим ҳам, жоним ҳам юзингни кўришга орзуманд! Бир гап борки, уни сенга айтиш ҳам оғир, сендан уни яшириш ҳам.

Халқ нималар деяётган бўлса ҳаммасини бирма-бир гап-риб берди. Ширин унга шундай жавоб берди:

— Эй, ҳаётимнинг озиғи! Гарчи уят бўлса ҳам айтишга мажбурман. Халқ орасида ягона бўлган Фарҳод менинг жуф-

тим эди. Кўнглим унинг дарди билан озиқланар эди. Жаҳоннинг тоқи жуфтликдан воз кечган экан, нега энди мен жуфт бўлишни кўзлашим керак! Вафо аҳлининг иши шундай бўладими? Вафо қиладирган киши шундоқ бўладими? Унинг фироқида бугун-эртан борми, йўқми, билмайман. Унинг ғамидан гўё сувсиз балиқдайман. Сувдан айрилган балиқнинг ҳоли қандай бўларди. У, албатта, сув истаб, талпина-талпина ўлади. Менинг ишим унинг ҳажрида талпинмоқ, шу талпинишлар билан ўлиб тинчимокдир. Менга энди тирикликнинг нажоти йўқ. Иш шундай экан, халқнинг яхшилиги нимани тақозо этса, ўзингиз билиб қила беринг! Мен халқни кўп азобга қўйдим. Мен ўзим бевосита азоб бермаган бўлсам ҳам, мен сабабчи бўлдим. Тириклигимда халқни хафа қилган эканман, ҳеч бўлмаса ўлар пайтимда уларга зулм қилмай!

Михинбону ундан шундай ижозатни олиб, вақтни ғанимат билиб, суюниб ташқарига чиқди. Яхшилик ишига белини маҳкам боғлаб, Хисравнинг олдидан келганларни чақирди ва уларга деди:

— Бориб, Хисравга мендан салом айтинг! Яна менинг томонимдан унга шундай арз қилинг: Замонамизнинг ҳукмрони бўлган Хисравнинг тахту тожи абадий бўлсин! Биз билан қариндош бўлиш ҳақидаги сўзни билдирган куниёқ, бу сўз менинг бошимни сарафроз этган эди. Унинг хатини ўқиб қошимга, ҳатто бош оғриғини даф этиш учун ёзилган тумордай бошимга қўйган эдим. Хатни олиб келган одамнинг ҳам, урф-одатга кўра кўнглини олиб, кўк устида ноғора чалдириб, ўзимнинг фахрланганимни билдирган эдим. Лекин дилнинг хафачилигини ҳисобга олиб, узоқни ҳам ўйлаб кўриш керак деган қондага амал қилиб, ўзимнинг айбимни ўзимоқ тушунтириб, чўнтагимдаги гавҳарнинг синиқлигини айтган эдим. Мен ҳеч билмабманки, бу сўз баъзи шуҳбаларга сабаб бўлиб, ўз айбини ўзи айтиш айб саналаркан. Ҳали ҳам шоҳ шундай ҳукм қилган эканлар, биз бундан мамнунмиз. Агар шоҳ ўтган ишларга гина сақламаган бўлсалар, жон-дил билан хизматларига тайёрмиз. Аммо ҳозир қизиқ бир иш юз бериб турибдики, бундан мен ўзим ҳам жуда қийналиб, азобланиб турибман. Биз қамалда қолган пайтдан буён фалак бизнинг бошимизга шундай бир саргардонликни солдики, ҳароратдан ҳаво олов сочди. Қурғоқчиликдан ел ҳам худди ўтни қўзғайтгандай бўлди. Қўрғонда қанча халқ қолганини билиш ҳам қийин бўлиб қолди. Бунинг устига қўрғоннинг ичи бадбўй бўлиб кетди. Латофат сойининг қирғовули, малоҳат гулшанининг туғма сарви, ҳусн айвоининг дилором меҳи (ишқилиб, шоҳ унга етишиб, истаги қонсин) ўша нохуш ҳаводан қийналиб, унинг



хурсандчилик булбули ҳам куйлашдан қолган. Бу ҳароратлардан у кул устига тушган чўғдай тўшакка кириб олган. У шундай қийналиб, шундай изтироблар чекаптики, ҳар лаҳзада аҳволи ўзгариб турибди. Бунда фақат шоҳ лутфигина ёрдам қилиши мумкин. Шоҳ менинг узримни қабул қилиб, марҳамат кўрсатиб, афнома юборса, бу билан менинг хатоларим чизигини кечирим қалами билан ўчириб ташлаган бўларди. Халқ маҳбусликдан қутулиб, қалъа ҳам бузилишдан омон қолиши мумкин. Гулюзли сарв бу бадҳаво ердан чиқиб, тоза ҳаводан шоду хуррам бўлса. Табиблар бир неча кун ҳаракат қилишиб, унинг дарду ранжини камайтиришса. Шундан сўнг шоҳ уни азиз кўрса, азиз бўлгудай, хор қиламан деса, канизи бўлиши мумкин!

Бу жонфизо сўзларни эшитган Хисравнинг одамлари унга бу хушxabарни етказиб, суюнчи олдилар. Шоду хуррамликдан уларнинг тилларига сўз келмас эди. Хисрав ҳам буни эшитиб, ўзини йўқотиб қўйди. Яхши хабарлар кўплигидан у бу хабарларни одамларга етказиш учун ноғораларни чалиб юборишга ишора қилди. Севинчдан ҳар тарафга ғавғо тушди. Ҳар томонда қиёматни кўриш мумкин эди.

Ярашув ҳақидаги овозлар ҳар томонга тарқатилиб, беркитилган дарвозалар ҳам тездан очиб юборилди. Қамалдаги халқ ҳар томонга худди қафасдан қутулган қушдай ўзини ураб, завқ билан ҳамма ёқни айланиб юрарди.

Парвез айшу ишрат асбобларини шундай тайёрлатдики, бундан тез айланувчи осмон ҳам ҳайратда эди. Подшоҳ ўтирадиган махсус бир кажава ясади ва кажава билан бирга бир неча давлат кишиларини Бону олдига жўнатди: «Бону ана шу кажавага тушиб, бизнинг олий даргоҳимизга келсин ва уни ўз юзи билан ёритсин!» деди у.

Бону ҳам унинг амрига бўйсуниб, Хисравнинг айвонини нур билан тўлатди. Орадан гина-кудурат кўтарилиб, унинг жойини айшу ишрат эгаллаши зарур бўлди. Суҳбат кўнгилдагидек қизигандан кейин шоҳ гўзал санамнинг аҳволини суриштира бошлади. Аламли Бону кўзидан ёшлар тўкиб:

— Табиати заифликдан ҳали ҳам қийналмоқда! — деди. — Табиблар унинг ҳолини текширишиб, унинг нимадан қийналаётганини менга айтиб туришибди. Қўрғон бадбўй бўлиб, у эса жуда заифлашиб кетган. Шунинг учун аввало у жой алмаштириши керак. Тоза ҳаво олишга унда муҳтожлик кўп. Чунки у яхши ҳавога ўрганиб қолган эди.

Хисрав жавоб берди:

— Бу жойларда қаернинг ҳавоси фойдали бўлса, сен унинг 221 йўдини яхши биласан. Сен ўша ерни бизга кўрсат. Биз у ерга

кўч кўчириб, гўзал қуёшга ўша ердан манзил ҳозирлай-  
миз.

Бону деди:

— Арманнинг шимолида тоғлик бир жой бор. Тоғнинг  
устида бир қаср билан боғ ҳам бор. У ерга кўп қийинчилик-  
лар билан сув келтирилган. У ерни шоҳ ҳам кўрган бўлиши  
керак. Агар шоҳдан ҳукму фармон бўлса, Шириннинг кўнгли-  
га армон бўлган ер ўша ердир.

Хисрав бу гапни эшитар экан, кўнгли қоронғи бўлиб кетди.  
Чунки у сувни Фарҳод келтирган эди. Агар Хисрав кабилар-  
дан мингтаси юз йил қийналиб, ҳаракат қилганда ҳам, бун-  
дай иш учун юзлаб хазина тўкканда ҳам бу ишнинг битиши  
мушкул эди. Хисрав ноилож бу ишга розилик берди. Чунки  
ризалик бермасдан иложи йўқ эди.

Бону тезлик билан кажава юборди. У ойюзлини ўша боққа  
элтиб қўйишди. Бунда гўё кўкни у ойюзли учун кажава қил-  
дилар, чаманни эса у гулга манзил этдилар. Гўёки у қуёш  
бу жон бағишловчи айвонга, пари эса ҳаёт булоғининг бошига  
боргандек бўлди.

Эй соқий, сен менга жон бағишловчи бир пиёла шароб  
бер. Чунки бу рангин чаман ўта бевафодир. Шундай маст  
бўлайки, ўзимни унутай. Чунки фалакнинг олдида Фарҳод  
ва Шириннинггина эмас, ҳатто Хисравнинг ҳам бир дона ар-  
пача қадри йўқ!



*Шеруянинг Ширинга кўзи тушиб қолгани; Шириннинг она бўлиб қолиш хавфидан отаси Хисравни ўлдиргани ва Ширинни ўзига сўратгани; Ширин ширин жавоблар билан Шеруяни юпатиб, Фарҳод сўнгакин Армания тоғидан келтиргани ва Фарҳод сўнгакларин қучоқлаб, унинг жисмига жисмин ва жонига жонин улагани.*

Бу сўзлар билан гап бошлаган нотиқ ўз сўзларини мана бу хилда тугаллади:

Сарви гулчеҳра фалак қўрғонидан қуёш кўтарилгандек ўз қалъасидан чиқиб келаркан, келиб гулнор рангидаги кажавага ўлтирди. Бу билан кийик боласи теварагида бир лолазор ўсиб чиққандай бўлди. Янада тўғрироғи, кийик боласи эмас, заррин қуёш атрофида шафақдан лолалар пайдо бўлгандай бўлди. Унинг баданидаги ҳарорат ва қалтироқлар унинг рангини қуёшдай заъфарон қилиб юборган эди.

Шу хилда Ширин Армания тоғи сари кўчини суриб борар, ўзига сиҳҳат айвонидан жой топиб жойлашмоқчи эди. Унинг йўлда кетишини томоша қилиш учун Хисравнинг барча қўшини чиққан эди. Улар у ойнанг атрофида худди қуёш атрофидаги зарралардек мот қолган эдилар.

Лекин ҳодисалардан ҳодисалар юз бериб, Шеруя исмли ажабтовур бир шаҳзода шоҳ мулкига ворис эди. Учқун ўтга фарзанд бўлганидай, ўқ учи темирдан узилиб тушгандай, Хисравнинг ҳам ўғли ўзига ўхшаш эди. У ўғилдан отанинг таъби хуш эмас, отанинг қилиқлари ҳам ўғлига ёқмас эди. Отаси ҳеч қачон ўғлининг кўнглига боқмагандай, ўғлига ҳам отасининг феъл-атвори ёқмас эди.

Ширинни томоша қилиш учун беҳисоб халқ чиққан кунни шаҳзода ҳам чиққан бўлиб, у ҳам бир чеккадан қараб турарди. Қуёшюзли ўтирган кажавага қараб урган қаттиқ шамол юзидаги парданинг этагини очиб юборди. Гўё булут кетиб, ой кўрингандай, ой эмас, дунёга оро берувчи қуёш кўрингандай бўлди. Шеруя у гўзалининг дунёни ўртагувчи ҳусини кўриб, ичига ишқ ўтидан бир ҳарорат тушди.

Ширин-ку, бориб кўзлаган манзилига қўнди. Лекин Шеруянинг кўнглидан ором бутунлай йўқолди. Туну кун уйқудан, овқатдан қолиб, ҳар лаҳзада дил изтироби ошиб борарди. У билдики, бу ғам шубҳасиз ўлимга олиб боради. «Ўлгандан тирик юрган яхши!— деган фикр кўнглидан кечди.— Шундай чораларни ўйлаб топиш керакки, бундан у гўзалга етишмоқ имкони бўлсин!»

У яна ўзига ўзи деди: «Бу чора отамни ўлдириш билан боғлиқ. Бундай қилишга ишқ ғавғосининг ўзи мажбур қилади. Ошиқ одатда ўзини ўлдиришдан ҳам ҳайиқмайди. Бас, шундай экан, нега у бошқаларни ўлдиришдан тортиниб турсин?! Ахир Хисрав орадан олиб ташланса, у дилрабога нисбатан хоҳлаган истагимни амалга ошира оламан. Уни даф этадиган бўлсам, олам ҳам меники бўлади, оламни безаган қуёш ҳам. Бунда мақсад фақат подшоҳликни қўлга киритиш эмас. У гўзалининг висоли юз подшоҳлик билан тенг эмасми!»

Бу хато тадбирларни хаёлдан кечириб чиққач, одамларга яширинча ҳар хил ваъдалар ҳам бериб, Хисравнинг одамларини, қўшинларини ўз томонига торта бошлади. Уларда ҳам бу томонга майл бор эканини сизди. Чунки Хисравнинг зулми ҳаддан ошган, жафоларининг сели ҳам тўлиб-тошган эди.

Фалак шундай ўйин кўрсатгач, ҳамма Шеруяга қўшилиб, бўйсуниб, Хисравни тутиб қамадилар. Эшикларни унинг юзига қараб беркигдилар. Уни бандга солганларидан кейин, биратўласига уни тупроққа ёпиштириб қўя қолиш пайига тушишди. Чунки бу қуш тузоқни узгудай бўлса, улардан қасос олмоқчи бўлиб, бераҳм қиличини қинидан чиқариб, ер юзидан уларни супуриб ташлаши мумкин.

Шундай қилиб, ўғли отасини ўлдиришга унаб, отасининг қони билан қиличини бўяди. Бир вақт Хисрав Фарҳодга зулм қилган бўлса, даврон унинг бошига ўзининг пўлат қиличини солди. У халқнинг бағридаги яралардан қонлар оқизган эди, ўзининг қони ҳам ўз жигарпорасининг қўлида оқди. Агар қотия гадо бўлса ҳам, ҳукмдор бўлса ҳам, барибир, ишқ шариатида ҳам «Қонга қон!» дир.

Фалак зулм чоғида эпчил бўлганидай, зулмнинг жавобини қайтаришда ҳам жуда чаққон. Агар бировдан бировга бироқ **224**

офат етса, офат етказгайга етадирган жазо бундан қаттиқроқ бўлади. Агар биров жафо қилиб бир ипни узган бўлса, жазолаш вақтида ўша ип аждарга айланишини кўзда тутиш керак. Кимки, бир учқунни беркитиқча кул қилган бўлса, ўша учқуннинг чақини унинг ўзини охирида кул қилиши мумкин.

Уч олишда айлангучи олам жуда эпчилдир. Айлангучи оламгина эмас, тўққиз осмон ҳам шундайдир. Шундай экан, зулм қилишдан қўлни тортиш, вафо ва меҳрнинг уруғини экиш яхшидир. Сен ерга қандай уруғ сочган бўлсанг, охирида ҳам ўшани оласан. Ҳеч ким ўз қилган ишининг натижасини кўришдан қоча олмас экан, яхшилик уруғини сочиш энг яхши гапдир. Хисрав бировга зулмнинг ўтқири тигини урган эди, хунрез фалак ҳам унинг ўзига зулм тигини урди. Агар Шеруя ҳам зулм қилган бўлса, унга ҳам фалакдан шу зулмнинг ўзи қайтади.

Шеруя яхши ўйлаб кўрмай, бу ишни қилди-да, шоҳлик ноғорасини ошкора чалдириб юборди. Тахт устига чиқиб, бошига тож кийди. Унинг олдида бошқа тож кийган ҳукмдорлар ўз қарамлигини изҳор қилди. У Миҳинбонуни чақириб, унга ўз бошига тушган ишқ можаросини гапириб берди. Шу билан бирга Ширинни ўз никоҳига олиш ҳақидаги орзусини ўртага солди. Бону жавоб берди:

— Ҳозир у маҳваш касал. Мизожида синиққанлик аломати бор. Аввал унинг вужуди соғломликдан ёрдам топсин. Кейин унинг ихтиёри ўз қўлида. Менинг у ойдан бошқа ҳеч кимим йўқ. Лекин у нима иш қилса ҳам менинг ишим йўқ. Бинобарин, бу гапларни унинг ўзига айтиб, бу истакни унинг ўзига билдирилса яхши бўларди.

Бу ошиқ жоҳил бўлгани ва ишқ деган нарса қотил бўлгани учун у санамнинг олдида аҳволини билдиргани одам юборди.

— «Эй ҳур, сенинг ҳуснинг ўтини бир кўриш билан, у ўтдан кўнглим ўртаниб кетди. У ўтдан бир шуъла тушиши билан баданимдаги қонларим қуриша бошлади. Бу ўтдан менга тушган шуъла шундайки, бундан Фарҳод ҳам, Хисрав ҳам менчалик куймаган. Агар бунга далил истасанг, даъвойим аниқ: ишқингда отамни ўлдирдим. Олам яратилгандан у тамом бўлгунга қадар ҳам қазо ҳукм қилиб, ҳеч ким севгининг зулмидан менча жабру зулм кўрмаган. Менинг бошимга тушган нарсалар ҳеч кимнинг бошига тушмаган. Осмон варақларини бирма-бир ахтариб чиқилса, шу пайтгача бўлиб ўтган ишлар бирма-бир текшириб чиқилса, подшоҳ бўлсам, аҳволимни бошқаларникига таққослаб, севгингда расвойи жаҳон бўлдим, дейишга ҳаққим бор. Ишларимнинг расвоилиги мисл-

сиз бўлиб, дунё тургунча халққа масал бўлиб қолади. Сен энди вафо қилиб, менинг истакларимни жойига қўй. Висолга ваъда қилиб, ваъдага вафо қил. Бу ишда ибод қилишинг мумкинлигини ҳам тушунаман. Лекин билиб қўй, ўжарлик қилсанг, нима қилсам қила оламан. Менга бу ишқда бошқа таянч йўқ. Сенинг ваъданггина менга ёрдам бера олади!»

Элчидан бу гапларни эшитгач, у сарви гуландом ўзини йўқотгудай бўлди. Танаси сочидай қаттиқ тўлғанди. Аммо оғзининг борлигини ҳеч кимга билдирмагандай, ичидан ўтганини ҳам ҳеч кимга билдирмади. Сабру тоқат билан ўйлаб, гап нимада эканини обдан билиб олди. У «фидойи ошиқ»нинг қанчалик ҳаёсиз эканини ҳам билиб олди. Юксак мартаба қидириб отасини ўлдирган киши ўз мақсади йўлида яна бошқа ҳар қандай ишларни ҳам қилиши ажаб эмас! Шириин ўзига ўзи: — Мен уни кўриш хаёлидан узоқман. Уни кўргандан ўлганим яхшироқдир. Агар уни кўрмай туриб ўлсам, бу ўлим менга мангу яшаш билан тенг! — деди.

Чидам билан ўйлаб, маъқул бир фикрга келди. Бу фикр Шеруянинг фикрига ҳам мос тушар эди. Шириин гап олиб келган одамга талай лутф кўрсатиб шундай деди:

— Нимаики айтган бўлсанг, ҳаммаси маъқул. Шоҳга бориб, мендан ўтинч билан дуо айт. Дуодан сўнг мана бу сирни унга тушунтир: «Қазодан ҳар ишки юз берар экан, у ишда ризо бўлишдан нари ўтиш мумкин эмас. Қазойи осмонийнинг истаги шундай эканки, Хисрав бу фоний дунёни сенга топириб кетди. Агар яратувчининг ўзи унинг ўлимини сенинг қўлингда бўлишини истаган экан, бунда сенинг қандай ихтиёринг бўлиши мумкин! Ақл ҳар кимга ҳам тангри берган совғадир. Бинобарин, бу ишдан бўйин товлаш янглиш бўлади. Сенга менинг ишқим балоси ёпишгандай, менга ҳам ўшанақа севгининг балоси юққан. Отангнинг зулми билан ўлдирилган, ҳамма ишқ аҳлининг бошлиғи Фарҳод менинг севгим тузоғига асир бўлганидай, мен ҳам унинг севгиси бандига боғланган эдим. Ҳар қандай чиркинликдан тоза бўлган бу икки севгини фалак қанча айланмасин, энди кўрмаса керак. У менинг ишқимда жонидан кечиб, йўқлик сарманзилидан ўзига жой олди. Мен унинг ҳажрида бемору бедилман, худди чала сўйилган қушдайман. Менинг бу тортаётган қийинчиликларим бари унинг қайғусидан, жоним ҳалаклиги ҳам унинг мотамидандир. Менинг севгим билан у олам яғонаси, вафо бобида оламнинг ғампарварди ўлиб кетган экан, мен унга вафо кўрсатмасам, унинг қайғусида мотам ва аза тутмасам, ўзинг айт-чи, виждоним нима дейди? Кўнгил унинг ғамидан қандай бўшади? Шоҳ мени суюнтириб, буйруқ берса, Шопур ғам банди-

дан озод қилинса. Унга бир гуруҳ одам қўшиб берилса-да, уларни мен Фарҳод ўлиб ётган жойга юборсам. Унинг аза-сида қора кийиб, унинг жонимдан жой олган севгисини ка-майтира бошласам. Ваданимни унинг ипқи азобларидан ка-лос этиб, унинг айрилиғидан кўнглимни бўшатсам. Шундан сўнг шоҳ нимани буюрса, у буйруқ менга ҳам хушхабардай бўлади. Кеча-кундуз соясидай ёнида бўлиб, нима ҳукм қилса бажарсам. Агар шоҳ бу гапга рози бўлмайдиган бўлса, у мен-дан хабардор бўлгунча мени ўлик топади!»

Қутлуғ элчи Шеруя олдига бориб, Шириннинг бу хил и-такларини унга арз қилди. Бу сўзлардан Шеруя жуда севиниб кетди. Тез ўрнидан туриб, у Шопурни банддан бўшатишни буюрди:

— Сарви доларух айтганлари қилинсин! Унинг муборак хотири нимани истаса бажарилсин!

Уторид юлдузи билан қуёш яқинлашгандек, паричеҳра би-лан Шопур кўришишди. Жигари хун бўлган Шопур ерларга ётиб йиғлар, қон ёшлари кипригини толнинг қизил новда-ларига ўхшатиб юборган эди. Паризод ҳам девоналардай фиғон тортиб, Шопурни кўрганда ўз Фарҳодини ёдлар эди.

Улар талай фурсат мотам тутдилар. Феруза ранг осмон қу-рум босгандай қорая бошлади. Йиғи-сиғининг тўфони ҳам па-сайди. Шундан сўнг кўп уқубатлар тортган Шопурга қараб Ширин Шеруя айтган гапларнинг ҳаммасини, қандай ўйлар билан ундан қандай узрлар сўраганини айтиб берди. Шопур ҳам мавжуд бу кайфиятдан хабардор бўлди. Сўнг Ширин ўзи ўлтирадиган кажавасини унга берди. Икки-уч юз кишийи унга ёрдам бериши учун йўлдош қилиб, ўз айтганини қилиш учун юборди. Уларга ҳар хил хушбўй тутатқилар, удлар, мушклар ва атрларни шоҳона тартиб билан беҳисоб даражада кўп берди. Улар тоғларнинг орасидан тоғ қазувчини, унинг бало тоғидай жонсиз танини топиб, кажавага шоҳга ўхшатиб ётқизишлари, кўк бешигидаги ойдай уни иззат билан Ширин-нинг олдига, яъни жонни бадан олдига, бадан эмас, жонни жонон олдига олиб келишлари керак эди.

Шопур билан биргаликда у ситамкаш халқ ғаму қайғу билан ўлган Фарҳод томонга етиб келдилар. Қарасалар, унинг атрофида турли-туман ваҳший ҳайвонлар, қушлар ҳалқа уриб, у эса буларнинг ўртасида ором олиб ётибди. Буларнинг келга-нини кўриб, ҳалиги чўл ва тоғ ҳайвонлари тарқалишди. Улар-нинг ўрнини булар эгаллади. Фарҳоднинг муборак жасадини нурлар ичида топиб, уни ҳарир либосларга ўрадилар. Ҳам-малари ҳам унинг ҳурматини шоҳлардай ўрнига келтириб,

ойюзлининг кажавасига олиб келиб ётқиздилар. Шопур шўрлик кўп-кўп ноалар қилар, ўз баданини ўзи парча-парча қилиб узиб олар эди.

Кажавани ҳаммалари елкаларига кўтардилар. Кишилар поя бўлиб, у поядан юқорида борарди. Ҳалиги ваҳший ҳайвонлар фиғон тортиб, у билан видолашдилар ва Фарҳод ётган ер атрофида айланишиб қолдилар. Булар эса Фарҳодни Арманга келтирдилар, ойюзлидан яшириб, қаср ичига жойлаштирдилар. Ҳамма иш тайёр бўлгандан кейин, паривашга хабар бердилар.

Ойюзли қандай ҳол юз берганини, қандай меҳмон унинг кечки истироҳатгоҳига келганини билди. Бу хушхабардан юзи гулдай очилиб кетди. Урнидан дарров туриб, меҳмонхонага қараб йўналди. Бориб, ўз меҳмонига мезбонлик қила бошлади, мезбонлик эмас, жон садқа қила бошлади. Аҳволидаги бутун азоб-уқубатлари тубдан йўқолиб, бу хил висолнинг зикрини қилди, куйини куйлади.

У Бонуга қараб шундай деди:

— Сиздан илтимосим шуки, одамлар бир нафас мени кузатмай турсинлар. Бу менинг шундай ёрим эдики, мен унга етиша олмаган эдим. Лекин унинг қайғусида хаста жонимдан тўйган эдим. «Ширин ўлибдир!» деган сўзни эшитиши биланоқ менинг дардимдан у шўрлик ўлган. Мени севиб, вафода нуқсонга йўл қўймади. Бугун навбат менга етди. Нима чора қила олардим?! У менинг ишқимда ноумид бўлиб кетди. Бироқ у ўз ишқи камолга етганини исбот этиб кетди. Мен ҳам уни севаман, деб лоф қилар эдим. Энди ўша лофим бекорчи гап бўлиб қолишини истамайман. Вафо йўлида у ўз ишини инсоф билан бажарди. Энди иш бизга қолди. Умидим шуки, мен ҳам ўз меҳмонимдан уятли бўлиб қолмасам. Менга ҳам шундай ҳолат юзлансаки, унинг вафосини жонимда яширсам. Унинг қадамига жонимни ҳада қилсам! Мен ҳанузгача Бонунинг барча истакларига доим ётлик қилиб келдим. Бунинг учун ўлар пайтда жуда-жуда уятлиман!

Ширин шундай деб, рози-ризалик тилаб, тезлик билан ер ўнди ва хилватга кириш учун ўрнидан турди. У жонидан умидини узиб, уй томон юрди, кириб, ичкаридан эшикни маҳкам ёпди. Кўнглида ортиқ машаққати қолмай, кажава томон кулиб бора бошлади. Бу сарви гулрў кажавага қарасаки, меҳмонни уйқу элтибди. Бундай абадий уйқуни ким кўрган! Бошига қуёш келсам, уйқусидан уйғонмаса-я!

Эпчил Ширин ўз меҳмонида бундай уйқуни кўргач, у билан бирга ухлаш ҳавасига тушиб қолди. Юзини юзига, кўксини кўксига қўйиб, ўз бедилини қучоғига олди. Сўнг юрагидан



алангали бир оқ тортиб, унинг кўзи ҳам бирга ухлагани у билан уйқуга кетди.

Бу уйқу ҳеч ким қонмайдиган ва қиёматгача уйғонмайдиган уйқу эди! Агар уйқу деганлари шу бўладиган бўлса, уйғонмоқ нега керак!

Эй соқий, сен менга бир қўш пиёла шароб бер. Чунки мен ўз гулруҳим билан ҳамоғуш бўлдим. Сен узатган майдан шундай бир уйқу юзлансинки, шу билан биз қиёмат тонгидагина уйғонайлик!

## ЛII



*Шириннинг Фарҳод ишқида жон берганини билиб Миҳинбону ҳам жонидан кечгани; бу ҳолатда қаҳрамон Баҳромнинг Чин мамлакатидан етиб келгани; бу воқеа даҳшатидан ёруғ жаҳонни қоронғи гўрдан баттар кўргани; золим Шеруянинг молларини тортиб олиб, Арманда одил подшоҳ тайин этгани; Чин ва Мағриб замин аскарларига ижозат бериб, қайтариб юборгани*

Бу мотамхонада йиғи берувчи одам ўзининг йиғи куйларини шундай бошлади:

Маҳваш Ширин тезлик билан уйга кириб, ичкаридан эшикни маҳкам ёпиб олгандан сўнг Миҳинбону ва унинг ёнидагилар ҳар қанча уни интизор бўлиб кутишса ҳам, кеч кириб, жаҳонни шом пардаси босгунча ҳам у санам ташқарига чиқмади. Охири чидаб тура олмай, уй томон бордилар. Эшик очилмагандан кейин уни қўпориб олдилар. Кажавага яқин

**229** қадам қўйиб бориб, пардани очиб санамни кўрдилар. У юзини

юзига, кўксини кўксига бериб, Фарҳод билан ҳамоғуш ётар эди. Кўзи кўзининг устида, қоши қошининг устида. Бирорта мўй ташқарида эканлиги кўринмас эди.

Чексиз-чегарасиз айрилиқлар кетиб, унинг ўрнини бениҳоя висол эгаллаган эди. Ўлган ошиқ билан жонсиз маъшуқа сарв дарахти билан пенак гулдай чирмашиб ётар эдилар. Маъшуқа ўз севгилисини маҳкам кучоқлаб ётар, севгилиси ҳам маъшуқасини худди шундай кучиб ётарди.

Мен хато қилдим. Фарҳод билан Ширин икковлари жаннат боғида айшу ишратда, иккисининг пок руҳи фалакда-ю, тупроқдан бўлган жисмлари ерда қолган эди.

Бону бундай ажойиб ҳолатни кўрди. Унинг ўзи ҳам жонидан тўйган эди. У бир фиғон тортди. Фиғони кўкка кўтарилди. Шу фиғон билан бирга унинг жони ҳам чиқиб кетди. Чунки Ширин унинг жони эди. Усиз ўлиши мумкин эди. Шу пайтда ундан ажралган эди, жонидан ҳам ажралди қўйди. Ё жони орқасидан фиғони чиқди, ё фиғони билан бирга жони чиқди. Унинг ҳам ҳаётининг кўчати синиб, ундан ҳам замонанинг кўнгли тинчиди...

Мен дунё тарихининг варақларини кўп титиб, яна шундай бир ривоятни топдим!

Ошиқликда айрилиққа учраган Фарҳод воқеаси бутун оламга машҳур бўлиб кетгандан кейин, бу хабар динлиларга ҳам, динсизларга ҳам, ҳатто Хитою Чинга ҳам бориб етган эди. Лекин тақдир у ўлканинг турмушига ҳам талай ўзгаришларни солган, Фарҳод айрилиғида Хоқон ўлиб, унинг ўрнига кичик қардоши хоқон бўлган эди. Онаси ҳам уни қидиришга жазм этиб, фано мудкига йўл олган эди.

Бу вақтларда қаҳрамон Баҳром эса қон ичида наҳанг балиқдек сузувчи бўлиб етишган эди. Қиличининг суви қўрқинч дарёси бўлиб, қиличидаги қон жавҳарлари офатнинг мавжидек эди. Агар у фалак Баҳромига\* ўз душманлигини кўрсата бошласа, у бунинг олдида Баҳроми Чўбиндек\*\* бўлиб қоларди. Унинг оти фалак отидан ўтар, отган камони Зуҳал сайёрасининг қаддини эгар эди. Қоронғи кечада агар ўқи ёйидан чиқса, кўк тоқидан эмас, Суҳо юлдузидан ҳам ўтар эди. Унинг жангда Фарҳоддан кам эмаслигини кўриб, бутун Чину Хитой аҳли унга қойил қолар эди.

\* Фалак Баҳроми — Марс планетаси кўзда тутилади.

\*\* Баҳроми Чўбин — қадимги Эроннинг кичик кучсиз подшоҳларидан бири. Навоий «Тарихи мулуки Ажам» асарига ёзишча, у икки ярим йил подшоҳлик қилган. Тарихчилар уни гоҳ тарихга киритадилар, гоҳ киратмайдилар.

Лекин у доим Фарҳоднинг аҳволидан хабар олиб, бошка эллардан сўраб-суриштириб юрарди. Юқоридаги хабар Ҳинд ва Румда шуҳрат топиб, охири Хитой халқига ҳам маълум бўлди. Бу вақтда Баҳром Хитой хонининг қўшин бошлиғи эди. Фарҳод ўз ёрисиз қийналгандай, Баҳром ҳам Фарҳодсиз қийналиб турарди. Хон Фарҳодга амакивачча бўлгани учун унинг аҳволидан беғам эмас эди. Баҳром келиб, халқ орасида маълум бўлган гапларни хонга шундай арз қилди:

— Ғарб томонда Арман деган бир ўлка бор экан. Юзлаб Эрам боғи гўзалликда у ўлкадан уятли эмиш. Агар хон менга лутф ва марҳамат кўрсатиб буюрса, Чин ва Хитой ўлкасидан қўшинлар тўплаб, ўша Мағриб заминга юриш қилсам. Дунёда ягона бўлган Фарҳоднинг олдига етиб борсам. Иложини топсам, унинг аҳволини яхшилашнинг тадбирини қилсам. Бўлма-са, тақдирда борини кўрсам!

Хон унинг фикрини маъқул топиб ижозат берди. Чунки Баҳромдан унинг анча-мунча хавфсираган ери ҳам бор эди. «Фарҳод ўзидан-ўзи ўлди. Бу ҳам даф бўлсин. Кўнгли қаерни истаса, ўша ёққа кетсин!» деди у ичида.

Манглайи қутлуг Баҳром ижозат олгач, бир нафас ҳам ҳаялламай, қўшин йиға бошлади. Тўда-тўда қўшинлар Мағриб заминга кўчди. Унинг қўшинлари бу ер аҳолисига нисбатан икки ҳисса кўп эди. Шу йўл билан у Арман ўлкасига ўзининг иқбол соясини солди. Халқни чақириб, аҳволни текшира бошлади. У қайта-қайта суриштирар экан, энг нозик нарсаларни ҳам сўраб, охири ҳамма гапнинг тагига етди. Фарҳод ўлганини билиб, дард ўти кўнглидан алабга урди ва тездан қабр тепасига борди. Унинг кўнгли яраланган ҳолда худди жафокор фалакдек у ерга етиб келди. Халқ Фарҳод мотамини тамомлашга улгурмай, иккинчи мотам бошланган эди.

Мамлакат аҳолиси қўрқув ва даҳшатдан маҳшар кунининг одамларидай ҳасрат-ғиғон тортар эдилар. Аҳволни билиш учун Баҳром бир кишини сўраган эди, олдига Шопур келди. Баҳром Шопурнинг Фарҳодга бўлган яқинлигининг мақтовини эшитган эди. Фарҳоднинг қайғуларига бирдан-бир таскин бера оладиган одам шўрли Шопур, деган эдилар. Улар бир-бирларини суриштириб топишдилар. Бир-бирларини қучишиб, талайгина йиғлашдилар ҳам. Баҳром сўраб-сўраб, шу гумбаз ўз дўстининг қабри эканини билиб олди. Гумбазнинг остига киргач, унинг оҳу войи кўкдан ошиб, ҳатто кўк гумбазига ўтлар тутшиб кетди. У шўрлик шундай мотамлар билан айтиб йиғлар эдики, оҳи ўтидан ер мумдай эриб кетай

дерди. Бир кечаю кундуз у Фарҳоднинг оёғига бош қўйиб, жаҳонга ўт солиб йиғлади:

— Эй мени жонимдан ноумид қилган, менинг балою уқу-батларимни бир умрлик қилиб кетган! Сени бундай кўргунча кўзим чиқса бўлмайдими! Сен билан шундай сўрашгунча тилим кесилса бўлмайдими! Ғарибликда не аҳволлар бошингга келди? Бу қийноқлар ичида шундай ғарибликларни бошингдан кечирибсан! Куйиниш ва оқ тортиш сенинг насибанг бўлибди. Тоғдек танинг сомондай сарғайибди. Ахир, қани сенинг аждаҳога қарши от сурганларинг, Аҳраман девни ўлдирганларинг? Сен ғазаб қилмоқчи бўлсанг, ахир осмон ўзига булутларни тўсиқ қилмасмиди?! Сенинг туғинг билан тоғларнинг ёрилиши, гурзингдан чўлларга титроқлар тушиши қани? Фироқ сени кемириб ташлабди. Шунинг учун жуда оғир уйқуга кирибсан. Ахир, кўзингни очиб, бошингни кўтар! Сут эмишган шўрлик бир уканг бошингга келди. Менинг «ҳу» тортишим кўкка етди. Сўзларим эса жаҳонни ўртаб юборди. Овозим кўкка етди-ю, ҳеч сесканмайсан. Оламга ўт тушиб кетди-ю, ҳеч тебранмайсан. Кўзингни очмайсан. «Қулим келди-ку!»— деб хурсанд бўлмайсан. «Уйқу ўлимдир!» деганлари рост чиқди. Оламда мендек қулинг бор экан, сенинг душман зулмидан бундай нобуд бўлишинг қанақаси? Бу ишга мен чидаб тура олмайман! Буни кўргандан ўлганим яхши! Сенинг қонингни сўраб, ғазаб қиличини кўтарсам, Мағриб заминни ер билан яқсон қилсам, тоғларни қазиб дарёга солсам, денгиз сувларини чўлларга оқизсам, душман шаҳарлари денгиз ичида кўринмай кетса, миноралари ўрнида гирдоб кўринса, тунам минг қонни курашиб тўксам, булар ҳаммаси сенинг қонингга тенг бўла оладими? Агар бу қонлар билан ҳам руҳингни севинтира олмасам, бу қонлардан менга нима фойда?! Бундан буён қилич билан камарни, бошимдаги бош оғриғи бўлган тожни нима қиламан? Энди менга бу совут, бу дубулга, бу ўқ-ёй ва қалқонларнинг нима кераги бор? Энди мен қандай қилиб ўзимни қаҳрамон деб ҳисоблаю, қандай қилиб отга минишни ҳавас қилай? Не деб энди уруш майдонига ҳунар кўрсатай? Оғир тош бўлган гурзимни бошимга урайми? Энди базмлар ичида қандай ором оламан? Қайси кўнгил билан лаъл ранг жомни кўтараман? Тангри ҳаққи, менга сенсиз май ичиш заҳардир. Севинчлардан умрим бебаҳра ўтади. Сен менинг насибамни ғусса ва дард, вужудим тупроғини гард қилиб юбординг-ку!

У шу хилда айтиб йиғлар экан, халқ ҳам қон ёшларини тўкар эди. У ўз дардлари билан йиғлар экан, ғамгин Шонур ҳам унинг ёнида товушига товуш қўшиб турар эди. Унинг

дарду иштироблари бир оғ тинди. Ерни ўпиб, у ташқарига қадам қўйди. Бир одамга:

— Шеруя келиб, менинг саволларимга жавоб берсин!— деб, унинг олдига юборди.

«Агар уни ҳар қандай гуноҳдан тоза топсам, лутфу камрам билан севинтираман. Агар унинг гуноҳсизлигига шубҳа қилсам, унда нима қилиш кераклигини ўзим биламан!» деди Баҳром ўзига.

Шеруя бу гапдан хабардор бўлгач, Баҳром тўсатдан ғазаб қиличини кўтариб қолмасмикан, деб қўрқди. Қажр қилиш касби бўлган шоҳ олдида энг гуноҳсиз одам гуноҳкорроқ саналади. Гарчи Шеруя дағал шоҳлардан бири бўлса-да, лекин қилич тигини қоя тошнинг тиги ўтмас қилади деган гап бор. Шеруя Шопурни ўз олдига чақириб, илтимос қилиб, унга кўп ялинди:

— Бу гаплар орасида сенгина менинг гувоҳимсан. Фарҳоднинг бошига тушган ишларда менинг айбим йўқ. Мен бировни қотил деб билган бўлсам, у одам отам бўлишига қарамай ўлдирганман. Сен бу гапларимни Баҳромшоҳ олдида гапир. Лекин шуни ҳам билки, унга хизмат қилишни мен ўзимга фарз билганман. Агар у менинг бу боролмаслик узримни кечирса, нимаики буюрса, жоним билан бажаришга тайёрман. Мен уни кўришдан жуда қўрқаман. Сенинг олдинг-да илтимосим шундангина иборат. Сен уни бу гапдан қайтар. Уни марҳамат йўлига бошла. Агар сен шу ишни бажариб, менга мурувват қилсанг, қиёматгача сендан мамнун ва миннатдор бўламан!

Шопур уни бу қадар эзилган ҳолда кўриб, унинг ҳолини келиб, шоҳга маълум қилди:

— Мен эмас, тангри гувоҳ. Унинг бу ишларда гуноҳи йўқдир. У бу тарафларга келишда ўзининг ихтиёри билан келган эмас. Унинг бу ерга келмаслигини мен туфайли кечирсанг. У келмай қўя қолсин. Сен нима десанг, у жони билан қилади. Бундан кейин эса буюрганингни аҳду паймон билан қилади!

Шоҳ Баҳром бу гаплар Шопур истаги эканини кўриб, Шеруянинг келишидан ўтди.

— Аммо,— деди у,— бу Арман ўлкасининг аҳолиси тахмин қилиб бўлмайдиган даражада кўп бўлса ҳам, Хисрав бу тарафларга қўшин тортиб келганда халққа қанча зиён-заҳмат етказган бўлса, Шеруя бу тўловни халққа бериши керак. Шуларни бергач, у ўз мамлакатига кета берсин. У ўз юртига етиши билан тагин шунча маблағ юбораман,— деб бизга ваъда ҳам берсин!

Шопур у шўрликка бу ҳукми етказгач, эшитиш билан жондан миннатдор бўлиб, халқ нимани талаб қилган бўлса, унинг олдига ўшанча хазина тўкди ва бу хазиналарни сарф қилиб бўлиб йўлга тушди. Яна шунча юборишга ваъда бериб, у ҳаракат қилиб, тезликда юборди ҳам.

Шундан сўнг қутлуг ҳоким Арман элини йиғиб, зулмларга радия бера бошлади:

— Кимгаки, Хисравдан бирор зарар етган бўлса, бирон одам бунда Фарҳодни сабабчи деб билса, унга қандай зиён-заҳмат етган бўлмасин, — бунинг тўловини биздан олсин ва Фарҳоднинг руҳини хушнуд қилсин!

Унинг бу гапидан ҳар томонга шўру ғавго тушди, қий-чув кўтарилди.

— Ҳаммамизнинг тангридан илтимосимиз унинг фидоси бўлиш эди. Биз унинг тўғрисида бу гапларни кўнглимиздан чиқариб гапиряпмиз. Энди биз ундан мол сўрармидик?! — дерди одамлар. — Тақдирнинг ҳукми эл раъйи билан бўлмайди. Унинг тақдирига тушган нарсаларга нима чора қилиш мумкин? Доим унинг дуоси билан машғулмиз. Қилиш билан нима қилган бўлса, биз кечирганимиз бўлсин!

Амалдорларга тездан буюрди. Улар ўша халқ ичида Хисравдан қолган молларни тақсим қилишди. Мамлакатда подшолик асосини тузиш учун халқ ичидан Бону қариндошларини чақирди. Уларнинг орасидан ҳаммага маъқул, подшоҳлик ишларига лойиқ бир кишини топиб, у мамлакат халқининг паноҳи бўлсин, деб, уни Арман юртига подшоҳ кўтарди. У адолат қоидаларини ўрнига келтириб, адолати туфайли бузуқларни тузатиб, Хисрав қаерни бузган бўлса, бу подшоҳ у ерга янги иморатлар қурди. Баҳром унга шоҳлик яроғларини, байроғи, тожи ва ҳисобсиз хазинасини ҳам берди. Янги шоҳнинг қадамидан тахт юксалди, бошига чодир соя солди. Унинг подшоҳлигини шоҳ Баҳром қандай бўлишини истаса, шундай иш олиб борди.

Сўнг Баҳром Чиндан бирга келган ўз одамларига ҳам кўп тилла, кумушлар ва хазиналар бериб, узрлар сўраб, деди:

— Мени деб кўп қийналдингизлар. Энди бола-чақаларингизнинг олдига қайтинг. Ўлкангизга, мулку молингизга қайтинг!

Улар ҳам бундай аҳволни кўриб, кўп йиғладилар, охирида ҳислож қолиб қайтиб кетдилар. У яна:


— Хоқонга менинг номимдан салом айтинглар. Фарҳод билан Баҳром бир-бирини топди! — деб хабар қилиб қўйинглар! Улар яхшилик томон йўл олдилар. Сен ҳам қаерда бўлсанг яхши қол! — деб тайинлаб ҳам қўйди.

Қўшинларни шундай сўалар билан жўнатди, шон шуҳратнинг бўғовларини, бандларини чил-чил қилди. Сўнг у Фарҳод қабрини кўтариб, Шопур билан икковлари унинг тепасида турғун бўлиб қолдилар. Улар йўқлик тупроғига паст бўлганларидан кейин, уларга ўз-ўзидан боқийлик файзи ёғила бошлади. У шоҳликни йиғиштириб, оёқ остидаги тупроқ бўлган эди. Яхшилаб қаралса, шунинг ўзи шоҳлик эди.

Эй Навоий, агар сен чиндан ҳам мақсадингга етмоқчи бўлсанг, Фарҳод ва Баҳромларга ўхшаб фоний бўл!

Эй соқий, сен менга йўқлик жомини келтир! Уни қанча тез ичиб тугатсам, яна қуйиб бер! Шундай бўлсинки, бу қадаҳлар мени муттасил уларнинг сингари йўқлик тупроғига элтсин!

### LIII



*Султонлик шажарасининг самараси  
шаҳзода Абулфорис Шоҳғариб Баҳодир  
мадҳида бир неча сўз билан насиҳат бе-  
риб ўтмоқ*

Жаҳон боғи Чин нақшининг ҳавасини келтирадиган даражада гўзал бўлиб, жаннат ҳам унга рашк билан қарайди. Бу боғда шопмасдан айланган киши унинг ҳар бир чамани саҳнидан юз хил гулларни топиши мумкин. Бу гулларнинг ҳар бирида ранг ва ҳид бўлса-да, лекин унда шу ранг ва ҳидга яраша гаплашиш-сўзлашиш хусусияти йўқ. Очилган гул табассум билан боқиб турса ҳам, аммо булбул каби куйлаш қобилиятига эга эмас. Шундай бир гул бўлсаки, унинг ранги, ҳиди билан бирга дилрабо гап-сўзи ҳам бўлса, ташқи кўринишда гулдай бўлса-ю, гап-сўзда булбулдай бўлса!

Шундай бўлса, ниҳоят даражада қизиқ бўлар эди. Шундай бир гул шаҳзодадир. У шаҳзода эмас, малоҳатнинг конидир.

У гапга кирганда эса, уни равонлик денгизи деб атагинг келади. Чиройли гаплари билан у шоҳга тенглашиб қолган бўлиб, у барча шоҳларнинг ичида энг ажойиби, исми Шоҳ-гарибдир.

Ҳа, сен сўзлар экансан, сўзларинг жон бағишлайди. Нафасинг эса Исоникига ўхшаб ўлганни тирилтира олади. Қандай бир яширин маъноли гап бўлмасин, сенинг билимдон таъбинг уни ҳал қилмай қўймайди. Кичик ёшингдаёқ сенинг табиатинг ақл пирини она сути оғзидан кетмаган деб ҳисоблар эди. Мен порлаб турган бу сўзларимни кичиклигиданоқ улуғларнинг улуғи бўлган сенинг зотингга бағишлайман.

Сенинг бахт юлдузинг янги ойдай бўлиб, сен ўзинг эса оламга оро берган тўлин ойсан. Сенинг бу янги ойинг бора-бора тўлин ойга айланар экан, сенинг камолотинг эса қуёшникидан ҳам зиёда бўлажак. Агар янги ой ҳар кеча қуёшдан нур касб этмаса, у тўлин ой бўлишдан маҳрум бўлур эди. Агар сен қуёш бўлишни истасанг, камолот касб эт. Камол касб этганингдагина, сенга ҳеч қандай уқубат юзланмайди.

Кимки ўқиш-ўрганишдан эринса, илм аҳли олдида ўзи хижолат бўлиб қолади. Фараз қилайлик, бир одам ўзи зolim амалдор бўлса-ю, лекин ҳар қандай мушкул масалаларни еча олувчи донишманд бўлса, бундай ҳолда ҳатто художўйликка берилган кишилар ҳам одамлар орасидан бориб, ундан у-бунни сўраб билишга мажбур бўлади. Кимки, олимларга таъзим қилса, у гўё пайғамбарга таъзим қилгандек бўлади.

Агар сен ҳар нарсадан огоҳ экансан, сен — шоҳсен! Гап-ра-гапира тўти, ҳар нарсани биладиган бўлди. Шундан кейингина халойиқ уни «шоҳ тўти» деб атайдиган бўлади. Товуснинг минг безаги бўлгани, зийнат билан бошида тожи ҳам бўлгани билан, бу тожнинг ўзинигина ҳисобга олиб ҳеч ким уни шоҳ демайди. Чунки у асли ёмон, ҳиндистонликдир. Илм ҳайвоннинг отини шоҳ қилган экан, у инсонни шоҳ қилса, бунга ажабланиш керакми?!

Илм нури билан вужуди порлаган шоҳнинг қиёматгача яхши номи қолади. Илму ҳунарларни эгаллаган Искандар ер ва қуруқликларни қандай эгаллаганини томоша қил! Унга ўхшаган подшоҳлар кўп бўлган. Аммо бундай ишлар уларнинг қай бирининг қўлидан келган? Орадан икки минг йил ўтиб кетди. Лекин ҳамон юз минглаб донишмандлар Искандарнинг ҳикматларидан баҳрамандирлар.

Темурхон наслидан бўлган Улуғбекдай султонни ҳали олам кўргани йўқ. Ундан дунёга келган фарзандлар ҳам ўтиб кетди. Бу замон одамларидан ҳеч бири уларнинг бирортасини эсга олмайди. Бироқ Улуғбекнинг ўзи илмни чуқур эгалла-



ган бўлиб, унинг кўзи олдида осмон паст бўлган эди. У боғлаган расад жаҳоннинг кўрки бўлиб, жаҳоннинг ичидаги янги бир жаҳондир. У осмон илмини шу хилда яхши эгаллаб, шу асосда «Зижи Кўрагоний» асарини яратди. Қиёмат қойим бўлгунга қадар дунёдаги одамлар унинг чиқарган хулосаларидан хулосалар ёзадилар.

Билим кўзга гарчи безакдай бўлиб кўринса ҳам, аммо шоҳларга у алоҳида безак ва кўркдир. Илм ўрганишда биргина фан билан қаноатланиб қолмасдан, ҳаммасидан ҳам баҳраманд бўлсанг, ким сенга тўсқинлик қила олади? Қанча илмларни эгалласанг, яна ундан у ёғига ўтиб кетавер... Лекин дин илмига етганинда, ўша ерда тўхтаб, манзил тут. Тиб ва ҳикмат илмлари гоят яхши илмлар бўлиб, булар киши жисмининг сиҳҳати учун зарурдир.

Агар бу билимларни ўқишдан, кўришдан чарчасанг, муборак табъингга малол етса, у вақтда сен тарих китобларини ўқишга рағбат қил, у китобларда тасвирланган султонлар билан ҳамсуҳбат бўлишга кириш. Боқ, жаҳонда кимлар мурад-мақсадига етибди, бу кўҳна дунё эса кимлардан қолган экан? Ҳар бири бутун дунёни олган Таҳмурас қани? Жамшид қани? Заҳҳок қани? Уйлаб кўр, улар дунёни олиб нима қилдилар? Унда нимаики бор бўлса, ҳаммасини ташлаб кетдилар. Эртами, кечми улар ҳаммаси ўтиб кетди. Лекин улардан дунёда ном қолди, холос! Бу қолган ном яхши бўлса ҳам, ёмон бўлса ҳам бундай номни қолдиришга нима сабаб бўлганини билишга ҳаракат қил.

Сен қайси фанни эгаллашга киришган бўлсанг ҳам, жаҳонда яхши отинг қолишига эриш. Қўлингдан келганча ўша ишни ўзингга шиор қил, токи яхши отинг дунёда ёдгор бўлиб қолсин...

Агар сен ҳикматга илтифот билан қарасанг, умринг Нуҳ умридай узун бўлсин! Сен энг олдин ўз мизожингни синаб кўр. Табиатингда қандай ҳол борлигини тамомила ўрган. Текшириб кўрганингдан кейин бунга нима фойдали ва нима зарарли экани масаласида ҳикмат қаттиқ туради. Шунда сен фойдалилари билан шуғуллан. Бироқ ҳамма ишнинг ҳам ўртасини тутишга ҳаракат қил.

Зарарли нарсалардан қўрқ. Шунда табиатинг мушкулларни осонлик билан енгади. Мизожинг бир нарсадан лаззат топадиган бўлса, унга сен ҳадеб майл кўрсатаверма. «Яхшининг кўпидан ёмоннинг ози яхши!» деган гапни ҳикмат аҳллари яхши айтиб кетганлар. Овқат фойдали бўлиб, иштаҳа қистаб турганда ҳам, табиатинг гарчи талаб қилиб турган бўлса ҳам

237 ейишни тўхтат. Уша овқат тўла-тўкис ҳазм бўлгунга қадар

танангни оғир юкка ҳаммол қилма. Агар ичкинг келмаса, ичишга имконинг бўлмаса, меъданг ҳазм эта олмаса, тириклик суви бўлса ҳам сен уни ичма, узр айт. Ҳикматнинг қондаларини бажаришда шундай чаққон бўл. Шунда доим истагингга етасан, соғлом бўласан.

Агар сен тарих ўқишга қизиқсанг, ҳар бир халқ қандай ишлар қилганини биласан. Жаҳонгир султонларнинг ҳар жангда қандай тадбирларни қўлаганини ўрганасан. Уларнинг қайси бири зулм қилди-ю, қайси бири адолат кўрсатди ва охирида бундан нима келиб чиқди? Нимадан ўлка обод бўлди? Нима билан халқ барбод бўлди? Нимадан мамлакат тинчликка эришди? Нимадан халққа омонлик юзланди? Қўшин қондалари нимадан тузалди? Душманнинг қисмлари нимадан тарқалиб, парокандаликка учради?.. Ҳар бир шоянинг сифати қандай эди-ю, нима учун дунёда унинг яхши оти қолди — ҳаммасини аниқлайсан. Бу гапларнинг барчаси кўп мартаба ёзилган. Сен шуларнинг ҳаммасига бирма-бир назар соласан. Мен ишонаманки, сенинг равшан ақлинг, нурли истагинг яхшилик томон майл кўрсатади. Чунки шундай қилсанг, бу оламда доим фойда кўриб, нариги дунёда яхшиликкагина эга бўласан.

Бизнинг шоҳимиз динни ҳам, дунёни ҳам эгаллаган. Тез орада сенга ҳам бу иккиси етади. Агар сен бу икки ишни орзу қилсанг, шоҳ нима қилса, унга эргаш, тақлид қил. Менинг қаламим рақам этган бу гаплар сенинг табиатингга ноҳуш келган тақдирда ҳам, ишонаманки, эҳтиёжлар тушган пайтларда, бу маслаҳатларга амал қилиб, натижалар топасан. Бу йўлланмалар сенга тўла фойда еткурғудай бўлса, менинг руҳимни дуо билан шод этгайсен. Сенга менинг пандларим ҳар нафас фойда бергандай, сен дуо қилсанг, бу менга ҳам фойдалидир.

Эй соқий, сен менга бир пиёла шароб тутиб, кўнглимни шод эт, эски қуллуқларим ҳақини ёдингдан чиқарма! Менинг ишим кетма-кет насиҳат қилиш бўлиб қолган экан, пандларимни эшити, бир қадаҳ майдан ҳам бер!



*Бу дoston тугалланиши учун қалам сурмак ва бу ҳангомани охирига етказишга ғайрат кўргузмак*

Қуёш ўзининг соясини солган менинг фикрларим менга бу олий кўк гумбазининг юксаклигидан ўрин олиб берди. Осмон қалъасига от суриб, отим оёғидан кўтарилган гард билан қуёш юзини яширдим. Мен минган қора тўриқ осмонга йўл олиши билан Уториднинг қалами ҳам, сандиғи ҳам синди. Муштарий юлдузидан ўзимга шундай бир тож ясадимки, унинг боши ридога муҳтож бўлиб қолди. Кўкдан туриб ерга юлдузлар соча бошладим. Бутун борлиқ у юлдузлар остида кўмилиб кетди. Хазина олтин, кумуш тангалар билан тўлгандай, бу нола ва фиғон уйи ҳам юлдузлар билан тўлди. Бу порлоқ юлдузларнинг ҳар бири оддий юлдуз эмас, Муштарий ва Зухрога, Муштарий ва Зухрога ҳам эмас, нақ Қуёшга тенг эди.

Кўк гумбазига қадам қўйгач, қуёшнинг жуссаси билан оламни ёптим. Бутун оламни қуёш нури қоплагач, ундан халқнинг кўзи ўз-ўзидан ёришиб кетди. Кўзи очиқ одамлар кўз тутганларига яраша қониб, кўзларини ёритдилар. Бироқ онадан туғма кўрлар эса бу бепоён зиёни тан олмасдан, ундан тондилар. Кечани кундуз деб ҳисобловчи кўзнинг аҳволи дунёда нима бўлишлиги маълум-ку, ахир!

Агар қуёшдан нур ёйилгудай бўлса, кўршапалакдай унинг кўзи кўрмайди. Қуёш оламга ёруғлиқ сочар экан, унинг нури пашшадан тортиб анқоғача баравар тегади-ку! Бироқ, Қуёш ўз нурини юз карра орттириб сочганда ҳам кўршапалак билан бойқуш бунинг фарқига борармиди?! Ҳеч нарсани тушунмайдиган пасткаш одамларга олтин сочинг, бу, эшакнинг олдига хазон тўкиш билан тенг бир нарса. Оддий қапалак

шамъ ўтидан нима завқ топа олади? Бу нурнинг нималигини билиш учун парвонадай шавқ кўргизиб куя билиш керак!

Жаҳон боғини гулшан қилган гулдан эсан майин ел кўз чирогини равшан қилади. Гулнинг ранги ва иси қанчалик жонбахш бўлгани билан унинг атри қора қўнғиз зотиға вабодан бошқа нарса эмас. Қора қўнғизнинг кўнғлиға қараб боғ ичидаги булбул: «Гул жон бағишловчи эмас!» деб айта оладими?!

Юзи қора лўлиға ўхшаган бу қўнғиз доим чўл бўйлаб гўнғлардан соққа ясайди. У соққани худди ўзининг жонидай қимматли билиб, у ёқдан-бу ёққа ташийди, уни элтиш учун бошини чавгон таёғидек тубан қилади. Бу соққа гўё унинг порлаган дури, дури ҳам эмас, балки унинг нақди жонидир.

Қора қўнғизнинг табъиға ёққан нарсани кўпансор қуши билан булбул яхши деб айта оладими? Қора қўнғизға бир даста гулнинг ранги ва иси қандай бўлса, булбулға ҳам у қўнғизнинг соққаси шу ҳисобдаги нарсадир. Лекин ҳар кимнинг табиати қанча нозик бўлса, бу икковининг қайси бири ҳақ эканини билиб олади!

Мен шундай булбулманки, фалак мендай бир ҳижрон тунда қолган қушни ҳеч қачон кўрмаган. Бу қушнинг ишқ ғамида минг фиғони, ҳар фиғонида минг достони бор. Бу гулшаннинг булбули ҳам менман, бўстонсароси ҳам менман. Бўстонсаросигина эмас, достонсароси ҳам менман.

Эй Навоий, сўзда лофларинг ҳаддан ошиб кетди. Шу гапларингнинг ўзидан ёлғонларинг ҳам билиниб қолди. Даъвонинг бу дастгоҳини бир нафас йиғиштириб тур. Даъво ичида маъно бўлмагандан кейин нима фойдаси бор! Бир лаҳза шоирлик шиорини қўйиб турай-да, ўз шиоримнинг бор-йўгини айтиб қўя қолай:

Мен шундай бир тупроқменки, золим фалак менга хашакдан бошқа бирор унум бермайди. Бу тупроқ эса чанг-тўзон бўлиб халқнинг бошиға ўлтирган дейишим хато, одамларнинг оёғи остида топталгани топталган. Замон зарбаларидан юз азоб-уқубатларға учраб, олам элининг оёғи тағида эзилгани эзилган. Элининг оёқлари остида муттасил эзилиши билан бирга аҳволи қуюндай доим ғавго-тўполон ичида. Гоҳо меҳнат-уқубатнинг совуқ шамоли келиб, унинг аъзоларини ваҳшатға солади. Ҳодисаларнинг қаттиқ эсан, қўзғалонли ели уни тағтуғидан қўпориб ташламоқчи бўлади. Булар ҳаммаси унинг тан аъзоларини бир-биридан ажратиб юборган, ажратиб юборгангина эмас, майда-майда қилиб ташлаган. Бу бўлакларни учиб юрадиган нарсаларға айлантириб, бечора ҳолға солиб, асли ўрнидан қўзғатиб, сарсон-саргардон қилиб қўйган. У ша

моллар буни гоҳо тоққа, гоҳо чўлга олиб бориб уриб, баъзан бир хас парчадай учириб, осмонга олиб чиқади. Бунга улар ел тўдасидай бир дам жаҳонни кездирса, бир дам буг парчасидай осмонни айлантиради. Елнинг ҳув деган изғиринидан у афғон тортиб, саргашталиқ унинг жонини олади. Ҳодисаларнинг қаттиқ шамоли псайгандан кейин эса уни қора тупроқларга ётқизади. Аввал уни ердан осмонга кўтариб, сўнг яна кўкдан тупроққа ташлаб юборади. Чунки, кўкка олиб чиқишдан унинг мақсади яна қайтариб уни ерга уриш эди.

Мен чарх етказган азоб-уқубатлари тугамаган, яна ҳодисалардан зарбалар еб ётган бир кишиман. Бало чўлида қолган шундай бир ҳовуч тупроқменки, фалак менга душманлик қилишдан бошқа нарсани билмайди. Мен баъзан оёқ остида, дард ичида қолиб, яна бир нафас бошларда гард бўлиб юрган, агар бирор нафас тинчланиш бахтидан баҳра олмоқчи бўлса, дунё уни қора тупроқдан бошқа жойга ўлтиртмаган бир одамман. Агар бу тупроқ жисмим бирор ерда ором олиб қолганда ҳам, у тупроқдан замон хасу хашакдан бошқа нима кўриши мумкин?

Бу тупроқдан туғилган хасу хашак ҳам тинчлик нима билмай, балки сайр қилишга қўшилиб кетар. Агар бу тупроқ билан гард унум бериб қолгудай бўлса, бари бир, у кўкат қизил гул эмас, хасу хашак бўлади.

Яна шундай тупроқ ерлар ҳам бўладики, у ернинг фикру хаёлида деҳқоннинг ичи юз тугун қон билан тўла бўлади. Уни суриб, ҳайдаб, ер бағрини тимдалайди. Унинг юзига бел хатлари билан зийнат беради. У ерни асраш учун теварағига девор уради. Этакларига темирдан қўрғондай пахсалар олдиради. У ерга ҳар хил гулларнинг уруғини сочиб, уруғ тушган ерга қадам босмай, у ерга бегоналарнинг оёғини тегдирмай, бегона одамлар у ёқда турсин, ҳатто душман тўдаларини ҳам яқинлаштирамай, сув бериш вақтини ҳам бир нафас ўтказмай, шу сув беришдан ўз обрўсини кўзда тутиб, шунча эрқалаш ва парваришларга у чидар экан, у тупроқ нимага гул бермасин?! Муқаррарки, у ердаги ғунчалар очила бошласа, бир ранг эмас, балки юз рангда гул бера олади. У гулларнинг ранги, иси оламга кўрк бўлади. Булбулларнинг ҳою ҳуйи ҳамма ёқни тўлдирди.

Мен тупроқ шўрликка ҳам илдам қадамли чарх тинчлик уйида бир нафас ором берса; тараддуд қийинчиликларидан халос қилиб, одамларнинг зулмидан озод қилса; ҳар бир жафогар маҳол умидларни кўзлаб, дам-бадам бағримга юз ниш уриб турмаса; минг ғусса ўқига нишона бўлавериб, ичим арининг инидай бўлиб кетмаса; жафо қилувчиларнинг ҳужуми

тинчланиб, кўнглим юрти тегилаверидан тинса; шоҳ олдида истагини топа олмаган ҳар қандай бадкор мени шоҳ олдида гуноҳкор қилмаса; шоҳ олдида ғазабга учраган ҳар кимса мени бу ишга ундатмаса; менинг бунча ранж ва ғамларимдан огоҳ бўлиб, аҳволимга шоҳнинг ўзи раҳм этса; севинчим боғи ҳақида мулоҳаза қилиб, кўнглим гоҳо ғунчадек очилиб турса, кеча-кундўз йигирма тўрт соат ичида лоақал йигирма тўрт мартаба тўғри нафас ола олсам, агар бировдан кўнглим футур топмаса; вақтим бир оз ҳузур кўрса, ҳозиргача ёзганим тарқоқ номалар ва бир-бирига боғланмаган ҳикояларга қараганда қаламимни яна ҳам тез юргизиб, ёзмоқчи бўлган нарсаларимни бундан ҳам равонроқ ёзган бўлардим. Бу ёзилган нарсаларда санъат бундан ҳам кўп бўлиб, у санъатларда нозикликлар янада ортган бўларди.

Агар бахтим юдузи менга ҳасад қилмай, толеим тўла мададкор бўлганда эди; мен бир фароғат бурчагида жойлашиб олиб, эл мени, мен ҳам элни унутсам эди; шоҳ мени барча ишлардан бўшатиб, сўз айтиш ишигагина қўйиб қўйсайди, шоҳ яна илтифот қилиб, баъзи-баъзида назмимдан, ўзимдан хабардор бўлиб турса эди; гоҳо менинг ёзганларимга ислоҳ киритиш билан зеб бериб, ёзишни давом эттиришимни тарғиб этиши билан инъом бериб турса эди; мен Хусрав Деҳлавий, ёки Низомий, ёки ҳозир назм аҳлининг бошлиғи Жомий бўлмасам ҳам, улар тил ханжарини чекиб, сўз ўлкасини бошдан-оёқ олгандай олмасам ҳам, ҳар ҳолда уларнинг қаршисида мен ҳам тиг тортиб, сўз учи билан санчишга уннаб кўрган бўлардим. Лекин мен ҳақ лутфига сиғиниб, шоҳ иқболидан такагоҳ истаб, айта оламанки, мен лоақал уларга эргаша оламан. Мен ҳеч бир қийналмасдан бу ишга киришар эканман, хайрихоҳим бўлган шоҳимни уятга қолдирмайман. Халқ «Қойилмиз!» дейишни яхши кўргандек, шоҳдан ҳам менга, албатта, эҳсон ва таҳсинлар келади.

Низомий Барда билан Ганжани олиб, Рум элига ҳам қадам қўйган бўлса; Хусрав Деҳлавий ҳам тил ханжарини чекиб юриб, Ҳиндистонни қўлга киритган бўлса; Жомий эса Ажамда навбатга туриб, ўз шавкатининг ноғорасини ҳатто Арабда ҳам чалса; мен турк улуси бир қавмми, юз қавмми, минг қавмми — ҳаммаси аниқки, меники бўлажак. Мен уни Хитойдан Хуросонгача қўшин чекмай, осонлик билан ўз фармонимга бўйсундирдим. Хуросонгина эмас, Шерозу Табризга ҳам қаламим қамиши шакар тўкмоқда.

Менинг сўзларимга турк ўз жонинигина эмас, кўнглини ҳам берган. Ёлғиз туркмас, ҳатто туркман ҳам шундай қилган. Қайси бир ўлкагаки бирор буйруқ юборгундай бўлсам, **242**

уни қўлга олиш учун бир девон ҳам қўшиб юбораман. Менинг бу девоним у ўлкани шундай эгаллайдики, девонбеклар ҳам дафтарни бундай туза олмайдилар. Мен, ахир, қанча дафтарларни қора қилиб юбордим. Бекордан-бекорга даъво қилаётганим йўқ...

Танрига мақтовлар бўлсинки, бу ҳам достони, фироқ аҳлининг мотам достони, замон умрим номасини, тугатмай, висол айёми каби охирига етмоқда. Ёзилган йилининг тўғриси айтсам, ҳижрий 889 йил\* эди. Навоий сўз бўстонини сайр этиб, дostonнинг ҳар бўлимини ёзиб чиқди. Дostonдан ортиқ сўйланадиган бирорта сўз ҳам қолмади. Эй ажойиб соқий, энди пиёлани тўлдириб майдан узатавер! Пиёлани кетмакет лиммо-лим қилиб тута беришинг натижасида, мен сўз айтиб туриб, дам-бадам маст бўлиб турдим. Бу дostonни Навоий то хатга туширгунча, сўзни ҳам кўп айтди, кайфни ҳам кўп қилди.

Эй соқий, сен менга охирги, дўстларга тутадиган майингдан тут. Уни шунинг учун менга тутки, мен сўзни қисқартаман. Энди мен манзилга етдим. Бир лаҳза тинчланай!



## НАШРГА ТАЙЕРЛОВЧИДАН

(Сўнги сўз ўрнида)

Фарҳод ва Ширин ҳақидаги қисса ниҳоятда қадимий бўлиб, у Урта Деиё ва Яқин Шарқ халқлари орасида анча кенг тарқалган. У ёзма адабиётга кириб келмасдан бурун ҳам кўп вариантларда халқ оғзаки ижоди-дан ўрин олган эди. Бу қиссанинг марказида меҳнат кишиси Фарҳод гургани, лекин у золим подшоҳ Хисравнинг зулми ва маккорлиги орқаси-да ўзининг қаҳрамонона меҳнати туфайли ҳам ўз севгилиси Ширинга етиша олмагани ва фожиали равишда ўлдирилгани айниқса меҳнаткаш аҳоли ўртасида уни оммалаштириб юборган.

Фарҳод қиссасини биринчи мартаба улуг озарбайжон шоири Низомий Ганжавий (1141—1203) ўзининг «Хусрав ва Ширин» достонига бир эпизод сифатида киритди. Бунда Фарҳод афсонавий қиёфада тасвирланган бўлиб, у Ширин учун инсоннинг қўлидан келиши қийин бўлган ишларни қилади, бир ўзи мўъжизакор метини билан тоғдаги харсон тошларни ёриб ариқ ўтказади, йўл солади. Ундаги бу ғайритабиий фазилатларни кўрган Хусрав уни Ширин яхши кўриб қолишидан қўрқиб, унга Ширинни ўлди деб хабар етказдиради ва шу йўл билан ундан қутулади. Чунки у бу шум, ёлгон хабарни эшитиб ҳаёт билан видолашади.

Лекин Низомийдан олдин яшаб ижод қилган термизлик Адиб Собир Термизий (1147—1148 й. да ўлдирилган) шеърларининг ўзида Фарҳод образи бир неча бор учрайди. У, масалан, бир қасидасида ўзининг ёр висолига етиша олмадан, бахтсиз, хурсандчиликсиз яшаётганини Бесутун тоғида Ширин учун қийналиб ариқ қазиб, охирида ҳеч нарсага ериша олмаган Фарҳод ҳаётига ўхшатади:

Надида ҳеч муроде зи ёри ширинлаб,  
Ба Бесутуни жафо монда ҳамчу Фарҳодам.

**Мазмуни:**

Лаблари ширин ёрдан ҳеч қандай муродга эриша олмай,  
Бесутун тоғида азоб-уқубатда қолган Фарҳодга ўхшайман.

Унинг бошқа бир ғазалида эса ошиқ ёрнинг шамшод қаддини кўриб,  
Фарҳод Шириннинг ғўзал қоматини кўрганда қандай ғамга богган бўлса,  
бунинг дили ҳам ўшандай қолга тушганини айтади:

Ин дили ношоди ман аз қадди чун шамшоди у  
Он ҳамегирад, ки Фарҳод аз ғами Ширин гирифт.

Бу ҳил мисолларни кўплаб келтириш мумкин ва улар ҳаммаси мазкур қиссанинг Ўзбекистон территориясида ҳам халқ орасида гоят



машҳурлигидан даълат беради. Низомий достонини ўзбек шоири Қутб XIV асрдаёқ шеърий таржима қилгани бу қиссанинг туркий халқлар орасида яна ҳам кенг тарқалишига сабаб бўлди.

Алишер Навоийга қадар ўнларча шоирлар, шу жумладан Хусрав Деҳлавий (1253—1325) Низомийга жавобан Хусрав ва Ширин мавзуида қалам тебратиб, уларда Фарҳод образини сақлаб қолдилар, унинг образини маълум даражада янгича гавдалантиришга ҳам уриндилар. Ҳатто озарбайжонлик Ориф Ардабилиий (XIV аср) бу ҳақда махсус «Фарҳоднома» деган дoston яратди. Лекин унинг бу асари ғоявий-бадий жиҳатдан қадар юксак бўлмаганлиги туфайли шуҳрат тутмади.

Ҳақат ўзбек адабиётида эмас, умуман Шарқ адабиётида Фарҳод ва Ширин сюжети асосида принципиал янги дoston яратган киши улуғ ўзбек шоири Алишер Навоий бўлди. Бу дostonни ёзишга киришишдан олдин Навоий Фарҳод ва Ширин ҳақида ёзма ва оғзаки адабиётда, қадим тарихий хроникаларда мавжуд ҳамма маълумотлар билан танишиб чиқди ва ўз олдига Фарҳод тимсолида ҳунарга, меҳнатга бутун вужуди билан берилган, кишилар ўрта асрларда оғир меҳнат орқасида қулларча эзилган бир шароитда одамларнинг меҳнатини енгиллаштирадиган иш қуроллари кашф этишни орзу қилган ва бунга эришган буюк инсонпарвар қаҳрамон образини, бугина эмас, ўқиш, ўрганиш, кучли интилиш, мислсиз жасорат туфайли юксак ақлий камолотга, юксак инсоний фазилатларга эришган баҳодир жангчи ва матонатли, вафодор ошиқ образини яратишни мақсад қилиб қўйди. Ширин сиймосида эса у гўзал ва оқила, самимий ва вафодор маъшуқа образини гавдалантирмоқчи бўлди. Навоий бу билан биринчи бўлиб меҳнат кишисини адабиётга олиб кирди ҳамда уни бош қаҳрамон сифатида юксак бадият билан тасвирлай олди. Ширин образида эса феодал муҳитда эзилган, ҳуқуқсиз, лекин табиати, қалби мусалффо, одамгарчилиги том маънода бенуқсон, бокира қизларнинг умумлашма образини бера олди.

Навоий дostonи сюжет эътибори билан ҳам, қаҳрамонларни танлаш, уларга автор муносабати, бу қаҳрамонларнинг XV асрдаги реал ижтимоий турмушга муносабати, уларнинг ички кечинмаларининг чуқур ҳаётийлиги, тасвирнинг ҳар томонлама халқчилиги, тил ва услубдаги шоир маҳорати билан ҳам тамом оригинал асар бўлиб, бу хусусиятлари ила у Шарқ дostonчилигининг кейинги тараққиётига катта ижобий таъсир кўрсатди. Хусусан туркий халқлар орасида бу дostonга бўлган қизиқиш доим ортиб борди.

XIX асрга келиб ўзбек адабий тилининг XV асрдагига нисбатан қатор ўзгаришлар касб этиши натижасида Навоий дostonларини ўқиб тушиниш хусусан оддий китобхонлар учун анча қийинлашиб қолди. Шунини ҳисобга олиб ўзбек адиби Умар Боқий бу дostonни шу давр адабий тилида насрга айлантирди. Навоий асарининг бу насрий варианты тошбосмада бир неча бор нашр этилди ва шоир асарини кенг оммага етказишда қулай воситалардан бири бўлди.

Фарҳод чин ошиқ бўлиши билан бирга адолат учун, эрк учун, юртинг бахт-саодати учун қормас курашчи, толмас яратувчи қаҳрамон брази бўлгани, Ширин эса гўзаллик, сеvgи ва садоқат рамаи бўлгани чун Навоийнинг ушбу дostonи совет даврида янгидан қадр-қиммат топди, қайта-қайта нашр этилди, унинг асосида саҳна асарлари юзга келди. Аммо Навоий асарлари тилининг мураккаблиги, тушинишга оғирлиги бу даврда яна ҳам сезиларли эди. Бу вақтда ўзбек адабий тили туб ўзгаришларга учрагани сабабли бу асарнинг Умар Боқий томонидан яратилган насрий варианты ҳам талабга жавоб бермай қолди. Бунинг устига Умар Боқий ўз вариантыда Навоий асаридан баъзи ўринларда маълум даражада узоқлашиб, бу насрий текстни тўла маънода Навоий асари дейиш ҳам қийин эди.

Шуни ҳисобга олиб таниқли ўзбек совет шоири ва адиби Рафур Гулом Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллик юбилейига тайёргарлик кўрилатган йиллари бу дostonнинг кенг оммага мўлжалланган насрий баёнини тайёрлашга киришди. Бу насрий баён Навоийнинг шеърий тексти билан ёнма-ён беришга мўлжалланган эди. Ғ. Гулом мазкур ишни тугаллагач, уни ўша вақтда Навоий юбилейини ўтказиш Комитети томонидан шоир асарларининг текстлари устидаги ишларга махсус жалб этилган, ўтмиш ўзбек адабиётининг йирик мутахассислари — Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси А. Насриддинов (Боқий), С. Муталлибов, П. Шамсиев, И. Одилов, А. Азизов, Ҳ. Зарифов, Улфат ва бошқалар ҳузурига келтиради ва улар коллектив равишда ҳар байтни асл текстга таққослаб, қўлёзманни бошидан-охиригача кўздан ўтказадилар, қимматли фикрлар билдирадилар. Қўлёзма муаллифи эса уларнинг ҳаммасини ҳисобга олган ҳолда бу дostonни насрий баёни билан биргалликда биринчи дафъа 1940 йилда, сўнг Улуғ Ватан уруши тугагач нашр эттиради. Янги авлодни улуғ шоир асари билан чуқурроқ таништиришда бу нашрларнинг роли ниҳоятда катта бўлди.

Умуман олганда, гениал шоир асарининг барча гўзаллиги, латофати ва маъноларини ҳеч қандай наср бутун тўлаллиги билан акс эттира олмаслиги оддий ҳақиқат. Ушбу насрдан кузатилган биринчи мақсад Навоий асаридаги бадийятни имконият доирасида сақлаган ҳолда унинг мазмуни, сюжети, қаҳрамонлари, шоирнинг нияти билан китобхонларни яқиндан таништириш бўлса, иккинчи мақсад уларга шу йўл билан асарнинг асл поэтик текстини ўқиб тушинишга йўлланма беришдир. Қайси даражада бўлмасин шу ният амалга ошар экан, адабиётимиз мухлиси — камина ҳам ўз меҳнатидан хурсанд бўлади.

*А. Ҳайитметов*

*На узбекском языке*

**АЛИШЕР НАВОИ  
ФАРХАД И ШИРИН**

Редактор *Н. Норқулов*  
Рассам *Ф. Гамбарова*  
Расмлар редактори *И. Кириакиди*  
Техн. редактор *Т. Смирнова*  
Корректор *Ш. Собирова*

Босмахонага берилди 25/IV 1975 й. Босишга  
рухсат этилди 24/XI 1975 й. Формати 60×84<sup>1</sup>/<sub>16</sub>.  
Босма л. 15,5. Шартли босма л. 14,41. Нашр л.  
14,66+0,54 вкл. Тиражи 75000. Гафур Ғужо  
номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тош-  
кент, Навоий кўчаси. 30. Шартнома № 10-75

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Наш-  
риётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари  
бўйича давлат комитетининг Тошкент полиграф-  
комбинатида босилди. Тошкент, Навоий кўчаси,  
30. 1975 йил. Заказ 288. Ваҳоси 5-чи муқовада  
66 т., 4-чи муқовада 73 т.

Навоий Алишер.

Фарҳод ва Ширин. Насрий баён муаллифи Ғафур Ғулом.  
(Нашрга тайёрловчи А. Ҳайитметов). Т., Адабиёт ва санъат  
нашриёти, 1975. (С) 248 б.

Алишер Навоий «Хамса»си таркибидаги («Ҳайратул-аброр»дан бошқа) достон-  
лар кенг китобхонлар оммасига тушунарли бўлсин учун 1940 йилда насрий мазмуни  
билан эълон қилинган эди. «Фарҳод ва Ширин»нинг таъқидий матни ва насрий баё-  
ни академик шоиримиз Ғафур Ғулом томонидан тайёрланди ва 1940, 1956 йилларда  
шоир Ҳамид Олимжон сўз бошиси билан икки бор нашр этилди.

Ушбу нашрга ҳам Ғафур Ғулом тайёрлаган насрий баён асос қилиб олинди.

Навоий Алишер. Фарҳад и Ширин.

Уз1

70403-195

И 352009-75 96-75